

XXI АСР ЎЗБЕК
ДЕТЕКТИВИ

Дорихонадаги ҚОТИЛЛИК



Детектив
қисса

КОМИЛ
СИНДАРОВ

XXI АСР ЎЗБЕК
ДЕТЕКТИВИ

Дорихонадаги ҚОТИЛЛИК



Детектив
ҚИССА

КОМИЛ
СИНДАРОВ

Ўзбекистон Республикаси
ТДПУ
ахборот-ресурс
маркази


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
Тошкент
2020

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

С-58

Синдаров, Комил


Дорихонадаги қотиллик: детектив қисса / К. Синдаров.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – 288 б.

ISBN 978-9943-20-780-6

Комил Синдаров – ўқувчиларга дастлаб шоир сифатида танилган муаллифни бугун ўзбек китобхонлари яхшигина детектив устаси сифатида билишади. «Қимматга тушган хато», «Темурийлар кутубхонасининг сири» (ўзбек ва рус тилларида), «Амирликнинг олтин тахти изидан» китоблари ўтган йиллар мобайнида «Ўзбек детективи» рукнида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасида илиқ қарши олинган.

Мазкур янги китоб – «Дорихонадаги қотиллик» ҳам детектив жанрида бўлиб, ҳаётий ҳақиқатларни оқ ва қора рангларда яққол тасвирлайди. Синдаров қаҳрамонларини яхши ё ёмон, деб ажратмайди, ўқувчи мутолаа жараёнида фикрлайди, мулоҳаза қилади, атрофида содир бўлаётган воқеаларни жонли тасвирларда кўради ва ниҳояда, ўзи хулоса қилади.

Муаллифнинг касбий фаолиятда бевосита рўбарў бўлган жиноят тафсилотлари детектив ихлосмандлари учун ажойиб мавзу ва ёқимли мутолаа бўлишига ишонамиз.



ISBN 978-9943-20-780-6

© К.Синдаров, «Дорихонадаги қотиллик». «Янги аср авлоди»,
2020 йил.

Мазкур асаримни 34 ёшида хасталикка чалиниб, жиноий бепарволик қурбони бўлган гўзал синглим Зулҳумор ОЙДИН қизининг порлоқ хотирасига бағишлайман.

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Муҳтарам ўқувчи!

Навбатдаги – еттинчи детектив асаримни сизларнинг одилона ҳукмингизга ҳавола этаётганимдан мамнунман.

Бу асар ҳам муқаддам нашр этилган «Қимматга тушган хато ёки қасоскор қалб исёни» (2013), «Темурийлар кутубхонасининг сири» (2015), «Кечиккан қасос» (2017), «Амирликнинг олтин тахти изидан» (2018), «Тунги қотиллик» (2019), «Ўғирланган болалик» (2020) сингари детектив асарларимизнинг мантикий давоми ҳисобланади. Асарда прокуратура терговчиларининг дорихонада содир этилган қотиллик ишини очишдаги сермашаққат меҳнати, касбий маҳорати, қонун устуворлиги ва адолатни ўрнатиш йўлидаги фидокорлиги қаламга олинади.

«Ўғирланган болалик» каби бу асар ҳам, асосан, юртимизда коронавирус пандемияси муносабати билан эълон қилинган карантин кунлари ёзилди. Тиббиёт ходимлари томонидан катта матонат ва қаҳрамонлик намуналари кўрсатилаётган ушбу даврда шифокорлар ҳақида аччиқ сўз айтиш чиндан-да оғир. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бу фидойи касб эгалари орасида ҳам виждонсиз, ўз вазифасини суиистеъмол қилувчи, очкўз кимсаларнинг учраши кишини дилини хуфтон қилади. Ачинарлиси, нафс қутқусига учган бундай кишилар ўзинигина эмас, балки амали ва виждони эгнидаги оқ либоси сингари покдомон шифокорлар номига доғ тушираётир.

Ҳар қандай аср муаллифнинг сермашаққат меҳнати меваси саналади. Хотиралар китобини варақлаб, муносиб

мавзу топиш, уни хаёлда пишириш, оққа кўчириш, ёзиш-чи-зиш, ўчириш, яна қайта ишлаш, такрор-такрор ўқиб чиқиш, ўзгартишлар киритиш муаллифдан мустаҳкам сабот, истеъдодни талаб қилади. Қанчадан-қанча уйқусиз тунларни бошидан ўтказди. Юрганда ҳам, турганда ҳам, дам олганда ҳам асар воқеалари, қаҳрамонлар сиймоси кўз ўнгидан кетмайди. Ўзини худди улар билан бирга яшаётгандай, ишлаётгандай, муаммоларни биргаликда ҳал этаётгандай, қувончу андуҳларига шерикдай ҳис қилади. Ниҳоят, асар ёзиб битказилади. Энди муаллиф олдида иккинчи қадам – нашриёт топиш ва асарни чоп этиш билан боғлиқ ташкилий ва молиявий муаммолар кўндаланг бўлиб, муаллифни қийнай бошлайди. Негаки, масаланинг бир учи маблағга бориб тақалади. Тўғри, таниқли ёзувчи ёки шоир бўлсангиз, масала ўз-ўзидан ҳал бўлади. Аммо ҳали унча танилмаган ижодкорнинг асарини ҳеч бир ноширнинг чоп этаман деб кўзи учиб турмаслиги аниқ. Кейинги икки асаримизни ёзиб бўлгач, каминани ҳам шу муаммо қийнаб турганди. Хайриятки, масаланинг ечими кутилмаган жойдан чиқиб қолди. Бир куни мухлисларимиздан бири, ўзбек ва рус адабиётини севиб ўқийдиган фидойи инсон Убайдулла ака билан учрашиб қолдик. У киши менинг барча детектив асарларимни ўқиб чиққан, ҳар доим «Янгиси чиқдимми?» деб сўраб туради. Асар чоп этилиши билан ўзи келиб, китобни олиб кетар ва бир кун ичида ўқиб чиқиб, таассуротларини мен билан ўртоқлашар, қимматли фикрлар билдирарди. Бу сафар ҳам у киши «Тунги қотиллик» номли асаримни ўқиб чиққач, жуда таъсирланганини айтиб, ажойиб асар учун миннатдорлик билдирди. Узоқ суҳбатлашдик. Хайрлашиш олди-дан: «Сиз ёзувчисиз, янги-янги китоблар ёзишингиз лозим. Китоб чоп этиш нималигини мен яхши биламан. Сизни молиявий масалалар ташвишга солмаслиги, ижоддан чалғитмаслиги керак. У масалаларни бизга қўйиб беринг», деди.

Таклиф менга қанчалик ёқмасин, муаммо йўқлигини айтиб, камтарлик қилишга уриндим. Убайдилла ака мендан нашриётнинг манзилини сўраб олганди. Бир неча кундан сўнг ношир менга кўнғироқ қилиб, китобни босиш ишлари

бошлаб юборгани, кейинги икки китоб учун хомийлик ёрдами келиб тушганини билдирди. Суюниб кетдим. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Убайдулла ака каби сахий, зиёли, китобсевар инсонларнинг борлигига шукроналар айтдим. Аллохдан уларга тани-сиҳатлик, тадбиркорлик юмушларига баракотлар сўрадим.

Таъкидлашим жоизки, ҳар бир асаримни нашр этишдан олдин қўлёзмани соҳа мутахассисларидан тортиб, оддий мухлисларимгача ўқишга бериб, уларнинг қимматли маслаҳатларини олишга ҳаракат қиламан. Улар томонидан билдирилган жўяли таклифларни бажонидил қабул қилиб, асарни сайқаллашга уринаман. Бу гал ҳам асарни ёзишда ўзининг маслаҳатлари, таклиф ва тавсияларини аямаган прокуратура фахрийси, навоийлик ҳамкасбимиз Мамасали Исомиддиновга, узоқ йиллар терговчи, судья сифатида фаолият юритган, юридик фанлари номзоди Беҳзод Мўминовга, мухлисларимиз – Божхона институтининг иқтидорли талабаси Гулидахон Олимжонова, ЎзННТМА кенгаши бош мутахассиси Зухра Абдуллаева ҳамда биология фанлар доктори, академик Бакриддин Зариповларга ўз ташаккуримни изҳор қилишни жоиз билдим.

Асарларим юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазаларингизни электрон манзилим(sindarov60@gmail.com) ҳамда фейсбукдаги саҳифам([komilsindarov](https://www.facebook.com/komilsindarov))га юборишингизни сўраб қоламан. Шояд сизлар билдирган таклиф ва тавсиялар кейинги асарларимни янада такомилга етказишда қўл келади. Эҳтиром ила

Комил СИНДАРОВ,
юридик фанлари доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Санжарбек Тоҳир Ғафуровичнинг олдидан чиқиб, туғри туман прокуратурасига қараб йўл олди. Унинг кайфияти аъло эди. Бунга сабаб биринчидан, Чиноздаги серияли ваҳшиёна қотилликни фош этгани учун раҳбариятнинг ташаккурномасига сазовор бўлгани бўлса, иккинчидан, навбатдаги хизмат сафарининг пойтахтда эканлиги билан боғлиқ эди. Туғри-да, йил бўйи вилоятма-вилоят мусофирчиликда «ит ётиш, мирза туриш» қилиб юрган киши учун оиласи, фарзандлари олдидан бўлиш, уларни бағрига босиб эркалаш, ишдан толиққан пайтлари «Ўз уйинг – ўлан тўшагинг»да ҳаловатда ором олиб, беканг тайёрлаган мазали таомларни тановул қилиш, суҳбатларидан баҳраманд бўлишдан улуғ бахт борми? Одам ҳеч қаерда, ҳатто олтин қасрда ҳам оиласи бағридагидек бахтиёр бўла олмас экан...

Шуларни хаёлидан ўтказган терговчи қўнғироқ қилиб, аёлини хушхабардан воқиф қилишга шошилди:

– Ассалому алайкум! Хоним, яхшимисиз?

– Ассалому алайкум, Санжар ака, ўзингиздан сўрасак?

– Табриклашингиз мумкин, бугундан биз яна хизмат сафарига жўнайдиган бўлдик...

– Аҳа-а, шунинг учун тўраамизнинг кайфиятлари аъло экан-да! Кейинги пайтларда хизмат сафарини сўраб оладиган бўлиб қолдилар чоғи? Иш баҳона – дийдор ғанимат... Ўша ёқлардан битта-яримтасини топиб олдиларми, деб қўқиб қолдик. Бу сафар йўл бўлсин?

– Бу сафар анча олисга...

– Қорақалпоққами? Унда ойлаб... – Мафтунанинг кайфияти бузилаётгани овозидан сезилиб турарди.

– Йўқ, бу сафар Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманига!

– Вой, бунча яхши! – қичқириб юборди аёл. – Хайрият-эй! Болаларингиз ҳам шу хизмат сафарларидан юрак олдириб қўйишган... Ахир, соғинишади-да!

– Ўзлари-чи? Ўзлари соғинмайдиларми?

– Қўйинг-э... қачон қайтасиз... кечга палов дамламоқчи эдим...

– Бўлди, эртароқ қайтишга ҳаракат қиламан. Аммо, х-о-н-и-м, саволимга жавоб бермадингиз, ўйлаб туринг, кечда яна сўрайман...

Йигит оиласи даврасида ўтадиган кунларни ўйлаб, чуқур энтикиб қўйди. Мафтунанинг чўчиб кетганича бор. У ойлаб хизмат сафарида юради... Болалар ҳам безиллаб қолишган, ота меҳрига зор бўлиб улғаймоқда. Оиланинг юки хотинининг гарданида. Иш, иш деб ота сифатида болалар тарбияси билан ҳам шуғулланолмаяпти. Яхшиямки, хотини оқила аёл, ҳаммасини бир ўзи эплайди. Оиласидан кўнгли тўққи, бемалол хизмат сафарларига бориб келяпти...

Шундай хаёллар билан туман прокуратурасига етиб келганини ҳам сезмай қолган Санжарбек тўғри иккинчи қаватга – прокурор қабулхонасига кўтарилди. Ёшгина, чаққонгина котиб йигит меҳмонни таниди, шекилли, кимлигини сўраб ўтирмасдан раҳбарнинг олдига бошлаб кирди.

– Э, Санжар ака, яхши етиб келдингизми? – ёши элликлардан ошган, тўлачадан келган полковник либосидаги туман прокурори худди эски қадрдонлардай меҳмон билан кучоқлашиб кўришди. – Бой бўларкансиз, ҳозиргина сизни ўйлаб тургандим.

– Ассалому алайкум, Азамат Жўраевич! – Санжарбек ўзидан ёши улуғ одамнинг «ака» деб мурожаат қилиб, ортиқча мулозамат кўрсатганидан ҳижолат бўлса-да, салимий саломлашишидан енгил тортди.

– Муқаддам учрашмаган, шахсан таниш бўлмаган бўлсак-да, сиз ҳақингизда кўп яхши гапларни эшитганмиз, – прокурор меҳмонга жой кўрсатиб, ўзи унинг қаршисидаги

стулга ўтирди. – Яқинда Чиноздаги мудҳиш серияли қотилликни қандай фош қилганлигингизни эшитдим, тасанно! Қойил қолдим! Терговчи шунақа бўлса-да! Жиноятни моҳирлик билан очиб ташласа! Фақат жиноят қидирув бўлимига ияк осиб олган терговчини терговчи, деб бўладими?

– Бир омадимиз чошиб, ўхшаб қолди-да! – камтарлик қилди Санжарбек.

– Тўғри, омад ҳам керак, аммо терговчи кенг фикрлайдиган, мантиқий хулосалар чиқароладиган, ҳар бир жараёнга синчковлик билан ёндашадиган, асосийси, ўз касбига фидойи бўлмоғи керак. Бу сифатларсиз ҳозирги замон жиноятчиларини тиз чўктириб бўлмайди. Бир пайтлар жиноятчилар ҳам қандайдир омироқ, соддароқ бўларди. Биз терговчилар уларни «дарахт шохи»дан қидириб топардик... Ҳозирги жиноятчиларни «дарахт барги»дан ҳам топиш амримаҳол бўлиб қолди.

– Ҳа, жиноятчилар йилдан йилга пухталашиб, маккорлашиб бормоқда, – прокурорнинг гапини маъқуллади Санжарбек. – Бу эса ҳар бир терговчидан касбий маҳоратни тинимсиз ошириб боришни талаб қилади. Ахир, жиноятчилар ўз устида «ишляпти», эскича усул, эскича дунёқараш билан уларни фош этиш қийин.

– Мана қаранг, биз ҳозир бир қарашда оддий, аммо чуқурроқ эътибор қаратилганда ўта мураккаб қотиллик жиноятига тўқнаш келиб турибмиз, – прокурор гапни айлантира-айлантира муддаога яқинлашди. – Бундан ўн кун муқаддам нейрохирургия институти ёнидаги «Кумушбиби» номли дорихона эгаси Лукмон Шарипов ўлдириб кетилган. Воқеа кеч соат саккизлар атрофида дорихонада содир бўлган. Гумондор сифатида Лукмоннинг синфдоши Самиғ Сайфиев исмли шахс ушланган. Бироқ у «Ўламан Саттор, Лукмонни мен ўлдирганим йўқ», дея оёқ тираб турибди. Қамоққа олишга санкция беришда уни ўзим ҳам сўроқ қилдим, бўйнига олмади. Ўзимда ҳам қандайдир иккиланиш бўлди. Терговчимиз ҳали хомроқ. Шунга Тоҳир Ғафуровичдан ёрдам сўрашга мажбур бўлдим.

– Самиғни гумондор сифатида ушлашга нима асос бўлганди? – қизиқсинди Санжарбек.

– Асослар-ку етарли, – прокурор қотиллик тафсилотларини очиқлашга ўтди. – Биринчи август куни Луқмоннинг ўғли Дониёр ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга имтиҳон топширган. Ота ўғлини қўллаб-қувватлаш учун кун бўйи у билан бирга бўлган. Имтиҳон тугагандан сўнг ота-бола соат ўн бешларда дорихонага қайтган. Бироздан сўнг ота ўғлига жавоб бериб, ўзи ишхонада қолган. Кеч соат тўққизлардан ўтгач, уйдагилар хавотир олиб, Луқмонни қидиришга тушган. Эри телефон қўнғироқларига жавоб бермаётганидан ташвишланган хотин ўғлини дорихонага юборган. Кеч соат тўққиз яримларда Дониёр дорихонанинг лабораториясидан отасининг кўкрагига пичоқ санчилган ҳолдаги мурдасини топган. Бахтга қарши ўша куни дорихонага ўрнатилган видеокузатув хотираси юлиб олинган экан. Шу сабабли дорихона ёнидаги озиқ-овқат дўкони пештоқидаги видеокузатув хотираси текшириб кўрилди. Жабрланувчининг ўғли Дониёр тасвирда кўринган одамлар орасидан фақат биттаси, яъни дадасининг синфдош ўртоғи – Самиғни таниди. Бошида гумондор ўша куни дорихонага, дўсти Луқмоннинг олдига келганини рад этди. Шу орада экспертлар воқеа жойи – дорихона лабораторияси эшигидан олинган бармоқ изларидан бири Самиғга тегишли эканини аниқлади. Фақат шундан кейингина у ўша куни синфдошининг олдига борганини тан олди. Самиғнинг айтишича, у дорихонага кирганда сотув залида ҳеч ким бўлмаган. Чиқиб қолар, деган ўйда бироз кутган. Шу орада дорихонага бир неча харидор кириб, сотувчини тополмай чиқиб кетишган. Сўнг балки дори тайёрлаётгандир, деган хаёлда лабораторияга ўтган ва кўксига пичоқ санчилган Луқмонни кўрган. Кўрқиб кетганидан нима қилишини билмай эсанкираб қолган, югуриб бориб, ўртоғининг кўксидан пичоқни суғуриб олмоқчи бўлган. Лекин пичоқда бармоқ излари қолса, боши балога кири-

шини ўйлаб, орқага чекинган ва жон ҳолатда дорихонадан чиқиб кетган.

– Самиғнинг қотиллик қилишига, устига-устак ўз синфдошини ўлдиришига сабаб борми? Жиноятнинг мотиви нима?

– Асос бор, – деди прокурор меҳмонга чой узата туриб. – Маълум бўлишича, Самиғ ўтган йили ёзда ўғлини ўқишга киритиш учун синфдошига 25 минг АҚШ доллари берган экан. Лекин бола ўқишга киролмаган. Луқмон қўшимча ўрин – «супер контракт»га ўтказиб бераман, деган баҳонада беш-олти ой пулини қайтариб бермасдан ўртоғини сарсон қилган. Сўнгги пайтда ўқишдан тамомила умидини узган Самиғ Луқмондан пулини қайтаришни талаб қила бошлаган. Ўртада нифоқ кучайган. Воқеадан икки кун олдин синфдошлар қаттиқ «сан-ман»га боришган. Самиғ пулини ололмаса, ўғли бу йил ҳам ўқишдан қолиб кетишини айтиб, роса хуноби ошган ва икки кун ичида пулни қайтармаса, ёмон бўлиши, керак бўлса, тегишли жойга ёзиб беришини айтиб жиддий таҳдид қилган.

– Бармоқ изи топилган. Кўрсатмаларини бир неча марта ўзгартириб, терговни чалғитишга уринган. Қотилликка асос ҳам бор экан, – хулосалашга ошиқди Санжарбек. – Унда сизнинг шубҳангизга нима сабаб?

– Тўғрисини айтайми?

– Албатта!

– Самиғ одам ўлдирадиган йигитга ўхшамаяпти-да!

– Одамнинг оласи ичида! Балки яхшигина артистдир, – Санжарбек тилида эътироз билдираётган бўлса-да, дилида «олдин қамоққа олиб, кейин исботлаш» йўлига ўтиб олган ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ инсон тақдирига бефарқ бўлмаган бу прокурорга хайрихоҳ эди.

– Бўлиши мумкин, – деди прокурор босиқлик билан, – шу сабабли бизга сизнинг ёрдамингиз зарур бўлади. Гап инсон тақдири хусусида кетар экан, адашмайлик дейман-да! Бир бегуноҳ кишини қамаб юборгандан шу жиноят ўлгурнинг очилмай қолгани маъқул эмасми?

– Устозим Фахриддин Каримовичнинг ҳам шиори шунақа эди, қарашларингиз бир хил экан, – Санжарбек таниш ибораларни эшитиб, беихтиёр устозини эслади.

– Фахриддин Каримовични яхши танийман. Афсус, бошига ташвиш тушиб қолибди. Суди бўлдими?

– Ҳа, ўн бир йил беришди!

– Ўн бир йил! Вой, ноинсофлар-эй! Ҳалол, инсофли ходимларимизнинг жувонмарг бўлиб кетаётгани алам қилади! Яхшига кун йўқ экан-да! Майли, мушкулини Яратганнинг ўзи осон қилсин!

– Айтганингиз келсин!

Беш-олти дақиқалик суҳбат, дунёқарашлар муштараклиги ҳамкасбларни қалбан яқинлаштиргандай бўлди.

– Санжаржон, – деди прокурор меҳрибонлик билан, – сиз жиноят иши билан батафсил танишиб чиқинг, суҳбатни кейин давом эттирамиз. Нима ёрдам лозим бўлса, айтаверасиз, ҳаммамиз сизга ёрдамчимиз!

– Раҳмат, Азамат ака! Ёрдамим тегса, хурсанд бўлардим.

Прокурор ички телефондан хонасига кимнидир чақирди. Зум ўтмай узун бўйли, қотмадан келган ёшгина йигит икки жилдлик жиноят ишини кўтариб, кириб келди.

– Санжарбек, бу йигит терговчимиз Умид Хўжаев, – таништиришга тушди прокурор, – ўтган йили бизга стажёр бўлиб ишга келганди, яқинда терговчиликка ўтказдик. Ёш бўлса-да, тиришқоқ, фаҳми-фаросатли йигит. Ёпишган жойини қўйиб юбормайдиганлар хилидан!

– Танишганимдан хурсандман, Санжар Раҳмонов, – меҳмон ўрнидан туриб, ҳамкасби билан қўл бериб кўришди.

– Санжарбек Бош прокуратурадан, – деди прокурор «ўтиринглар» ишорасини қилиб, – моҳир терговчи, қанчадан-қанча қотилликларни фош қилган. Бизга ёрдамга келдилар. Бунақа инсонларни туя сўйиб ҳам чақириб бўлмайди. Хизмат юзасидан бирга ишлаш насиб қилган экан, Умиджон, бу кишидан фойдаланиб қолишимиз лозим.

– Худо хоҳласа, ҳамжиҳатликда ишлаймиз, – деди Санжарбек хижолатомуз, – бир-биримиздан ўрганадиган томонларимиз кўп.

– Меҳмонга хонасини кўрсатинг, ишлаш учун шароит қилиб беринг, гуруҳ аъзоларини йиғиб, янги раҳбарни таништиринг, – деди прокурор Умиджонга қарата. Сўнг Санжарбекка юзланди: – Сизларга омад! Муаммо бўлса, менга бемалол мурожаат қилаверасиз.

Санжарбек ўзи учун ажратилган хонада ишни ҳужжатлари билан танишишдан бошлади. Кўп сонли гувоҳлар, гумонланувчи, айбланувчининг кўрсатмалари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, экспертиза хулосалари ва бошқа ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиб чиқди, керакли жойларига алоҳида белгилар қўйди, ёндафтарига қайдлар қилди, саволлар қўйди, чизди, ўчирди...

Кечга яқин тергов гуруҳи аъзоларини тўплади. Қисқа муддатли танишувдан сўнг Умиджон ишнинг умумий ҳолати, тергов-тезкор тадбирларининг бориши ҳақида батафсил ахборот берди. Санжарбек иш тафсилотларига ойдинлик киритиш мақсадида гуруҳ аъзоларини мунозарага чорлади.

– Бир қарашда қотил аниқдек, жиноят ишини якунлаб, судга ошириш мумкиндек туюлмоқда. Хўш, Маъмур ака, сиз нима деб ўйлайсиз? – Санжарбек гуруҳ аъзоси – туман ички ишлар бўлими катта терговчисига юзланди.

– Самиғнинг қайсарлик қилиб, қотилликни бўйнига олмай турганини ҳисобга олмаганда, ҳамма нарса тушунарли, – ўрнидан туриб, фикрини баён қилишга тушди катта терговчи. – Унинг лабораторияга киргани аниқ, ўлдиришга сабаб ҳам бор, далил ҳам етарли. Бўйнига олмай тургани жазодан қочишга уринишдан бошқа нарса эмас. Негаки, у бошдан оёқ ўзини носамимий тутди, терговни чалғитиб, ўзига гард юқтирмасликка, ёлғон гапиришга уринди. Дастлабки кўрсатмаларида ўша машъум кунда дорихонага бормаганини айтиб келди. Видеокузатув камерасида тасвири чиққандан кейин кўрсатмасини ўзгартириб: «Дорихонага киргандим, лекин Луқмон иш жойида йўқ экан, учратмасдан қайтиб кетдим», дейишга ўтди. Лаборатория эшигининг ички тутқичидан бармоқ

излари топилгандан сўнг кўрсатмасини учинчи бор ўзгартириб, дорихона лабораториясида Лукмонни кўксига пичоқ санчилган ҳолда кўргани, кўрқиб кетиб, воқеа жойидан қочиб қолганини тўтидай сайрашга тушган... Шундай ҳолатда унинг сўзлари самимийлигига ишониб бўладими? Бу маккорга қўйиб берса, мабодо, Лукмонга санчилган пичоқда бармоқ изи топилган тақдирда ҳам сиртига сув юқтирмасдан «Тўғри, уни қутқариш учун куrolга қўл текизгандим», дейишдан ҳам тап тортмайди.

– Ҳўш, қотил Самиғ деб фараз қилайлик, – Санжарбек масалага бошқа томондан ёндашмоқчи бўлди, – сизнингча, воқеа аслида қандай юз берган?

– Лукмоннинг ёлғонлари, фирибгарлиги сабаб ўғлининг ўқишга кирмай қолгани, бир йил умри бекорга ўтгани, устига-устак ўртоғининг пулни қайтармай сарсон қилиб юргани Самиғга қаттиқ алам қилган. Бу йилги олий ўқув юртларига қабул мавсуми ўтиб бораётгани, ўғлининг институтга кириш масаласи яна хавф остида қолаётгани уни янада ғазаблантирган. Пичоқ бориб суякка қадалган. Воқеадан икки кун олдин синфдошлар «ёқама-ёқа» бўлишган. Самиғ оқибати ёмон бўлишини айтиб, дўстини огоҳлантирган. Ҳатто, пулни қайтармаса, «орган»га ариза билан мурожаат қилишини айтиб, пўписа қилган. Орадан икки кун ўтиб яна келган. Лукмон эса бу сафар ҳам турли баҳоналар билан дўстига пулини қайтаришни истамаган. Мол аччиғи – жон аччиғи... Балки Лукмон олган пулига мункир келгандир. Балки «Пулни бермайман, бор, қаерга борсанг боравер», деб Самиғни жонидан тўйдиргандир. Бундай пайтда жаҳл устида дўстининг кўксига пичоқ санчилганини ўзи ҳам сезмай қолиши табиий...

– Пичоқнинг қаердан келиб қолгани аниқланганми?

– Менимча, Самиғ пичоқни ўзи билан олиб келган, – гапга аралашди гуруҳнинг яна бир аъзоси – тезкор вакил Мухтор Азизович. – Негаки, жабрланувчининг яқинлари дорихонада бунақа пичоқ бўлмаганини айтишган. Пичоқ Самиғнинг хотини ва болаларига ҳам таниб олиш учун тақдим этилди. Улар пичоқни муқаддам кўришмаган.

– Пичоқда бармоқ излари топилмаган, ДНК натижалари қандай бўлган?

– Воқеа жойида, жумладан, пичоқда биологик излар – қон, сўлак, маний доғлари ва биологик материаллар, соч толалари топилмагани сабабли ДНК таҳлили ўтказишнинг имконияти бўлмаган.

– Дорихонадан бирор нарса йўқолганми?

– Йўқ, ҳамма нарса жойида. Ҳеч нарсага қўл урилмаган, фақат Луқмонга тегишли телефонлар йўқолган. Айтишларича, Луқмон иккита сим-карта ишлатган. Биринчисини аниқладик: ўз номига олган экан. Ундаги маълумотларни алоқа компанияси ёрдамида тиклаш чораларини кўрдик. Аммо иккинчиси кимнинг номига расмийлаштирилгани номаълум бўлгани сабабли ҳеч нарса қилишнинг имкони бўлмади.

– Ўғли ҳам, хотини ҳам иккинчи телефон рақамини билмас эканми?

– Билмас экан. Неча нафар одамни сўроқ қилган бўлсак, барида биринчи телефон рақами қайд қилинган. Луқмон яқинлари билан, асосан, биринчи телефон рақами орқали гаплашган. Иккинчи рақамидан кимлар билан, нима мақсадда гаплашганини аниқлаб бўлмади. Менимча, Луқмон қотил билан иккинчи телефонда гаплашиб юрган.

– Иккинчи телефон рақамини қачон олган экан? – сўради Санжарбек.

– Ўғлининг айтишича, олти ойлар олдин отасининг қўлида шу кичкина телефонни кўрган.

– Самиғ ўғлини ўқишга киритиш учун Луқмонга 25 минг АҚШ доллари бергани аниқми? Исботи борми? – навбатдаги саволга ўтди гуруҳ раҳбари.

– Самиғдан ташқари, унинг хотини ва ўғли ҳам тасдиқлаб турибди, – асослашга уринди Маъмур. – Луқмоннинг хотини, фарзандлари бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Бундан ташқари, синфдошларнинг телефонларидаги бир қанча «sms» хабарларида пулни қачон қайтариш масаласида ёзишмалар сақланиб қолган.

– Экспертиза хулосасига кўра, пичоқ Луқмоннинг кўк-сига чап қўлда санчилгани эҳтимол қилинган. Нима, Самиғ чапақайми?

– Йўқ, – деди Маъмур ўнг қўлини кўрсатиб. – Биз ҳам шу ҳақда анча бош қотирдик. Экспертиза катта эҳтимол-лик билан иш чап қўлда бажарилган бўлиши мумкин, деган хулоса берган. Демак, экспертлар пичоқнинг ўнг қўлда санчилганини ҳам тўла инкор этишмаган.

– Иш ҳужжатларидан кўринишича, – Санжарбек шундай дея ёндафтарига кўз югуртириб давом этди, – пичоқ санчилган пайтда Луқмон лаборатория тўридаги креслода ўтирган. Бундан икки хулосага келиш мумкин: биринчидан, қотил жабрланувчига тўсатдан, кутилмаган пайтда ташланган ёки иккинчидан, қотил Луқмонга таниш бўлган ёки дорихонага муқаддам кириб-чиқиб юрган...

– Шу нуқтаи назардан қараганда Самиғ ҳар томонлама мос тушади, – тортиниbroқ гап кўшди Умид. – Бир йилдан буён пулини ололмай юргани алам қилиб турган пайтда Луқмоннинг пулни бермаслик мақсадида тўқиган яна бир чўпчаги ёки сурбетларча қилган муомаласи Самиғни қуюшқондан чиқариб юборган, йигит жаҳлини жиловлай олмай қолган ва ҳар эҳтимолга қарши таҳдид қилиш учун ўзи билан олиб борган пичоқни қўлга олишга мажбур бўлган. Бундан ташқари, у дорихонага бемалол кириб-чиққан, объектни, ундаги видеокузатув камералар жойлашувини беш қўлдай билган.

– Қотил дорихонадан ҳеч нарса олмаган, – Санжарбек иш тафсилотларини таҳлил қилишда давом этди, – демак, жиноятнинг босқинчилик, талончилик мақсадида содир этилгани истисно қилинади, шундайми?

– Шундай, шундай, – маъқуллади Маъмур. – Қотил бирор нарсага қўл теккизмаган. Дори-дармонлар, пул, сейф – ҳаммаси жой-жойида. Телефонларни олгани эса терговни чалғитишга уринишдан бошқа нарса эмас!

– Дорихонадаги видеокузатув камера қачон ўчирилган? Камера объективига тушиб қолган сўнгги мижоз ҳеч нарса сезмаганми? – гуруҳ раҳбари Маъмурга юзланди.

– Видеоёзуви соат ўн тўққиздан олти дақиқа ўтганда тўхтаб қолган, – изоҳ берди катта терговчи. – Объективга тушган охирги харидор билан гаплашдик. У дорихонага ўн саккиздан қирқ уч дақиқа ўтганда кириб келган ва керакли дори-дармонларни олиб, ўн тўққиздан қирқ тўққизта ўтганда чиқиб кетган. У сотувчининг юз-қўзи, хатти-ҳаракатида ҳеч қандай нотабийликни, ташвиш ёки ҳаяжонланиш аломатларини сезмаган. Шундан кейин қарийб ўн етти дақиқа дорихонага ҳеч ким кирмаган. Негаки, асосий мижозлар нейрохирургия институти даъволанувчилари ҳисобланиб, кечки пайт шифокорлар кетгандан сўнг ҳеч ким дори излаб чиқмай қўяркан.

– Видеокузатув тасвири таҳлили бирор нарса берадими?

– Видеокузатув камера хотираси унча катта эмас, – қўшимча қилди Маъмур. – Фақат ўн беш кунлик тасвирларни сақлаб қоларкан. Бошдан-оёқ кўриб чиқдик. Шу даврда Самиғ икки марта синфдошининг олдига келган. Лекин уларнинг ҳаракатларида бирор-бир шубҳали ҳолат кузатилмади. Ўша куни дорихонага кирган мижозлар ҳам сўраб-суриштирилди, аммо улардан бирор маълумот олишнинг имкони бўлмади.

– Мухторжон, – деди Санжарбек изқуварга юзланиб мулойим оҳангда, – сиз дорихонага ўн беш кун давомида кириб-чиққан мижозларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўрсангиз.

– Майли-куя, лекин барча мижозларнинг шахсини аниқлаш имкони бўлармикан? – журъатсизроқ эътироз қилди изқувар. – Кейин... улар бизга нима бериши мумкин? Қотил қўлга олинган бўлса...

– Нитижа чиқмаслигининг ўзи ҳам натижа, – «шоҳ сатри»ни такрорлади Санжарбек. Изқуварнинг анқайиб турганини кўриб, изоҳ берди: – Айтганингиздек, улар бизга ҳеч нарса бермаслиги ҳам мумкин. Аммо терговнинг тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади.

– Ўн беш кунда дорихонага анчагина одам кириб, чиққан. Айримларини таниб олишнинг имкони йўқ.

– Ҳаммасининг шахсини аниқлаш имкони бўлмаса, имкон қадар аниқланг!

– Тушунарли!

– Демак, гуруҳ аъзоларининг барчаси қотилликни Самиғ содир қилган, деб ҳисоблайди, шундайми? – хулоса қилди Санжарбек.

– Шундай, шундай... – собиқ гуруҳ раҳбари сифатида ҳамманинг ўрнига жавоб қилди Умид.

– Унда жиноят ишини якунлаб, судга оширишга сизларга нима халал берди? – деди Санжарбек кулимсираб.

– Прокурор айбланувчи билан гаплашгандан кейин... сал иккиланиб... – каловланди Умид, – бундан ташқари, Самиғнинг айбини бўйнига олмай, оёқ тираб турганлиги...

– Аслида, шубҳа-гумонга сира ўрин йўқ, – ишонч билан гап қўшди Маъмур. – Самиғ ҳақиқий шақал! Тергов давомида бир неча марта кўрсатмасини ўзгартирган ёлғончининг гапига ишониб бўладими? Бунақалар жазодан қутулиб қолиш учун ўзини ҳар қўйга солишдан тап тортмайди. Шунинг учун унинг айбини тан олмагани ҳеч нарсани англатмайди. Ишни бемалол судга оширавериш лозим.

– Майли, ҳозирча ҳар ким ўз фикрида қола турсин, – Санжарбек мунозарага нуқта қўймоқчи бўлди, – менга бир кун вақт берасизлар. Иш тафсилотлари билан яқиндан танишиб чиқай, Самиғ билан гаплашиб кўрай, кейин баҳсни давом эттирсак бўлади. Умиджон, Маъмур ака, сизлардан илтимос, менга Самиғнинг шахси, оиласи, яқинлари тўғрисида батафсил маълумот қилиб берсангиз.

Гуруҳ аъзолари янги раҳбарнинг биринчи «мажлиси»дан кўнгиллари тўлмай, тарқалишди.

Санжарбек айбланувчини сўроқ қилишга обдан тайёрланди. Самиғ тарбия топган муҳит – ота-онаси, оиласи, ёшлиги, меҳнат фаолияти, қизиқишлари, яқинлари, алоқалари ҳақидаги маълумотларни кўнт билан ўрганиб чиқди. Терговчи бўлажак «суҳбат»да жиноятчилдан беш-олти қа-

дам олдинда бўлиш, унинг кўнглига йўл топиш, дил қулни очиб юбориш осон иш эмаслигини яхши биларди. Унга устози Фахриддин Каримовичдан ўтган бу иш услуби доимо қўл келиб, энг ўжар, оғзи маҳкам жиноятчилар билан «дўстлашиш», «сирлашиш» имконини берарди. Шу сабабли у терговчининг энг катта хатоси муҳим гувоҳ ёки гумондор ёхуд айбланувчини сўроқ қилишга ҳеч қандай тайёргарликсиз киришишида, деб ҳисобларди. Устозини ёдга олиши билан Санжарбекнинг кўнгли алланечук беҳузур бўлди: бечора, нима қилаётган бўлса! Бекободдаги қамоқхонага ўтказишганларига ҳам бир ойча бўлди. Тутқинликка ўрганиб қолдимикан? Ёки тушқунликка тушиб, ўзини олдириб қўйдимикан? Йўқ, йўқ, у иродали инсон! Ҳар қандай шароитга кўника олади, курашдан чарчамайди, умидсизликка берилмайди. Шу кунларда Назира янга устозни кўришга Бекободга бормоқчи эди, бордимикан? Ишқилиб, яхши хабарлар олиб келсин-да!

Шу пайт Санжарбекнинг қўл телефони жиринглаб қолди. Бўрини йўқласанг қулоғи кўринади, деганларидек Назира кўнғироқ қилаётганди:

– Ассалому алайкум, янгажон! – Санжарбек ташаббусни қўлга олди. – Бой бўларкансиз, ҳозиргина сизларни эслаб тургандим.

– Санжаржон, яхшимисиз? Келин, болажонлар омонми?

– Раҳмат, янгажон! Ўзингиз яхшимисиз? Давронбек, Достонбеклар қалай?

– Аллоҳга шукур! Ҳаммамиз яхшимиз, – Назиранинг овози қандайдир мунгли эшитилди. – Кеча акангизнинг ёнига... бориб келгандим...

Санжарбекнинг юраги «шиғ» этиб, қинидан чиқиб кетай деди. Бир зумда кўнглидан бир дунё нохуш хаёллар ўтди: устоз омонмиканлар? Ё бетоб бўлиб қолдимикан? Ёки...

– Тани-жони соғ экан, кайфияти ҳам ёмон эмас... Тўқишни ўрганибди... Давронжонга ўз қўллари билан жемпер тўқибди, – аёлнинг ўқиб-ўқиб йиғлаётгани сезилиб турарди.

– Э-э шунақами? – Санжарбекнинг юраги тўлиб, томоғига тош қадалгандай бўлди, ўзини тутишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин кўзларида ёш қалқиди. – Бунни қаранг-га, вой соддагина устозим-эй! Вой тинчимаган одамлар-эй! Иқтидорли киши ҳар нарсада иқтидорли, деганлари рост экан-да!

– Роса хўрлигим келди! Шундай одам...

– Янгажон, тўғри, эшитган қулоққа эриш туюлади... Аслида, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Нима биландир банд экан, демак, тушкунликка тушмаган, ҳаётга қизиқиши сўнмаган, бошга тушган ташвишни енгиласан ҳаракат қилипти, курашяпти... Аксинча, Худо кўрсатмасин, ҳамма нарсадан совиб, яшашдан беғириб ўтирсан, нима қилардик!

– Тўғри-куя, лекин одамга алам қиларкан, – Назиранинг қалби сал ёришгандай бўлди. – Қайси қилган гуноҳлари учун шунақа аҳволга тушиб қолганига ҳайронман... Сизга кўпдан-кўп салом айтдилар.

– Саломат бўлсинлар, – Санжарбекнинг тағин ўпкаси тўлди, – устозни роса соғиниб кетдим... Насиб қилса, кейинги ҳафтада ёнларига ўтиб келишни режалаштириб турибман.

– Йўқ, йўқ, ҳозирча келмай турсин, дедилар. Сизга гап тегиб қолишидан хавотирдалар...

– Эй, шу ишиниям... гап тегса-тегар! Майли, янгажон, сиз ташвиш чекманг, бир амалларман...

– Укажон, эҳтиёт бўлинг-да! Йўқ жойдан тағин бошингиз балога қолиб ўтирмасин, дейман.

– Ўзларингиз яхши ўтирибсизларми? – Санжарбек гапни бошқа ёққа бурди. – Иш билан овора бўлиб, сизлардан ҳам хабар ололмай қолдим...

– Биз яхшимиз, хижолат чекманг, амаллаб турибмиз.

– Янгажон, зарурат бўлса, тортинмай кўнғироқ қилаверинг.

Санжарбек аёл билан илиқ хайр-хўшлашиб, жойида ўтирганча ўйланиб қолди... У ҳамон аёлнинг гапларини ҳазм қилолмай қийналарди. Бунни қаранг-а, Фахриддин

Каримович ўз қўллари билан жемпер тўқиганмиш... Эсиз! Шундай одам-а! Қанчадан-қанча мураккаб жиноятларни фош этган, оддий терговчиликдан вилоят прокуратураси раҳбари даражасигача кўтарилган инсон бугун шу кўйга тушиб ўтирса-я! Бу Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфлашдай беъманилик эмасми? Ишонгинг келмайди... Бир тарафдан ўзига машғулот топиб, нима биландир андарман бўлгани ҳам маъқул. Тушкунлик ботқоғига ботиб қолишдан Яратганнинг ўзи асрасин!

Эшик тақиллаб, милиция ходимлари хонага қорачадан келган, бўйдор, сочларига қисман оқ оралаган, қирқ ёшлардаги бадқавоқ кишини олиб кирдилар ва қўлидаги «кишан»ни ечиб, чиқиб кетдилар. Қисқа муддатли танишувдан сўнг Санжарбек мулойимлик билан гап бошлади:

– Самиғ ака, соғлиғингиз яхшими? Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

«Айбланувчи» бунақа муомалани кутмаган, шекилли, бир муддат нима дейишини билмай анқайиб қолди. Сўнг ундан иқрорлик хатини олиш учун қилинаётган навбатдаги найранг бўлса керак, деган ўйга бориб, қовоғини очмасдан тўнғиллади:

– Раҳмат, ўтирибмиз Худо деб. Ҳар кимга инсофни Аллоҳнинг ўзи берсин!

– Фарзандлардан нечта? – терговчи атайлаб «рақиб»-ни нозик жойидан тутишга уринди.

– Раббимга шукур, икки қиз, икки ўғлимиз бор, – кутилгандек Самиғнинг чехраси сал ёришгандай бўлди.

– Ўғилларингизнинг ёшлари нечада? – терговчи худди ҳеч нарса билмайдигандай савол беришда давом этди.

– Каттаси Омонжон йигирмага чиқди, кичкинаси Валижон саккизинчи синфда ўқийди, яқинда ўн тўртга тўлди.

– Ота-онангиз, ака-укаларингиз борми?

– Тўрт укам, икки синглим бор. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Мен оилада тўнғич фарзанд эдим, – терговчининг берилиб тинглаб туриши Самиғни руҳлантириб юборди. – Ўн тўрт ёшга кирганимда отамиз оғир хасталик-

дан вафот этди. Нашриётда оддийгина ишчи бўлсалар-да, отам ҳаёт пайтида қийинчилик билмай яшаган эканмиз. Бир ўзи ишлаб, жўжа бирдай жон – шунчамизни қийналмасдан боқиб келган эканлар... Оила юки мен билан онамнинг гарданига тушди. Онам амаллаб қўшни маҳалладаги мактабга фаррош бўлиб ишга кирди. Ука-сингилларим ёш бўлгани сабабли мен ишлашга мажбур бўлдим. Ўқишларим ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Кўчамизнинг бошидаги новвойга шогирд тушдим, нон ёпдим, кўчама-кўча изғиб, нон сотдим... Ҳали мени – тўнғичини уйлантиришга ҳам улгурмай онам шўрлик ҳам бандаликни бажо келтирди... Катта рўзғор менга қолди. Саккизинчи синфгача аъло баҳоларга ўқигандим. Орзуларим бисёр эди. Мактабни тамомлаб институтга ўқишга кирмоқчи, олим бўлмоқчи эдим. Ҳаммаси саробга айланди... Умримнинг кўп қисми ҳам ота, ҳам она ўрнида ука-сингилларимни оёққа турғизиш, уйлантириш, турмушга беришга кетди. Сал улғайгач, укаларим ёнимга киришди. Топганимиз қора қозонга зўрға етарди. Шу сабабли на укаларимни, на сингилларимни ўқитиш имкони бўлди. Биласизми, мен қашшоқлик билимсизликнинг ҳосиласи, деб ҳисоблайман. Илмсиз кишини сўқирга ўхшатаман. Умр бўйи адашиб, борар манзилни тополмай юраверади. Бобом саводсиз бўлган, отам ўқимаган, мен ва укаларим ҳам таассуфки, ўқий олмадик. Оқибати маълум, бир умр қўл учиде кун кўришга маҳкум бўлдик. Шу ёқимсиз анъанани бузишга ҳаракат қилдим. Бўлмади. Шароит тўғри келмади. Қўл калталиқ қилди. Бундай бахт укаларимга ҳам насиб қилмади. Ягона умид фарзандларимдан эди.

Айбланувчи бироз жимиб қолди. Сўнг фикрларини жамлаб олди, шекилли, «гапираверайми?» дегандай терговчига тикилди.

- Марҳамат, гапираверинг, эшитяпман, – деди терговчи.
- Йигирма саккиз ёшда уйланиш насиб қилди. Аллоҳ икки қиз, кетидан икки ўғил берди. Қизлар мактабни битиргач, амал-тақал қилиб узатиб юбордик. Бор умидим

тўнғич ўғилим Собирдан эди. У мактабда аъло баҳоларга ўқирди. Бундан ташқари, уч йил пулли қўшимча дарсларга қатнади. Унинг ота-боболаридан мерос келаётган илм-сизлик, қашшоқлик занжирини узишига, авлодимизни илмнинг нурли чўққиларига олиб чиқишига, сулоламизни камбағаллик сиртмоғидан озод этишига ишонардим... Кимдир бу ишни қилиши лозим эди-ку! Лекин камбағални эшакнинг устида ҳам ит қопади, деганлари рост экан. Собиржон қаторасига икки йил тиббиёт академиясига ўқишга топшириб, кира олмади. Тест деганлари ҳам аҳмоқона нарса экан. Биринчи йил тўрт балл, иккинчи йил уч балл етмай қолди. Бошида бола яхши тайёргарлик кўрмаган экан-да, деган ўйга бориб, унчалик аҳамият бермадим, бу йил бўлмаса, келаси йил яхшилаб тайёргарлик кўриб, ўқишга киришига умид қилдим. Кейинчалик Собирнинг мактабни зўрға «уч»га битирган икки бойвачча синфдоши айнан шу тиббиёт академиясига ўқишга кириб кетганини эшитиб, хунобим ошди, ўз-ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Бу қандай адолатсизлик! Билимли ўқишга киролмаса! Талабалар сафи илмсиз, аммо пулдор йигит-қизлар билан тўлдирилса! Келажакда инсонлар ҳаётини кимларга ишониб топширамыз! Алам устида мен ҳам «танка» қидира бошладим. Шу баҳонада Луқмоннинг олдига бориб қолгандим. Бу томонда ишлар чаппа айланиб кетди... Қош қўяман деб, кўз чиқариб ўтирибмиз.

Самиғ «Қолган гаплар сизларга аён» дегандай жимиб қолди.

– Давом этинг, давом этинг! – терговчи ҳаммасини ўз қулоғи билан эшитиш учун ҳамсуҳбатини гапиришга ундади.

– Одам қуриб кетгандай ўртоғим, деб дардимни Луқмонга айтибман, – Самиғ терговчи узатган сувдан томоғини ҳўллаб, гап бошлади. – Мархумлар ҳақида ёмон гапириш гуноҳ бўлсаям айтмасам бўлмайди, ўртоғим аллақачон одамгарчиликдан чиқиб кетганини билмаган эканман. Бошида у роса устимдан кулди. «Пул бермасанг болангни қора кўзига қараб ўқишга олишадими?» дея мени зикналикда айблади. «Олдинроқ мени

топганинга, ҳозир боланг иккинчи «курс»ни битирган бўларди», деб ичимни куйдирди. Гап сўнгида «Майли, ҳечдан кўра кеч, бу йил ўғлинг биринчилар қаторида ўқишга киради», деб қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирди. «Жон ўртоқ, гаплаш, уйимни сотсам ҳам пулини қилиб бераман», дедим қувончдан юрагим ёрилиб. «Бошқалардан кўкида 30 минг оламиз, сен 25 минг берсанг бўлди, болангни ўқишга кирди, деб ҳисоблайвер», деди у катта кетиб. Суммани эшитиб, ичимдан зил кетдим. Менда бунақа пул йўқ эди. Бундай катта маблағни қаердан топишни ҳам билмасдим. Аммо ўғлимни ўқишга киритиш хоҳишим шунчалик баланд эдики, Лукмоннинг айнаиб қолишидан хавфсираб «Бўлди, мен ўша пулни сенга топиб бераман», деб юборганимни ҳам сезмай қолдим. Қўл беришдик. Ваъда беришга бериб, уйга келиб, дўппини бошдан олиб, чамалаб қарасам шунча пулни топишнинг сира ҳам имкони йўқ. Лекин лафз қилиб қўйдим, ер қазиб бўлса-да, пул топишим шарт эди. Излаган имкон топади деганларидек, укаларим билан кенгашиб, бисотимизда қўлга илинадиган нарсаларни сотишга қарор қилдик. Тўрт-беш кун ичида ўртанча укамнинг эскироқ машинасини, мен ва кичик укам ишлаб турган новвойхонани сотиб, устига катта укам ўғлини уйлантириш учун тўйга йиғиб қўйган пулини қўшиб ҳисоблаганда 20 минг АҚШ доллари тўплادик. Етмаган қисмига маҳалламиздаги Сабина тиллачидан яхшигина фоизли қарз кўтаришга тўғри келди. Хуллас, лафз қилинган пулни Лукмонга етказдим. У пулни қуртдай санаб олиб, «Ҳаммаси жойида, Собиржонни талаба бўлди, деб ҳисоблайвер», деди. Мен нафақат ўзим, бутун оилам, балки жигарларимни ҳам бор-будидан ажратиб ўтирганимдан қанчалик кўнглим ғаш бўлмасин, ишим битгани, ўғлим ўқишга кираётганидан мамнун эдим. Топадиганимни йўқотганимдан пеш билдим. Тўғри-да, нимадандир кечмасанг нимагадир эришиб бўладими? Кўп ўтмай тест синовлари бошланди. Бошқалар қатори Собиржон ҳам тест топшириб чиқди. Аммо у ҳамма саволларни ўз билганича белгилагани,

четдан ҳеч қанақа ёрдам бўлмаганини айтиб, таъбимни тирриқ қилди. Аксинча, улар тест топширган гуруҳдан назоратчилар уч-тўрт кишини хонадан олиб чиқиб кетиб, ёрдам қилганини, беш-олти кишига ўқитувчилар тайёр жавобларни киритиб берганини, яна кимларгадир бошқа абитуриентлар ечиб берганини, ҳуллас, имтиҳон роса от ўйини бўлганини айтди. Югуриб дўстимнинг олдига бордим, бўлган воқеани тушунтирдим. У эса пинагини ҳам бузмасдан «Хавотир олма, ҳаммаси назоратда, бу ёқда ёрдам беролмаган бўлса, тест марказида тўғрилашади», дея мени тинчлантирди. Кўнглим бироз таскин топиб, ортга қайтдим. Орадан бир ҳафта ўтиб, тест натижалари эълон қилинди. Надоматлар бўлсинки, ўқишга қабул қилинган талабалар сафида ўғлимнинг исми чиқмади. Собиржон бу гал ҳар сафаргидан ҳам катта балл олган бўлса-да, тўлов шартномаси асосида ўқишга кириши учун 9 балл етишмай қолганди. Негаки, кириш балли жуда юқори бўлиб, ҳатто тест саволларига 80 фоиздан зиёд тўғри жавоб берган абитуриентлар ҳам ўқишга киролмаганди. Ўғлим тест топшириб чиққандан сўнг айтган «от ўйинлари» ёдимга тушиб, ғазабим қайнади, юрагим эзилди. Оёғимни қўлга олиб, дарғазаб ҳолатда Луқмоннинг олдига бордим. У: «Оғайни, бунча ичинг тор бўлмаса, сал англашмовчилик бўлса бўлгандир, пулини жиғилдониға сингдирганларнинг ўзи ҳаммасини тўғрилайди, намунча ташвиш чекмасанг!» деб кўнглимни кўтармоқчи бўлди. Гапларига ишонқирамай «Жавоблар чиққан, энди қандай қилиб тўғрлайди?» дея унга ёпишдим. «Эй, сен қишлоқи, ўқимаган, «қўшимча қабул» деган нарсалар бор, ҳозир бир йўналишга юз киши олган бўлса, «қўшимча»га камида тағин шунча абитуриент ўқишга қабул қилинади. «Тем более» ўғлинг рўйхатнинг тепасида турибди, биринчилар қаторида ўқишга ўтади, сенга ўқишга кирса бўлдимиз?» деди у ҳазиломуз. Кўндим. Кўнмасдан иложим ҳам йўқ эди! Менга қандай қилиб бўлмасин ўғлим ўқишга кириши керак эди-да! Шу сабабли оғайнимга қаттиқ гапирма-

дим, нега ундай, нега бундай, дея таъна қилмадим. Луқмон қўшимча қабул бир ойлар ичида ҳал бўлади, деганди. Сентябрь ойи бошида яна дўстимнинг эшигини қоқдим. Ҳали вақти келмади, кутамиз, деди. Тағин бир ой кутдик. Натижа бўлмади. Шу тахлит йил охирлади. Мен чориғимни судраб қатнашдан, оғайним эса турфа баҳоналар билан мени алдаб-сулдаб, тинчлантиришдан, авраб-алқаб умидлантиришдан чарчамади. Қуриб кетсин! Йил алмашиб, январь ҳам адоғига етди. Қўшимча қабулдан эса дарак бўлмади. Мен бир-иккита тушунадиган одамлардан сўраб-суриштирдим. Улар биринчи «сместр» тугади, энди ҳеч қандай қўшимча қабул бўлмайди, дейишди. Луқмонга айтсам, шу пайтгача «Ўғлинг шу йил талаба бўлади», деб юрган одам кўзини лўқ қилиб: «Нима ўқиш қочиб кетяптими, бу йил бўлмаса, келаси йил бўлар!» деса бўладими? «Унда бор-будимни сотиб, қулоғимгача қарзга ботиб, оиламни, укаларимнинг оиласини азобга қўйиб нима қилиб аҳмоқ бўлиб юрибман!» дея бақриб кетдим. Луқмон менинг вазоҳатимни кўриб яна тулкиликка ўтди. «Ўртоқ, бунақа бўлишини қаердан билай, мен ҳам «окахон»ларнинг гапига ишониб қолдим. Қўй хафа бўлма, икки-уч ойдан сўнг ўқишга қабул бошланади, ўғлингни биринчилар қаторида ўтказамиз», деди безрайиб. «Оғайни, ростини айтсам, одам-подам эмас экансан, пулни қайтар!» дедим ҳафсалам пир бўлиб. Луқмон эса «Бўлди, «окахон»лардан олган заҳоти сенга кўнғироқ қиламан, олиб кетасан», деди елкамга қўлини қўйиб. Бир ҳафта кутдим, кўнғироқ бўлмади. Ўзим телефон қилдим. «Окахон» хизмат сафарига кетганди, келиши билан ҳал қиламан», деб мени тинчлантирди. Шу тариқа тағин икки-уч ой ўтиб кетди. Мен бўзчининг мокисидай қатнашдан, Луқмон эса баҳоналар тўқишдан чарчамади. Бақриб-чақирсам «Нима, сен шунча пулни еб кетади, деб ўйлаяпсанми?» дея зарда қиладиган, яхши гапирсам у ёқдаман, бу ёқдаман, ҳали у, ҳали бу, деб ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Сабр-бардошим тугаб, бир-икки марта ғиппа бўғзидан олиб ҳам кўрдим. «Эртага пул қўлингда бўлади», деб қасам ичиб қутилиб қолди.

Хом сут эмган банда эканмиз-да! Қўлим билан бериб, оёғим билан ололмай юрганимдан хўрлигим келиб кетарди. Пулинг ошиб-тошиб ётган бўлса-куя, майли, қачон берса берар, деб арқонни узун ташлаб юраверсанг. Бир эмас, бир неча оиланинг ризқини қийиб, бору йўғингни сотиб, бир муттаҳамнинг қўлига берсанг-у, у бемаза, бетофиқ ишингни битирмагани етмагандай пулингни ҳам қайтармай, ойлаб сарсон қилиб юрса, жинни бўлиб қолишинг ҳеч гап эмас экан... Бу томонда жигарларимнинг оилаларида ҳам муоммолар сизиб чиқа бошлади. Укаларим дарди ичларида – жим юрганлари билан келинлар минг бир ниятда, не-не азобда йиққан маблағларидан ажралиб қолганларидан қаттиқ изтиробга тушиб қолишганди... Хуллас, янги ўқув йили ҳам яқинлашиб қолди. Собиржон яна тиббиёт академиясига ўқишга хужжат топширди. Пулни қайтариб олсам, бирорта ишончли одам билан гаплашишни кўнглимга туйгандим. Қаерда дейсиз, Луқмондан пулни қайтаришнинг иложи бўлмади. Сўнгги пайтларда у мендан ўзини олиб қочадиган, кўнғироқларимга жавоб бермайдиган бўлиб қолди. Уни кута-кута уйидан ёки дорихонадан топиб олардим. «Нега бунақа қиласан, нега мендан қочасан?» деб жаҳл қилсам, «Мен ҳам қараб турганим йўқ, ўша пулни қайтариб олиш илинжида чопиб юрибман», дерди. Яхши гапириб, муомала қилиб ҳам кўрдим, фойдаси бўлмади. Тўполон ҳам кўтардим. Наф қилмади. Сабр косам тўлди, пичоқ суякка қадалди... Нима қилишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Тегишли жойга ёзиб берай десам, бу ёғи ўзбекчилик... Бир томондан синфдошим: қамалиб-нетиб кетса, уволига қоламан. Ўша воқеадан икки кун олдин борганимда қанчалик босиқ бўлишга ҳаракат қилмайин жаҳлимни жиловлай олмадим, «Пулни қайтармайдиган бўлсанг, чавақлаб ташлайман», деганим ҳам рост. У ҳам ўшқирди! Менинг ўрнимда ким бўлсаям шундай қилган бўларди. Лекин Луқмонни ўлдириш хаёлимнинг бир четига ҳам келмаган. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, уни ўлдирсам менга пулимни ким қайтаради?

– Ўша куни нима бўлганини батафсилроқ айтиб берсангиз, – терговчи мақсадга яқин келди.

– Нимасини айтай... – Самиғ бошини қашлади, – ўша куни қандай фалокат босиб, дорихонага келиб қолдим, билмайман... Бўлмаса, икки кун олдин жанжаллашиб кетгандим. Келишга, учрашишга юрагим безиллаб қолганди. Лекин уйда ҳам тинчлик йўқ эди. Келмасам ҳам бўлмасди-да! Келишдан мақсад вазиятни юмшатиб, ҳеч бўлмаса, пулни қачон қайтаришини оғзидан эшитиш эди. Бахтимга ҳаммаси тескари кетди. Ўша куни соат саккизлар атрофида дорихонага кирдим. Сотув залида ҳеч ким кўринмади. Ичкарига кириб кетган бўлса керак, деган хаёлда бироз кутдим. Шу орада дорихонага бир неча харидор кириб, бир муддат кутиб чиқиб кетди. Тахминан ўн дақиқалар кутгач, лабораторияда бўлса керак, деган ўйда ичкарига кирдим... Не кўз билан кўрайки, Луқмон кўкрагига пичоқ санчилган ҳолда креслода чўзилиб ётарди... Жон-поним чиқиб кетди... Югуриб бориб, пичоқни мурданинг кўксидан суғуриб олмоқчи бўлдим... Шу пайт миямга яшиндай «Аҳмоқ, нима қиялпсан, бу тузоқ-ку!» деган ўй келди. Негаки, ўртоғим жонсиз ётарди, ўлгани аниқ эди. Балки унда ҳаёт белгилари кўринганда ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай ёрдам беришга шошилган бўлардим. Тирик қолса, нима бўлганини ўзи айтиб берарди. Ўликлар эса гапирмайди... Менинг бу тузоқдан чиқиб кетишим қийин бўларди! Бу тарафдан уришганмиз, ўртада пул муаммоси бор... Шартта ортимга бурилиб, қочиб қолдим. Яхшиямки, залда ҳеч ким йўқ экан. Уйга келиб роса сиқилдим. Бир ёқдан жондай дўстим, бир ёқдан шунча пулга куйиб ўтирганим...

– Сиз дорихонага кираётганингизда бирор шубҳали одамга кўзингиз тушмадими?

– Йўқ, дорихонага киришда ҳеч кимни кўрмадим.

– Дорихонада кутиб ўтирган пайтингизда ичкаридан ҳеч қанақа овоз эшитилмадими?

– Ичкарида нимадир тарақлагандай бўлди. Шундан Луқмон лабораторияда нимадар қилаётган экан-да деган ўйга бордим.

– Балки сиз кирган пайти қотил лабораторияда яшириниб тургандир? Эътибор қилмадингизми?

– Йўғ-э, мен савдо залида кутиб турганимда лабораторияга ҳеч ким кирмади...

– Нима сабабдан сиз турлича кўрсатмалар бериб, терговни чалғитиб келдингиз? – деди Санжарбек жиддий оҳангда.

– Сиз менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилардингиз? – саволга савол билан жавоб қайтарди Самиғ мўлтираб.

– Кечирасиз, ҳамманинг ўз ўрни бор, саволга жавоб беринг!

– Нима қилай? Ҳамма дорихоналарда видеокузатув камераси бўлишини билардим. Уйга қайтиб келгач, камерани кўришса, мени лабораторияга кирганимни билишади, деган ташвишда «Ана келди, мана келди!» қилиб, эшик қараб чиқдим. Лекин ўша куни ҳам, ундан кейинги кун ҳам излаб келишмагач, дорихонада видеокузатув камераси бўлмаган экан, деган хулосага келдим. Терговда барибир менинг исмим чиқиб келишини билардим. Пул сабаб жанжаллашиб юрганимизни кўпчилик биларди. Кимдир айтса, терговчиларнинг менга тармашиши аниқ эди. Устига-устак, ўша куни дорихонага борганимни билишса, ҳеч иккиланмай мени «крайни» қилади, деб ўйладим. Шунинг учун бошида дорихонага борганимни яширишга мажбур бўлдим. Кейин терговчилар қайси гўрдан анави қўшни дўкон камерасига тасвирим тушиб қолганини аниқлашди. Тасвирни ўзимгаям кўрсатишди. Нима қилай, тан олишга мажбур бўлдим. Лекин лабораторияга кирганимни айтмагандим. Қўл изим қолишини қаердан билай! Ўша пайтда қўрққанымдан эшикни артиб қўйиш ҳам хаёлимга келмаганини қаранг. Бўлмаса, киноларда кўрганман... Қўрққанга қўш кўринар деганларидай қочиб қолибман. Мана, оқибати! Қуриб кетсин!

– Чапақаймисиз?

– Йўғ-э, ўнг қўлда ёзаман. Ўнг қўлда ишлайман, овқатланаман...

– Жаҳлдормисиз?

– Бу нима деганингиз? – анқайди Самиғ.

– Сизга берилган тавсифномада феъли юмшоқ, аммо жаҳли чиқса, ҳеч кимни аяб ўтирмайди, дейилган экан, – терговчи синаш учун жўрттага «илмоқли» савол беришга ўтди. – Балки Луқмон нафсониятингизга тегадиган гап айтиб, жаҳлингизни чиқаргандир. Балки сизга биринчи бўлиб ташлангандир. Ёки ўзингизни ҳимоя қилиш учун... Тўғрисини айтаверинг!

– Ўша куними?

– Ҳа, ўша куни.

– Қуриб кетсин, неча марта айтиш мумкин, – Самиғнинг афти тундлашди. – Мурдалар гапирадими? Мен келганда Луқмон аллақачон нариги дунёга кетган бўлса, қандай жаҳлимни чиқаради... Ҳазиллашяпсизми? Нима, сиз ҳам мени қотил, деб ўйлаяпсизми?

– Келинг, очиқчасига гаплашайлик, – терговчи ўрнидан туриб, айбланувчининг қаршисига ўтирди. – Ҳозирча қотил сиз эмассиз, деб айтолмайман. Ҳамма фактлар сизга қарши. Энг ёмони кераксиз пайтда, кераксиз жойда ҳозир бўлгансиз. Сизда Луқмонни ўлдириш учун асос ҳам етарли, камига сал олдин унга ўлим билан таҳдид ҳам қилгансиз. Ундан ҳам ачинарлиси, ёлғон устига ёлғон тўқиб, терговни чалғитгансиз, ишончдан чиққансиз! Экспертизанинг катта эҳтимоллик билан Луқмоннинг кўксига пичоқ чапақай томонидан санчилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулосасини ҳисобга олмаганда, айбингиз деярли исботланиб бўлган.

– Лекин... Луқмонни, – дудуқланди Самиғ, – мен ўлдирганим йўқ-ку! Қасам ичаман... Каломулло урсин...

– Биласизми, деярли саксон фоиз ҳолларда айбланувчилар гуноҳларини бўйнига олишмайди, – деди терговчи суҳбатдошидан кўз узмай. – Ҳатто, айблари ишончли далиллар билан исботланганда ҳам аксарият жиноятчилар жазодан қутилиб қолиш мақсадида айбни рад этишади. Ваҳоланки, айбни бўйнига олиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш судга жазони енгиллашти-

ришга асос бўлади. Бу ҳақда ўйлаб кўришни маслаҳат берган бўлардим.

– Нима қилай, енгил жазо бераркан деб, қилмаган жиноятни бўйнимга олайми? – Самиғнинг қошлари чимирилди. – Шунча пулга куйиб турганим етмагандай кимдир қилган қотиллик учун ўзимни қурбон қилайми? Емаган сомсага... Шуни хоҳлайсизми?

– Ҳеч ким сиздан емаган сомса учун пул тўлашни талаб қилмайди! Қилган бўлсангиз, бўйнингизга олганингиз маъкул. Қотилликни содир этмаган бўлсангиз, ҳеч ким сизга айбдорликни мажбурлаб тиқиштиролмайди... Тергов барибир охирига етади, эртами-кечми ҳақиқатни аниқлайди. Ўша пайти уялиб қолмасангиз бўлгани! Аммо унда кеч бўлади, суд жазо белгилашда терговни чалғитишга уринганингизни инобатга олиб, оғирроқ жазо белгилашини айтиб қўйишим шарт.

– Лекин... нима қилай ука, Луқмонни ростдан ҳам мен ўлдирмаган бўлсам... Тушунтирганингиз, мен билан одамдай муомала қилаётганингиз учун раҳмат. Сизниям тушуниб турибман. Укажон, самимий, инсофли ва ҳалол инсон эканингиз билиниб турибди. Келинг, виждонан айтинг, терговчи эмас, одам сифатида менинг шу ишни қилишимга ишонасизми?

– Эҳ, Самиғ ака, бизнинг ишимизда қарор қабул қилиш учун фақат ишончнинг ўзи камлик қилади-да! – деди Санжарбек таассуф билан. – Менинг ички ишончим сизни қўйиб юборишга асос бўлолмайди-да! Ҳақиқий қотилни топиш лозим.

Четдан қараган инсон суҳбатдошларни терговчи ва айбланувчи эмас, балки ҳимоячи ва унинг мижози, янаям тўғрироғи, икки маслакдош дўст, деб ҳисоблашлари ҳеч гап эмасди.

– Шунисигаям раҳмат, укажон! – Самиғнинг кўзларида миннатдорлик аломатлари зоҳир бўлди. – Мени қўйиб юборолмасангиз-да, сизнинг ички ишончингизни қозониш мен учун катта ютуқ. Олдинги ҳамкасбларингизни

ишонтиролмадим, тўғрироғи, улар мени тушунишни хоҳлашмади. Қотилга айлантириб қўйишди, ҳақиқий қотилни қидиришни ҳаёлларига ҳам келтиришмади. Майли, бу ёғи пешона. Тақдирдан қочиб қутилиб бўлмайди. Луқмон ўзи билан сўнгги илинжимизни ҳам гўрга олиб кетди. Қариндошларим олдида юзим шувут бўлди. Уларнинг не азобда томчилаб йиққан пулларини кўкка совурдим, оиламни, жигарларимни оғир аҳволга қўйдим, орзу-умидларим чил-парчин бўлиб кетди, ўғлимни ўқишга киритолмадим... Тўғриси, ҳозир уйга шу аҳволда боргандан кўра, қамалиб кетганим ҳам дурустроқ. Балки булар оилам, укаларим олдида ўйламасдан қилган ишим, гуноҳларим учун Аллоҳдан менга берилган жазодир. Кўз қўяман деб, қош чиқариб ўтирибман...

Узоқ давом этган сўроқ натижаси ўлароқ Санжарбек «Самиғ қотил эмас», деган узул-кесил қарорга келди. Энди унинг олдида ҳақиқий қотилни топиш ва жазога тортишдек мураккаб ва сермашаққат вазифа турарди.

* * *

Ишга одатдагидан барвақтроқ келган Санжарбек прокурор қабулхонаси эшиги очиқ турганини кўриб, ичкарига мўралади.

– Э-э, Раҳмонов, келинг, келинг, – прокурор телевизор тизгинини стулга қўйиб, меҳмонга пешвоз чиқди.

– Ассалому алайкум, Азамат Жўраевич, яхши дам олдингизми?

– Ваалайкум ассалом, ўзингиз омонми? – прокурор меҳмонни ёнига чорлаб, ўтиришга жой кўрсатди. – Одам кексайган сари уйқуси камайиб кетаркан. Каллаи саҳарлаб ишга келишимиз боиси шунда. Бу ёғи манави қотиллик... Санжарбек, нима бўлди, иш билан танишдингизми?

– Жинойт ишини батафсил ўрганиб чиқдим, Самиғ билан гаплашдим.

– Хўш, хўш, қандай хулосага келдингиз, – қизиқсинди прокурор.

– Шубҳангиз ўринли кўринади, Самиғ қотил эмас.

– Бу терговчининг «интуицияси»ми ёки бундай қарорга келиш учун етарлича асосингиз борми? – терговчининг қатъий хулосаси прокурорга маъқул тушмагани юз-кўздан сезилиб турарди.

– Ҳозирча «интуиция», тўғрироғи, фактлар ва мантиққа асосланган «интуиция»!

– Ўхў, шунақами? – кулди прокурор. – Бир хулосага келишга сал шошмадингизми?

– Нега ҳайрон бўляпсиз? Ўзингиз ҳам бошиданоқ шунақа шубҳага боргандингиз-ку!

– Тўғри, менда ҳам шубҳа бўлган. Шунинг учун ишга тажрибали терговчини жалб қилишга мажбур бўлдик. Лекин терговчининг бир кун ичида шубҳани қатъий хулосага айлантира олгани мени таассуфга соляпти-да!

– Хавотирингиз ўринли, – деди Санжарбек мулойимлик билан. – Самиғ билан узоқ гаплашдим, ичига киришга ҳаракат қилдим, сўзларига ишонгим келди.

– Балки у учига чиққан ёлғончи, лўттивоздир, артистлик қилаётгандир. Биласиз, бунақа тоифа инсонлар ҳар қандай одамнинг ишончига кириб олишга устаси фаранг бўлишади. Алданиб қолган бўлманг тагин.

– Йўқ, Самиғ содда, тўғрисиўз ва ҳалол йигит. Бунақа ишнинг қўлидан келмайди. Ўғлини ўқитиш ниятида шу касофатга аралашиб қолган. Иш бўйича у жабрланувчи...

– Ички ишонч яхши! Лекин бу билан йигитни қамоқдан чиқариб бўладими?

– Тўғри, ҳозирча менда Самиғни қамоқдан чиқариш, унга нисбатан жиноят ишини тугатиш учун асос йўқ. Шу сабабли уни қамоқдан бўшатишга шошилмай турганимиз маъқул.

– Э, отангизга раҳмат, – прокурорнинг чехраси ёришди. – Ана бу – тўғри қарор! Мен Самиғни қамоқдан бўшатишни талаб қиласизми, деб кўрқиб тургандим. Телба-тескари саволлар бериб, жаҳл қилганимнинг сабаби ҳам шунда. Самиғни қамоққа олишга санкция беришга етарлича асос бўлган. Ҳозир уни бекор қилишга қўли-

мизда ҳеч вақо йўқ. Бунга ҳали эрта, деб ҳисоблайман. Фикримиз бир жойдан чиққанидан хурсандман!

– Раҳмат.

– Энди нима қилмоқчисиз?

– Жиноятни очишга киришамиз! Ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади.

– Жуда яхши! Омад! – прокурор мамнун ўрнидан қўзғалди. – Биздан нима ёрдам лозим бўлса, тортинмай айтаверасиз. Йигитларимиз измингизда бўлади.

Санжарбек прокурор билан илиқ хайрлашиб, хонасига кўтарилди. Жойига ўтириб, хизмат телефонида таниш рақамларни терар экан соатига бир қараб қўйди. Хаёлидан «Қария ишга келдимикан?» деган ўй ўтди. Гўшакни Бош прокурор ўринбосарининг ўзи кўтарди. Қисқа сўрашувдан сўнг Санжарбек ахборот беришга киришди:

– Тоҳир Ғафурович, иш билан танишиб чиқдим, айбланувчи сифатида қўлга олинган шахсни батафсил сўроқ қилдим. Прокурорнинг шубҳаси бекорга эмас экан. Менимча, бу одам қотил эмас.

– Э, шунақами? Буёғи қандоқ бўлди? Бундай қатъий қарорга келишингиз учун асослар етарлими?

– Тоҳир ака, ҳозирча қўлимда ҳеч қандай асос йўқ, – терговчининг овози негадир суст чиқди, – лекин Самиғнинг қотил эмаслиги кундай равшан. Бу инсон одам ўлдирмаган, тўғрироғи, унинг қўлидан қотиллик келмайди.

– Балки қотилликни содир этган шахснинг изидан тушишга улгургандирсиз?

– Йўқ, қотилнинг кимлиги ноъмалум, терговда тузукроқ тахминнинг ўзи ҳам мавжуд эмас.

– Тушунарли! – раҳбар овозига расмий тус берди. – Энди нима қилмоқчисиз?

– Ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади. Қотилни излаймиз.

– Қамоқда ётган йигитни нима қилмоқчисиз?

– Ҳозирча унга тегмай турганимиз маъқулмикан, – ғудурланди Санжарбек.

– Нима, айбсиз одамни қамоқда ушлаб турмоқчимисиз? – раҳбар шогирдини синаш учун атайлаб нозик жойидан тутди.

– Ҳар эҳтимолга қарши... Ҳақиқий қотилни топмасдан уни қўйиб юборсак гап-сўзлардан бошимиз маломатга қоладими, деб қўрқаман. Туман прокурори ҳам шу фикрда.

– Гап кимнингдир таъна қилишида ҳам, туман прокурори қандай фикрда эканида ҳам эмас, – босиқлик билан тушунтирди раҳбар, – гап ҳамма далиллар Самиғга қаршилигида! Уни бу маломатдан қутқаришнинг ягона йўли – ҳақиқий қотилни топиш.

– Албатта, бор эътиборимизни шунга қаратамиз.

– Қотилни тезроқ топиш керак! – раҳбар терговчининг жавобидан қоникди шекилли, мулоқатни якунлашга шошилди. – Фақат шундан кейингина Самиғ масаласига қайтишингиз мумкин. Вақтингиз анча чегараланганини ёддан чиқармасангиз бўлди! Тагин «ошна»ларингизга баҳона топилмасин!

Терговчи раҳбарнинг нимага шаъма қилаётганини тушунди...

* * *

Санжарбек ўз хулосасини гуруҳ аъзоларига айтганда янгиликни кўпчилик ваҳима билан қарши олди.

– Шу ёлғончи, муттаҳамнинг гапига ишониб ўтирибсизми? – Маъмур ўрнидан туриб кетди. – Бошидан терговни чалғитиб, нағма қилиб келяпти. Унга ишониб бўладими? Энди «мулла» қилай дегандим-а, эсиз шунча уриниш, шунча меҳнат...

– Маъмуржон, шошилманг! – Санжарбек ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди. – Мен сизларга терговчи сифатидаги хулосамни айтдим. Самиғ ҳамон қамоқда. Ҳеч ким уни қўйиб юбораётгани йўқ, тергов давом этади. Агар унинг айбини исботлай олсангиз, марҳамат, мени қойил қилган бўлардингиз.

– Сиз гуруҳ раҳбарисиз, ким ҳам бизга кулоқ соларди.

– Сизлар ҳам гуруҳнинг тўлақонли аъзосисизлар, тергов жараёнида иштирок этасизлар, ҳеч ким сизларнинг қўлингизни боғлаб қўйгани йўқ. Марҳамат, Самиғнинг қотиллигини исботланг, далиллар тақдим қилинг! Лекин ҳозирги ҳолатда у одамнинг гарданига қотилликни осиб бўлмайди. Иш суддан ўтмайди.

– Нега ўтмас экан? – Мухтор мунозарага қўшилди. – Ҳаммаси аниқ-ку! Мен сизга ишни суддан ўтказиб берсам бўлдимиз?

– Мухторжон, иш суддан ҳам ўтиши мумкин, аммо айбсиз одамни қамоққа тиқиб, аксинча, қотилни очикда қолдирсак сизу биз ким деган одам бўламиз? Бир умр виждон азобида қолмаймизми? Бу ҳам майли, эрта бир кун ҳақиқий қотил қўлга тушса, ҳолимиз не кечади? Оқибатини ўйлаяпсизми?

– Санжар ака, бундай фикрлайдиган, иш тутадиган бўлсак бирорта жиноятни очишимиз даргумон. Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Нимадан қўрқамиз, Самиғ қотил. У билан яна салгина ишланса, ҳаммасини бўйнига олади. Энди сизнинг юмшоқлигингиздан фойдаланиб, ўзини фаришта қилиб кўрсатишга уриняпти. Бу ит эмган каззобларни бир-икки кўришда билиб бўладими? Улар нақ хамелеоннинг ўзгинаси, вазиятга қараб турланишни яхши билишади. Бунақаларнинг кўпини кўрганмиз.

– Умиджон, сиз ҳам шу фикрдамисиз? – гуруҳ раҳбари сўз навбатини кутиб турган кичик лейтинантга юзланди.

– Дўппини бошдан олиб, ўйлаб қарайдиган бўлсак, – босиқлик билан гап бошлади Умид, – Маъмур ва Мухтор акаларнинг жон куйдиришлари бежиз эмас. Терговда Самиғдан гумонсираш учун юз фоиз асос бор. Унинг қамоққа олингани ҳам тўғри. Унга тағин озгина руҳий босим ўтказилса, айбни бўйнига ҳам олиши мумкин. Иш силлиққина суддан ҳам ўтиб кетар. Лекин Санжар ака айтганларидай кунларнинг бирида ҳақиқий қотил қўлга тушиб қолса нима бўлади? Оқибати нима билан тугаши ҳаммага аён бўлса керак. Шу сабабли шошмаганимиз, етти ўлчаб бир кесганимиз маъкул.

– Жуда тўғри, – Санжарбек ҳамкасбини қувватлади. – Гап инсон тақдири ҳақида борар экан, ақл билан иш тутмоғимиз лозим. Шу пайтгача ўтказилган барча тергов ҳаракатлари Самиғ атрофида ўралашиб қолган. Келинлар, бир муддат Самиғни ёддан чиқариб, асл қотилни қидиришга тушайлик. Балки омадимиз чошиб, қотилликни фош қилсак, Самиғнинг иши ўз-ўзидан барҳам топади. Қотилни топа олмасак, Самиғ билан астойдил шуғулланишга тўғри келади.

– Унда нимани таклиф қиласиз? – изқувар тоқатсизланди. – Самиғни қўйиб юбормасангиз бўлгани! Аммо жуфтакни ростлаб қолса, балого қолишимиз аниқ.

– Тўғри, Самиғни қўйиб юборишга қўлимизда ҳеч қандай асос йўқ. Ўйлаб кўрсам, унинг айбсизлигини исботлашнинг фақат битта йўли бор: ҳақиқий қотилни топиш. Шу сабабли Самиғ қамокда бир муддат «дам» олиб турса, биз эса асосий кучни бошқа тахминлар устида ишлашга йўналтирсак. Кечадан буён миямда пишиб етилган тахминларни уч гуруҳга ажратдим: биринчи гуруҳ – қотиллик шахсий адоват орқасида юз берган. Бу гуруҳга марҳум оилавий келишмовчиликлар оқибатида яқин қариндошлари томонидан ўлдирилган ёки у рашк қурбони бўлган, деган тахминларни киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳ – қотиллик марҳумнинг касбий фаолияти билан боғлиқ. Бу гуруҳга марҳум ноқонуний наркотик моддалар савдоси қурбонига айланган ёки жиноят жабрланувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслик оқибатида содир этилган каби тахминларни киритиш мумкин. Ва ниҳоят, учинчи гуруҳ – қотиллик ҳеч қандай мотивсиз руҳий хаста шахс томонидан содир этилган деган тахминни ўз ичига олиши мумкин. Сизларда бошқача фикр, мулоҳазалар борми?

– Самиғ қўлга олинганга қадар бу тахминлардан айримлари хусусида иш олиб боргандик, – деди Мухтор ёндафтарини қўлга олиб. – Хусусан, қотилликнинг наркотик моддаларга алоқадорлиги масаласини текширгандик. Дорихонада ҳеч қачон наркотик моддалар, пси-

хотроп дорилар ва бошқа гиёҳвандлик воситалари со-
тилмаган. Дорихонада ўтказилган тафтишда ҳам бундай
моддалар рўйхатга олинмаган.

– Бу яхши, – деди гуруҳ раҳбари қўлидаги қаламни
ўйнатиб, – аммо бу борада ҳали жиддий текширишлар
олиб боришга тўғри келади. Хўш, ишни нимадан бош-
лаймиз? Кимда қандай таклиф бор?

– Самиғни...

– Ака, ҳозирча Самиғни бир четга суриб, ёддан чиқа-
риб турайлик, – гуруҳ раҳбари Маъмурнинг «оғзига
урди». – Ишни нимадан бошлаймиз, шундан гапиринг!

– Менимча, ишни Луқмоннинг ўзидан бошлаганимиз
маъқулмикан, – журъатсизлик билан гап бошлади Умид.

– Ҳа, балли! Яшанг! – ҳамкасбини рағбатлантирган
бўлди Санжарбек. – Ишни марҳумнинг шахсини пухта
ўрганишдан бошлаганимиз маъқул. Луқмон деганлари
ким бўлган, нима билан шуғулланган, яқинлари киму ға-
нимлари ким, инсонларнинг дардига малҳам бўлишдек
савобли касб эгасини ўлдириш кимга, нимага керак бўл-
ган каби кўпдан-кўп саволларга жавоб топишимиз лозим.
Тўғри, дастлабки кунларда бу борада айрим ишлар амал-
га оширилган, бироқ кейинчалик, тўғрироғи, Самиғ қўлга
олингандан сўнг ҳаммаси тўхтаб қолган. Анчагина вақт
бой берилган. Шитоб билан ишлашимизга тўғри келади.
Терговни пайсалга сололмаслигимизнинг яна бир сабаби
Самиғ билан боғлиқлиги ҳам сизларга кундай равшан.

– Гуруҳ раҳбари сизсиз, – пичинг қилди Маъмур, –
нима қилиш зарурлигини айтинг – бажарамиз!

– Мухторжон, сиз бугун Луқмоннинг телефон сўз-
лашувлари ва пеленгацияси таҳлили билан шуғуллан-
сангиз, – Санжарбек вазифаларни тақсимлашга тушди.
– Кейинги бир ой давомида кимлар билан сўзлашган, қа-
ерларга борган, кимларга «sms» хабар юборган, кимлар-
дан хабар қабул қилган – барчасига аниқлик киритасиз,
улар орасидан энг кўп мулоқатга киришганлар, шубҳали
шахслар доирасини аниқлайсиз!

– Тушунарли, – бош ирғади Мухтор топшириқни ёндафтарига ёза туриб.

– Маъмур ака, сиз Луқмоннинг ўқишга киритиш билан шуғулланадиган «ҳамкори» билан ишлайсиз. Уни топиб, гапиртира олсак Самигнинг кўрсатмалари тўғри ёки нотўғри эканини аниқлаш имкони бўларди. Бошқа томондан уни асосий гумондорлардан бири сифатида ҳам қараш мумкин. Негаки, Самиг пулини сўраб, Луқмонга босим ўтказган. Ўз навбатида, Луқмон ҳам шеригидан пулни қайтаришни талаб қила бошлаган. Акс холда, ҳуқуқ тартибот идораларига ариза бериш билан тахдид қилган. Пулни аллақачон жиғилдонига урган «шерик»нинг ҳамкорини йўқ қилишдан бошқа иложи қолмаган.

– Э қойил-э! – кулди Маъмур, – Ўртоқ бошлиқ, ана, жиноятни оғизда осонгина очдингиз, қўйдингиз. Бизга иш қолмади-ку!

– Ҳали у шаввозни топиш, – кулимсиради Санжарбек, – кейин айбини бўйнига қўйиш лозим. Ўртада Луқмон йўқ, марҳумлар эса гапирмайди. Ҳеч кимдан ҳеч нарса олмадим, деб мункир келиб туриши табиий.

– Топиб олсак бас, гапиртириш биздан, – ёқимсиз илжайди Маъмур.

– Сизга бир талабани қўшиб бераман, – гуруҳ раҳбари ноўрин сўз айтиб қўйишдан чўчиб, гапни бошқа ёққа бурди. – Исми Жўравой, ғиж-ғиж ақл соҳиби! Чинозда юз берган серияли қотилликни тергов қилишда, жиноятчини фош қилишда роса фойдаси текканди.

– Нима, бу билан бизни ақлсизга чиқаряпсизми? – Маъмурнинг қовоғи уюлди. У жиддий гапиряптими ёки ҳазиллашяптими англаш қийин эди. – Шахсан менга яна битта нонхўрнинг кераги йўқ, талабалар билан пачакилашиб ўтиришни ёмон кўраман. Кимга керак бўлса, бераверинг!

– Санжар ака, мумкин бўлса, талабани менга берсангиз, – Мухтор гапга қўшилди. – «Югур-югур»га яраб қолар.

– Яхши, афсус чекмайсиз. Фавқулодда истеъдодли йигит. Шу пайт эшик тақиллаб, Жўрабой кўринди.

– Келинг, келинг, Жўрабойжон, кираверинг, – Санжарбек қўли билан имлаб, меҳмонни ичкарига таклиф қилди. – Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади, ҳозиргина сиз ҳақингизда гапириб тургандим.

Жўрабой тўпланганлар билан қўл бериб кўришиб, кўрсатилган жойга ўтирди. Санжарбек олдин Жўрабойни, сўнг гуруҳ аъзоларини қисқача таништириб, гапида давом этди:

– Жўрабойжон, сиз ҳозирча Мухтор акангизга ёрдамлашасиз. Зарурият бўлса, бошқаларга ҳам қарашиб кетаверинг.

– Тушунарли, – тезкор ходим меҳмонга қараб кўз қисиб қўйди.

– Биз Умиджон билан бирга ишни Луқмоннинг хотини ва бошқа яқинларини сўроқ қилишдан, экспертлар билан гаплашишдан бошлаймиз. Унга қадар воқеа жойини, атрофини кўздан кечиришга борамиз. Штаб йигирма тўрт соат ишлаб туради. Кимда нима масала бўлса, бемалол қўнғироқ қилишларинг, маслаҳат, ёрдам сўрашларинг мумкин. Агар вазифалар тушунарли бўлса, марҳамат, ишга киришишларингиз мумкин.

Йигитлар бирин-кетин хонани тарк этишди.

– Жўрабой, сиз бир дақиқага қолинг, – гуруҳ раҳбари нима қилишни билмай довдираб, «бошлиғи»нинг ортидан эргашиб кетаётган талабани тўхтатди. – Яхши жойлашиб олдингизми?

– Раҳмат, Санжар ака, ўртоқларим билан ётоқхонага жойлашдик. Ўқиш бошлангунга қадар амаллаб турамиз.

– Яхши, кеча телефонда иш тафсилотлари билан сизни қисман таништиргандим, қолганларини Мухтордан сўраб оласиз. Кечки пайт яна фикрлашамиз.

* * *

Воқеа жойи ва атрофини қайта кўздан кечириш лабораториянинг орқа эшигига терговчилар томонидан қўйилган муҳр бузилганини инобатга олмаганда терговга нафи тегадиган ҳеч нарса бермади.

– Елими кўчиб, муҳр узилиб тушган шекилли, – деди Умиджон ўзини айбдор ҳис қилиб.

– Балки бирортаси атайлаб юлиб олиб, лабораторияга киргандир? – шубҳасини яширолмади Санжарбек. – Эшикнинг калити яна кимда бўлиши мумкин?

– Биттаси Луқмоннинг ёнидан, иккинчиси унинг сейфидан чиққанди, – изоҳ берди Умид.

– Одатда калит учта бўлади, учинчиси кимда бўлиши мумкин?

– Балки йўқолгандир.

– Балки хотинидадир. Балки у...

– Лекин тергов кетаётган пайти хотинининг эшик муҳрини юлиб, лабораторияга киришига нима ҳожат?

– Демак, қандайдир зарурият бўлганки, кимдир ўзини хатарга қўйиб бўлса-да, ичкарига кирган.

– Нима, Луқмоннинг хотинидан гумон қияпсизми? – деди Умид таажжуби ошиб.

– Уни шубҳадан холи қилишга сизда бирор асос борми? – саволга савол билан жавоб берди гуруҳ раҳбари.

– Биласиз, қотилликда гумон биринчи навбатда унинг яқинлари чекига тушади. Айни пайтда терговчилар муҳрлаб қўйган жойга кимнингдир кулфни бузмасдан калит билан очиб киришида шубҳа биринчи навбатда мулк эгасига тушмайдими?

– Тўғри-куя, аммо муҳрнинг кўчиб кетиши елимнинг сифатсизлиги оқибати ҳам бўлиши мумкин.

– Мумкин, бироқ сиз билан биз терговчимиз, ҳар бир масалага шубҳа билан қарашга, яхши тарафидан кўра ёмон тарафини ўйлашга мажбурмиз.

Терговчилар тезда мутахассисларни таклиф қилиб, эшик ва кулфда бармоқ излари мавжуд эмаслигини, муҳрнинг бузулиши елимнинг сифатсизлиги билан боғлиқлигини аниқлашди. Шу куни терговчи дорихона атрофидаги хонадон эгалари, дўкон ходимларини қайта сўроқ қилиб чиқди. Дорихонанинг қарама-қарши томонидаги тўрт қаватли уйнинг иккинчи қаватида яшовчи Мастура аянинг кўрсатмаси уларнинг диққатини тортди.

– Ўзим сизларга бориб айтсамми, деб иккиланиб юргандим, – деди у муҳим сирни ошкор қилаётгандай шивирлаб. – Дорим қолмаган экан. Қизим болаларини олиб, синглизининг боласи ўқишга кирганини «ювиш»га кетганди. Кечки пайт хассамни тақиллатиб, ўзим кўчага чиқдим. Дорихонага яқинлашганимда бир малла соч бола ичкаридан шошиб чиқиб кетди. Дорихонага кирсам, ҳеч ким йўқ экан, бироз кутиб чиқиб кетдим. Эртаси куни дорихоначини ўлдириб кетибди, деган гап тарқалди, ҳамма ёқни «милиса» босиб кетди... Шунда бояги малла соч ёдимга тушиб, алланечук бўп кетдим. Бир хаёл «милиса»ларнинг олдига чиқиб, айтсамми-я, деб ўйладим. Кўшнилар «Бошингиз балога қолади, ўзингизни «судра-судра» қилишадди», деб кўрқитишди. Раҳматли «аптека»чи яхши бола эди, ичим ачиб қолди, кўпинча дорини ундан олардим.

– Ўшанда соат неча эди, ёдингизда борми?

– Шомни ўқиб, чиққандим... соатини қаердан билай, саккизлар бориди-ёв...

– «Малла соч»нинг юз кўриниши, бўй-басти қанақа эди? Ўзбекмиди? – ҳижжалаб сўради Санжарбек.

– Сап-сарик бола, ўрис ёки татарга ўхшайди, бўйи ўртача, мана шу боламнинг бўйича бор-ов, – деди кампир Умидни кўрсатиб.

– Ёши тахминан нечаларда эди?

– Ёши... қирқ-қирқ бешларда бўлса керак. Жудаям унақа ёш ҳам, қари ҳам эмас-да, харқалай.

– Дорихонада ҳеч ким йўқ экан, дедингиз. Анча кутдингизми?

– Бирпас кутдим. Ҳеч ким кўринмади, кеч бўлганда бир хизмат билан чиқиб кетгандир-да, деб ўйлаб, қайтиб кетдим.

– Бояги «малла соч» дорихонадан чиққанини аниқ кўрдингизми?

– Кўрмай ўлибманми? Шундоққина эшикнинг олдида тўғрима-тўғри бўлдик-ку, – деди онахон соддалик билан.

– Сиз чиқиб кетгандан сўнг дорихонага яна бирор киши кирдими?

– Кирган бўлса киргандир, қаердан билай! Мен уйга кетдим...

Терговчилар яна айрим масалаларга ойдинлик киритгач, кампирга жавоб беришди.

– Хуш, жаноб изқуварлар, – Санжарбек гуруҳ аъзоларига юзланди, – бунга нима дейсиз? Кампирнинг кўрсатмалари бизга бирор нарса бериши мумкинми?

– Кампир шомдан сўнг кўчага чиқдим деяпти, – дастлаб Маъмур фикр билдирди. – Биринчи август кун шом ўн тўққиздан қирқ дақиқа ўтганда кирган. Шомни ўнта кам саккизларда бошлаган бўлсаям, онахон соат саккиздан ўтиб, кўчага чиққан. Ҳассасини судраб иккинчи қаватдан тушгунча, сўнг дорихонага етиб келгунча камида йигирма дақиқа ўтган. У пайтда, яъни соат саккиздан ўн дақиқа ўтганда Самиф ҳам, қотил ҳам дорихонадан аллақачон чиқиб кетишган.

– Тўғри, кампир кўрган «малла соч» мижозлардан бўлса керак, – Умид ҳамкасбини қўллаб-қувватлади. – У ҳам кампир қатори дори олишга кирган ва бироз кутиб, чиқиб кетган.

– Майли, ҳозирча шунақа хулосага келиб турайлик, лекин Мухторжон, – деди гуруҳ раҳбари изқуварга қараб, – «мала соч»нинг шахсини аниқлаш, онахоннинг кўрсатмаларини текшириш чораларини кўриш лозим. Чиқмаган жондан умид.

– Есть! – деди Мухтор ён дафтарига нималарнидир қайд қила туриб.

Пешиндан сўнг терговчилар ишни Луқмоннинг хотини – тўладан келган бўлса-да, чаққонгина, хатти-ҳаракати ўзига ярашиқлик, қирқларни қоралаган бўлса-да, оппоқ юзларига зарра ажин тушмаган, бошдан оёқ қора кийиниб олган Азиза Шариповани сўроқ қилишдан бошладилар. Одатий расмиятчиликлардан сўнг Санжарбек аёлга таъзия изҳор қилди, ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

– Луқмон ака билан севишиб турмуш қурганмисизлар? – терговчи атайлаб сўроқни ноодатий саволдан бошлади.

Аёл бундай саволни кутмаган шекилли, шошиб қолди, «Бунинг ишга нима алоқаси бор экан?» деган хаёлга бориб, бир муддат нима деб жавоб беришини билмай жим турди.

– Эрингиз билан қандай танишгансиз? – аниқлик кiritди терговчи.

– Фармацевтика институтида бирга ўқиганмиз, – ийманибгина гап бошлади Азиза. – У киши учинчи, мен биринчи «курс»да ўқирдим. Кутубхонада танишиб қолганмиз. Бир йилча учрашиб, синашиб юрдик. Кейин совчилар... Луқмон акам институтни битириши билан тўйимиз бўлди. Қайнота-қайнонам узоқ йиллар муқаддам ичкилик туфайли ажрашиб кетишган экан. Қайнонам ёш пайти бир ўғил, бир қиз билан бева қолиб кетган, якка ўзи уларни катта қилиб, оёққа қўйган экан. Қайинсинглим турмушга чиқиб кетгач, эрим онаси билан ёлғиз яшаб келган. Мен келин бўлиб тушгач, учовмиз бирга яшай бошладик. Тез орада эрим тоғаси ёрдамида дорихонага ишга кириб кетди. Қайнонам ёшлигида эридан кўп таёқ егани сабабли анча касалманд, доимий парваришга муҳтож бўлиб қолганди. У кишига қараш учун ўқишни ташлашга мажбур бўлдим. Бир йилга етар-етмай қайнонам Аллоҳнинг даргоҳига кетди. Кейин ўғлим Дониёржон туғилди, кейин Фарангиз қизим... Хуллас, ўқишни давом эттира олмадим. Эрим раҳматли ҳар сафар ўқишдан гап очсам «Ишлаганингда қанча топардинг, ўша ойликни мен сенга бериб тураман, сен болаларга қара», дерди. Бунақа ишлар бўп кетишини билмаган-да...

– Эрингиз дорихонада бир ўзи ишларкан-а? – Санжарбек олдиндан тайёрлаб қўйган саволларни беришни бошлади.

– Ҳа, бир ўзи ишларди. Бўш пайтида Дониёр ёрдам бериб турарди. Ҳар замонда Фарангиз ҳам бориб, қарашиб турарди. «Провизор»ликка Таня деган опани ишга олганди. Лекин у дорихонада иш камлиги учун кўпинча ишга чиқмасди. Эрим ҳаммасини бир ўзи эпларди.

– Луқмон ака дорихонани кимдан, қачон сотиб олганди?

– Дорихона раҳматли тоғаси Билол Сайфиевичники эди. У киши собиқ иттифоқ даврида узоқ йиллар шаҳар

дорихоналар бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Хўжайиним шу инсоннинг кўмагида ўқишга кирган, ишга жойлашган. У кишининг дорихоналари кўп эди. Ўлимидан олдин шу кичкина дорихонани жиянига берди.

– Тоғанинг фарзандлари йўқмиди?

– Йўғ-э, бор, Билол тоғанинг тўрт ўғил, икки қизи бор.

– Фарзандлари бўла туриб, дорихонани жиянига қолдиришнинг сабаби борми? Ё болалари ноқобил...

– Қизлар яхши жойларга келин бўлиб кетишди. Ўғиллари қандайдир эркатоймиди-эй, ишқилиб куйдирги чиқди. Қариган чоғида тоғани анча қийнашди. Уларнинг ҳар бирига ҳовли-жой, машина, биттадан дорихона қилиб берганди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Дорихоналар сотилиб, жиғилдонга кетди. Ҳозир ҳаммасининг аҳволи абгир. Каттаси – Босимжон хотинидан ажралди, кейинчалик наша билан кўлга тушиб, қамалиб кетди. Ундан кичиги Осим – пиёниста бўлиб қолган. Эс-дарди ароқ! Ундан кейингиси Жасимжон ҳам ишдан бўшаб, бор-будини сотиб, еб бўлди. Кенжаси – Қосимжон акаларига ўхшамади. Ота-онасининг чироғини ёқиб ўтирибди. Дорихонасидан ташқари, бир қанча дўконлари бор.

– Билол Сайфиевичнинг дорихонани жиянига мерос қолдирганига фарзандлари қандай қараганди, – Санжарбек мясида етилиб келаётган шубҳани «пишириш» мақсадида атайлаб сўради.

– Бошида ака-укалар хўжайинимни роса сиқувга олишди: «Сен отамизни алдаб, васиятномага кўл қўйдиргансан», деб жанжал кўтаришди. Аламига чидолмай, судга ҳам беришди. Яхшиямки, катта тоға ҳаммасини қонунлаштириб кетган экан. Суд дорихонани эримга чиқариб берди.

– Кейинчалик тоға-жиянлар ярашиб кетишдими? – сўради терговчи қоғозга нималарнидир қайд эта туриб.

– Қайда ярашади, юз кўрмас бўлиб кетишди. Фақат Қосимжон тўй-маъракада кўриниб туради.

– Эрингизнинг душманлари кўпмиди? – Санжарбек бошқа тарафдан «ёриб кириш»га уринди.

– Бу нима деганингиз, қанақа душман!? – аёлнинг қошлари чимирилди. – Эрим ҳаммага яхшилик қиларди, бировга ёмонлик соғинмаган.

– Душмани бўлмаса, унда ким ўлдирган? – Умид гапга қўшилди.

– Ўлдирган одам аниқ-ку! У ҳам душман эмас, жондай синфдоши. Нима касофат уриб, бу номақулчиликка қўл урди, тушунмайман.

– Эрингизни Самиғ ўлдирган, деб ҳисоблайсизми? – деди гуруҳ раҳбари аёлга зимдан тикилиб.

– Шу ўлгурдан бошқа кимам ўлдирадди... Арзимаган пулни деб бир одамни жувонмарг қилиш шартмиди?

– Лекин биз терговчилар Самиғ қотил эмас, деган фикрга келиб турибмиз, бунга нима дейсиз?

– Бу нима деганингиз? – деди аёл таажжубланиб. – Бекорга қамоққа олмагандирсизлар? Кимдир орага тушиб, дўппи тор келганда у киши оппоқ бўлиб қолдими?

– Сиз бизни нотўғри тушуняпсиз, – деди гуруҳ раҳбари кулимсираб. – Тўғри, терговнинг бошида Самиғ гумондор сифатида қамоққа олинган. Лекин кейинчалик олиб борилган тергов ҳаракатлари унинг қотилликка алоқаси йўқлигини кўрсатмоқда. Самиғнинг ўзи ҳам Луқмонни ўлдирмаганини айтиб турибди.

– Шу бетофиқнинг гапига ишониб ўтирибсизларми? Қилар ишни қилиб, энди ҳар нарсани валдирайверади-да!

– Йўқ, биз унинг гапига ишонаётганмиз йўқ. Унинг айбдорлигини узил-кесил тасдиқловчи далил йўқ. Лекин кўнглингиз тўқ бўлсин, биз ҳақиқий қотилни топамиз. Бунинг учун вақт керак. Сизнинг ёрдамингиз ҳам.

– Нима қилишим лозим? – аёл терговчига нажот кўзини тикди. – Эримнинг қотили жазосини олмаса, мен болаларимнинг кўзига қандай қарайман? Унинг руҳи мени тинч қўядими?

– Эрингизнинг Самиғ билан оралари бузилишига нима сабаб бўлган, хабарингиз борми? – терговчи навбатдаги саволни берди.

– Ўғлини ўқишга киритиш учун хўжайнимга қанчадир пул берган экан, у ҳам кимгадир олиб бориб берган-да ўзи ректор эмас-ку! Ўша қуриб кетгурдан пулни қайтариб ололмай роса сарсон бўлди. Қўли билан бериб, оёғи билан чопди.

– Пулни кимга берганди?

– Мен қайдан билай? – аёлнинг манглайи тиришди
– Хўжайиним бунақа гапларни менга айтиб ўтирмасди Самиғ бир неча марта уйга келиб, тўполон кўтаргандасезиб қолгандим.

– Нима деб тўполон кўтарганди?

– Энди жа-а унақа уришиб кетишмаганди... сўз талашиб, қаттиқ-қаттиқ гапиришгани ёдимда. Самиғ «Кўрсат ўша одамингни, ўзим гаплашаман», деб бақирганди. Хўжайиним эса «У катта одам, кўп ишим тушади, нима, сени деб орамиз бузилсинми, шошмай турсанг ўзим олиб бераман», деб зорланганди. Бир неча кундан сўнг тағин ўша гап... Эримга «Нима қиласиз бечорани қийнаб, ўзингиздан бўлсаям пулини бериб юборинг, кейин ўша одам пулни қайтарса, жойига қўйиб қўясиз. Шунча ғавғо сизга шарми?» десам, «Калланг ишлайдими, «катта» пулни қайтармаса нима қиламан, бировнинг ҳожатини чиқараман, деб ўзим «тушиб» қолайми?» дегандилар. Мен эса «Ҳой барака топгур, «катта»нгиз қайтармаса ҳам сиз ўртоғингизга пулни қайтаришга мажбурсиз, нима қиласиз камбағални шўрини қуритиб», деб тушунтиришга ҳаракат қилгандим. Қайда дейсиз, эрим билганидан қолмади... Мана оқибати!

– Опа, тўғриси айтинг, Самиғ эрингизни ўлдирганига ишонасизми?

– Билмасам, олдин уни қамоққа олдинглар. Биз қотил шу экан, деб ўйладик-да! Энди уни қотил эмас деяпсизлар... Кимга ишонишни ҳам билмай қолдим. Ростини айтсам, Самиғ ака бўшанггина киши экан. Олдин уни танимасдим. Ўз пулини сўрашгаям ийманибгина келарди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, тўполон қилиб бор-будимизни олиб кетишдан ҳам тоймасди.

Санжарбек яна бир қанча саволлар бериб, гувоҳдан зарур маълумотларни суғириб олишга ҳаракат қилди. Сўнг марҳумнинг сўнгги пайтда кўпроқ алоқада бўлган дўстлари ва бошқа яқинлари рўйхатини шакллантирди.

– Опа, сиздан яна бир илтимос, – деди гуруҳ раҳбари сўроқни якунлаб, – уйга бориб, Луқмон аканинг кийимларининг чўнтаклари, иш столи тортмалари, сумка ва жомадонларини яхшилаб қараб чиқсангиз. Бирорта қоғоз, хужжат ёки ашё топилса, бизга хабар қилсангиз, терговга катта ёрдам қилган бўлардингиз.

Аёл чиқиб кетгач, Санжарбек Умидга юзланди:

– Хўш, жаноб терговчи, опанинг гапларига ишонса бўладими?

– Менимча, самимий гапирди, ёлғонни сезмадим.

– Тўғри, сўзлари чинлигига шубҳа йўқ, – деди Санжарбек бир нуқтага тикилиб. – Ака-ука тоғаваччалар тўғри-сида нима дейсиз? Балки улар...

– Мен ҳам шуни ўйлаб тургандим, – Умид фикрини айтишга шошилди. – Аламзада тоғалар ишлари юришмай, но-чор аҳволга тушиб қолгач, жияндан отасининг мулкини ёки товон тўлашни талаб қила бошлаган. Ўртада нифоқ келиб чиққан... Гиёҳванд, ароқхўр одам хумори тутганда ўша зормандани топиш учун ҳеч нарсадан тоймаслигини биласиз.

– Мушоҳадаларингиз ёмон эмас, – Санжарбек ҳар доимгидек ҳамкасбини мунозарага чорлади, – аммо, сиз дорихонадан ҳеч нарса йўқолмаганини ёддан чиқаряпсиз. Сиз айтгандек, қотил «тоғалар»дан бири бўладиган бўлса, дорихонада уларнинг излари қолиши, тартибсизлик рўй берган бўлиши лозим эди. Аммо воқеа жойида ҳеч нарсага тегинилмаган, пул ёки бошқа қимматбаҳо буюмлар ҳам изланмаган. Бунга нима дейсиз?

– Балки «тоға» пул турадиган жойни билгандир. Унақа одамларга арзимаган пул ҳам етарли бўлади. Бояги зормандадан захрига ютиб олиб, хуморидан чиқса бўлгани! Кейин дунё остин-устин бўлмайдими, уларга қизиқ эмас.

– Гапингизда жон бор, нашаванд, ароқхўр одамнинг хумори тутганда кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Бундан

ташқари, «тоға»лар ўзларининг бундай хароб аҳволига «жиян»нинг отаси меросидан ҳаволаниб юрганидан аламзада бўлган.

– Ундан чиқди...

– Ҳозирча хулоса қилишга эрта, – Санжарбек ҳам-касбининг сўзини бўлди. – Умиджон, сиз ўша мерос билан боғлиқ ҳужжатларни кўтарсангиз. Кейин «тоға»лар билан гаплашардик.

Умид чиқиб кетгач, гуруҳ раҳбари навбатдаги гувоҳ – Дониёрни сўроқ қилишга киришди.

– Ўша куни кўрганларингизни бир бошидан айтиб берсангиз?

– Биринчи август куни мен ўқишга кириш учун имтиҳон топширдим, – Дониёр маъюс гап бошлади. – Адам мен билан бирга борганди. «Кетаверинг, тестни тугатиб ўзим ишхонангизга бораман», десам, унамади, ташлаб кетишга қўнгли бўлмади, шекилли. Соат учларга яқин имтиҳондан чиқдим. Кейин адам билан ишхонасига бордик. Бироз ишларига қарашдим. Дорихонада миждоз кўп эмасди. Шу сабабли уйга қайтдим, адам ишда қолди, «Кечироқ бораман, имтиҳон топшириб чиққанингни «ювамиз» деди. Уйга келиб, кеч соат етти-етти яримларгача дам олдим. Ойим ош дамлаган экан. Адамнинг келишини кутиб, ошни сузмай турди. Орада бир-икки марта адамга қўнғироқ қилди, аммо телефонни кўтармади. Соат тўққиздан ошганда ойим мени «Аданг негадир телефонни кўтармаяпти, хабар олиб кел-чи!» деб дорихонага юборди. Тўққиз яримларда дорихонага келсам, эшик очиқ экан. Сотув залида ҳеч ким йўқлиги учун лабораторияга ўтдим. Қарасам, адам... кўкрагига пичоқ санчилган ҳолда креслода жонсиз ётибди. Кўрқиб кетиб, бақириб юбордим... Балки ҳали тирикдир, деган ўйда «03»га қўнғироқ қилдим. Ойимни чақирдим. Сал ўтмай докторлар етиб келиб, адамнинг аллақачон вафот этганини тасдиқлашди.

– Дорихонага келганингизда бирор кишига ёки қандайдир шубҳали нарсага кўзингиз тушмадими?

– Йўқ, дорихонада ҳеч ким йўқ экан. Ҳеч қанақа шубҳали нарсани ҳам кўрмадим.

– Кундуз куни имтиҳондан қайтиб, дорихонада бўлган пайтингизда адангизнинг олдига бирорта таниши келганмиди?

– Мижозлар кириб чиқиб туришди, лекин адамнинг олдига танишларидан бирортаси келганини кўрмадим.

– Мана бу буюм сизга танишми? – терговчи тортмадан салафан халтачага солинган пичоқни чиқариб, стол устига қўйди.

– Йўқ... шу пичоқда адамни...

– Ҳа, адангизни кўкрагига санчилган пичоқ шу, – терговчи далилий ашёни қўлига олди, – ўша куни кўрган-сиз-ку.

– Кўргандим... аммо ҳаяжон босиб, эътибор қилмаган эканман.

– Бу пичоқни аввал ҳам кўрганмидингиз?

– Тушунмадим... қандай қилиб...

– Дорихонада ишлатиб юрилган пичоқми ёки қотил уни ўзи билан олиб келдимикан, демоқчийдим.

– Ҳа... олдин ишхонада уни кўрмаганман. Бунақаси бизда бўлмаган... ўзи билан олиб келган чоғи...

– Адангизнинг синфдоши Самиғ тўғрисида нима дейсиз? – терговчи атайлаб мавҳумроқ савол берди.

– Самиғ акани олдин танимасдим, – деди Дониёр кўзига тушган сочини тўғрилаб, – аммо кейинги пайтда адамни излаб уйга, ишхонага кўп қатнаб қолди. Адамдан сўрасам, ўғли ўқишга кирмоқчи, ҳал бўлмай турибди, деганди. Бир-икки марта сан-манга ҳам бориб қолишганди. Кейин терговчилар менга қўшни дўконга ўрнатилган видеокузатув камераси ёзувларини кўрсатишди. Ўша куни ҳам келган экан.

– Нима деб ўйлайсиз, Самиғ адангизни ўлдириши мумкинми?

– Билмадим...

– Сиз дўконда адангизга ёрдам бериб юрган пайтларда Самиғдан бошқа бирортаси жанжал қилиб келганини кўрганмисиз?

– Бир-икки марта Осим ва Жасим тоғаларнинг йўқ жойдан жанжал чиқарганини кўрганман, – деди болаларча беғуборлик билан Дониёр. – Улар негадир адамни яхши кўришмасди. Нуқул пул талаб қилишарди. Айниқса, Жасим тоға чотоқ эди. Адам бечора ҳар келганда унга яхшигина пул қилиб берарди. Пул топиб бермаса, шаллақилик қилиб, беобрў қиларди. Адам ҳам жанжал чиқишидан кўрқиб, ундан қочиб юрарди.

– Нега адангиз ёки сиз товламачиларнинг устидан милицияга хабар қилмагансизлар?

– Мен ҳам адамга шуни айтганман. Бироқ адам «Кўй ўғлим, уят бўлади, тоғамнинг руҳини чирқиратиб нима қилман, қолаверса, уларнинг қўлидан ҳар бало келади», деган.

– Тоға-жиянларнинг ёвлашишига нима сабаб бўлган? – хотиржамлик билан сўради терговчи.

– Билмайман... Адалари – Билол тоға яхши одам эди. Фарзандлари ноқобилроқ чиқди. Каттаси қамалиб кетди, бу иккисининг туриш-турмиши шу бўлди, ичмаган, чекмаган куни йўқ. Оиласида ҳам тинчи йўқ, отасининг давлатини ҳам совуриб бўлишди. Битта Қосим тоға яхши чиқди, эс-хуши жойида. Адам ҳам уни ҳурмат қиларди, фақат у билан борди-келди қиларди.

– Дониёр, адангизни ким ўлдирган бўлиши мумкин?

– Ҳайронман... – йигит бошини қашиди, – Самиғ ака қилган деб юргандик...

Терговчи Дониёрга жавоб бериб, «тоға»ларни сўроқ қилишга ўтди. Тоға-жиянлар ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритиб олиш мақсадида сўроқни тоғаларнинг кенжаси Қосимдан бошлашга қарор қилди.

– Қосим ака, сизни тоғангиз Луқмоннинг иши бўйича чақиртирганмиз, – терговчи эҳтиёткорлик билан гап очди.

– Эй, ёмон иш бўлди-да! – деди Қосим куюниб. – Яхши инсон эди. Билмайман нега бунақа бўлди.

– У кишини охирги марта қачон кўргандингиз?

– Бир ойлар бўлди-ёв, – деди гувоҳ мўйловини силаб, – йўл йўлакай ишхонасига киргандим. Бирпас гаплашиб ўтирдик, дорихонада ёлғиз экан.

– Сизга муаммолари ҳақида гапирмаганмиди?

– Йўқ, фақат «Савдо кам, шунинг учун ёрдамчига ҳам жавоб бериб, бир ўзим савдода турибман», деганди.

– Марҳумга тегишли дорихона адангизники бўлган экан-а? – терговчи навбатдаги саволга ўтди.

– Шундай... шундай... – Қосимнинг хаёлидан «Ҳаммасини биларкан-да», деган ўй ўтди. – Раҳматли отам дорихонани шу жиянига мерос қолдирганди.

– Нега ўз фарзандлари туриб, бутун бошли дорихонани синглисининг ўғлига қолдирган? Бунга бирор сабаб борми? – Санжарбек гувоҳни «қитиқлаб» кўрмоқчи бўлди.

– Нима бўпти? – Қосим эътироз қилди. – Адамиз ҳаммамизга етарли мол-давлат қолдирди. Ҳеч кимни хафа қилгани йўқ. Луқмон ака адамга нафақат жиян, балки шогирд ҳам эди. Кўп йиллар хизматида бўлди. Кўнглидан чиқди.

– Лекин акаларингиз адангизнинг бу қарорини маъқулламаган экан-ку! Ҳозиргача Луқмонга кек сақлаб юраркан.

– Тўғри, учала акам ҳам Луқмон жиянни унчалик хушламасди, – гувоҳ гапнинг қаёққа қараб кетаётганини фаҳмлади шекилли, сергакланди. – Нима, акаларимдан кўряпсизми?

– Биласиз, қотил топилгунча марҳумнинг ён-атрофидаги ҳамма одамлардан шубҳаланишга тўғри келади, – терговчи очиғини айтишга мажбур бўлди.

– Майли-куя, лекин акаларим бунақа ишга қодир эмас, – деди Қосим қизариб-бўзариб. – Катта акам қамалиб кетгани сизга маълум бўлса керак. Осим, Жасим акамлар балки мен дунёда кўрган энг омадсиз, шўр пешона одам бўлса ажабмас... Шу оғу ўлгирни деб ҳаётда бор-будидан ажралган, гулдай оиласини чил-парчин қилган, жамиятда ўз ўрнини йўқотган бу бедаъво бандалардан ҳар қандай аҳмоқликни кутиш мумкин, аммо қотилликни эмас. Бировни ўлдириш учун ҳам кишида қандайдир журъат, шижоат бўлиши лозим эмасми? Бизнинг қариндошларда бунақа сифатнинг ўзи йўқ. Шубҳангиз ноўрин

– Хулоса қилишга шошилманг, Қосимжон! – деди терговчи кулимсираб. – Акаларингизнинг анчадан бери аламзада бўлиб юргани рост. Вақт-бевақт жиянларининг олдига келиб, жанжал кўтарганлири ҳам ҳақиқат. Гиёҳванд, ароқхўр кимса учун икки дунё бир қадам, нафсини қондириш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Ўша пайтда кейин нима бўлиши ҳам уларни қизиқтирмайди.

– Гапингиз тўғри, – эҳтиёткорлик билан фикр билдиришда давом этди гувоҳ, – лекин Осим акам ҳам, Жасим акам ҳам жуда унақа... бировни ўлдирадиган даражада одамгарчиликдан чиқиб кетишмаган. Тўғри, улар омадсиз, йўлдан адашган бандалар аммо уларнинг қотиллик қилишига ишонмайман. Сиз улардан гумонсираб адашаяпсиз.

– Бўлиши мумкин, – тушунтиришга ҳаракат қилди терговчи, – гумонсираш ҳали бу айбдор дегани эмас. Акаларингиз билан муносабатингиз қандай?

– Деярли йўқ, – каловланди Қосим. – Уларга гап-сўз таъсир қилмаса, нима қилай? Бошида уларни тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилдим. Ўз билганларидан қолишмади. Ҳамма нарсасини бой беришди. Укам бўлса экан, қулоғининг тагига қўйиб юбориб, айтганимни қилдирсам.

Санжарбек сўроқни тугатиб, гувоҳга жавоб бергач, жойида ўтирганча хаёлга толди, ака-укалардан шубҳаланиб, нотўғри йўлга кириб кетгандай, вақтни бекорга ўтказаетгандай ҳис қилди ўзини. Ҳеч қандай натижа чиқмаса, нима бўлади? Беҳуда ишларга овуниб, тўғри йўлдан чалғиш яхши эмас. Кўп имкониятлар бой берилади...

Тезкор ходимлардан бири ака-ука Сайфиевлар келганлигини хабар қилди. Терговчининг рухсати билан сўроққа олдин Осимни олиб киришди. Остонада уст-боши бир алфозда, сочлари тўзғиган, юзларини ажин босган киши кўриниши билан хонани қандайдир ёқимсиз ҳид қоплади. Санжарбек бу инсон тўғрисида маълумотга эга бўлгани боис ҳеч ажабланмасдан хона четидagi стулга ўтиришга таклиф қилди.

– Осим ака, биринчи август куни қаерда эдингиз? – терговчи мақсадга ўта қолди.

– Тушунмадим, – талмовсиради гувоҳ, – биринчи август... Қаерда бўлардим, уйда бўлсам керак-да. Тўғриси, ҳозир ёдимда йўқ. Нега сўраяпсиз, начальник?

– Бир эслаб кўринг-чи, абитуриентлар тест имтиҳонлари топширган кунда қаерда бўлгансиз? – саволни ойдинлаштирди терговчи.

– Ҳа, тест куними, самарқандлик Абдурахмон деган курсдошимнинг ўғли «нархоз»га имтиҳонга келганди. Тест топшириб чиққандан кейин «Шаршара»да «ҳақ» берганди. Кечаси ўн бир-ўн иккиларгача ўша ерда қолиб кетибмиз. У ердан чиқиб, меҳмонхонага бордик. Кейин таксида уйга кетдик.

– Ким билан? Меҳмонлар ҳам сизникига боришдими?

– Йўғ-э, улар меҳмонхонада...

– Ўзингиз кетдингизми ёки олиб бориб қўйишдими?

– деди терговчи гап авзойидан воқеа қандай кечганини тасаввур қилиб.

– Ҳа, энди хурсандчиликдан сал-пал олиб қўйибмизда. Ўзи шу ичкилик ўлгурни ташлаганман... гоҳ-гоҳида бир шунақа бўлиб туради-да, начальник.

– Марҳум Луқмон тоғангиз билан келишмовчилигининг асл сабаби нимада? – терговчи қисқароқ қилишга уринди.

– Ер етказиб бормасин-у, аммо тоғамиз ичидан пишган, илоннинг ёғини ялаган, ғирт тулки одам эди-да! Бизнинг бобойнинг у ёғидан, бу ёғидан ўтиб, чаёндай қўйнига кириб олди. Биз фарзандлар қолиб, бу киши энг «шоколад» жойга эга чиқди. Қандай қилиб бобойни меросга қўл қўйишга кўндирган, билмайман. Адамни касаллигидан фойдаланиб, алдаб имзо чектиргани аниқ. А так бобой ўзиникини бировга бериб қўядиган инсон эмасди.

– Нега бунақа деб ҳисоблайсиз, бунга бирор асосингиз борми? – терговчи ўрнидан туриб, гувоҳга яқин келди.

– Қани айтинг-чи, начальник, сиз ўз мулкингизни фарзандингиз турганда бошқа бировга мерос қилиб қолдирармидингиз?

– Луқмон биров эмас, адангизнинг туғишган жияни-ку. Қолаверса, у падарингизга нафақат жиян, балки фарзанддай қадрли бўлган экан. Халқимизда «Қиз аммага тортади, ўғил – тоғага», деган мақоллар ҳам йўқ эмас.

– Эшитганман, аммо бу нақлнинг бизга алоқаси йўқ. Итим ҳам у шайтонга тортишини хоҳламаган бўлардим. Аслида, у маккорнинг адамга меҳрибончилиги ясама, сохта эди, начальник. Ҳаммаси мол-давлатга эга бўлиш учун қилинган найранг. Луқмон инсон эмас, одам кўринишидаги шайтоннинг урғочиси, десак тўғри бўлади!

– «Шоколад» дорихона деганда нимани назарда тутяпсиз? – терговчи биров олдин миясига келган саволни берди. – Бошқа дорихоналардан унинг бирор устинлиги борми?

– Ўзи кичкина бўлсаям савдоси яхши. Бобой шунча точкаси бўлишига қарамай кўпинча шу дорихонада ўтирарди. Бекорга эмасдир... Олдида катта шифохона, оғир касалнинг бари шу ерда. Одамлар яқинларини асраб қолиш учун пулнинг бетига қараб ўтирармиди. Қанча дори бўлса ортмайди, конвейрдай айланиб ётади.

– Қанақа конвейр? Бу нима деганингиз? – ҳайрон бўлди терговчи.

– Айтдим қўйдим-да, начальник! Бобой ҳаммасини яхши йўлга қўйиб олганди. Шайтон-жиян тайёрга айёр чиқди! Лекин охири нима бўлди? Бировнинг ҳақи тешиб чиқади, деганлари рост экан.

– Луқмон дорихонани қонуний асосда эгаллаган, бунақа дейишингиз тўғри эмас!

– Айтдим қўйдим-да, начальник! Мўмин-мусулмонлар бир бирларининг молига дахл қилишлари харом бўлади. Мўминнинг моли ҳам, жони ҳам Яратганнинг ҳимояси остида бўлади. Таассуфлар бўлсинки, кейинги пайтларда одамлар бировнинг молини алдов, фириб йўллари билан ейишдан хазар қилмай қўйдилар. Ҳолбуки, муқаддас динимизда бу ишлар харом, ўлиб, сасиб кетган ўлакса гўштини ейишдан ҳам жирканчроқ гуноҳ ҳисобланади.

Бугун одамлар харом билан ҳалолнинг фарқига бормай қолдилар. Бекорга ўғри бўл, ғар бўл, аммо инсофли бўл, дейишмайди. Буларга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг китобларини ўқитиш лозим.

– Нима, сиз ҳазратнинг китобларини ўқиганмисиз? – деди Санжарбек атайлаб гувоҳнинг кўнглига йўл топиш мақсадида.

– Деярли ҳаммасини! – деди Осим ўмганини бир кўтариб олиб. – Сиз-чи, бирорта китобини ўқиганмисиз?

– Йўқ, ўқимаган эканман, – терговчи ҳамсуҳбатини «ғолиб» кўрсатиш мақсадида атайлаб ёлғон гапирди.

– Ўқиш керак ука, ҳазратнинг китобларини такрор-такрор муталаа қилиб туриш лозим! – мағрур тиржайди Осим.

– Албатта, топиб ўқиб чиқаман, – деди терговчи ёлғон гапираётганидан ўзини жиндек ноқулай сезиб. Шу тобда унинг хаёлидан «Ўқиганларга амал қилинмаса, ўқишдан нима наф!» деган ўй ўтди.

– Ҳа, шундай қилинг, ука! Сизларнинг ишларингизда ҳам ҳалол ва ҳаромни ажратиш жуда муҳим. Афсус чекмайсиз!

– «Жиян»нинг фожиасига ҳам шу қусур сабаб демоқ-чисиз-да?

– Албатта, ҳар ким экканини ўради. Боя айтганимдай харом бир кун тешиб чиқади.

– Нима, Луқмон бирор ҳаром-ҳаришга...

– Буёғи энди ўзларингга ҳавола... Қолганларини ўзларинг суриштириб, билиб олаверасизлар. Ўлган одам ўлди – кетди! Менга нима, бошимни ачитиб ўтираманми?

– Осим ака, нимага шаъма қилаётганингизни тушунмай турибман? Луқмон қандай гуноҳи кабир қилган бўлиши мумкин? – саволни бошқачароқ қўйди терговчи.

– Айтдим қўйдим-да!

– Жиянингиз ҳақида бирор нарсани билсангиз айтинг! – терговчининг хаёлидан «Бу одам ниманидир яшираётгани аниққа ўхшайди», деган ўй кечди. – Терговга катта фойдангиз теккан бўларди.

– Ока, билганларимни айтдим, яна мендан нима хоҳлайсиз? Билдим дедим – тутилдим, билмадим дедим – кутилдим. Сизларга бир нарсани айтиб ҳам бўлмайди-я, тавба қилдим!

– Майли, мана бу менинг телефон рақамим, – деди Санжарбек бир парча қоғозни узата туриб, – бирор нарса ёдингизга тушса ёки виждонингиз...

– Йўқ, йўқ, ока, менинг виждоним тоза, қийналмайди! – ишшайди гувоҳ. – Хотирам ҳам жойида, билганларимни айтдим. Мени бу касофатларга аралаштириб юрманг! Бу шайтон ҳақида гапиришни ҳам, эслашни ҳам истамайман.

– Ҳар эҳтимолга қарши айтдим-қўйдим-да! – деди терговчи узоқни ўйлаб. – Луқмон ҳақида гапиргингиз келмаса, ўзимиз бир отамлашиб, анави тозасидан «қиттай-қиттай»...

– Нима, ҳазиллашяпсизми ёки мени алкаш, деб ўйлаяпсизми? – Осимнинг башараси тиришди. – Мен умуман...

– Сиз ичмасангиз, мана биз ичамиз! – терговчи ҳамон қаршисидаги кишининг дил қулфини очишни ўйларди. – Сиздан жонона суҳбат бўлса бас.

– Ҳазрат Алишер Навоий: «Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас», деган эканлар. Сиз терговчи бўлсангиз, биз бир бекорчи...

– Эй, Осим ака, гўзал суҳбат учун на касбнинг, на ёшнинг ва на ижтимоий ҳолатнинг аҳамияти бор. Павловхонтўра биздан...

– Яхши, сиз нима десангиз шу!

Осим терговчи томонидан тақдим этилган сўроқ баённомасини ўқиб ҳам ўтирмасдан ўнг қўлида имзо чекиб, кўтаринки кайфиятда хонадан чиқди.

Сал ўтмай хонага Жасимни олиб киришди. Қирқ беш ёшларни қоралаган бу йигитнинг келбати акасиникига ўхшаса-да, анчагина чайир ва чаққон кўринди. Қорайиб кемтиклашиб кетган тиши, ўйдим-чуқур башараси, билагадаги игна изларини ҳисобга олмаганда, бошқалар-

дан фарқ қилмайдиган бу кимсанинг ўзини қандайдир бошқача тутиши, довдираши терговчида шубҳа уйғотди.

– Ока, тинчликми? Нимага чақирдингиз? – деди у томдан тараша тушгандай.

– Нимага чақирганимизни билишга сизда муддат етарли бўлади, ўтиринг! – терговчи ҳам «салом»га лойиқ «жавоб» олиб.

– Ока, тинчликми? Нимага чақирдингиз? Нима гуноҳ қилдик? – тоқатсизланди Жасим. – Анави масалада бўлса... ташлаганимизга анча бўлди.

– Ростдан ҳам ташлаганмисиз? – деди Санжарбек гувоҳга бошдан оёқ разм солиб. – Негадир ўхшамаяти...

– Ока, ишонмайсиз-да, ҳозир умуман истеъмор қилмаяпмиз, олишга пул ҳам йўқ...

– Меҳмон қилишса-чи?

– Меҳмон қиладиганлар ҳам йўқ бўлиб кетган.

– Чапақаймисиз?

– Ҳа, чапақайман. Нимайди?

– Жасим ака, сизни жиянингиз Луқмон масаласида чақиртирганмиз, – жиддийлашди Санжарбек. – Биринчи август куни қаерда эдингиз?

– Шунақа демайсизми? Уф-ф, нимаймиш деп қўрқиб кетибман, – чуқур хўрсинди гувоҳ. – Эй, бу жиян бўлмай кетсин, ўлибам қутилмасканмиз-да ундан. Адамни бошини айлантириб, бизга тескари қилиб қўйгани етмагандай, давлатига ҳам эгалик қилди.

– Биринчи август куни қаерда эканингизни айтмадингиз, – саволни такрорлади терговчи.

– Биринчи август... биринчи... ока, тўғриси, ёдимда йўқ. Бугун эрталаб нима еганим эсда турмайди-ку, – тўнғиллади гувоҳ чимирилиб.

– Эслаб кўринг, ўша куни Луқмон жиянингиз ўлдириб кетилган.

– Э-э-э, гап бу ёқда денг, – деди Жасим капалаги учиб. – Менга қотилликни ёпиштирмоқчимисиз? Бу номерингиз ўтмайди! Да, ҳар замонда бояги зормандадан урганмиз, лекин бунақа иш бизга эмас. Чучварани хом санабсиз!

– Ўзингизни босиб олинг! – терговчи овозини сал баландлатишга мажбур бўлди. – Ҳеч ким сизга қотилликни осмоқчи эмас. Бизнинг ишимиз сўраб-суриштириш. Маҳмодоначилик қилмасдан берилган саволларга жавоб беришни маслаҳат бераман.

– Хўп, хўп. Мендан нима истайсиз? – деди гувоҳ попуги пасайиб.

– Саволни бошқачароқ қўяман: Луқмоннинг ўлдирилганини қачон ва кимдан эшитдингиз?

– Шу куни улфатлар билан тоққа – Чорвоққа чиққандик. Кеч бўлганда Осим акам кўнғироқ қилиб, Луқмон жиянни кимдир ўлдириб кетгани, жаноза эртага пешинга эканини айтди. Ҳайрон бўлдим. Эртаси куни тоғдан қайтиб, жанозада қатнашдик.

– Тоққа кимлар билан чиққандингиз? – майдалаб сўрашга ўтди терговчи.

– Ока, шу шартми? Ўзим ростини айтиб турибман-ку! Энди уларниям чақириб... Мени сўкиб юришмасин, дейман-да.

– Нима, сизга давлатнинг иши майнавозчиликми? – атайлаб «хужум»га ўтди терговчи. – Сизнинг беайблигингизни текшириб кўришимиз лозим. Марҳамат, улфатларингизни исмини, уй манзилени айтинг.

– Жуда уятли иш бўлди-да, сотқинга ўхшаб қоласан киши, – Жасим қисина-қисина улфатларини ошкор қилди.

– Улар сизнинг ўша куни тоғда бўлганингизни тасдиқласа, тамом-вассалом – гумондан ҳоли бўласиз, – терговчи бир нималарни ўйлаб, бироз «юмшади». – Ўзи Луқмон билан ёвлашиб юришларингизнинг асл сабаби нимада? Жондай тоға-жиян бўлсаларинг, боз устига, отангизнинг энг яхши кўрган шогирди.

– Ока, айтсам ишонмайсиз, бунақа қариндошдан ғирт бегона яхши. – Жасимнинг чакаги очилди. – Ўлганлар ҳақида ёмон гапириш гуноҳ-у, аммо яхши гапиришга тил бормаса нима қилиш керак. Раҳматли нақд хамелоннинг ўзи эди-да! Бизни адамга, адами бизга ёмонлаб,

ўртамизга совуқлик туширди. Мақсади шу йўл билан отамизнинг давлатига эга чиқиш экан. Биз буни кейин тушиниб қолдик. Илондай авраб, бизни ўз отамизнинг олдига яқинлаштирмай қўйди. Қари одам ёш боладай бўлиб қоларкан. Ким нима деса, ишонавераркан.

– Адангиз давлатининг катта қисмини сизларга қолдирибди-ку! – терговчи суҳбатдошини «қитиклаб» қўйди.

– Отам аҳмоқ одам эмасди, унинг «провакация»ларига учмади, лекин ўзи ишлаб турган дорихонани унга қолдирди.

– Шу каталакдай дорихона учун шунча ваҳимами? Сизларга бола-чақангизга ҳам етадиган мол-мулк қолдирган экан-ку!

– Каталакдай бўлгани билан бу дорихона... – гувоҳ нимадир демоқчи бўлди-ю лекин негадир гапни бошқа ёққа бурди, – баракали жой эди-да!

– Биз текшириб кўрдик, – Санжарбек гап овлаш мақсадида сўзига бир чимдим ёлғон қўшди, – дорихонанинг савдоси ҳам унча яхши эмас экан. Ака-укалар намуноча шу жойга ёпишиб олдинглар, тушунмайман.

– Ока, савдоси қанчалигини билмайман, лекин айрим жойлар кичкина, кўримсиз бўлса-да, шунақа Худо юқтирган қутли, баракали бўлади. Қолаверса, падаримиз суйган табаррук маскан.

– Луқмонни охириги марта қачон кўргандингиз? – терговчи гапни бошқа ёққа бурди.

– Ҳозир ёдимда йўқ, анча бўлди-ёв. Тахминан икки-уч ой.

– Қаерда учрашгандинглар?

– Дорихонага боргандим, – деди Жасим қизариб. – Баъзида анави дори зарур бўлиб қолган пайтларда пул тополмай қолсам унинг олдига борардим.

– Нима унинг сиздан қарзи бормиди? – сўради терговчи ўзини соддаликка олиб.

– Қарз эмас, отамизнинг дорихонасига... шерикчилик... дегандай...

– Пул бериб турардим?

– Бошида арзимас бўлса-да бериб турарди. Кейинчалик бермай қўйди, курумсоқ.

– Луқмон аканинг ўғли Дониёр сизни адасидан доимий равишда пул талаб қилиб келганингизни кўрсатган, бунга нима дейсиз?

– Доимий эмас, айтдим-ку ҳар замонда... анов дори курғур керак бўлиб қолганда «ломка»да иложсизликдан... Бошқа пайти қадамимни ҳам босмаганман.

– Луқмоннинг сизни нима сабабдан ҳайдаб солмаганига ёки милиция хабар қилмаганига ҳайронман?

– Нима деб хабар қилади, ўзининг орқаси... – гувоҳ ўзининг нотўғри сўзлаб қўйганини сезиб, дарров гапини тўғрилашга ҳаракат қилди, – дорихона бизларники бўлса.

– Демак, сиз унинг бирор бир сири ёки нозик жойини билгансиз, шундайми?

– Йўғ-э, нима деяпсиз? Савдо ходими бўлгандан кейин ёзув-чизувдан кўрқади-да!

Санжарбек сўроқни якунлаб, ҳужжатларга имзо чектираркан, Жасимнинг чапақай эканига эътибор қаратди. Гувоҳ вайсай-вайсай чиқиб кетгач, хонада танҳо қолган терговчи ўз-ўзига «Ака-укаларда бир гап борга ўхшайди», деб шивирлаб қўйди.

* * *

Иш бўйича тайинланган барча экспертиза мутахассислари билан суҳбатлашган Санжарбек хаёлида қотиллик тафсилотларини жонлантиришга уриниб кўрди: Луқмон билан Дониёр соат ўн бешларда дорихонага қайтиб келишган. Соат ўн саккизларда Дониёр уйига кетган. Луқмон дорихонада ёлғиз қолган... Экспертлар қотиллик кеч соат саккиз билан тўққиз оралиғида содир бўлганини таъкидлашяпти. Самиғ дорихонага кеч соат ўн тўққиздан эллик олти дақиқа ўтганда кириб келган. Буни қўшни дўкондаги видеокузатув камераси тасдиқлаяпти. У ўн, боринги, ўн беш дақиқа ўртоғини залида кутиб турган. Саккиздан ўн дақиқа ўтганда лабораторияга кирган ва Луқмонни кўксига пичоқ қадалган ҳолда кўрган. Бундан

чиқди, қотиллик содир этилган вақтни янада аниқлаштириб, жинойт саккиз билан саккиздан ўн беш дақиқа оралиғида содир этилган, деган қатъий хулосага келиш мумкин. Бу нимани англатади? Самиғ дорихонага қотиллик юз бергандан кейин кириб борган. Бу пайтда қотил ҳали ўша ерда бўлган. Демак, қотил Самиғдан сал олдинроқ дорихонага кириб келган ва залда ҳеч ким йўқлиги туфайли лабораторияга ўтган. Тўғри бориб, креслода ўтирган Луқмоннинг кўксига пичоқ санчган. Луқмон нима сабабдан қаршилиқ кўрсатмаган? Жавоби оддий: қотил унга таниш бўлган ёки нотаниш бўлса-да ундан бунақа хатти-ҳаракатни кутмаган, онгда қолган. Воқеа жойида жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатиш, тепалашиш аломатлари топилмаган. Ҳамма нарса ўз ўрнида, стол-стуллар ва бошқа жиҳозлар жойидан жилмаган, ҳеч қаёққа сурилиб кетмаган, отилган, сочилган, синган ашёлар топилмаган. Пичоқ санчилиш траекторияси экспертларга қотил чапақай бўлган, деган хулосага келишига асос бўлган. У олд томондан кўкқисдан ҳамла қилган. Қуролни ўзи билан олиб келган. Пичоқ тўғри юракка қадалган. Ҳеч қаерда из қолдирмаган, қўлқоп билан иш қилган. Генетик-дактилоскопия (ДНК) экспертизаси учун воқеа жойида одам тана тўқималаридан олинган яроқли объект топилмаган. Демак, қотил анчагина тажрибали ва эпчил инсон экани аниқ. Ишни ҳамирдан қил суғургандай уддалаган қотил лабораториядан чиқиб кетишга улгурмай қолган. Залда Самиғнинг пайдо бўлгани унга халақит берган. Қулай фурсатни кутиб, яшириниб турган. Кутилмаганда лабораторияга Самиғ кириб келган. Жинойтчи яширинган жойидан жилмай кузатиб турган. Самиғ довдираб чиқиб кетгач, қотил ҳам секин унинг изидан чиққан ва кўздан ғойиб бўлган...

Эшик оҳиста тақиллаб, Умид кириб келди:

– Санжар ака, яхшимисиз?

– Умиджон келдингизми? Нима бўлди?

– Мерос билан боғлиқ ҳужжатларни нотариусдан олдим, – Умид сумкасидан бир даста қоғоз чиқариб, стол

устига қўйди. – Шубҳали ҳеч нарса йўқ. Ҳаммаси қонун доирасида расмийлаштирилган. Нотариус билан ҳам гаплашдим. Ака-укалар Луқмон адаларини қарилигидан фойдаланиб, алдаб ҳужжатларга қўл қўйдирган, деб ҳисоблаб келишган. Ўша пайтда бу масалада бир неча марта прокуратурага ҳам шикоят қилишган.

– Ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилмаган эканми?

– Йўқ, судга даъво беришмаган.

– Ака-укаларнинг иддаолари бўйича прокуратура қандай жавоб берган?

– Фактлар тасдиқланмаган. Иккинчи шикоятда ака-укалар Луқмонга отасидан унга мерос ўтган дорихонани Чилонзор савдо марказидаги «Билол А» дорихонаси билан алмаштириш талабини қўйган. Мен у дорихонани биламан. Марказда жойлашган, Луқмоннинг дорихонасидан икки-уч баробар катта. Нима сабабдан шундай катта дорихонани каталакдай кичкина жойга алмаштиришни талаб қилганига ҳайронман.

– Балки савдоси каттадир?

– Мен ҳам бошида шундай деб ўйлагандим, – раҳбарнинг диққат билан тинглаб тургани ёш терговчини руҳлантириб юборди, – лекин тезда давлат солиқ инспекциясидан ҳар иккала дорихонанинг ўтган йилги ва жорий йилнинг олти ойлик савдо айланмаси юзасидан ҳисоботларини олиб, таҳлил қилиб чиқдим. Натижа мен кутгандай чиқмади. «Билол А»нинг савдо айланмаси қарийб икки баробар катта чиқди.

– Шунақа денг... – Санжарбек бир нуқтага тикилгунча бир муддат ўйланиб қолди, – Осим ва Жасимни сўроқ қилдим. Улар ҳам шуни айтишди. Отасининг Луқмонга айнан шу дорихонани мерос қолдирганини ҳамон ҳазм қилолмай юришибди. Ораларидаги нифоққа ҳам сабаб шу. «Нега бу товуқнинг инидай кичкина дорихонага бунчалик ёпишиб қолдинглар?» десам «Бу савдо нуқтаси кичкина бўлгани билан қандайдир қут-баракали, «шоколад» жой, отамиз ҳам шунча савдо нуқтаси бўлса-да

шу жойда ўтирган, табаррук макон», деган жавобни беришди. Дорихонада бизга маълум бўлмаган бирор сир бормикан, деб ўйланиб қолдим.

– Қандай сир бўлиши мумкин? Бу йигитлар савдогар халқ, фойда-зиёни ҳамма нарсадан устун қўйишади. Менимча, дорихона дори-дармон савдосидан ташқари, қандайдир бир бошқа яширин фаолият тури билан шуғулланса керак-да!

– Менинг хаёлимга ҳам шу фикр келганди. Дори сотиш улар учун «конспирация». Аммо дорихона бизга номаълум бўлган даромадбоп фаолият тури билан шуғулланиб келган бўлса ажабмас! Рақобат бозори эса ҳаммаша қурбонларни талаб қилади. Бу бозорда қонуний ғолиб бўлишни ундай олмайдиган шаввозлар ғирром йўлни танлаб, бизнес рақибни жисмонан йўқ қилиш йўлини танлайдилар.

– Демак, ишда яна бир тахмин...

– Тўғри айтасиз, – Санжарбек мантиқни ишга солди, – ишимизда яна бир тахмин пайдо бўлди. «Навбатчи» ёки чорасизлик тахмини эмас, эҳтимоллиги анчагина юқори бўлган асосий тахмин. Энди сиз билан бизнинг вазифамиз – дорихонанинг қандай яширин фаолият билан шуғулланганини аниқлаш! Бу эса бизга Лукмоннинг рақобатчиларини топиш ва шу йўл билан гумондорлар доирасини анчагина қисқартиришга асос бўлади.

– Санжар ака, сиз бу ишга кечагина киришдингиз, – раҳбарнинг самимий ва сермулоҳазалиги Умидни ҳам фикрини эркин ифодалашга ундади, – биз шунча кундан бери дорихонанинг бирор бир ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келганини сезмадик. Дорихонада ўтказилган тафтиш, гувоҳларнинг кўрсатмалари, дорихона ва унинг атрофидаги корхоналарда ўрнатилган видеокузатув тасвирлари бу жойда одам гавжум бўлгани, гиёҳвандлик моддалари сотилгани ёки ўзгача шаклда яширин «цех» мавжудлигини истисно қилмоқда.

– «Истина рождается в споре», дейишади, – Санжарбек ёш терговчига яқин келди, – мана, кўрдингизми,

мунозара, мушоҳадада гап кўп. Шу тобда Осимнинг бир гапи ёдимга тушди. У «Отам шунча точкеси бўлишига қарамай шу дорихонада ўтирарди, бекорга эмасдир. Олдида катта шифохона, оғир касалнинг бари шу ерда. Одамлар яқинларини асраб қолиш учун пулнинг бетига қараб ўтирармиди. Қанча дори бўлса ортмайди, конвейрдай айланиб ётади», деганди. Ўша пайтда бу гапларга унчалик аҳамият бермагандим. Ҳозир ўйлаб қарасам у нимагадир шаъма қилгандай туюляпти. Балки дорихона азалдан солиқ тўловларидан қочиш мақсадида савдо айланмасини яшириб келганмикан?

– Бўлиши мумкин, – қувватлади Умид. – Негаки, дорихона, асосан, ёнидаги нейрохирургия шифохонаси даъволанувчиларига хизмат қилади. Луқмон шифохона шифокорлари билан тил бириктириб, яширин савдони йўлга қўйган бўлиши мумкин.

– Фармацевтлар билан шифокорлар келишган ҳолда... бўлиши мумкин.

Эшик қаттиқ тақиллаб, хонага узун-калта бўлиб Маъмур билан Мухтор, кетидан Жўрабой кириб келди.

– Шерлок Холмсларга алангалик саломлар! – Маъмурнинг кайфияти чоғлиги кўриниб турарди.

– Доктор Ватсонларга саломларимиз! – Санжарбек бошидаги йўқ «шляпаси»ни олиб, яна «жойига қўйди» европаларикларга хос саломлашган киши бўлиб. – Жанобларининг оғзи қулоғида, бир хушхабар эшитамиз-ов!

– Албатта! – ҳазилни давом қилди Маъмур. – Жўрабой укамиздан жанобларининг устозидан ўтган бир нақллари-ни эшитиб, рухсатлари билан ўзимизга ҳам шиор қилдик: натижа чиқмаслигининг ўзи ҳам – натижа! Шунга таяниб, ишимиздан натижа бўлмаса-да, катта ишни дўндиргандай оғзимиз қулоғимизда ҳузурларига чопқилаб келаётирмиз.

– Жўрабой ҳақ гапни айтибдур. Муҳтарам устозимиздан мерос бу ҳикмат шиоримизга айлангани чин. Уни ўз ўрнида ишлатиб юрганимиз ҳам рост. Аммо ҳар қандай муваффақиятсизликни натижа сифатида баҳолаш ва

ўз-ўзига таскин бериб, хотиржамликка берилиш бизнинг тарзимизга хилоф ишдур. Қолаверса, элда ҳар ким ўзига мослаб мақол тўқийди, деган гаплар ҳам бор.

– Ҳа, Санжарбек оласиз-да! Сизга тенглашиб бўлармиди? – Маъмур кулимсираб, икки қўлини кўтарди. – Таслим бўлдик, таслим!

– Ҳўш, Маъмур ака, нима гаплар? – жиддийлашди гуруҳ раҳбари.

– Луқмоннинг барча яқинларини чиғириқдан ўтказиб, Самиғнинг ўғлини ўқишга киритишда унга ҳамкор бўлиши мумкин бўлган икки шахсни аниқладик. Биринчиси, фармацевтика институти декани, профессор Қодир Эсонов. Луқмон у билан тез-тез учрашиб, қўнғироқлашиб турган. Жумладан, Самиғ Луқмонни ёнига келиб, пулини қайтаришни талаб қилиб кетган кунлар ҳам икковлари телефонлашган. Профессор билан гаплашдик, лекин у шогирди билан бирор-бир пулли иш қилганликларини рад этди. Ўзиям бунақа қиладиган одамга ўхшамайди, оддий олим одам-да! Чақиртирганман, ҳали замон келиб, қолса ўзингиз гаплашиб кўришингиз мумкин.

– Кейингиси ким экан? – тоқатсизланди Санжарбек.

– Иккинчи гумондоримиз – Охунжон Парпиев – тиббиёт академияси ректори ёрдамчиси. Кейинги пайтда телефонда кўп гаплашишган. Ўша куни ҳам икки марта қўнғироқлашиб, жами ўн дақиқа сўзлашишган. Бундан ташқари, айнан Самиғ пулини сўраб, олдиға келган кунлари у чиқиб кетиши билан Луқмон ўша йигитга телефон қилган. Биз Жўрабой билан керакли одамни топдик, деб ўйлагандик. Охунни топиб, сўроқ қилдик. Қўйнинг оғзидан чўп олмайдиган, халимдек ювош йигит экан. Луқмон билан узоқ йиллардан буён ака-ука эканликларини, учрашиб, гаплашиб туришларини, хуллас, ҳаммасини тан олди. Окахонининг Самиғ деган синфдошидан 25 минг АҚШ доллар қарзи борлигини ҳам биларкан. Фақат Луқмон унга бир таниш домла ўқишга киритиб бераман, деб алдаб 25 мингга «кийдириб» кетганини айтиб, синфдошига

қайтариб бериш учун ҳеч бўлмаса 10-15 минг доллар қарз бериб туришни илтимос қилган экан. Шунинг учун Самиғ ҳар гал келиб тўполон кўтарганда, Луқмон Охунга қўнғироқ қилган. Эртага пешиндан кейин уни ҳам чақирганмиз.

– Жўрабой, сизнинг фикрингиз қандай? – гуруҳ раҳбари нимадир дейишга «шефи»дан истихола қилиб, турган талабага юзланди.

– Сўзлари ишончли чиқди, ўзини инсофли, имонли йигитдек кўрсатишга ҳаракат қилди, – Жўрабой «шериги»нинг гапини тасдиқлаган бўлди. – Лекин барибир текшириб кўриш лозим.

– Нимани текширасан, – ўқрайди Маъмур, – мен одамларни бир кўришда биламан. Шу боланинг кўлидан бировни чув тушириш келмайди.

– Одамни сиртига қараб хулоса қилиш қийин, – «шериги»нинг дилини оғритмаслик учун эҳтиёткорлик билан фикр билдирди Жўрабой. – Одамнинг оласи ичида дейдилар. Артистлик қилаётган бўлмасин тағин. Ўзиям жуда анвинақа... нима десам экан, бошқача киши экан.

– Қанақа киши экан? – ҳайратланди Санжарбек.

– Аёл мижозми-эй, ишқилиб қилиқлари, юриш-туриши, гап-сўзи хотинларникига ўхшаб кетадимиз-эй...

– Хезалак сифат йигит экан-да! – изоҳ берди Маъмур. – Шуни айтаёлмай қийналиб кетди, бола фақир.

– Демак, бошқа гумондор топилмади, шундайми? – гуруҳ раҳбари Маъмурга юзланди.

– Йўқ, Луқмоннинг яқинлари, таниш-билишлари орасида биз излаётган одам топилмади. Бу иккови ҳам бошқа гапни айтиб турибди. Шу сабабли буларнинг ҳаммаси Самиғ қурғур тўқиган афсонамикан, деб ўйлаб қолдим.

– Нима демоқчи бўляпсиз? – Санжарбек изоҳ талаб қилди.

– Демоқчиманки, Самиғ билан Луқмон ўртасида ҳеч қандай олди-берди бўлмаган. Бу қотилликни содир этгандан сўнг Самиғ жазодан қутилиб қолиш учун ўйлаб топган чўпчақдан бошқа нарсаси эмас. Маккор шу йўл билан сувдан қуруқ чиқишни ўйлаган.

– Маъмуржон, яна эски ашулани бошладингизми? – кулимсиради гуруҳ раҳбари. – Самиғни ёддан чиқариб туришга келишмаганмидик?

– Лекин бу томонда натижа чиқмаса, вақтни йўқотиб нима қилдик!

– Майли, – Санжарбек мунозарага чек қўймоқчи бўлди, – Мухторжон, сизда нима гаплар?

– Луқмоннинг телефон пеленгацияси, сўзлашувлари, ёзишмалари таҳлили бўйича кейинги пайтда у билан яқин алоқада бўлган шахслар доираси аниқланди, – Мухтор ёндафтарига қараб ахборот беришга киришди. – Мулоқатлар, асосан, оила аъзолари, касбдошлари, дорихона мижозлари билан бўлган. Чеккадан анави икки домла билан мулоқат қилган. Яна Чилонзордаги поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайдиган Назокат исмли аёл билан кўп гаплашган. Ўрталарида ишқий саргузашт бўлган шекли, бир кунда уч-тўрт марта сўзлашган, «ўлдим-қолдим» деган маънодаги «sms»лар ёзишган.

– Яна кимлар билан кўпроқ гаплашган?

– Яна нейрохирургия шифохонасида ишлайдиган шифокорлар билан деярли ҳар куни мулоқотда бўлган. Бу энди тушунарли, шифокорлар керакли дорилар бор-йўқлигини сўраб туришган. Телефон пеленгацияси бўйича Луқмоннинг қаерларда бўлганини ўрганиш давом этмоқда. Ҳозирча бирорта шубҳали «ташриф» аниқланганича йўқ. У, асосан, вақтини ишхонасида, ҳовлисида, бояги айтган Назокатхонимнинг хонадонидида ўтказган.

Шундан сўнг Санжарбек гуруҳ аъзоларига ўзи ва Умид томонидан бугун амалга оширилган тергов ҳаракатлари тўғрисида ахборот берди... Тергов гуруҳи анча пайтгача бир-бири билан маълумот алмашиб, қизғин мунозарага киришдилар, қотиллик ва уни содир этилиш тафсилотларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилдилар.

Кечга яқин профессор Қодир Эсонов сўроқ қилинди. Олтмишлардан ошган бўлса-да, кўринишидан анчагина чаққон ва тийрак бу инсоннинг олимларга хос салоҳияти сезилиб турарди.

– Домла, безовтачилик учун узр, – эҳтиёткорлик билан гап бошлади Санжарбек. – Сизни мархум Луқмон Шарипов иши бўйича чақиртиргандик.

– Тушунаман, тушунаман, – деди профессор босиқлик билан. – Хизматчилик укажон, хизматчилик. Сизлар ҳам ўз бурчларингизни бажаряпсизлар.

– Бизни тўғри тушунганингиз учун раҳмат, домлажон. Луқмон ака хусусида... Қандай танишгансизлар? Муносабатларингиз қанақа бўлган?

– Луқмон бизда ўқишни битирган, менинг қўлимда диплом ҳимоя қилган, – гапни узоқдан бошлади домла. Шундан устоз, деб ҳурматлаб юрарди. Ишлари чакки эмасди. Билмайман, кимга зарур бўлди... эшитиб, жуда хафа бўлдим. Бировга ёмонлик соғинганини эслолмайман. Шу ишни синфдош дўсти қилганмиш-а? Дўстингдан топ, деб шуни айтадилар-да!

– Устоз, сиз ўша синфдош дўсти – Самиғни танирмингиз? – пайтдан фойдаланиб сўради терговчи.

– Йўқ, мен у болани шахсан танимайман. Лекин Луқмон менга у ҳақда гапирганди.

– Ия, отахон буёғи қандоқ бўлди? – Маъмур ўрнидан туриб кетди. – Боягина биз сўраганда ҳеч қанақа Самиғ-памигни танимайман, деб тургандингиз-ку...

– Тўғри, шундай дегандим, – деди профессор уят иш қилиб қўйган ёш боладай қизариб, – бошимни ғурбатга тиқиб нима қиламан, деб ўйлагандим. Хато қилганимни кейин англаб етдим. Агар биз олимлар шунақа йўл тутсак, бошқалар нима қилади... Виждон, бурч деган нарсалар...

– Ҳа, омон бўлинг, домлажон, омон бўлинг! – Маъмур гапни илиб кетди. – Балки виждонингиз қийналиб, қандай қилиб Самиғнинг ўғлини ўқишга киритиш учун Луқмондан кўкида 25 минг олганингизни ҳам айтиб берарсиз! А лаббай?

Санжарбек ҳамкасбига ёвқараш қилди.

– Эй, укажон, бу нима деганингиз? – деди профессор кўзлари косасидан чиққидай бўлиб. – Тўғри гап тукқанингга ёқмайди. Мен сизларга билганимни айтиб, ёрдам

қилмоқчи бўлсам... хе, сизни қаранг-э! Одамлар шунинг учун ҳам гувоҳ бўлишдан қочишади-да! Кўрдим деса, ўзлари балога қолади. Жиноятчи четда қолиб, у бечорага ёпишиб кетасизлар. Э, омонг бўлинг-э!

– Домлажон, хафа бўлманг, Маъмуржон ҳазиллашапти, – гуруҳ раҳбари вазиятни юмшатишга уринди. – Сиз билганларингизни айтаверинг.

– Қаерда қолгандик? – профессор Маъмурга кўз қирини ташлаб, давом этди: – Луқмон Самиғ ҳақида гапирганди. Ўғлини ўқишга киритиш учун унча-мунча пул берган экан. Лекин бола ўқишга киролмади. Ваъда қилган одами эрта, индин, ана, мана, деб бир йилдан буён пулни қайтармай, сарсон қилаётганини айтганди. Синфдоши эса пулни қайтар, деб уни сиқувга олган, тегишли жойга ёзиб бермоқчи бўлган. Шу сабабли Луқмон мендан қарз сўраганди. Каттагина сумма экан. Менда ундай пул йўқ эди. Узримни айтдим, лекин пулни қандай бўлмасин қайтариш лозимлигини маслаҳат бердим. Айтишича, синфдоши камбағал йигит экан. Мол аччиғи – жон аччиғи, бирор касофатни бошлаб ўтирмасин, дегандим. Мана, оқибати нима бўлди, кўнглим сезган экан. Шу арзимаган пулни деб, айни қирчиллама ёшида бир йигитнинг умри хазон бўлди. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

– Сиздан қанча қарз сўраганди?

– 20-25 минг АҚШ доллари.

– Луқмон анчагина пулдор йигит бўлган, – гуруҳ раҳбари савол беришда давом этди: – нима сабабдан, шу пулни ўзидан бериб, ўртоғидан қутила қолмаган. Кейин ўзи қачон бўлса берган одамидан пулни олиб, жойига қўйиши мумкин эди-ку. Шунча кўнгил хиралик шартмиди?

– Мен ҳам шу гапни айтгандим-да, – дадилланди домла, – ҳамма маблағим «оборот»да, ортиқча пулим йўқ, деганди. Мен ичимда балки берган одамидан пулни қайтариб олишга ўзининг ҳам кўзи етмаяптими, синфдошини вазиятдан чиқараман деб, ўзи куйиб қолишдан қўрқаяптими, деган ўйга боргандим.

– Пулни кимга берганини айтганмиди?

– Йўқ, айтмаганди, лекин бир гапидан... ўзимча...

– Хўш, хўш қанақа гап экан, – сергакланди терговчи.

– «Даюсни ректорга айтмасам бўлмайди, шекилли», деганди. Гап-сўзидан Лукмон олдин ҳам уни ректорга айтиб бериш билан қўрқитган. Ўша одам: «Илтимос шефнинг олдида шарманда қилма, билса, ишдан ҳайдаб юборади, пулингни эрта-индин тахлаб бераман», деб ваъданинг каттасини берган. Шунга қараганда бу одам ректорга яқин шахс бўлса керак, деган хаёлга боргандим.

– Шогирдингиз нима сабабдан анави ошнасини «даюс» деган, бу жуда ҳақоратли сўз эмасми? – «ақллилик» қилди Жўрабой.

– Тўғри, «даюс» дегани йигит кишига ярашиқлик иш эмас, – деди профессор дона-дона қилиб, – лекин нуқул хезалак, даюс, хотинчалиш, деб сўкканини эшитганман. Балки жаҳли чиққанидан шундай... балки ўша йигит ростдан ҳам шунақа мижоз... кишидир...

Гуруҳ аъзолари бир-бирига маъноли қараб, кулиб қўйишди.

– Лукмон аканинг оиласини ҳам яхши биласизми? – Санжарбек навбатдаги масалага ўтди. – Аёли билан муносабати қандай эди?

– Оилавий бориш-келиш қилиб турардик. Келин – Азизахон тилла хотин, у ҳам бизда ўқиган. Уйим-жойим дейдиган, босиқ ва оқила аёл. Анави опа-сингил касофатлар шўрликни роса қийнади. Бошқа хотин бўлганда аллақачон кўч-кўронини йиғиштириб, кетиб қолган бўларди.

– Опа-сингиллар деганингиз кимлар? – эҳтиёткорлик билан сўради Санжарбек.

– Нозима деган аёл билан дон олишиб юрарди. Келин бечора эрини у бетамиздан ажратиб олиш учун роса ҳаракат қилди. Ўртада қаёқдандир унинг синглиси Назокат пайдо бўлиб қолди... Ҳозирги замоннинг аёлларига ҳам ҳайронсан, опа-сингил бир эркакка суйкалишдан ҳам тойишмайди-я! Лукмон менга фарзандимдай бўлиб қолганди, «Ҳой бола кўзингга қара, гулдай хотининг, ҳавас қилса ар-

зигулик оиланг, бўй етган болаларинг бор», деб кўп гапирдим, фойдаси бўлмади. Нимаймиш – севармиш! Раҳматли шу масалада суяги йўқроқ эди-да. Бу майда-чуйда гапларни сизларга айтиб, ўзимни бозорчи хотинлардай ҳис қил-япман... Лекин айтмасам ҳам бўлмасди-да! Шогирднинг ўлдириб кетилганини эшитиб, миямга шу опа-сингиллар келди. Аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлади, деганларидай, шулардан кўрдим. Ҳар ҳолда кейинчалик қотил қўлга олинганини эшитиб, кўнглим бироз таскин топди.

Санжарбек яна айрим масалаларга ойдинлик кирит-гач, профессорга жавоб берди. У чиқиб кетгач, хонада бироз сукут ҳукмронлик қилди.

– Ҳўш, жаноб изқуварлар бу ёғига нима дейсизлар, – сукунатни гуруҳ раҳбари бузди, – профессорнинг гапларига ишонса бўладими?

– Ғирт муттаҳамлиги кўриниб турибди-ку, – Маъмурнинг алами босилмаганди, – ҳамма шубҳани ўзидан соқит қилиш учун бировларнинг томорқасига роса тош отди, бу мулойимхунук. Болани ўқишга киритаман, деб пулини олиб, Луқмонни сандироқлатиб юрган балки ўзидир. Сир ошкор бўлса, пора билан жиноий жавобгарликка тортилишини яхши билади. Ўшакчи хотинлардай қаердаги опа-сингилларни бизга тиқиштирганига ўлайми?! Луқмоннинг ўлдириб кетилганини эшитиб, ўша ойимчалардан гумон қилганмиш. Тулкилик қилишини қаранг!

– Маъмуржон ака, – Санжарбек кулимсираб, майорга юзланди, – бу тахминларингизга бирор бир асос борми? Ёки шунчаки ички «интуиция» дегандай...

– Санжаржон, бизларнинг кўзимиз пишиб кетган, бир кўришда ренгендай ичидаги бор-будини кўриб қўямиз, – деди Маъмур куюқ қошларини ўйнатиб. – Мана, мени айтди дерсизлар, Луқмонни чув туширган шу профессорнинг ўзи бўлиб чиқади! Тагин уялмай фарзандимдай бўлиб қолганди, дейди-я! «Фарзанди»ни бор сирини со-тиб, «хотинбоз»га чиқариб қўйгани бир сар! Олим киши ҳам шунақа бетайин, майда гап бўладими?

– Маъмур ака, сал ошириб юбормадингизми? – журъ-
атсизроқ мунозарага қўшилди Умид. – Менимча, домла
ёлғон гапирмади, сўзлари самимийдек туюлди. Шогир-
дига куюнганидан бор ҳақиқатни айтди. Индамай мум
тишлаб туриши ҳам мумкин эди-ку! Қолаверса, анави
аёллар, ректорнинг «яқини» хусусидаги гаплари чинли-
ги бизга ҳам аён-ку!

– Эҳ, Умиджон, Умиджон, – Маъмур кулимсираб ёш
терговчига яқин келди, – ҳали ёшсиз-да, одамнинг қан-
чалик мураккаб мавжудот эканини билмайсиз. Сал яхши
гапирган одамнинг сўзига ишониб кетаверасиз.

– Тўғри, сиздан анча ёшмиз, тажрибамиз ҳам етарли
эмас, – гуруҳ раҳбарининг мунозарани диққат билан
тинглаб турганини кўриб, дадилланди ёш терговчи, –
лекин, менимча, профессорнинг қандай одам эканини
билиш, гаплари чинлигига ишониш учун катта тажриба
шарт эмас. Унинг самимийлигига заррача шубҳам йўқ.

– Жўрабойжон, сиз нима деб ўйлайсиз? – гуруҳ раҳба-
ри бир сўз дейишга тортиниб турган талабага юзланди.

– Менимча, Умид акам ҳақ.

– Эй бола, – Маъмур бир кунлик «шериги»дан бошқача
жавоб кутган шекилли, билса чин, билмаса ҳазил қаби-
лада оғзига урди: – сиз ҳали нонни «нанна» деб юрган
бола бўлсангиз, ким ҳақ, ким ноҳақ қайдан билардингиз!
Ақлингиз етмаган нарсаларга аралашиб нима қиласиз!

– Маъмур ака, бизнинг ёш болалигимиз қолдими? Бу
йил институтни битирамиз Худо хоҳласа, – ўпкалаган
бўлди Жўрабой. – Одамни ундай уялтирманг, ёнларин-
гизда юриб, шуйтиб-шуйтиб пишамиз-да, ака.

– Маъмур ака, сиз ҳали бу йигитни яхши билмай-
сиз-да, – Санжарбек орага қўшилди, – унда терговчилик-
ка қандайдир ўзгача истеъдод бор. Фавқулудда креатив
фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилиятига эга. Ҳали
кўрасиз, кўп нарсада бизга фойдаси тегади.

– Йўғ-э, устоз жуда ошириб юбордингиз-ку, – деди та-
лаба қулоғигача қизариб.

– Омон бўлсак, кўраверамиз-да! – пичинг қилди Маъмур.
– Майли, бугунча етар, – мунозарани якунлашга тушди гуруҳ раҳбари соатига бир қараб, – ҳар ким ўз фикрида қолгани маъқул. Ким ҳақ – вақт кўрсатади. Биласизларми, терговчининг энг муҳим сифати нимада? – деди у йиғилганларга бир-бир кўз қирини ташлаб. – Биринчиси, ҳамиша ўз мустақил фикрига эга бўлиши, иккинчиси, ўзгаларнинг муқобил фикрларини ҳам эшита билиши ва ҳурмат қилишидир. Шу икки сифатсиз терговчи мукамал бўлолмайди. Афсуски, бизда терговчилар тайёрлайдиган махсус институт йўқ. Хаёлимда шундай институтни ташкил этиш мавриди келди...

* * *

Санжарбек «опа-сингил»ларни сўроқ қилишдан олдин Луқмоннинг турмуш ўртоғи Азиза билан гаплашиб, кеча профессор айтган масалага ойдинлик киритиб олишни маъқул кўрди. Негаки, мабодо домланинг гаплари тўғри чиқадиган бўлса, «опа-сингил»лар ёрқин гумондорга айланиб қолиш эҳтимоли юқори эди.

– Опа, сизни яна безовта қилишга тўғри келди, – гуруҳ раҳбари мулойимлик билан аёлни суҳбатга чорлади. – Бизни турмуш ўртоғингизнинг анави опа-сингиллар билан муносабати қизиқтиряпти, нима дейсиз?

– У ер ютгурларнинг довуғи сизларга ҳам етиб келдими? – хоҳлар-хоҳламас жавоб берди гувоҳ. – Нимасини айтай, шунақа бузуқларни ер қандай кўтариб юрганига ҳайронман. Мана, охири нима бўлди, бошига етишди. Эслашним хоҳламайман шу суюқ оёқларни.

– Биласиз, гап қотиллик ҳақида кетяпти, биз жиноятни фош этиш учун ҳамма нарсани ипидан игнасигача билишимиз шарт, – заруриятни англатишга ҳаракат қилди терговчи. – Бир бошидан айтиб берсангиз.

– Эй, қуриб кетсин... Бу шармандаликнинг қай бирини айтай? – оғриниб гап бошлади Азиза. – Билмайман, бу мегажинларни онаси менинг шўрим учун туққанми,

бири қўйиб бири бошимга бало бўлди. Ноинфлосларнинг иккови ҳам эрдан ажрашган, ғирт... Дастлаб Нозима деган каттаси илакишди. Эримнинг айтишига қараганда, унинг қизи нейрология марказида бошидан операция ўтказган экан. Бошнинг дорилари жуда қиммат туради. Ойимча қоши-кўзини сузиб, хўжайинимдан қарзга дори олаверган... Хуллас, у беномус хўжайинимга илакишиб олди. Бўлмаса отаси тенги одам, қарийб йигирма ёш катта. Билмадим, бунақа хотинларнинг ирим-сирими кўп бўлади, бирор нарса едирганми, ичирганми, ўқитганми? Эримнинг жинни бўлишига бир бахя қолди. Топганини ўшанга ташиди. Машина, уй олиб берди. На мен, на болалари кўзига кўринди. Оиламни сақлаб қолиш учун курашдим. Қилмаган амалим қолмади. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам кор қилмади. Оиламиз ажралиш ёқасига келиб қолди. Эсли-хушли, ор-номусли, бамаъни аёл бўлсаям майли эди. Менда йўқ сифатлар билан эримни ўзига оғдириб олган, десам... У ҳолда бунчалик алам ҳам қилмасди. Бу ланъати хотин ўзи ғирт манжалақи бўлса-да, кечирасизлар уни бошқача атай олмайман, эримга ўзини фариштадай кўрсатишга уста экан. Олдида тозидай жилпанглаб, ортида билган номаъкулчилиқни қилиб юарди. Хўжайинимнинг эса кўзлари кўр, қулоқлари кар эди. Кўча-кўйдан эшитганларимни айтсам, ишонмасди, нукул жеркиб берарди. Бир куни очиқчасига гаплашиб олиш учун олдига бордим. Қилган ишидан уялар, тортинар, ёлғондакам бўлса-да надомат чекар, деб ўйлагандим. Қаёқда дейсиз, бети билан кети бир бўлиб кетган экан. Шаллақилиқ қилиб, оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақоратлаб ташлади. Ҳаммасидан ҳам ёмони, беҳаёларча «Яхши хотинни эри ташлаб кетмайди, эринг сенда топмаганини менда топганки, ёнимдан кетолмай қолди. Эр дегани мушукдай гап, бошини силасанг қўйингдан чиқмай қолади», дегани бўлди. Ёқамни ушлаб қолдим. Бу алвасти билан учрашиб, жанжаллашиб, ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини тушуниб, ёнига келганимга пушаймон бўлиб қайтдим. Кетиш асносида

устимдан кулгандай «Аслида, эринг мен учун бир соғин сийир, менга унинг пулидан бошқа ҳеч нарсаси керакмас, билсанг, бу чол мени эркак сифатида сира ҳам қизиқтирмайди. Қўлингдан келса, йиғиштириб ол», дегани ҳамон қулоғимдан кетмайди. Ана сурбетлик-у ана нонқўрлик! Эрим бечора уни еру кўкка ишонмай, бошига кўтариб юрса, ҳамма шароитини муҳайё қилиб берган бўлса-ю, у бетофиқ устидан мағзава ағдариб ўтирса! Эримга ачиниб кетдим. Шу кетишда бу жодугар хўжайинимни тириклай гўрга тиқиши аниқ эди. Минг қилса ҳам кўз очиб кўрган-ним, болаларимнинг отаси. Мени «пуф сассиқ»қа чиқариб ўтирган бўлса-да, унинг шу касофатнинг қўлида бадном бўлишига жимгина қараб туролмасдим. Бўлган воқеани, «муҳаббати»нинг ҳамма гапларини унга оқизмай-томизмай айтиб бердим. Сўзларимга ишонади, шунча ҳақоратлар учун у ялмоғизнинг башарасига ҳам қарамай кетар, деб ўйлагандим. Чучварани хом санаган эканман. Қайтанга раҳматли мени жеркиб берди, ғирт аҳмоқ ва туҳматчига чиқарди. Суюклисига гард юқтиргиси келмади. «У мени бошқача яхши кўради, ҳеч қачон мен ҳақимда унақа гап айтмайди, бу гаплардан сенинг ҳидинг келиб турибди, бунақа найрангинг менга ўтмайди», дея оғзимга урди.

Азиза бир муддат жимиб қолди. Унинг яраси янгила-ниб, хотиралар тиғи қалбини тимдалаётгани сезилиб турарди.

– Тақдирга тан беришдан бошқа иложим қолмагани, – Азиза терговчи узатган сувдан ҳўплаб, ҳикоясини давом қилди. – Очимдан ўлмасман, икки болани амаллаб оёққа турғизиб оларман, деб ўйлай бошладим. Укам – Темуржон бир ўртоғининг ресторанида иш юритувчи бўлиб ишлайди. У ҳам Нозимани танирди. Бир куни укам унинг бегона эркак билан ресторанга кириб келгани ва алоҳида хонасига жойлашганини кўриб қолибди. Ўзларига сездирмасдан телефонига расмга олишга ҳам улгурибди. Укам менинг сиқилиб юрганимни билгани учун бир фойдаси тегар, деган ўйда расмларни менга кўрсатди. Бекорга эр

бермоқ – жон бермоқ, дейишмас экан. Тилимда кечганим билан, дилимда ҳамон хўжайинимни уйга қайтариш ниятидан кечмагандим. Не умидларда расмни раҳматлининг олдига ташладим. Арзандасининг хиёнатини кўриб нақ портлаб кетса керак, деб ўйлагандим... Аввалига расмлар монтаж қилинган, дея ўзига ўзи таскин берди. Ишонмаганидан мутахассисга бориб, текширтирди. Расмларнинг ҳақиқий эканини билгач, «Ким билан дон олишиб юрибсан», деб ўйнашига ёпишган. Нозима: «Бу йигит узоқ қариндошимиз, кўчада учрашиб қолдик, тушликка таклиф қилди, бирга овқатландик», деб ёлғонни тўқиб, сувдан қуруқ чиқиб кетди. Бунда ҳам у оқ, мен юзи қора бўлиб қолдим. Тушундимки, бу «муҳаббат» кўрғонини бузадиган куч қолмаган. Кўникишдан бошқа чорам йўқ.

Кутилмаганда нажот бошқа жойдан чиқиб қолди. Нозима уйли бўлгач, болаларига қарашиш, уй ишларига ёрдамлашиш мақсадида Назокат деган синглисини ҳам уйига олиб келганди. Ўша пайтда қўйнида илон сақлаётганини билмаган шўрлик. Сингил опасидан ҳам ўтиб тушган маккор, шармсиз бўлиб чиқди. У бадбахт ўз туғишган опасига ҳасад қилиб юраркан. Пайт пойлаб, қандай бўлмасин «соғин сигир» «почча»ни ўзиники қилиб олишни дилига тугиб қўйган экан. Бўлмаса, бир қориндан талашиб тушган жигарлар! Бир кунни опа-сингил уч-тўрт пулдор йигитлар билан Чорвоққа «дам» олишга отланишган. Хўжайиним шўрликнинг қулоғига лағмон осиб, Самарқандга зиёратга борамиз, дейишган. «Эр» бечора ҳам сингиси билан кетяпти-ку, деб жавоб берган. Хуллас, опа-сингил бойвачалар билан тоғдаги дачада икки кун билганини қилиб, роса маза қилишган. Ғараз ниятини қандай амалга оширишни билмай юрган сингил опасининг энг нозик ишқий лаҳзаларини сездирмасдан телефонда расмга тушириб олаверган. Икки кундан сўнг опа-сингиллар «зиёрат»дан ҳориб-чарчаб қайтиб келишган. Ҳеч нарсадан беҳабар, кўзини ёғ босган «эр» ойимчасини маликалардай қаршилаб, «зиёрати» қабул бўлишини тилаган. Орадан бир неча кун ўтиб, хўжайинимнинг ишхонасига каттагина конверт ташлаб

кетишган. Конвертни очиб, суюклисининг тоғдаги шармандали лаҳзаларини кўриб, раҳматлининг кўзи чиқиб кетган. Шу-шу раҳматли бу манжалақидан юз ўгирди. Ялиниб олдимга келди. Болаларини ўртага қўйиб, қасам ичди. Нима қилай, кўз очиб кўрганим, болаларимнинг отаси. Кечирдим. Нозима шундан кейин ҳам тинчимасди. «Соғин сизигир»дан ажралиб қолмаслик учун кўп «шантаж» уюштирди. Эримнинг иш жойига, уйга келиб бир неча бор тўполон кўтарди. Оғзига келган сўзлар билан эримни, мени, болаларимни ҳақорат қилди, «Мени совунимга кир ювмабсанлар, ҳали ҳаммангни ўтда қуйдираман, ўлигингни итларга ем қиламан», деган таҳдидлар қилди. Бир марта милиция чақиришга ҳам тўғри келди. Яхшиям, эримни унга қўл кўтаришга йўл бермадим. Йўқса, бошини деворга уриб, бизларни қаматиб юборишдан ҳам тоймасди. У беномус бошида тоғдаги расмларни уюштиришда мени айблади.

Опасини осонгина орадан олиб ташлашга эришган сингил энди қандай бўлмасин манфур режасининг иккинчи қисми – «соғин сизигир»ни ўзига оғдириб олиш йўлларини қидира бошлаган. Сизларни чарчатиб қўймадимми? Ёки сал қисқароқ қилайми? – Азиза ҳар эҳтимолга қарши ўзини берилиб тинглаб турган йигитларга кўз қирини ташлади.

– Йўқ, йўқ, бемалол гапираверинг, – гуруҳ раҳбари ҳамма учун жавоб берди, – иш учун ҳар бир деталь муҳим аҳамият касб этади.

– Бир куни Назокат хўжайинимга қўнғироқ қилиб, «Опам сизга нисбатан ёвуз ниятда юрибди, учрашиб, гаплашиб олишимиз керак», деган. Учрашишган. Нозиманинг бор кирдикорлари, хиёнатларини очиб ташлаган. Ҳар доим опасининг тузлиғига тупириб, унга отаси қилмаган яхшиликларни қилган одамнинг устидан қулиб, шармандачилик кўчасини танлаган опасининг қилиқларидан «виждони қийналиб» юрганини, бу хиёнатга жимгина қараб туrolмаганини, шу боис Чорвоқдаги расмларни яширинча олиб, унга юборганини тан олган. Ўзини ор-номусли, виждонли, меҳрибон ва жафокаш қилиб кўрсатган. Эрим алаmidан, Назокат эса мақсад сари

дадил бораётганидан масрур қадах кўтарган. Шу кунни хўжайин уйга келмади... Ўша кеча «ғунажин» кўзини сузган, «буқа» ипини изган... Ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилдим. Энди буниси жилпанглаб, эримни бўйнидан ип ўтказиб олди. Олдингидай уйдан кетмаган бўлса-да, эримнинг бўлар-бўлмас «юмушлари», «хизмат сафарлари», баҳоналари кўпайиб қолди. Ўшанда эримнинг кимнидир топганини кўнглим сезса-да, яна келиб-келиб шу ғарларга бориб ёпишганини тасаввур ҳам қилмагандим. Буларни кейинчалик ҳаммаси ошкор бўлгандан сўнг хўжайиннинг ўзи айтиб берганди. Хуллас, ошимизга оғу тушиб, оиладан барака ариди. Бошида ўзини меҳрибон, камсуқум, виждонли кўрсатган маккор аёл хўжайиннинг содда, қўли очиқ ва ишонувчан эканидан фойдаланиб, асл башарасини кўрсата бошлаган. «Қазисан, қартасан асли зотингга тортасан», деб бекорга айтишмаган экан. Қизларнинг онаси ҳам уч қизи билан ёшлай эридан ажралиб, гоҳ у, гоҳ бу эркакка ёпишиб, вақти замонида «ном чиқарган» экан. Сал ўтмай «соғин сигир»нинг шарофати билан буниси ҳам икки хонали уй сотиб олди. «Баровский»га ўқишга кирди. Машина олдирди. Кунларнинг бирида Нозима сингисининг кирдикорларидан хабар топган ва уни сочидан тортқилаб, ўласи қилиб урган. Катта жанжал бўлган. Шушу улар юз кўрмас бўлиб кетишган. Эримнинг Назокат билан дон олишиб юрганини ҳам менга Нозиманинг ўзи айтди. Унинг бу ишни менга ачинганидан ёки яхшилик истаганидан эмас, балки мени ўз ёғимга қовуриш, сингисини ва уни ташлаб кетган «номард»дан қасос олиш, ўртадаги адоватни кучайтириб, бошимизни балога қўйиш ниятида қилаётгани кундай равшан эди. Шу сабабли мен у айтган гапларни олдиндан биладигандай ўзимни бепарво тутиб, «Нима қилибди, эрим шунақа дўлоп одам, қанча «боғ» бўлса барисини «суғориб», яна қозиғини топиб келаверади», дедим шақшайиб. Мендан бунақа гапни кутмаган шекилли, дами ичига тушиб кетди. «Ҳамманг бир гўрсан, капейкасан, менга деса қўшмазор бўлиб ўлиб кет-

майсанми!» дея болохонадор қилиб сўкина-сўкина ортига қайтиб кетди. Қолган гапларни уйга келгандан сўнг эримдан алдаб-сулдаб ўзим «суғириб» олдим. Жанжал қилмадим, тўполон кўтармадим. Яхшиликча ажралиш талабини кўйдим. «Боринг, ўша манжалақиларнинг хоҳласангиз опаси, хоҳласангиз синглиси билан, унга ҳам кўнглингиз тўлмаса иккиси билан ҳам яшаверинг», дедим юрагига тегадиган қилиб. Эрим чопонини елкасига ташлаб, уйдан чиқиб кетди. Бир ҳисобга ҳаммасидан қутулганимга Худога шукр қилдим. Бошқа томондан болаларим бўй етганда эримни бошқаларга қўш қўллаб топшириб, бутун бошли оиламни барбод қилганимдан ўзимни койидим: эркак зотининг бари бир гўр бўлса! Айланиб-айланиб, қозиғини топиб келса бўпти-да, яшайвермайсанми, ўзингни гўлликка солиб! Сен қувдинг, бошқаси кучоқ очади. Анча пайтгача қилган ишимдан пушаймон бўлиб, ўзимни кечиролмай юрдим. Аммо юрагимнинг туб-тубида онаси, опаси шу бўлса, синглиси гул бўлармиди, олманинг тагига олма тушади, бир кун бу ойимчанинг ҳам кети очилиб, болаларнинг дадаси сўппайиб тағин уйга қайтиб келади, деган умид ҳам йўқ эмасди. Орадан олти ой ўтар-ўтмас Назокатнинг ҳам «миси» чиқиб қолди. Айёрликка қарши маккорлик, деганларидай бу гал унинг хиёнатини опаси Назокат устомонлик билан фош қилиб ташлади. Кейин маълум бўлишича, Назокат «соғин сигир»дан қоникмай бир синфдоши билан яширинча дон олишиб юрган экан. Опасидан хавфсираб, ишқий саргузаштларини жуда эҳтиёткорлик билан пинхона йўлга қўйиб олган экан. Нозима қандай бўлмасин синглисидан ўч олиш учун ортидан роса пойлаган. Аммо уни қўлга туширолмаган. Сўнг пул бериб, Лобар деган қизни ёллаган ва уни синглисининг ёнига ишга киритиб қўйган. Лобар Назокат билан танишиб, нима деса чизигидан чиқмай, роса кўнглидан чиққан. Тез кунда унинг сирдошига айланган ва барча маълумотларни Нозимага етказиб турган. Оқибатда Назокат ҳам «консператив» хонадонда синфдоши билан айш-ишрат

қилаётган маҳалда Луқмон акамнинг қўлига тушиб қолган. Турмуш ўртоғим яна мушукдай шалпайиб уйга қайтиб келди. Тағин кечирдим. Ичимда Нозимадан миннатдор ҳам бўлиб қўйдим. Бироқ шу пайтга қадар унинг синглисини нима мақсадда фош қилганига тушунолмаيمان. Шу йўл билан хўжайинни Назокатдан қайтариб олмоқчи бўлганми ёки хиёлати учун синглисидан қасос олишни кўнглига тукканми, менга қоронғи. Агар у шунча ишлардан кейин ҳам эримнинг марҳаматидан умидвор бўлган бўлса, буни ғирт аҳмоқлик, деган бўлардим. Хўжайиним ғирт хотинбоз бўлса ҳам, барча ориятли эркаклар сингари хиёлатни кечирадиганлар хилидан эмас. Бу ҳақиқатни Нозимага ўхшаган суюқоёқлар тушунармикан? Луқмон акам ўлдириб кетилганини эшитганимда кўз олдимга Нозима келди. У синглисини хиёлатини фош қилгач, ўзини эримнинг олдида оқлангандай ҳис этиб, уни тағин ўзига оғдиришни кўнгли тусаб қолган бўлиши ҳам мумкин-ку! Хўжайинимнинг рад жавоби эса унинг кўзини қонга тўлдирган. Кундошлар орасида менга бўлмаса, сенга ҳам ширвоқа, деган гап бор. Ана шунақа гаплар.

Тергов гуруҳи аъзолари бир муддат қизиқарли фильм воқеалари ичига тушиб қолгандай анқайиб қолдилар.

– Эй, қойил-э, келинойи бизга иш қолдирмадингиз, жиноятни шартта очиб ташладингиз-ку, – биринчи бўлиб Маъмур тилга кирди.

– Рост айтяпман, бу хотиннинг қўлидан ҳар бало келади, – деди Азиза кўзларини катта-катта қилиб, – текшириб кўришларингиз лозим.

– Албатта текширамыз, – деди гуруҳ раҳбари қўлидаги қаламни ўйнатиб. – Бу сизнинг бўлиб ўтган воқеалар асносида чиқарган тахминингизми ёки яна бирорта қўшимча асосингиз борми?

– Қанақа асос, тушунмадим? – ҳайрон бўлди гувоҳ.

– Нозиманинг шу ишни қилгани ёки бирортаси орқали қилдирганини тасдиқловчи бирор далилингиз ёхуд бу ҳақда бировдан эшитганингиз борми?

– Қанақа дилил, қаердан оламан уни? Сизга кўнглимга келган гапни айтдим-да!

– Биз терговчиларда бир аксиома бор, – деди Маъмур аёлга синчковлик билан тикилиб, – гумондорлардан бири иккинчисини айблашга уринса, шубҳа аввалло, унинг ўзига тушади, дейишади.

– Бу одам нима деяпти? Тушунмадим... Нима, мен гумондорманми?

– Афсуски, қотил топилгунга қадар сиз ҳам ўша опа-сингиллар билан бирдай гумондор саналасиз, – гуруҳ раҳбарининг имлашига қарамасдан Маъмур гапдан қолмади. – Ҳа нима, эрингизнинг хиёнатлари жонингизга теккан, у ҳам етмагандай, оиланинг бор давлатини кўчага сарфлаётгани ғазабингизни кўзгаган, индамасангиз дорихона ҳам қўлдан кетиб, болаларингиз билан ҳеч вақосиз қолишдан чўчиб, бунақа эрнинг боридан йўғи, деганларидай...

– Ё тавба, ўйлаб гапиряписизми? – деди Азиза нима дейишини билмай. – Қандай қилиб одам шунча йиллик ёстикдошини, болаларининг отасини шунақа қилиши мумкин? Мени ким деб ўйлаяписиз? Кўзингизга ким бўлиб кўриняпман? Вой ўлмасам! Биров эшитса, нима деган одам бўламан?!

– Опа, сиз ташвиш чекманг, – гуруҳ раҳбари вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди. – Аслида, тартиб шунақа, одатда жабрланувчининг яқинлари, шу жумладан, хотини гумондор сифатида тахмин қилинади. Лекин бизда сизга нисбатан ҳеч нарса йўқ. Ҳақиқатни гапириб турибсиз, терговга ёрдам қилпясиз.

Сўроқ узоқ давом этди. Пешиндан сўнг терговчилар ишни Назокатни сўроқ қилишдан бошлашди. Йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги, қотмадан келган, ташқи кўринишдан кўхликкина аёл нима мақсадда прокуратурага чақирилганини сезиб турса-да, ўзини ҳеч нарсадан беҳабардай тутишга ҳаракат қилди:

– Чақирган экансизлар, тинчликми? – деди у сохта карашма билан. – Ўзи бу ерда ким бошлиқ?

– Мен тергов гуруҳи раҳбари Раҳмоновман, бу кишилар гуруҳ аъзолари, – шерикларини таништирган бўлди Санжарбек. – Сизни нимага чақирганимизни биласизми?

– Қаердан билай? Нима айб қилибмиз? – беярашиқ нозланди аёл.

– Луқмон Шарипов сизга ким бўлади? – гуруҳ раҳбари мақсадга кўчди.

– Луқмон ака... танишим... Аллоҳ раҳмат қилсин, – аёл дуога кўл очиб, юз силаган бўлди. – Айрим масалаларда... маслаҳат сўраб турардим. Ўлдириб кетишганини эшитиб, роса сиқилдим, яхши инсон эдилар... раҳматли...

– Шунчаки танишингизми ёки ўйнашингизми? – Маъмур чидаб туролмади. – Нима қиласиз ёлғон гапириб?

– Оғзингизга қараб гапиринг! – қалин қошларини чимириб, ўдағайлади Назокат. – Нима, сиз мени бирортасининг остидан тортиб олганмисиз?!

– Ҳа, тўғри гап ёқмадимми? Оилали, бола-чақали бегона эркак билан дон олишиб юрган хотин ўйнаш бўлмай ким бўлади!? – гуруҳ раҳбарининг «қўй-қўйи»га қарамай Маъмур нафратини яширолмади. – Яна опа-сингилнинг бир одамга суйкалганига ўлайми?

– Манга қаранг, ҳой ока, нималар деяпсиз? – аёлнинг овози сал пастлагандай бўлди. – Бу нима деганингиз? Тўғри, Луқмон ака билан учрашиб турганмиз, уйимга келиб турган, ёрдам берган. Бунинг нимаси ёмон! Бировнинг дардини биров тушинармиди? Арзимаган мояна билан яшашнинг ўзи бўладими? Ўзингдан қарийб йигирма ёш катта киши билан юриш... Ҳеч ким яхши кунидан бундай қилмайди? Тўғри тушининглар...

– Назокатхон, биз ҳаммасидан хабардормиз, – Санжарбек картани салгина очиб, гувоҳни рост гапиришга ундамоқчи бўлди. – Луқмоннинг муқаддам опангиз билан юргани, хиёнат устида қўлга тушгани, кейин унинг сиз билан кечган ишқий муносабатлари – ҳамма-ҳаммаси бизга маълум. Бўлиб ўтган воқеаларни барча тафсилотлари билан ўз оғзингиздан эшитмоқчийдик, марҳамат.

Аёл бошини ҳам қилганча бир нафас ўйланиб қолди. Ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб, аравани қуруқ олиб қочишдан наф йўқлигини ҳис қилди, шекилли, оғриниб гап бошлади:

– Биз ота тарбиясини кўрмадик. Тўғрироғи, уни эслай олмаймиз. Ота-онамиз ажрашиб кетганда мен бир ёшда, опам уч ёшда бўлганмиз. Айтишларича, падаримиз анча баъмани инсон бўлган экан. Тиббиёт институтини аъло баҳоларга тамомлагач, оиласини ота-онаси ёнида қолдириб, Москвага аспирантурага ўқишга кетган экан. Бир йил ўтмай онамизнинг биргина нотўғри қадами туфайли ажрашиб кетишган. Энг ёмони, ўша биргина хиёнат туфайли отамиз бизнинг халол зурриёт эканимизга шубҳа билан қарай бошлаган. Адамиз ўзи врач эмасми кейинчалик Москвада бизнинг мансублимизни «ДНК» қилдирган ва афсуслар бўлсинки, шубҳаси тўғри чиққан – мен унинг қизи эмаслигим маълум бўлган. Шунгача онам билан мутлақо алоқани узган бўлсада, аҳён-аҳёнда бизни йўқлаб, ёрдамлашиб турадиган адамиз умуман қорасини ўчирган. Бошқа бизни йўқламаган. Онамиз бизга унинг кимлигини ҳам айтмаган. Айтишларича, падаримиз ўқишдан қайтгач, бошқага уйланган, катта олим бўлиб етишган. Биз хору зорликда яшадик. Онамиз қайта-қайта эрга теккан бўлса-да, бирортасидан ёлчимади. Биз сал бўй етган пайтларимизда онамизга уйланиб, бизга кўз сузган «ота»ларни кўрдик. Ҳаром-ҳаришнинг ичида яшадик. Меҳр нималигини билмай ўсдик. Олманинг тагига олма тушади, дейишади. Рост экан. Худбинлигимиз, ҳатто ўз жигарига ҳам ҳасад қиладиган даражада аҳмоқлигимиз қондан ўтган бўлса ажабмас. Онамизни навбатдги эри маст ҳолатда уриб ўлдириб қўйгач, опам билан кўчада қолдик. Бундан буёғига у менга ота ўрнида ота, она ўрнида она, опа ўрнида опа бўлди. Эрга текканда ҳам мени ўзи билан олиб кетди. Бахтга қарши уч йилга бормай, у икки боласи билан эридан ажралишга мажбур бўлди. Яна кўчага ҳайдалдик. Ижарага туришга мажбур бўлдик. Ит азобида кун кечир-

дик. Шундай кунларнинг бирида опам болаларига дори олишга бориб, Лукмон ака билан танишиб қолган.

Воқеаларнинг кейинги тафсилоти муҳтарам китобхонга таниш бўлгани сабабли улар хусусида тўхталиб ўтirmа-дик. Айрим жузъий тафовутларни ҳисобга олмаганда Назокат Азизанинг айтганларини тўла тасдиқлади:

– Худбинлигимни қаранг, келиб-келиб бир қориндан талашиб тушган опамга ҳасад билан қарабман-а! – деди у сўзининг адоғида. – Аллоҳ ҳаммасини кўриб, билиб турган экан. Опамга қазиган чоҳга ўзим йиқилдим. Ёшлигимда Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» деган асарини ўқиб, жодугар кампирга шунақа нафрат кўзи билан қарагандимки, ҳатто уни бўғиб, ўлдириб қўйгим келганди. Катта бўлгач, ўзим ундан баттар бўлганимни айтинг! Мана энди нонкўрликнинг, худбинликнинг хиёнатнинг жафосини тортиб, кетимизни захга босиб ётибмиз.

– Опангиз сизни фош қилгандан кейин Лукмон ака билан алоқасини тиклашга уринган экан, шу ростми? – гуруҳ раҳбари савол-жавобга ўтди.

– Унинг мақсади ҳам шу бўлган-да ўзи. Лукмон ака кувиб солгандан сўнг у нечтаси билан «юриб» кўрди, лекин ўхшамади. Ҳозирги замонда бунақа содда, қўли очик йигитлар камайиб кетган. Нози шу сабабли шунча ишлардан кейин ҳам бу одамни қўлдан чиқаргиси келмади. Аммо раҳматли «молодец» – бошқа ишни кечирса кечираркан, аммо хиёнатни ўлсаям кечирмайдиган хилдан экан. Шу томонига беш кетдим. Бўлмаса опам ғирт артист, ҳар қандай муз одамни ҳам ёлғон-ёшиқ гаплари билан эритиб ташлайди. Чорвоқдаги «гаштак»ниям менинг бўйнимга қўймоқчи бўлган.

Гуруҳ аъзолари ҳозиргина ўзини гуноҳларидан тавба қилган кишидай хокисор кўрсатишга ҳаракат қилиб турган аёлнинг ўз холига қайтиб, асл жирканч башарасини намоён этаётганидан ханг-манг эдилар.

– Опангиз хиёнатни кечиролмаган инсонни, яъни Лукмонни жазолаш, ўч олиш режаси ҳақида сизга айтганмиди?

– Опам мени ўзига душман, деб биларди, – деди Назо-
кат оғзини тўлдириб. – Ким душманга сир айтади? Лекин
уни яхши биламан, ҳеч нарсадан тоймайди, ўзи бўлмаса,
«шипона шайка»лари орқали...

– Демак, сиз Луқмонни ўлдирилишида Нозиманинг
қўли бўлиши мумкин, деб ҳисоблайсиз, шундайми?

– Мен гапнинг индолласини айтдим, қўйдим. Бу ёғи
сизларга ҳавола. Ҳар ҳолда Луқмон ака менга ҳам бегона
эмасди, ичим куяди.

– Ўзи бўлмаса, бошқалар орқали бу ишни қилган бў-
лиши мумкин, деяпсиз, ўша «шипона»лар кимлар? Сиз
уларни танийсизми?

– Нозининг қизлардан дугонаси йўқ, йигитлар билан
яхши чиқишади. Кейинги пайтда Алиқ деган чечен йи-
гит билан ош-қатиқ бўлиб юрарди.

«Чечен» сўзини эшитиб, атрофдагилар бир қалқиб
тушди.

– Ким бўлди у, Чечендан келганми? – Мухтор ўрнидан
туриб кетди.

– Йўғ-э, ўзимизнинг чеченлардан. Сирдарёликми ё
жиззахликми, асли исми Аҳмед шекилли.

– Нозима анча пайтдан бери у билан... қачон танишган?

– Қачон, қандай танишгани менга қоронғи. Билганим:
Алиқ қамоқдан чиққандан кейин тўғри Нозманинг уй-
ига келган. Буни қаранг, Алиқ қамалишидан олдин шу
уйда яшаган экан. Кейинчалик уйни Луқмон сотиб олиб,
Нозига совға қилган. Кўр-кўрни қоронғида топади, де-
ганларидай икки ёрти топишиб олган. Бу такасалтанг
учун одам ўлдириш...

Алиқнинг қони қайноқ, жангари миллатга мансу-
блиги, боз устига қамалиб чиққани терговчиларнинг
қалбида умид шамини ёққандай бўлди: барчанинг кўн-
глидан қотил шу чечендан бошқа ит ҳам эмас, деган ўй
ўтди. Мухтор ўзича чеченни кўлга олиш режасини туза
бошлади... Бунақа вазиятларга кўп тушаверганидан «пи-
шиб» кетган Санжарбекка шундай сирли, мудҳиш қотил-

ликнинг бунақа осонгина очилиб кетиши шубҳалидай, мумкин эмасдай туюлди.

– Ўша чечен йигитнинг манзилини биласизми? – шошилди Маъмур.

– Опам билан бирга турган бўлса керак-да!

– Ўртоқ бошлиқ, – милиция ходимларига хос гуруҳ раҳбарига мурожаат қилди майор, – рухсатингиз билан биз Умиджон иккимиз Алиқни топиб келсак.

Санжарбек «хўп» ишорасини қилгач, йигитлар хонадан отилиб чиқиб кетишди. Гуруҳ раҳбари Нозимани сўроқ қилишда давом этди:

– Демак, Нозима Алиқ билан тил бириктириб, Луқмонни ўлдирган, деб ҳисоблайсиз, шундайми?

– Шундай.

– Бу шунчаки тахминми ёки бирор асосингиз борми?

– Қанақа асос? – аёлнинг қошлари чимирилди, – Уларни билганим учун айтяпман. Опам бировларга ўзини хафа қилдириб қўядиган аёллардан эмас. У бошқача. Ўч олмагунча тинчимайди. Мен ундан қўрқаман.

– Қанақа қасос ҳақида гапиряпсиз? Луқмон опангизга шунча яхшиликлар қилган. Ташлаб кетишига ҳам ўзининг хиёнати сабаб бўлган. Бундай ҳолда Луқмоннинг айби нимада? Ундан нима учун ўч олиши мумкин?

– Тўғри, Луқмон ака унга отаси қилмаган яхшиликни қилган. Ҳамма айб Нозининг ўзида. Лекин у ҳар доим «Ёш умримни шу қари чолга бағишлаганман, у эса мени ора йўлда ташлаб кетди», дея ғазабнок бўлиб юрарди. Ўзининг харом ишларини ўйлаб ҳам ўтирмасди.

– Савол берсам майлими? – боядан бери жимгина эшитиб ўтирган Жўрабой гуруҳ раҳбарига мурожаат қилди.

– Бемалол! – деди Санжарбек кулимсираб, – сиздан ноёб фикрлар эшитмай қўйганимизга ҳам анча бўлди.

– Назокат опа, нима деб ўйлайсиз, ҳозир опангизни олиб келишса, у кишининг ҳамма айбни сизнинг гардингизга тўнкамаслигига кафолат бера оласизми?

– Тушунмадим, нима демоқчисиз? – аёлнинг энсаси қотди. – Ўзи бу бола ким? Терговчигаям ўхшамайди.

– Бу киши Жўрабой, – изох берди Санжарбек, – бўла-
жак терговчи, ҳозир бизда амалиёт ўтаяпти. Гуруҳнинг
қобилиятли аъзоларидан. Сизга жуда ўринли, мантиқий
савол берди, ўйлаб жавоб беришингизга тўғри келади.

– Тўғри, Нози ҳам менинг юзимга лой чаплаши аниқ,
– аёл очиғини айтишга мажбур бўлди. – Ким ҳақ, ким
ноҳақ ўзларингга ҳавола, қараб кўрасизлар-да.

– Демак, опангиз қотилликни сизга ёпиштирига ҳаракат
қилади, шунақами? – талаба сўроқ қилишда давом этди.

– Шундай... – Назокатнинг овози бироз ишончсизроқ
чиқди.

– У ҳолда опангиз қотилликни содир этишда сизга
кимни «шерик» қилиши мумкин?

– Бу нима деганингиз? Ақли жойидами бу боланинг,
– Назокат лабини буриб, гуруҳ раҳбарига юзланди. – Сиз-
ларга ёрдам қилиш учун билганимни айтдим. Бу бола
мендан яна нима истайди?

Аёл Жўрабойнинг гапларига ҳақиқатда тушунма-
яптими ёки гапни айлантиряптими англаб бўлмасди.

– Сизнинг ким билан ётиб, ким билан туришингизни
опангиз биладими? – гуруҳ раҳбари тушунтиришга ҳара-
кат қилди.

– Қаердан билай! У чаён ернинг остида илон қимир-
ласа билади.

– Уни сўроқ қилсак, «Мен оппоқман, бу ишни Назокат
ўзининг фалонча шотири билан қилган», деса нима дей-
сиз? Сизда шерикликка ярайдиган шунақа одам борми
ўзи? – Жўрабой «оғзига чайнаб солди».

– Мениям ўзимга яраша танишларим бор. Лекин
унинг нима дейишини туш кўрибманми?

Санжарбек шундагина аёлнинг ҳамма нарсани тушун-
тиб турган ҳолда «ўйин» қилиб ўтирганини англади.

– Майли, ҳозирча сизга жавоб, ҳали яна учрашамиз,
– деди Санжарбек сўроқ баённомасига қўл қўйдиргач. –
Опангиз билан юзлаштиришга тўғри келиши мумкин...

Сал ўтмай изқуварлар йигирма олти-йигирма етти
ёшлардаги сатанггина аёлни бошлаб келишди. Келиш-

ган келбати, тип-тиниқ чехраси, порлаб турган кўзларидан Назокатнинг опаси – Нозима эканини англаш қийин эмасди. Ўзини тетик ва бежавотир тутишга уринаётган бўлса-да, аёлнинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Гуруҳ раҳбари «меҳмон»га жой кўрсатиб, суҳбатнинг узоқ давом этишини ҳисобга олган ҳолда унга ўзини бироз босиб олиши учун имкон берди – бир пиёла чой узатиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Сўнг одатий расмий-чиликни ўринлатиб, сўроққа тайёрланди.

– Тинчликми, ока, чақиртирибсиз? – аёлнинг сабри чидамади.

– Сизни Луқмон Шариповнинг иши бўйича чақиртирганмиз, – деди гуруҳ раҳбари босиқлик билан.

– Менинг нима даҳлим бор? Мени у билан давно алоқам йўқ! Қай гўрданам шу хезалак билан танишган эканман, ўлсаям ундан қутилолмас эканман-да! – аёлнинг асл башараси очила бошлади.

– Нозимахон, биз ҳаммасидан хабардормиз, – гуруҳ раҳбари аёлнинг аравани қуруқ опқочмаслигининг олдини олиш учун огоҳлантирган бўлди. – Марҳамат қилиб, Луқмон Шарипов ҳақида билганларингизни шошилмасдан батафсил гапириб берсангиз. Гап қотиллик ҳақида бораётганини унутманг!

Нозима бироз ўйланиб қолди. Терговчининг огоҳлантиришидан сўнг унинг «пластинка»ни алмаштиришга чоғлангани аниқ эди.

– Нимани гапирай? Сизларни нима қизиқтиради?

– Бир бошидан айтаверинг, қачон, қандай танишгансиз? Синглингиз Назокат билан муносабатларингиз, жанжалларингиз...

– Аҳа... Қойил, бундан ҳам хабардормисизлар? У алвасти роса устимга мағзава тўккан кўринади!

– Хотиржам бўлинг, – гуруҳ раҳбари жиддийлашди, – синглингиз бор ҳақиқатни гапириб берди. Сизга ҳам бори-ни оширмай-тоширмай айтишингизни маслаҳат берамиз.

Нозима бироз шармсиз тўнда бўлса-да, кечинмалари-

ни бир бошидан гапириб берди. Терговчилар ора-орада саволга тутиб, воқеаларга ойдинлик киритиб бордилар. Опа-сингилларнинг кўрсатмалари манфаатлар тўқнашувидagi субъектив тафовутларни, лозим жойларда ўзини хокисор, фаришта ва айбсиз қилиб кўрсатишга уринишларларни ҳисобга олмаганда мос тушди.

– Назокатнинг хиёлати фош бўлгач, сиз Луқмон билан муносабатларингизни тиклашга ҳаракат қилган экансиз, шу ростми?

– Ким айтди? Менга унинг кераги йўқ. Тўғри, керак пайти поддeржка берди, қўллади. Айтмасам кўзим кўр бўлади. Мени не за что айблаб, синглим билан юриб кетгандан кейин, менга нима кераги бор!

– Унда нега синглингизнинг хиёлатини фош этиш учун шунчалик ҳаракат қилгансиз? – Жўрабой гуруҳ раҳбарининг ижозати билан савол берди. – Кимнидир ёллаш, пул сарфлаш – сизнинг Луқмонни қайтариб олиш умидидан воз кечмаганингизни англатмайдими?

– Тўғри, у кўрнамакни «жойини солиш» учун ҳеч нарсадан тоймадим. Мақсадим – оқпадар, нонкўр сингилни жазолаш бўлган. Луқмоннинг этагига осилиш хаёлимнинг бир чеккасигаям келмаган.

– Алик билан қандай танишгансиз? – Санжарбек набатдаги «зарба»ни берди.

– Алик ҳақидаям шу ялмоғиз айтдимиз? – деди аёл бошини сарак-сарак қилиб. – Айтдим-ку у одам эмас, ҳайвондан ҳам баттар. У чўчқани муштдайлигидан кўтариб катта қилиб, емай-едириб, киймай-кийдириб олган мукофотим шу бўлди. Эс-хуши оёғимдан уриш, жарга итариш, жигар дегани ҳам шунақа бемехр, ваҳший бўладими?!

– Алик билан қаерда танишганингизни айтмоқчийдингиз, – Маъмур гувоҳни «йўл»га солмоқчи бўлди.

– Аликнинг бу ишга нима алоқаси бор? У бечора при чём?

– Ҳай-ҳай-хай, жа-а унақа бечора эмасдир? Эшитиб, хафа бўлиб юрмасин, чечен йигитлари ориятли бўлишадия, – пичинг қилди Маъмур.

– Мен ҳозир турган уй бир пайтлар Аликники бўлган экан, истар-истамас гап бошлади гувоҳ. – Кейин нимадир бўлиб, у Тошкентдан қаергадир кетиб қолган экан...

– Қамалиб кетган экан, деб тўғриси айтиверинг! – Маъмурнинг тили қичиди.

– Қамалганми, сургун бўлганми, менга нима қизиғи бор! – зарда қилди Нозима. – Ишқилиб, «Уйимда ким турган экан, рози бўлса, қайтариб, сотиб оламан», деган уйда меникига келиб қолди. Шунда танишиб қолгандик. У менга уйни сотишни илтимос қилди. Мен кўнмадим. «Шу уйда ота-онам яшаган, уларнинг шамини ёқиб ўтиришим керак, сенга бошқа жойдан хоҳлаган уйингни олиб бераман», деб оёқ тираб туриб олди. Шунақа танишиб қолганмиз.

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – сўради гуруҳ раҳбари.

– Ҳозир бирга яшайпмиз...

– Турмуш қурдингизларми?

– Қанақа турмуш? Просто так...

– Аҳмед Ҳабибов муқаддам гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ўтказганлик учун судланган экан, ҳабарингиз борми?

– Йўқ, эшитмаганман... ўтириб чиққанини айтганди, лекин нега қамалганини сўрамаганман.

– Ҳозир Алик қаерда? Телефони ҳам ўчирилган.

– Эрталаб чиқиб кетганди, қаёққа боришини айтмаганди. Телефониди пули қолмагандир-да. Ҳар доим шунақа...

– Яхшилаб эслаб кўринг, биринчи август куни қаерда эдингиз? Алик ҳам сиз билан биргамиди?

– Не помню, честно непомню... Биринчи август... биринчи август... йўқ, ёдимда йўқ, уйда бўлганмиз навроно...

– Аликка кўнғироқ қилиб кўринг-чи, балки сизникини кўтарар, – деди Санжарбек аёлга синчков тикилиб.

– Телефон қилайми? Марҳамат! – Нозима сумкачасидан қўл телефонини олиб, таниш рақамни топиб, «чақириш» тугмачасини босди. Телефондан қисқа сигнал овози эшитилди: – Телефони ўчирилган ...

– Яхши, сиз йўлакда ўтириб турсангиз, – гуруҳ раҳбари қоғоз-қаламини йиғиштиришга тушди, – керак бўлиб қолишингиз мумкин.

Аёл нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, Маъмурнинг тунд башарасига кўзи тушиб, тилини тийди ва калта юбкасини торта-торта, узун пошнаги туфлиси билан поли таққиллатиб, чиқиб кетди.

– Хўш, жаноб изқуварлар, бу хоним тўғрисида фикрларингиз қандай, – гуруҳ раҳбари ўтирганларга мурожаат қилди.

– Бу опа нақд шайтоннинг урғочиси! Кўлидан ҳар қандай хунрезлик келади, – Маъмурнинг ҳамон жаҳлдан тушмагани кўриниб турарди. – Анави чечен ўйнаши ундан баттар. Икки шайтон қўшилиб, Луқмонни йўқ қилиш режасини тузгани аниқ.

– Санжар ака, беш дақиқага чиқсам бўладими? – кутилмаганда Мухтор гап қўшди ва гуруҳ раҳбарининг имоси билан ташқарига чиқиб кетди.

– Лекин Луқмонни ўлдириш учун уларда қандай мотив бор? – эътироз қилди Умид. – Ҳаётини хавфга қўйиб, қотилликка қўл уришдан уларга нима наф? Бу томонидан ёпишмаяпти-ку!

– Буларга мотивнинг нима кераги бор! – ўзиникини маъқуллашда давом этди Маъмур. – Синглисидан ўч олиш учун одам ёллаб, шунча «операция»ни ташкиллаштирган одам шу ишни қилолмайдами?

– Буларнинг ҳаммасига хиёнаткор синглисидан қасос олиш мақсадида қўл урган. Ниятига эришган, синглисини ҳам шармисор қилган. Энди унга Луқмонни ўлдиришдан нима маъни?

– Назокат ҳам айтиб турибди. У бекорга опаси ва гушасидан хавфсирамаётгандир, – Маъмур бошқа томондан «ҳимояланиш»га ўтди.

– Бу аёлнинг гапига ишониб бўладими? Унинг дарди қандай қилиб бўлмасин опасига озор етказиш, ўч олиш...

– Йигитлар, келинлар тортишмайлик, – гуруҳ раҳбари «оқ байроқ» кўтариб чиқди. – Ундай бўлганда ҳам, бундай бўлганда ҳам текшириб кўришга мажбурмиз.

Шу пайт хонага Мухтор кириб, гуруҳ раҳбаридан суюнчи олди:

– Санжар ака, ҳар эҳтимолга қарши телефон тармоғига Нозиманинг телефони бўйича топшириқ бериб қўйгандим. Хавотирим тўғри чиқди. Аёл олдимиздан чиқиши билан Аликка «Сени прокуратура излаяпти, ушласа, қамаб қўйиши мумкин. Лукмоннинг қотиллигини сенга ёпиштирмоқчи шекилли. Ишлар бости-бости бўлгунча четроқда турганинг маъқул, телефонингни ўчириб ташла», деган мазмунда «sms» юборди. Хат эгасига бориб етди шекилли, сал ўтмай Аликнинг телефони тармоқдан батамом узилди.

– Ана, айтмадими, қотиллик шу ярамасларнинг иши! – ғолибона қичқирди Маъмур. – Биз эса кўнгилчанлик қилиб, вақтни бой бериб ўтирибмиз.

– Маъмур ака, менимча, «sms» Аликнинг қотиллигини эмас, балки унинг бу ишга алоқаси йўқлигини исботламаяптими? – Жўрабой эҳтиёткорлик билан фикр билдиришга жазм этди. – «Қотилликни сенга ёпиштирмоқчи», деяпти. Агарда қотиллик уларнинг иши бўлганда «Сезиб қолишди», «Мисимиз чиқди» каби жумлаларни ишлатмасмиди? Қўрқиб кетишининг сабаби аниқ – Алик чечен миллатига мансуб, муқаддам судланган. Унинг гапига ҳеч ким ишонмаслигини яхши билади.

– Жўрабойжон, сиз ҳали ёшсиз, бу ишларга тушунмайсиз, – Маъмур мулойимроқ бўлишга ҳаракат қилди. – Бу пихини ёрган муттаҳамлар бизнинг телефон ёзишмаларини назорат қилиб турганимизни сезиб, атайлаб шунақа мазмунда хабар ёзган.

– Жаноблар, келинлар тортишмайлик, олдиндан фол очмайлик, – деди Санжарбек кулимсираб. – Бундай олиб қараганда айни пайтда қўлимизда Нозима билан Аликдан шубҳаланиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Бошқа томондан улардан шубҳаланмасликка ҳам ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, Мухторжон йигитларни ишга солиб, Аликни топиш

чораларини кўрсангиз. Телефон пеленгацияси, сўзлашувлар таҳлилидан унинг, опа-сингилларнинг воқеа содир бўлган пайтда қаерда бўлганликларини аниқлаш зарур. Бундан ташқари, опа-сингилларнинг кейинги пайти нима билан машғул бўлгани, алоқалари доирасини ўрганиш лозим. Шу билан бирга, Луқмоннинг қариндошлари, яқинлари, касбдошлари билан муносабатларини ўрганишда давом этасиз. Маъмур ака, сиз опа-сингиллар ва чечен билан шуғулланасиз. Эртага пешиндан сўнг учрашамиз. Қилинган ишларни сарҳисоб қилиб оламиз. Кейин биргаликда жаноб Охунжон Парпиевни сўроқ қиламиз.

– Илтимос Санжарбек, мен ўз ишимни қилаверсам, шунақа бемазаларни жиним суймайди, – ишшайди Маъмур.

Ҳамма кулиб юборди.

– Тўғри, бунақа кимсаларда гипноз қобилияти кучли бўлади, ҳар қандай одамни ўз томонига оғдириб олиши мумкин. Маъмур аканинг хавотири шундан, – деди гуруҳ раҳбари кулгидан ўзини зўрга тўхтатиб.

* * *

Терговчининг вақти ҳамиша тиғиз бўлади. Иш деганлари сира адо бўлмайди. Бирини уддаласанг, бошқаси қайнаб, чиқиб келаверади. Санжарбек устози – Фахриддин Каримовичнинг ҳолидан хабар олиш учун икки-уч соат фурсат тополмай қийналиб келаётганди. Бугун шанба бўлгани боис куннинг биринчи ярмига режалаштирилган тадбирларни сал кейинга суриб, учрашувга «йўлак» очган шогирд эрта тонгдан Бекобод тарафга йўл олди. Олдиндан қамоқхона бошлиғи билан гаплашиб қўйгани яхши бўлган экан. Салим Ашурович уни хонасида кутиб турган экан. Навбатчи уни дарвоза олдида кутиб олиб, тўғри бошлиқнинг олдига бошлаб борди.

– Э-э-э, қадрдоним Санжарбек, – олтмиш ёшларни қоралаган басавлат полковник ўрнидан туриб, меҳмонни бағрига босиб, саломлашди. – Хуш келибсиз, қадамларига ҳасанотлар, кўришмаганимизга ҳам юз йил бўлиб кетди-ёв!

– Ассалому алайкум, Салим Ашурович, омонмисиз? Кўрганимдан хурсандман. Ўзингиз яхшимисиз? Соғлиқларингиз?

– Соғлиққа қарашгаям вақт бўлмаяпти, – бошлиқ меҳмонга жой кўрсатиб, ўзи унинг қаршисига ўтирди. – Мана, уч йилдирки, кексайган пайтимизда шу ғурбат жойнинг қоровулига айландик. Бир иш қилишга беришмайди. Ўзлари хоҳлаган номаъкулчиликни еб ётибди. Бир ўринга учта-тўртта маҳкум тўғри келяпти. Дод десак ҳам, вой десак ҳам ҳар кун янгиларини опкегани опкеган! Эй, ишлаб бўлмай қолди, Санжарбек! Эсон-омон нафақага чиқиб кетишни ўйлаб, кун санаб ўтирибман. Қўйиб берса, бир кун ҳам ишлагим йўқ. Ўзингиз қалайсиз? Жиноятчиларнинг ортидан қувиб, чарчамаяпсизми?

– Нимасини айтасиз, Салим ака, – Санжарбек чуқур «уфф» тортди, – бизда ҳам шу гап, ишга боришга ҳам одамнинг юраги бетламай қолди. Аҳвол кундан кунга оғирлашиб борапти. Билмадим, охири нима билан тугайди.

– Охири бахайр бўлсин, Илоҳим! Шу даврдан қоқилмай-суринмай ўтиб олсак, марра бизники! – бошлиқ меҳмонга чой қуйиб, узатди. – Санжарбек, йўл бўлсин, бизнинг ғарибхонага қайси шамоллар учирди?

– Эй, сўраманг, ёнингизга ҳақсизлик, адолатсизлик, жаҳолат, тўхмат шамоли учириб келди, – Санжарбек гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди. – Телефонда гапириб ўтирмадим, устозимни шу ерга олиб келишган.

– Шунақами? Ким экан? – бошлиқ стол устидаги рўйхатни қўлига олди.

– Фахриддин Каримов вилоят прокурорининг ўринбосари эдилар.

– У йигит билан яқинда танишдим, – бошлиқ қўлидаги рўйхатни жойига қўйиб, паст овозда гапирди, – кўп бамаъни йигит экан. Анча суҳбатлашдик. Бошидан ўтганларни айтиб берди. Анави муштумзўрларнинг ғазабига учраб, роса тўхматга қолган экан. Йўқ жойдан тиқиб қўйишибди-я, Худодан топгурлар!

– Шундай фидойи, ҳалол ва тўғри одамни ҳеч қандай асоссиз тухмат билан қамаб ўтиришибди, додингни кимга айтишни билмайсан!

– У киши сизнинг устозингизми?

– Ҳа, мен терговчиликни шу инсондан ўрганганман. Неча йиллардан буён тергов гуруҳида бирга ишлардик. Устозни зиёрат қилиш учун...

– Гап йўқ, бошқа нарсадан ёрдам қўлимиздан келмайди, ҳеч бўлмаса, шу ерда одамийлик қилсак, осмон узилиб ерга тушмас, – полковник ўрнидан туриб, ички телефон гдўшагини қўлга олди ва маҳкум Фахриддин Каримовни олиб келишларини тайинлади. Қадрдонлар бир пиёла чой ичгунча навбатчи офицер айтилган маҳкумни хонага бошлаб келди ва ўзи чаққонлик билан чиқиб кетди.

– Ўртоқ бошлиқ, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 210 моддаси...

– Отставить! – бошлиқ ўрнатилган тартиб бўйича ўзига мурожаат қилаётган маҳкумни сўзини бўлди ва бир чеккада кўзлари кулса-да, ичидан зил кетгани сезилиб турган «шогирд»га юзланди: – Устозингиз шу киши бўладиларми?

Санжарбек томоғига тош тиқилиб, бир сўз демакка кучи етмай останада ҳайрона турган «маҳкум»га ўзини отди. Устоз-шогирд бир-бирини бағрига босганча анча вақт унсиз туриб қолдилар.

Салим Ашурович «Сизлар бемалол гаплашиб туринглар, мен ҳозир», деганча хонадан чиқиб кетди.

– Мавлоно Санжарбек, бу юртларда нима қилиб юрибсиз? – бироздан сўнг сал ўзига келган Фахриддин одатича гап бошлади.

– Фахриддин ака, яхшимисиз? Соғлиқларингиз қандай? – Санжарбек устозига жой кўрсатиб, ўзи унинг қаршисига ўтирди.

– Ёмон эмас, Санжарбек, ёмон эмас! – деди Фахриддин кулимсираб. – Панжара ортида бўлса-да, уч маҳал текин овқат, иш, спорт, китоб мутолааси. Бош қашишга вақт йўқ.

– Сизни шунақа аҳволда учратиш... – устозига бошдан оёқ разм солган шогирднинг кўнгли яна бузилди. – Сал ориқлабсиз, кўзимга кичрайиб қолгандай кўриняпсиз.

– Ҳа, бироз вазн ташладим, – Фахриддин бироз жиддийлашди. – Ейиш-ичишимиз жойида, ўй-хаёллар одамни еб қўяди, шундан бўлса керак... Ўзларингиз яхшими? Келин, болажонлар... Тоҳир ака яхшимилар?

– Худога шукр, бизлар яхшимиз. Тоҳир Ғафурович ҳам зўр, ишлаб турибди. Нафақага кетиш тараддудида, лекин жавоб беришмаяпти. У кишига ҳам қийин, анавилар тоза қисиб ташлашган... Ўзига қолса, бир кун ҳам ишламоқчи эмас. Илож қанча!

– Яхшига кун йўқ экан, – деди Фахриддин надомат билан. – Замона юлғич, олғир, каззоб, порахўр, ғирромники бўлиб қолди. Шуларнинг йўлига кирсанг мансаб ҳам, мартаба ҳам сеники, акс ҳолда, йўлларида супириб, чивиндай эзиб ташлашади. Додингни ҳеч ким эшитмайди. Майли, бу гапларни қўйинг, ҳозир қайси ишни тергов қиляпсиз?

Санжарбек бироз бўлса-да овуниб, бемаъни хаёллар бошидан кетар, деган ўйда Луқмоннинг қотиллиги бўйича жинойт тафсилотларини ипидан игнасиғача гапириб берди.

– Ҳа, анчагина мураккаб иш экан, – деди собиқ терговчи бошини қашиб, – аммо Самиғни қамоқда ушлаб турганларингиз тўғримиқан?

– Менга қолса, уни озодликка чиқариб юборган бўлардим. Лекин вазият чатоқ, эртага менинг ҳам прокурорнинг ҳам бошимиз балога қолиши мумкин. Мабодо қотил топилмаса, бизни жинойтчини кўра била қўйиб юборганликда айблаши турган гап. Шу сабабли қандай бўлмасин қотилни топишга ҳаракат қиляпмиз.

– Тушунарли! Қотилни топсангиз яхши, топмасангиз нима бўлади? – одатдагидай таҳлил қилишда давом этди Фахриддин. – Нима, унда гап-сўзга қолмаслик учун Самиғнинг бўйнига қотилликни осиб қўясизларми?

– Йўғ-э, – кулди шогирд, – қотил топилмаса ҳам Самиғни қўйиб юборишга мажбурмиз. Лекин айна пайтда бу

ишни қилсак, шусизгаям тиш қайраб турган Баҳром Садировичга ўхшаганлардан балои азимга қолишимиз аниқ.

– Тушунаман, тушунаман, албатта, эҳтиёт бўлган маъкул. Бу малъунлар баҳона топмай турибди, – деди устоз ўйчан. – Гапингиздан опа-сингиллар, анави чечен йигитнинг ҳам қотилликка алоқаси йўққа ўхшайди. Албатта, жиноятга уларнинг иштирокини ҳам чуқур текшириб, гумондан соқит қилиб юбориш лозим. Ҳозирча ҳақиқий қотилнинг изига тушмаганга ўхшайсизлар. Сўзингиздан мен илғаган яна бир хулоса – қотил Луқмонга таниш бўлган, у бемалол лабораторияга кириб борган, жабрланувчи ундан ҳайиқмаган, қочмаган, жойида ўтираверган. Ёки раҳматли қотилдан бундай тажовузни кутмаган ва бемалол ишида давом этган. Қотил эса беҳосдан ташланиб, ўзи билан олиб келган пичоқни Луқмоннинг кўксига санчиб қўйган. Мантиқни ишга соладиган бўлсак дорихоначининг атрофида кимлар бўлади? Қариндош-уруғ, ёри дўстидан ташқари – мижозлари! Сизлар ҳозир зўр бериб, Луқмоннинг яқинларининг жиноятга алоқадорлигини текшириб кўряпсизлар. Бундан кейин ҳам уларни текширишда давом этасизлар. Аммо мижозлар-чи? Гапингизга қараганда улар сизнинг зътиборингиздан четда қолмоқда. Шу тобда эсимга туманда терговчи бўлиб ишлаб юрган кезларимда тергов қилган бир жиноят келиб қолди. Бир дорихона эгасини кечаси ишхонасидан чиққан пайтда бўғиб ўлдириб кетишган. Кўп таҳминлар илгари сурилди. Аммо бирортаси ўзини оқламади. Энг охирида қотиллик дорихоначининг касби билан боғлиқ, деган таҳмин устида ишлаб кўрдик. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, дорихонада рўйхатга олинган рецептлар ёрдамида барча мижозларни топиб, ўрганишга киришдик. Муваффақият оёғимиз остидан чиқди. Буни қаранг, бир қассоб йигит шифокор ёзиб берган рецепт асосида дорихоначидан укол учун дори олган. Дорихоначи рецептдаги ёзувга унчалик аҳамият бермасдан шошилишда умуман бошқа дори бериб юборган. Бахтга қарши бояги дори қасал болага умуман мумкин эмас экан. Натижада 10 яшар

бола ўша дори таъсирида комага тушиб қолган ва икки кун ўтиб, вафот этган. Асраган кўзга чўп кирар деганларидай, бола оиланинг ягона фарзанди, нури дийдаси экан. Жабрланувчининг аризаси асосида дорихона эгасига жиноят иши қўзғатилган. Айбланувчи ўртага одам қўйиб, жабрланувчидан аризасини қайтариб олишни сўраб, эвазига каттагина пул беришни ваъда қилган. Аммо мархумнинг отаси дорифурушнинг таклифини қатъий рад этган. Иш судгача бориб этган. Суд айбдорга икки йил аҳлоқ тузатиш жазосини берган. Суд залидан чиқиб кетишда дорифуруш «қайсар» отага «Ҳа, жўра, қўлингдан нима иш келди, пулни олиб, кекириб юрмаганинг қолди-да!» дея устидан қулиб кетган. Дарғазаб ота кўзининг оқу қораси бўлмиш бир бегуноҳ норасида болани ўлдириб юбориб, ўзи шақшайиб бемалол озодликда юрган, устига устак, юзига «туфлаб» кетган дорифурушни «самосуд» қилишдан бошқа илож топмаган. Ўшанда қассобни қамашга қамаб, лекин ўзим қилган ишимдан пушаймон бўлганман, бечора отага чин кўнгилдан ачинаман. Сизларнинг ҳолатларингизда ҳам шунақа воқеа бўлган, деган фикрдан йироқман. Аммо бу тахминни ҳам ишлаб кўрсангиз фойдадан холи бўлмасди.

– Раҳмат устоз, айтганингиз яхши бўлди, албатта, бу йўналишда жиддий шуғулланиб кўрамиз, – деди Санжарбек мамнун бўлиб. – Сизни шу ерда ҳам тинч қўймаймиз-да, устоз.

– Қўлимиздан келгани шу бўлса, – кулди Фахриддин.

– Биласизми, – Санжарбек пайтдан фойдаланиб, кўнглига туйиб қўйган яна бир масалада маслаҳат олишга жазм қилди. – Луқмон эгалик қилиб турган дорихона унга тоғасидан мерос қолган. Билол Сайфиевичнинг тўрт ўғли бўлиб, ҳар бир фарзандига биттадан дорихона ва бошқа мол-мулкларни мерос қолдирган. Лекин негадир болалар отасининг қароридан норози бўлишган. Ҳолбуки, жиянга нисбатан анча кичикроқ дорихона мерос ўтган. Ака-укаларга қолдирилган дорихоналар эса анча каттароқ. Қизиғи ака-укалардан иккитаси ўзла-

ринг каттагина дорихоналарини Луқмонга қолдирилган кичик дорихонага алмаштиришга ҳам тайёр. Улар отаси айнан шу дорихонани Луқмонга қолдирганидан ҳалигача унга кек сақлаб, жанжаллашиб келишган.

– Балки Луқмоннинг дорихонасида савдо яхшидир? Балки мижозлар учун қулай жойда жойлашгандир?

– Йўқ-да, текшириб кўрдик, Луқмонга тегишли дорихона савдо айланмаси ўтган йилда ҳам, жорий йилнинг ўтган олти ойида ҳам анча кам бўлган. Аксинча, ака-укаларга тегишли дорихоналар савдоси кўлами сезиларли даражада кўп бўлган.

– Балки ўша дорихона қандайдир яширин фаолият билан шуғулланар? Масалан, гиёҳвандлик моддалари савдоси... – ўзича хулоса қилди Фахриддин.

– Биз ҳам шунақа фараз қилгандик. Аммо текширишлармиз дорихона на гиёҳвандлик воситалари, на бошқа тақиқланган моддалар савдоси билан шуғулланиши аниқланди. Шунингдек, ҳозирча дорихонанинг бошқа яшириш фаолият юритгани ҳам аниқланмади.

– Қизиқ, унда бу дорихонага нега бунчалик ёпишиб олишган? – устоз ўйланиб қолди. – Унинг сири нимада? Қизиқарли жумбоқ... Балки савдо айланмасини яшириб кўрсатишаётгандир, аслида савдоси анчагина каттадир ёки гап мижозлардамикан?

– Унақага ҳам ўхшамайди, дорихонанинг мижозлари, асосан, нейрохирургия шифохонаси даъволанувчилари ҳисобланади...

– Ана, кўрдингизми? «Сир»нинг бир томони шифохонага бориб тақалиши эҳтимолдан холи эмас.

– Раҳмат устоз, сизниям бошингизни қотириб ташладим. Нима қилайлик, сизнинг шунақа оригинал фикрлашингиз бизларда етишмай турибди-да! – деди Санжарбек мамнун жилмайиб. – Устоз, сизга китоблар олиб келгандим.

– Ростданми, қанақа китобларни олдингиз?

– «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён», «Юлдузли тунлар»...

– Уларни ўқиганман-ку!

– Тўғри, ёшликда бу китобларни воқеалар ортидан қувиб ўқиганмиз, – Санжарбек бир пайтлар устозидан эшитган жумлаларни унинг ўзига қайтарди. – Энди уларнинг мазмун-моҳиятига, гўзал ибораларига, сўз санъатига ошна бўлган ҳолда ўқийсиз.

– Шунақами?

Беғубор кулги кўтарилди.

– Яхши қилибсиз, бу китобларни ҳар ўқиганда ўзгача маънавий озуқа, бир олам ҳикмат оласан киши. Отабекдан ёнидаги киши кимлигини сўраганда «хизматкорим» деб мўйсафиднинг кўнглини оғритгиси келмай у сал нари кетгандан сўнг секингина «хизматкоримиз» деб Ҳасаналини таништирган саҳнаси ёдингиздами? Холбуки, Отабек олий мартабали бек бўлган, унга хизматкор бўлиш ҳам шарафли ҳисобланган.

– Ана маданияту ана камтарлик, одамийлик. Мен «Ўтган кунлар»ни ўқиганимда тилимизнинг бойлигига, гўзал ва нафислигига, одамлар орасида муаомила маданиятининг юксаклигига қойил қоламан. Ҳозир кўча-кўйда ёшларнинг сўзлашиб турганини кўриб, ёқамни ушлайман. Яқинда метрога тушгандим. Ёнимда аллам-бало кийиниб олган икки ўспириннинг гапи қулоғимга чалинди: улардан бири «Нима, ўрто сан мани лох қивотсанми? Поняткаси йўқ, девотсанми?» деса, иккинчиси «Ўрто ман сани хот раз кидат қиламанми? Мани анави тряпкаларингга ўхшатма, ман мужикман... жалаб... ойимдан олсам, қайтариб бераман ўша соққангни!» дейди. Ана тилимизнинг аҳволи, ана сўзлашув маданияти! Наҳотки бир аср ичида она тилимиз шунчалик қашшоқлашиб, шунчалик қўполлашиб кетган бўлса? Ёшларимиз бунақа тутруқсиз, бемаъни сўзларни қаерда олмоқда? Бунақа сўзлашув маданияти қаердан кириб келмоқда... Шундай пайтларда «Ўтган кунлар»га «тушиб қолгим» келади.

– Ёзувчи бўлиб кетинг-э, – деди Фахриддин шогирдининг елкасига қоқиб, – афсуски, мозийга қайтишнинг иложи йўқ. Ёшларга «Ўтган кунлар»ни ўқитиш лозим.

Аммо бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари бу китобни ўқиган бўлишлари шарт.

– Фахриддин ака, қамоқхона ҳаётига кўникиб қолдингизми? – қандайдир меҳр, ачиниш ҳисси билан сўради шоғирд.

– Бошга тушганини кўз кўрар экан. Ўрганияпмиз, ўрганмай қаёққа ҳам борардик. Бошида бироз қийин бўлди. Қамоқхонанинг ёзилмаган қоидалари бор. Бу ерда генерал ҳам, полковник ҳам, сержант ҳам баробар. Келган пайтим милициядан чиққан бир неча маҳбуслар менга қарши роса тиш қайрашди. Ишлаб юрган кезларимда уларни қилган жинояти учун қамаган эканман. «Бизни қаматгандинг, мана ўзинг ҳам ёнимизга келибсан-ку», дея «разбор»га чақиришиб, елкамга катта миқдорда товон пули осиб қўйишди. Мабодо пулни белгиланган муддатда тўламасам, ўлдириш билан таҳдид қилишди.

– Вой, бемазалар-эй! Устоз, нега назоратчиларга ёки муассаса бошлиғига айтмадингиз? Салим Ашурович ҳаммасини жойини солиб қўйган бўларди.

– Мен ҳам олдин сиздай фикр юритардим. Айтдим-ку бу ернинг қоидалари бошқача... Арз қилиш – чақимчилик энг оғир «гуноҳ», ундайларга кун беришмайди.

– Кейин нима қилдингиз, товон тўлашга рози бўлдингизми? – таажжубдан Санжарбекнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

– Йўғ-э, яхшилар ҳамма ерда бўларкан. Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар, деган гап ҳақ экан. Туманда ишлаб юрган пайтимда бир майорнинг ўғлини туҳматдан асраб қолиб, қамоқдан чиқариб юборгандим. Кейинчалик мен тумандан ишдан кетгач, майорга тиш қайраганлар уни ўзини «қармоққа илинтиришибди». У анча йиллардан бери зонада «ўтиргани» учун «авторитет»га айланган экан. Мени таниб қолиб, жонимга оро кирди. Бояги муштумзўрларни олдимга яқинлашмайдиган қилди.

– Хайрият-эй! Яхшилар бор бўлсин оламда! – Санжарбек ўпкасини босиб олди, – ҳозир муаммо йўқми?

– Йўқ, ҳозир ҳаммаси жойида.

– Устоз, янги ҳунар ўрганибсиз, муборак бўлсин! – Санжарбек қимматли фурсатлар ўтиб бораётганини ҳис қилиб, гапни бошқа ёққа бурди.

– Назира айтдими? Тўқишни ўрганиб олдим, – деди устоз беғубор жилмайиб. – Йигитга қирқ ҳунар ҳам оз дегандай...

– Ҳа, янгамдан эшитдим, Давронжон билан Достонбекларга тўқиб берибсиз, – Санжарбекнинг томоғига бир нарсa тикилгандай бўлди, ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш энди. Буни сездирмаслик учун кўзларини яшириб, – бизникиларга ҳам тўқиб берсангиз... хурсанд бўлишарди, – деди.

– Бошлаб қўйганман... албатта... болажонларга ҳам тўқиб бераман, бу сафар улгурмадим. Назирадан бериб юбораман, – деди устоз болаларча хурсанд бўлиб.

Йигитлар бир муддат дилдан суҳбатлашиб ўтирдилар. Сўнг бир-бирига дунёнинг бор омонлигу яхшиликларини тилаб, кўнгиллари алланечек аҳволда хайрлашдилар.

Санжарбек хонадан чиқиб кетар экан Фахриддин ортига ўгирилиб, шогирдига илтижоли термулди:

– Бир муддат келмай турсангиз... тагин йўқ жойдан гап-сўзга қолиб ўтирманг! «Искович ит»лар ҳар ерда бор.

– Устоз... нимага ахир?.. – шундоқ ҳам ғам-ғуссага тўлиб турган шогирднинг хўрлиги келиб кетди. – Э, қуриб кетсин, олса ишини олади-да! Ўзим ҳам ишлайман, деб кўзим учиб тургани йўқ, кўлим ишдан совуб кетган.

– Санжарбек... илтимос... айтганимни қилинг! Бир оз ўтиб, уларнинг ёдидан чиқаман. Кейин бемалол учрашаверамиз! Аммо ишдан бўшашни хаёлингизга ҳам келтирманг! Жангсиз таслим бўлиш сиз билан бизга ярашиқлик иш эмас. Кураш ҳали олдинда! Мени жангда мағлуб бўлди, тамом бўлди, деб ўйлаётган бўлсангиз, хато қиласиз! Худо хоҳласа, ғалаба нашидасини биргаликда тотамиз! – деди Фахриддин қатъият билан ва ғоз юриб, кўздан ғойиб бўлди.

Санжарбек то Тошкентга келгунча кўз ёшларини тилмади. Хўрлиги келди. Шундай беназир, улуғ одамнинг

шунақа аянчли ҳолга тушиб ўтирганини ҳазм қилолмай ич-ичидан эзилиб йиғлади. Инсон қадри учун йиғлади. Яхшилар хор-у, ёмонлар от устида эканидан, адолат йўқлигидан, ҳақиқат топталганидан йиғлади. Замонанинг бевафолигидан йиғлади...

* * *

Санжарбек хонасига кириши билан эшик тақиллаб, гуруҳ аъзолари кириб келишди. Салом-аликдан сўнг гуруҳ раҳбари Мухторга юзланди:

– Алиқ топилдими?

– Ҳозирча йўқ, қочиб қолдими дейман-да! Бориши мумкин бўлган жойларга одам қўйдик. Уни қидиришга катта куч ташладик. Иккала телефони ҳам ўчирилган. Телефон сўзлашувлар таҳлилини олдик. Алиқ Луқмон билан таниш бўлган экан.. Кейинги бир ой давомида беш-олти марта гаплашган, – Мухтор қўлидаги қоғозларни гуруҳ раҳбарига узатди. – Уларнинг сўзлашувларни қизил рангда белгилаб қўйганман.

– Воқеадан бир кун олдин... икки кун олдин... 30-31 июль кунлари ҳам кўнғироқлашган экан... а-ҳа! – шивирлади Санжарбек қоғоздан кўз узмай. – Нима ҳақида гаплашиши мумкин?

– Бу муттаҳам бекорга жуфтакни ростламаган кўрилади? – Умиднинг кўзларида умид учкунлари порлади. – Санжар ака, табриклайман, калаванинг учи топилганга ўхшайди-я!

– Ҳали хурсанд бўлишга эрта, – деди Санжарбек ўйга толиб, – ҳаммаси тўғри келяпти, аммо мотивни кўрма-япман. Алиқ Луқмонни нима мақсадда ўлдирган бўлиши мумкин? Қамалиб чиққан одам... қамоқ нималигини яхши билади... Қотиллик учун умрининг қолган қисми панжара ортида ўтишини тушунади. Сабабсиз қўлига пичоқ олиши ақлсизлик бўлмайдими? Хўп, Нозима фаросатсиз аёл. Унинг биргина гапи билан одам ўлдириш....

– Мен ҳам бошида Алиқнинг бу ишга дахлдорлигини инкор этиб келаётгандим. Лекин энди аҳвол ўзгарди.

Аликнинг Луқмон билан танишлиги, боз устига, қотиллик арафасида гаплашиб юргани кўп нарсани англатади. Тўғри, ҳозирча бизга қотиллик мотиви аниқ эмас. Лекин аминманки, жиноятга Нозима сабаб бўлган. Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади, – Умид мушоҳада қилишда давом этди. – У ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб, жилпанглаб, бечорани қўлга пичоқ олишга кўндиргандир-да! Тарихда бунга мисоллар камми? Дунёни ларзага солган турк хоқони султон Сулаймонни ўз жигарларини ўлдиришга мажбур қилган Хуррам султоннинг макри-ҳийласи эмасми? Алик ким бўпти?

– Тўғри, лекин маккорлик учун ҳам ақл даркор! Хуррам қанчалик ёвуз шахс бўлмасин, ақл бобида ҳам беназир бўлган. Нозимада шу сифат етишмайдими, дейман-да!

– Кейин... тахт учун курашлар ҳамиша қурбонлар талаб қилган, – Жўрабой гуруҳ раҳбарига «ёрдам»га келди. – У пайтда жамиятда сен ўлдирмасанг, сени ўлдиради, деган шиор ҳукмрон бўлган.

– Мозийга қараб ўтлаб кетиб қолмадингларми? – тўнғиллади Маъмур. – Санжарбек, ким шубҳа остига олинса, ҳимоясига чиқяпсиз. Бу кетишда терговчимас, адвокат бўлиб қолмаймизми?

– Терговчи гумондорга бир кўзи билан терговчи, иккинчи кўзи билан адвокат сифатида қараши лозим, – гуруҳ раҳбари шу тобда миясига келган фалсафий қарашни асослашга ҳаракат қилди, – фақат шундагина объективлик таъминланади, адолат торозисини тенг тутиш мумкин бўлади. Судья терговчи юборган ҳужжатлар асосида ҳукм ўқийди. Шу маънода адолатни таъминлашда терговчининг ўрни муҳим. У одил, инсофли ва холис бўлса, судьянинг ҳукми ҳам қонуний ва асосли бўлади. Аксинча, терговчи гумондорга бир ёқлама, айблов кўзи билан қараса ва буни исботлашга ҳаракат қилса ва маълум маънода бунга эришса, судья бечора нима қилсин? У ҳам терговчининг хатосини такрорлашга ва алал оқибат қонунсиз қарор қабул қилишга мажбур бўлади. Буни ҳар бир терговчи, айниқса, ёшлар сира ёдидан чиқармаслиги зарур.

– Э қойил-э! Бу ёғини одобнома дарсига, илм-фанга айлантириб юбордингиз-ку, – кулди Маъмур.

– Афсуски, бизнинг энг катта хатомиз тергов, одил судлов соҳасига илмни жорий қилмаганимиз бўлди. Илм-фан ютуқларисиз ҳеч бир соҳани ривожлантириб бўлмаганидек суруштирув, тергов ишини юқори поғонага кўтариб бўлмайди. Менга қолса зудлик билан терговчилар тайёрлаш ва тергов муаммоларини ўрганиш институтини ташкил этган бўлардим. Балки шунда тизимда саёз ва бир ёқлама фикрлайдиган терговчилар анча камайган бўлармиди? Нима дедингиз, Умиджон! – Санжарбек қолганларга сездирмай кўз қисиб қўйди.

– Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, демоқчимисиз? – деди Маъмур юзи қизариб.

– Йўғ-э, Маъмур ака, сиз тажрибали терговчисиз-ку! Мен умуман айтдим қўйдим-да, гап эгасини топади, дейишади-ку. Майли, ҳазил-ҳазил билан, ишга қайтайлик. Мухторжон, – гуруҳ раҳбари изқуварга юзланди, – Алик балки Гулистондаги қариндошлариникига кетгандир?

– Сирдарёга ҳам одам юбордик. Бориши мумкин бўлган барча нуқталар кузатувга олинган.

– Умуман, бу шахс ҳақида бизга нималар маълум? – деди Умиджиноят иши материалларини варақлай туриб. – Келинлар, ақл чиғириғидан ўтказиб кўрайлик-чи?

– Хабибов Аҳмед Нурмуҳаммад ўғли 1972 йилда Гулистон шаҳрида туғилган, ўтган асрнинг 90 йилларида ота-онаси билан Россияга кўчиб кетган. 1994 йилда уйланган, икки нафар фарзанди бор. 1997 йилда оила, бола-чақасини ташлаб, яна Ўзбекистонга қайтиб келган ва Бахт шаҳридаги пахта тозалаш заводида экспедитор бўлиб ишлаган. 2000 йилда ҳозир Нозима яшаб турган уйни сотиб олган. 2004 йилда Тошкент шаҳридан каттагина ҳовли олишга эришган. 2005 йил декабрь ойида гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ўтказгани учун жиноят кодексининг 273-моддаси билан айбланиб, саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони Занги-

отадаги қаттиқ режимли колонияда ўтаган. 2009 йил декабрда жазони ўтаб чиққан ва Нозима билан танишган. Айни пайтда уникида яшаб келмоқда. Тошкент шаҳрида яшаш жойига эга эмас. Бизда бор маълумотлар шулар.

– Нозима уйни кимдан, қачон сотиб олган? – сўради гуруҳ раҳбари.

– Уй 2008 йилда сотиб олинган, – Мухтор ёндафтарига қараб давом этди. – У пайтда Аҳмед қамокда бўлган, демак, уй иккинчи қўлдан сотиб олинган.

– Мен ҳам шу фикрдаман, – қувватлади Санжарбек, – зудлик билан нотариусдан ҳужжатларни талаб қилиб олиш лозим.

– Сўровнома юборганмиз, ҳужжатлар бугун қўлимизда бўлади, – деди Мухтор ҳозиржавоблик билан.

– Дарвоқе, Аҳмеднинг ҳовлиси нима бўлган?

– Буни энди аниқлаймиз. Балки сотилиб кетгандир. Нима бўлгандаям ҳозир Аҳмеднинг пойтахтда пропискаси йўқ. Вақтинча Нозиманикида рўйхатга қўйилган.

– Аҳмеднинг қамокдан чиқиб, тўғри Нозиманинг ёнига келиши, кейинчалик уларнинг бирга яшай бошлиши сизларга шубҳали туюлмаётими? – гуруҳ раҳбари барчага қарата савол ташлади.

– Олдин шу ерда яшаган, ким турган экан, деган ўйда келгандир-да! – Умид иккиланиброқ фикр билдирди. – Қараса, яхшигина «наrsa»... Нозима ҳам эрсираб турган эмасми, дарров топишиб қолишган. Бунинг нимаси ажабланарли?

– Балки улар олдинроқдан таниш бўлгандир? – Жўрабой ноодатий фикрлашда давом этди. – Алик қамалгач, уй Нозимага қолган. Кейин маккора аёл шу уйни Луқмоннинг пулига сотиб олиб, ўз номига расмийлаштирган. Ҳужжатларни қамоқхонага бориб расмийлаштиришган. Натижада уй ҳам, унинг пули ҳам Нозимага қолган. Шу сабабли Алик қамокдан чиқиб, тўғри Нозиманикига келган.

– Аҳа, тўғри фикр, шунақа бўлиши ҳам мумкин, – хулоса қилди Санжарбек. – Бу Нозима деганларининг қў-

лидан ҳар бало келадиган кўринади. Лекин унинг қотилликка алоқаси бормикан?

– Шунча разил ишларни ташкиллаштирган кимса қотиллик қилолмайдими? – саволга савол билан жавоб берди Маъмур. – Кўзи ўйнаб турганидан сезгандим-а...

Шу пайт эшик тақиллаб, ходимлардан бири Охун Парпиев келганини хабар қилди.

– Яхши, қолган гапларни кейин давом эттирамиз, – гуруҳ раҳбари мунозарага нуқта қўйиб, мавзунини ўзгартирди. – Ҳозир мураккаб гувоҳлардан бирини сўроқ қиламиз. Фаолроқ бўлишларингизни сўрайман.

* * *

Ректор ёрдамчиси Санжарбек ўйлагандан ҳам «юмшоқ» йигит чиқиб қолди.

– Ассалому алайкум, окахонлар, яхшимисизлар? – қизларга хос ингичка овозда саломлашди йигит. – Чақиртирган экансизлар?

– Ваалайкум ассалом, келинг, ўтиринг, – терговчи «меҳмон»га жой кўрсатди. --Луқмон Шариповни танирмидингиз?

– Луқмон акани яхши танирдим. Раҳматли ажойиб одам эдилар, Аллоҳ раҳматига олсин, илоё!

– Луқмон ўлмасидан олдин сиз билан телефонда кўп гаплашган экан. Ҳатто ўша мудҳиш воқеа содир бўлган кун ҳам бир неча марта алоқага чиққансизлар. Нима ҳақида сўзлашгансизлар? Муносабатларингиз қандай бўлган, сизларни нима бирлаштирган?

– Луқмон ака билан анчадан буён салом-алигимиз бор. У-бу масалада ёнимга келиб турарди.

– Қанақа масала экан? – терговчи изоҳ талаб қилди.

– Ҳар хил масалалар... ҳозир ёдимда йўқ... Бир сафар қарз сўраб келганди.

– Қанақа қарз? – Санжарбек ҳеч нарса тушунмагандай талмовсиради.

– Олдин ёнимга борган йигитларингизга ҳам айтиб бергандим. Анави дўмбоққина акага ҳаммасини тушун-

тиргандим, – терговчининг индамай қовоқ осиб турганини кўриб, Охун гапида давом этди: – Самиғ деган синфдош ўртоғидан ўғлини ўқишга киритиш учун пул олган экан. Аммо бола тушмагур ўқишга киролмай қолган. Бояғи ўқишга киритадиган домла эрта-индин деб, пулни қайтариб беришни пайсалга солган. Натижада икки ўртоқ сан-манга бориб қолишган. Шунда Луқмон ноиложликдан қарз сўраб олдимга келганди. Шу масалада бир неча кун гаплашиб юргандик. Бор гап – шу, окажон!

– Сиздан қанча қарз сўраганди?

– Ўн-ўн беш минг кўкидан сўраганди. Ўзида ҳам бироз ғамлаб қўйган пули бўлса керак-да!

– Луқмон сиздан болаларни ўқишга киритишда ҳам ёрдам сўраб турармиди?

– Йўғ-э, кириш имтиҳонлари тест бўлиб кетган-ку. У масалада ҳеч кимга ёрдам беришнинг имкони йўқ, тасаддиқ.

– Шунақами? Тест бўлиб кетган денг! – терговчи маъноли қараш қилди.

– Ҳозир ўқишга киритиш ректорнинг ҳам кўлидан келмайди... бизларга йўл бўлсин, ўргилай.

– Унда одамлар нима сабабдан катта-катта пул кўтариб, чопиб юришибди? – қаршисидаги одамнинг юзи қизармасдан тап тортмай ёлғон сўзлаб турганидан терговчининг жаҳли чиқди. – Эътиборингиз учун гап қотиллик устида кетяпти. Пухта ўйлаб, ақл билан жавоб беришни маслаҳат берган бўлардим.

– Окажон, кечирасиз менинг қотилликка нима алоқам бор?

– Агар сиз ёлғон гапиришда давом этадиган бўлсангиз, – терговчи босимни кучайтирди, – у ҳолда сиз ўз ўзидан қотилликда асосий гумондорлардан бирига айланиб қолишингиз мумкин.

– Окажон, ёлғон гапириб нима қилдим, – гувоҳнинг гапи бироз ишончсизроқ чиқди, – кўп кўнғироқ қилишининг сабаби ўша қарз масаласида...

– Мана қаранг, – Санжарбек кўлидаги қоғозга ишора қилиб давом этди, – ҳар доим Самиғ пулини сўраб келгач,

Луқмон сизга кўнғироқ қилган, демак ундан талаб қилган, у эса сиздан...

– Бундан ташқари, Луқмон ўзининг олди-бердиларини мана бу дафтарга қайд қилиб борган экан, – деди Умид кўлидаги ёндафтарчага ишора қилиб. – Унда сизга йигирма минг доллар берилгани аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган экан.

– Охунжон ака, қаршилик қилиш бефойда, – гувоҳнинг терговчилар берган «зарба»дан эсанкираб турганидан фойдаланиб, Жўрабой ҳам «мушт кетди» қилди. – Луқмон пулни сизга берганини синфдошига айтишга мажбур бўлган. Ҳатто сизнинг гапларингизни телефони-га ёзиб ҳам олган экан.

Санжарбек йигитларнинг уни огоҳлантирмасдан ёлғон тўқиб, қонунсиз усул қўллаб, ўзбошимчалик қилаётганидан жаҳли чиққан бўлса-да, уларнинг жиноятни фош қилишга астойдил ҳаракат қилаётганидан кўнгли тўлди. Боз устига, «асов тойчоқ»нинг «минги» бўлишга бир баҳя қолаётгани эзгулик йўлида ишлатилган ёлғондан кўз юмушга мажбур қилди.

Гувоҳнинг бирин-кетин тушган «зарба»лардан эсанкираб, қўллари қалтираб, ўйланиб қолганидан фойдаланган Умид Жўрабойга қараб:

– Қани жаноб ректор ёрдамчисига кўрсатинг ўша дафтарни, – деди.

Талаба кўлидаги дафтарни очиб, қизил қаламда белгилаб қўйилган жойини Охуннинг башарасига яқинлаштирди:

– Луқмон акангизнинг ҳуснихатини танисангиз керак!

Охун дафтарга тикилиб, ўзининг исмидан бошқа нарсани кўришга улгурмасдан Жўрабой дафтарни ёпиб, стол устига ташлади:

– Аудио ёзувларни ҳам эшитиб кўрасизми? Жўрабой ука, қани ёзувларни бир қўйиб беринг-чи! – деди Умид талабага кўз қисиб.

Жўрабой «ҳозир» деб телефонини ковлашга тушди.

– Йўқ, йўқ, шартмас... ўзим... ҳаммасини айтиб бераман, – деди Охун қалтираб.

Ҳамма унинг оғзига маҳтал бўлди. Кимдир ишнинг кетишини ўйлаб, гувоҳга муздай сув узатди.

– Ҳа, Луқмон ака менга ишонганди, – қўлидаги пиёладан томоғини ҳўллаб гап бошлади Охун. – Одамзот шунақа экан, ўзи тўйса-да, кўзи тўймаскан. Бойиган сари бойликка ружу қўйиб, яна бойишни ўйлаб қоларкан. Қайсидир шоир туя тўйди, фил тўйди сен тўймадинг одамзот, деб тўғри айтган экан. Намангандан пойтахтга келганимизда ҳеч вақомиз йўқ эди. Бир хонали бўлсада уйимиз бўлишини орзу қилиб яшардик. Институтни тамомлаб, Академияда ишга қолдим. Аста-секин домламизнинг ёрдами билан уйли ҳам бўлдик, машина ҳам олдик. Ўтган йил ёзда бир дўстимизнинг дала ҳовлисига бориб дам олгандик. Уни кўриб, хотиннинг кўнгиллари дала ҳовли тусаб қолса бўладими? Аёл зотига йўқ деб бўлармиди. Айтганини муҳайё қилмасанг, кўз очирмай, оёқ бостирмай қўйишади-ку! Эркак бечора нима қилсин, жонини хатарга қўйиб бўлса-да, пул топиш йўллари ахтариб қолади-да! Луқмон акадан олган 20 минг долларнинг устига бироз қўйиб, Чорвоқдан дала ҳовли сотиб олдик. Боланинг ҳужжатларига қарасам, аттестатида баҳолари «аъло» экан. Балки ўзи кириб кетар, деб ўйлагандим. Бахтга қарши киролмай қолди. Кейин «устоз»га илтимос қилиб, қўшимча ўринларга ўтказиб беришни ўйладим. Бу режам ҳам иш бермади. Орадан Луқмон ака мени безовта қила бошлади. Синфдоши уни ҳам ҳол-жонига қўймай пулини сўраётганидан хабарим бор эди. Пулни эса ишлатиб қўйганман... Балки бирортаси боласини ўқишга киритишни илтимос қилиб келиб қолса, пулини олдиндан олиб, Луқмонга қайтарарман, деб ўйлагандим. Аммо бирор ишончлироқ «мижоз» ҳам кела қолмади. Бошида Луқмон ака ҳурматимни жойига қўйиб, муомала билан гапирарди. Охирги пайтларда синфдошидан аччиқ гаплар эшитгач, менга ҳам захрини сочадиган, «Ректорга айтиб бераман, гапларин-

гни ҳаммасини телефонга ёзиб олганман», дея дағдаға қиладиган бўлди. Дала ҳовлимни арзонроққа сотиб бўлса-да, пулини беришга тайёр эдим. Имкон қидирдим, чора изладим, бўлмади. Кейин Луқмон акани...

– Ишдан кетишдан, қамалишдан қўрқиб, охири Луқмонни йўқ қилишдан бошқа чора тополмагансан, шундайми? – анчадан бери ўзича аразлаб, тилини ютиб ўтирган Маъмур гувоҳга «сансираб» ўдағайлади.

– Бу нима деганингиз, ўргилай? – деди Охун қошларини учириб. – Ростини айт дединглар – айтдим, лекин Луқмон акани ким ўлдирганини билмайман.

– Менга қара, эй бола, – Маъмур гувоҳга яқин келди, – намунча хотинларга ўхшаб мижғовланасан? Ҳаммаси равшан-ку! Ўзинг айтиб турибсан – Луқмон сенга таҳдид қилган, сеннинг эса бошқа чоранг қолмаган. Ишидан, оиласидан, жамоасидан айрилиб, ким қамалиб кетишни, халқ олдида шармандаси чиқишни истайди? Қолаверса, йигирма минг доллар тўлагандан кўра, бирорта «киллер» ёллаб, беш минг берсанг, хоҳлаган одамни йўқ қилишга жон деб рози бўлади. Яхшиси, бу ишга кимни ёллаганингни айт! Айбингни бўйнингга олиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлсанг, суд жазо тайинлашда ҳисобга олади.

– Манави одамни қаранглар, нима деяпти? Тавба қилдим. Ахир, мен... қандай қилиб... ўргилайлар... – Охун сувга тушган мушукдай мулойим бўлиб қолди. Унда кириб келган пайтидаги олифтагарчиликдан асар ҳам қолмаганди. – Нима, мени «крайный» қилмоқчимисизлар? – деди у гуруҳ раҳбарига мўлтираб. – Луқмон акани мен ўлдирмаганман, чин сўзим, Худо урсин!

– Худони тинч қўй, бетофиқ! – гуруҳ раҳбарининг жим турганидан руҳланган Маъмур ташаббусни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилди. – Бир камбағални зор қақшатиб, пешона тери билан йиққан пулини «туя» қилишдан уялмаган фирибгар, қаллоб кимса Аллоҳдан кўрқадими? Бировни ўлдиришдан ҳайиқадими? Унақа чўпчаларингни энангга айтасан, тушундингми? Нима, сен

шунчалик ақлли, биз шунчалик аҳмоқ бўлиб қолдикми? Қачондан бери қиз боладай қийшанглаб, қулоққа лағмон осмоқчи бўласан! Ҳэ, ўргилдим, сендай «улма-қиз»¹дан!

– Э-э, бу одам ажойиб эканлар-ку! – талмовсиради Охун терговчининг лаҳжада қилган ҳақоратини фахламай. – Окаҳон, сизга нима ёмонлик қилдим, нега гардан-нимга қилмаган жиноятни осмоқчи бўляпсиз?

– Узр сўрайман, терговчимиз бироз қизишиб кетди, – деди гуруҳ раҳбари қўлини кўксига қўйиб. Сўнг гувоҳга қараб сўзида давом этди. – Аслини олганда, Маъмур ака-нинг ҳам гапида жон бор. Айни пайтда терговда сиздан гумон қилишга асослар етарли. Биринчидан, сизда қотиллик қилиш учун мотив, асос бор; иккинчидан, сиз бошидан ўтрик²сўзлаб, терговни чалғитишга уриндингиз; учинчидан, сиз Луқмоннинг ўлимидан ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдорсиз.

– Окажон, айбимни бўйнимга олдим-ку... Ҳаммасини бориचा айтиб бердим. Қандай қилиб одам ўлдиришим мумкин, ўйлаб гапиряпсизларми? Шу туришимга... мен... қандай... ахир... Луқмон ака... – Охуннинг нима деяётганини англаб бўлмасди.

– Майли, биринчи август куни қаерда эдингиз? – Санжарбек чалғитувчи савол берди.

– Биринчи август... биринчи август... тест куни... эрта-лаб соат еттидан кеч соат ўн иккигача ишда эдим, – деди Охун сал дадилланиб. – Тестда бирор ишкал чиқмасин, деб ректор кун бўйи хонасида ўтирди. Шунга мен ҳам бирор жойга чиққаним йўқ.

– Буни ким тасдиқлаши мумкин?

– Ректоримиз Саврон Давронович. Яна... котибамиз...

– Ўзингга «алиби» ясашга уринмай кўяқол, – деди Маъмур Охунга еб қўйгудай тикилиб, – бу иш сенинг қўлингдан келмаслиги кундай равшан. Сен бу ишни қайси ёлланма қотилга буюртма қилганингни гапир!

¹ Лаҳжада – хезалак маъносида

² Шевада – ёлғон маъносида

– Қанақа ёлланма қотил? Унақа одамлар билан уму-ман алоқам йўқ, илтимос ишонинглар... – деди Охун йиғламоқдан нари-бери бўлиб.

– Майли, ҳозирча сизга жавоб, – гуруҳ раҳбари ўрнидан қўзғалди, – сўзларингизга ишондик, лекин ҳали ҳаммасини текшириб қўрамиз, охирида қизариб қолмасангиз бўлгани! Қотиллик жиноятингиз тасдиқланмаган тақдирда ҳам фирибгарлик учун жавоб беришингизга тўғри келади. Жабрланувчига етказилган зарарни қопласангиз, айбингиз анча енгиллашган бўларди. Қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо берилади.

– Окашон ташаккур, албатта, текшириб кўринглар, – Охун ўзини аллақачон панжара ортига тиқиб қўйган экан шекилли, қамалмай қолиш имкони пайдо бўлганидан кўзлари чақнаб кетди. – Каттакон раҳмат, ўргулай... ҳаммага раҳмат... Икки кун вақт берсангизлар, Худо хоҳласа бировдан қарз олиб бўлса-да, Самиғ акага пулини қайтариб бераман.

– Хўш, кимда қандай фикр бор? – гувоҳ чиқиб кетгач, гуруҳ раҳбари ҳамкасбларини очиқ мунозарага чорлади. – Келинлар, қўлимизда мавжуд ягона тахмин – шу, деб фараз қилган ҳолда мулоҳаза юритайлик. Бошқа тахминларни гўёки йўқдай тасаввур қилайлик.

– Бу мулойимхунук, масхарабознинг биттаям гапига ишониб бўлмайди, – биринчи бўлиб Маъмур сўз олди. – Бекор қўйиб юбордингиз, қамоққа олсак тўғри бўларди. Қотилликда айби исботланмаган тақдирда ҳам уни пора олиш ёки ҳеч бўлмаганда фирибгарлик билан тиқиб ташласак... бу ёғи осон кўчарди. Қолаверса, тагин бироз бурчакка сиққаннимизда ҳаммасини тўтидай сайраб берган бўларди. Тўғри, одам ўлдириш бу хотин чалишнинг қўлидан келмайди. Аммо пул бериб, қотил ёллаш унга чўт эмас...

– Бу тахминда ҳам жон бор, – Умид ўзидан катта ҳамкасбининг дилини оғритмаслик учун эҳтиёткорлик билан гап бошлади, – бироқ, тахминнинг битта камчилиги бор, яъни Охун Лукмон билан ораларидаги можородан

кўпчилик билишини, тергов бошланса, биринчи шубҳа унга тушишини билмаслиги мумкин эмас. Бундай ҳолатда унинг жиноятга қўл уриши, ўзини тутиб бериш билан баробар бўлмайdimи?

– Ўша пайтда Самиғнинг қистовлари жонига тегиб кетган Луқмон дарғазаб бўлиб, Охунга ёпишган, устидан арз қилиб, ректорга кирмоқчи бўлган. Қараса, иш чатоқ, ишдан кетиши у ёқда турсин, қамалиб кетиш хавфи пайдо бўлган. Бундай пайтда Охунда ўйлаб ўтиришга имкон қолмаган, хавфни бартараф этиш йўлини қидирган...

– Бу йигит ректорнинг ёрдамчиси, ўқимишли йигит йигирма минг доллар учун одам ўлдиришга қўл уришига ишониш қийин, – Жўрабой ҳам ийманибгина фикрини ўртага ташлади. – Ўтган йили тиббиёт академиясига ўқишга кириш эллик минг долларгача кўтарилган. Бир ҳамқишлоқ акамиз ўша ерда оддий лаборант бўлиб ишлайди. Ҳар йили ўқишга ўнлаб одам киритади. Уч-тўрт йил ичида шаҳардан учта данғиллама ҳовли сотиб олди. Қиммат машиналар... ҳозир ундан бой одам йўқ. Бир лаборант шунча бўлса, ректорнинг ёрдамчиси ҳақида нима дейиш мумкин? Йигирма минг доллар булар учун пул эмас. Шу арзимас маблағ учун қўлини қонга булаши ақлсизликдан бошқа нарсa бўлмайди.

– Барчангизнинг мулоҳазаларингиз диққатга молик, – салобат билан гап бошлади гуруҳ раҳбари. – Охун Парпиев анчагина мураккаб шахс. Ундан ҳар қандай нарсани кутиш мумкин. Фикрларнинг иккига бўлинишининг сабаби ҳам шунда. Нима бўлганда ҳам, биз ҳар иккила тахминни чуқур текшириб кўришимизга тўғри келади. Умиджон, Жўрабой, сизлар Парпиев билан чуқурроқ шуғулланасизлар. Бу одам ким, нима иш қилади, ректор билан муносабати қандай, ўқишга кириш масалаларини ҳал қилишда «ваколати» қандай, кимлар билан ош-қатиқ, оилавий ҳолати, мулкый аҳволи, хуллас, ҳаммасини аниқлаш лозим. Тезкор ходимлар сизларга ёрдам қилади. Биз – Маъмур ака, Мухторжон бирга Нозима ва Алиқ

билан чуқурроқ шуғулланишни бошлаймиз. Агар кейинги икки-уч кун ичида «Парпиев» ва «Алик» йўналишлари бўйича ижобий натижага эришолмасак ёки боши берк кўчага кириб қоладиган бўлсак, унда охирги нажот – марҳумнинг мижозлари билан ишлашни бошлаймиз. Балки шунда мени қийнаб келаётган яна бир саволга жавоб топармиз. Билол Сайфиевичнинг фарзандлари нима сабабдан Луқмоннинг дорихонасига бунчалик қизиқиш билан қараётгани ойдинлашади. Дорихонанинг бизга номаълум «сири»ни аниқлаш имкони туғилар.

– Ўртоқ бошлиқ, дорихонанинг қандай сири бўлиши мумкин? Бу анави бемаза, худбин ака-укалар ўйлаб топган нағмадан бошқа нарса эмас. Мижозларни ўрганамиз, деяпсиз, дорихонанинг қанча мижози бўлади, тасаввур қиляпсизми? – эътироз қилди Маъмур. – Уларнинг ҳаммаси билан ишлашга бир йил ҳам етмайди-ку! Қолаверса, бу бизга нима бериши мумкин? Бекорга вақт йўқотмаймизми?

– Фараз қилайлик Луқмон эътиборсизлик қилиб, мижозга рецептдаги дори ўрнига бошқа бир дорини бериб юборди, – Санжарбек устозидан эшитган мисолни ўртага ташлади. – Натижада мижознинг ягона фарзанди дунёдан кўз юмди. Экспертиза ўлимга бу хилдаги касалликка умуман тавсия қилинмайдиган дори сабаб бўлганини тасдиқлади. Дорифурушнинг қўпол хатоси бир оиланинг нури дийдаси умрини бевақт хазон қилди. Дарғазаб отанинг кўзи қонга тўлиб, қўлига қурол олмаслигига ким кафолат беради?

– Энди бунақа воқеалар киноларда, китобларда бўлади, – Маъмур ҳамон «шаҳар бергиси» келмасди. – Ҳаётда бунақа драмалар учраши амри маҳол.

– Эътиборингиз учун, жаноб майор, мен айтган мисол айти ҳаётдан олинган. Қолаверса, модомики, қотил топилмаган экан биз чўпга ҳам, хасга ҳам ёпишишга мажбурмиз. Эҳтимоллиги бир фоиздан кам бўлса-да, ҳар бир тахминни текшириб кўришга бурчлимиз, тушунарлими? – деди гуруҳ раҳбари ҳаммага қарата.

– Тушунарли! – йигитлар бир овоздан ҳарбийчасига жавоб қайтаришди. Фақат Маъмур «маҳмадона болалар»нинг қилиғидан пешонаси тиришиб, чекиш баҳонасида хонадан чиқиб кетди...

* * *

Кечки маҳал телефонида Тоҳир Ғафуровичнинг рақамини кўриб, Санжарбекнинг юраги «шиғ» этиб кетди. Хаёлидан «Тинчлимикан? Бунақа бевақт кўнғироқ қилмасдилар-ку!» деган ўй ўтди.

– Ассалому алайкум, Тоҳир ака, саломатмисиз?

– Ваалайкум ассалом, Санжарбек яхшимисиз? Ишлар кетяптими?

– Раҳмат, устоз.

– Сиз ҳам ёмонсиз-ку, Санжарбек. Қасдлашган одамингизни йўқ қилмасдан қўймайсиз-а, қойил.

– Устоз, тушунмадим... Нима...

– Табриклайман! «Қадрдон акангиз» ишдан кетиб қолди-ку. Қаттиқ «куф-суф» қилган экансиз-да! – кулди раҳбар.

– Баҳром... Са...

– Ҳа, ўша бемаза. Бировга чоғ қазисанг, унга ўзинг йиқиласан, деганларидай...

– Йўғ-э, наҳотки! Жуда мустаҳкам ўтирганди-ку! Қандай қилиб...

– Анави Шоакбар билан кўп номаъқулчиликларни еган экан, – деди Тоҳир Ғафурович паст овозда. – Ўшанинг кўрсатмаси бўйича... Ҳозирча ишдан кетди, хизматнинг ўзи тергов қияпти. Ҳали тиқиб қўйса ажабмас. Кўпнинг шўрини қуритган экан, анча шов-шув бўлади, шекилли. Бир-бирининг кетини очиб ётибди...

– Устоз, кўнглимга ёмон олганим рост, лекин қарғамагандим, – деди Санжарбек ўзини ноқулай сезиб, – фақат Худога солгандим.

– Хижолат бўлманг, Баҳром ўз бошига ўзи етди. Оёғи ердан узилиб, қутириб кетганди. Аллоҳ ҳаммасини

кўриб, билиб турибди-ку! Майли, қўйинг бу гапларни, ҳаммага инсофни ўзи берсин, ишларингиз нима бўляпти, янгилик борми?

– Ишлаб ётибмиз... – терговчи фикрларини жамлаб, ҳисобот беришга киришди. – Ректорнинг ёрдамчиси Охун Парпиев бироз ўйин қилиб бўлса-да, Самиғнинг боласини ўқишга киритиш учун Луқмондан йигирма минг доллар олганини тан олди.

– Демак, у пулни қайтармаслик учун...

– Ҳозирча «Ўламан Саттар, бу ишни мен қилганим йўқ», деб оёқ тираб турибди. Охиригача текшириб кўрайлик-чи, нима чиқар экан.

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, домла одам шундай ишни қилишга қодирмикан?

– Бирор нарса дейиш қийин, жуда мураккаб шахс... Кўринишидан аёл мижоз бўлса-да, ичида нима борлигини билиш қийин. Шахсан ўзи қилмаган бўлса-да, бирортасини ёллаган бўлиши мумкин.

– Бошқа таҳминлар нима бўляпти? Чечен топилдими?

– Йўқ, излаяпмиз. Бошида бу йигитга унчалик эътибор қаратмагандик. Қамалиб чиққан одам, кўрқиб қочиб юргандир-да, деган фикрга боргандик. Кеча янги нарса чиқиб қолди, ҳали охиригача етганимиз йўқ. Чечен Луқмон ва Нозима билан олдиндан таниш бўлган кўринади. Луқмон уйни Нозимага 2008 йилда совға қилган. Бу пайтда Алик қамоқда жазони ўтаётган бўлган. Уйни олди-сотдиси қандай амалга оширилган, ҳайронман? Бу ерда бир сир борга ўхшаяпти. Алиқнинг қамоқдан чиқиб, тўғри Нозиманикига келиши ва ҳозирда у билан «сожитель» бўлиб яшаётгани бекорга ўхшамаяпти. Чечен қамалишидан олдин бу квартирадан ташқари шаҳар марказида каттагина ҳовлига ҳам эга бўлган. Бу ҳовли-жой қаерга кетган, бу ҳам номаълум.

– Ҳовли-жойнинг ишга нима алоқаси бор? – сўради раҳбар. У бу саволни синаш учун беряптими ёки масаланинг моҳиятига англаб етмадими, билиш қийин эди.

– Алик қамалгач, Луқмон Нозима билан келишиб, фирибгарлик асосида унинг бор мол-мулкига эга чиқдимикан, деган тахмин қиляпмиз.

– Тушундим, тушундим. Алик қамоқдан қайтиб келиб, Луқмондан мол-мулкани талаб қилган. Жўяли тахмин! Яна сизда нималар бор?

– Бошқа тахминларимиз ҳам йўқ эмас... – дудуқланди Санжарбек. – Рухсатингиз билан улар ҳақида сизга кейинроқ ахборот берсам.

– Майли, майли, ўзингизга қаранг, – устоз шогирдини тўғри тушунди. – Терговчида ҳамиша «заҳира» тахмин бўлгани яхши. Лекин бир-икки йўналиш устида қизгин ишлаб, қолганларини орқа «планка»га ташлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Барча вариантлар устида эҳтимоллик даражасига қараб, паралелл шуғулланавериш лозим. Вақтни бой бериб қўймаслик даркор. Айниқса, сизнинг шароитингизда – бир одам ноҳақ қамоқда ўтирган бир пайтда ишни пайсалга солиш... Бу ёғини ўзингиз яхши тушинасиз. Кечаги терговчи эмассиз. Ишингизни билиб-билиб қилаверинг!

– Раҳмат устоз, тушунарли!

– Унда омад азизим, босаверинг! – раҳбар гўшакни қўйишга тайёрланди.

– Тоҳир ака...

– Яна бирор нарса демоқчимиз? – устоз шогирдининг овоз тонидан ниманидир айтишга истиҳола қилиб турганини сизди.

– Ўтган куни Бекободга – Фахриддин Каримовичнинг ёнига бориб келгандим... сизга салом айтдилар...

– Э, саломат бўлсинлар! Ўзи яхшимикан? Саломатлиги...

– Ҳаммаси яхши, анча мослашиб қолибди. Бошида сал қийналган экан, ҳозир ҳаммаси жойига тушиб кетибди.

– Асосийси, тушкунликка тушмаслик! Пешонасида бор экан нима қиламиз! Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар... – қандайдир бошқача бир меҳрибонлик билан шивирлади Тоҳир Ғафурович. – Санжарбек, ҳозирча

у ёққа бормай турганингиз маъқулмикин... Ўзингиз тушунасиз-ку... шундан ҳам бир нарсa ўйлаб топишмасин.

– Тушунарли, Тоҳир ака, – деди Санжарбек итоаткорлик билан. Шу тобда унинг хаёлидан «Тавба, ҳар иккила устоз ҳам бир хил фикрлайди-я», деган ўй ўтди.

* * *

Терговчилар ҳақ бўлиб чиқди. Нозима Алиқ билан олдиндан таниш экани маълум бўлди. Нотариусдан олинган ҳужжатларга кўра, Алиққа тегишли бўлган уй-жой олди-сотди шартномаси қамоқхонада Нозиманинг номига расмийлаштирилган. Нотариат ва қамоқхона масъуллари бу ҳолатни тўла тасдиқлаб, шартнома қонун доирасида тузилганини кўрсатишди. Кечга яқин прокуратурага қайтиб келган йигитлар кун натижаларини муҳокама қилишга киришди:

– Демак, Нозиманинг гаплари ёлғон, – ўзича хулоса қилди гуруҳ раҳбари. – У Алиқ билан қамалмасдан олдин таниш бўлган, унинг уйида яшаб келган. Бу аёлни ёлғон гапиришга нима мажбур қилган бўлса?

– Айтдим-ку, бу ит эмган аёл бир пайтда иккита эркак билан дон олишиб юрган, – Маъмур дангалини айтди-қўйди. – Ҳар иккаласини анча пайт «соғиб» юрган. Кейин сири ошкор бўлишидан чўчиб, бирини иккинчисининг қўли билан йўқ қилиб, бир йўла иккаласидан ҳам қутилиш йўлини излаб топган.

– Маъмур аканинг гапида жон бор, – Мухтор фикр билдирди, – Нозима бир ўқ билан бир нечта куённи ўлдиришни ўйлаган. Олдин бир амаллаб Алиқни уйни ўз номига ўтказиб беришга кўндирган. Орада Луқмоннинг ҳам қулоғига лағмон осиб, ундан уй сотиб олишга пул олган. Натижада ҳам уйли, ҳам пулли бўлган.

– Ҳўп майли, сизлар айтгандек бўлсин, – гуруҳ раҳбари атайлаб баҳс бошлади, – аммо Луқмон билан аллақачон алоқани узган Нозимага уни ўлдириш нимага керак бўлган? Алиқ билан бемалол яшаверса бўларди-ку!

– Луқмон Алиқ билан учрашиб қолиб, Нозимага уйни ўзи олиб берганини иддао қилиб қолса, сир ошкор бўлишидан қўрққан. Бошқа нима бўлиши мумкин? – таваккал қилди Маъмур.

– Йўқ, йўқ, унчалик ёпишмаяпти... – деди гуруҳ раҳбари билдирилаётган фикрлардан қониқмай. – Бу ерда бошқа гап бўлиши керак. Нозимани ҳозир сўроқ қилсак, аравани қуруқ олиб қочиши табиий. Алиқни топиш шарт! Кўп масалага у ойдинлик кирита олади. Мухторжон, изқуварлардан бирор хушхабар борми? – Санжарбек изқуварга юзланди,

– Қидирув давом этмоқда, йигитларимиз у бориши мумкин бўлган жойларда туну кун «засада»да ўтиришибди. Телефонлари жим-жит. Лекин ҳозирча Республикадан чиқиб кетганича йўқ. Агар хуфёна йўллар билан Қозоғистон ёки Тожикистонга ўтиб кетмаган бўлса. Опа-сингилларни ҳам кузатяпмиз, телефон сўзлашувларини эшитиб турибмиз.

– Модомики, ҳозирча уни топиш имкони йўқ экан, – гуруҳ раҳбари гапида давом этди, – ҳақиқатни бошқа манбалардан излаб топишимизга тўғри келади.

– Қанақа манбаларни назарда тутяпсиз? – елкасини қисди Маъмур.

– Одамлардан, халқдан сўраб-суриштириш лозим. Қўни-қўшнилари, маҳалла, қариндош-уруғ, яқинлари ҳаммасини билади. Гап уларни гапиртира олишда.

– Гапиртириш зарур бўлса, гапиртирамиз-да! – Мухтор изқуварларга хос баландпарвоз гап қилди.

– Буни шу пайтгача қилиш керак эди, Мухторжон! – гуруҳ раҳбари ҳазиларалаш гапига жиндек «қўқон қалампири»дан қўшди.

– Санжар ака, сиз тергов гуруҳи раҳбарисиз, нима қилиш кераклигини айтинг, йўналиш беринг, йўлланг, бажармасак, унда жаҳлингиз чиқса бўлади! Ўзбошимчалик қилсак, кимгадир малол келиши мумкин. Нима қилиш зарурлигини туш қўрибмизми?

– Гап шунда-да, Мухторжон, – раҳбар бироз «юмшади»,
– сиз ҳам тергов гуруҳи аъзосисиз. Қўлингизда катта ар-
мия бор. Терговни тезкор маълумотлар билан таъминлаш
изкуварларнинг иши эмасми? Ишингизни билиб-билиб
қилаверсангиз, биз терговчиларга ҳам осон бўларди.

– Тушунарли! – раҳбарнинг «ҳазили»ни тўғри қабул
қилди Мухтор. – Унда бизга жавоб, «армия»мизни «кўта-
риш»га кетдик.

– Бу бошқа гап, – жилмайди Санжарбек, – шошилинг,
ишни ташкиллаштиринг, фурсат ғанимат, омад ёр бўл-
син! Одатдагидай соат 22.00 да учрашамиз.

– Ест, бажарамиз ўртоқ бошлиқ! – Мухтор шахдам қа-
дамлар билан чиқиб кетди. Орага бир муддат жимлик
чўкди.

– Санжарбек, фарзандлардан нечта? – сукунатни Маъ-
мурнинг синиқ овози бузди.

– Икки қизим бор, – гуруҳ раҳбари тинчликми, деган-
дай ҳамкасбига қараб қўйди.

– Бахтли экансиз! Қиз бола отага меҳрибон бўлади,
дейишади.

– Ўзингизда болалардан нечта?

– Тўртта ўғлим бор эди...

– Нега ўтган замонда гапиряпсиз? – Санжарбек сергак
тортиб, қоғоздан бошини кўтарди, – улар...

– Пешонамизга сиғмади... – Маъмурнинг ўпкаси тў-
либ, кўзлари жикқа ёшга тўлди. – Улуғбеким ўн тўққиз,
Бобуржон ўн олти, Собиржон ўн икки ёшда эди. Кенжам
Сохибжон эндигина бешга кирганди... Бугун 16 август
унинг туғилган куни... хаёт бўлганида еттига чиққан
бўларди...

– Маъмур ака, узр... билмасдим... қайғунгизга шерик-
ман... Қандай қилиб... тўрт бола... ахир... – Санжарбек
нима дейишини, бу қайғу домига ботган одамни нима
деб юпатишини билмай каловланди.

– Бир йўла тўрт болам, аёлимдан ажралдим... Бир кун-
да бутун бошли оила нобуд бўлди... – Маъмур рўмолчаси

билан кўз ёшларини артиб, йиғламоқдан нари-бери давом этди. – Навоийга қариндошларнинг тўйига кетишганди. Мен, хизматчилик... боролмай қолгандим. Балки бирга кетганимда омон қолишармиди? Яхши ниятлар билан кредитга «Nexia» олгандик. Рўлда Улуғбек бўлган. Йўлда «Prado» деган машина катта тезликда уларнинг машинасини уриб юборган. Ҳайдовчи маст ҳолатда шериклари билан «пойга» ўйнаётган экан. Машина йўлдан чиқиб кетган ва етти марта ағнаб, яна оёғида туриб қолган. Ўша пайтда аёлим ҳам, болалар ҳам тирик бўлишган. Жон ҳолатда машинадан чиқишга ҳаракат қилишган. Лекин бахтга қарши эшиклар очилмаган. Бир муддат ўтиб, машинанинг олд қисмида ёнғин бошланган. Шу сабабли атрофдаги одамлар машинага яқинлашишга қўрқишган. Олов бир зумда кучайиб, машинани аланга қоплаган. Беш жон тириклай куйиб кетди. Ҳаммалари... Бир кунда уйимиздан беш тобут кўтарилди...

Маъмур ўпкаси тўлиб, бир муддат жим қолди. Санжарбекнинг ҳам томоғига тош тикилди.

– Аслида, мен ҳам улар билан қўшилиб, бу дунёдан ўтиб кетганман... – майор маҳзун овозда давом этди, – Қаршингизда менинг жонсиз қуруқ гавдам турибди, ичим эса бўмбўш... Миямда болаларим, аёлимнинг хотирасидан бошқа ҳеч нарса қолмаган... на орзу, на ният... на яшашга иштиёқ бор... Номига, кун ўтарига яшаб юргандайман. Уйга бошим сиғмайди, кўпинча ишхонада қолиб кетаман.

– Маъмир ака, узр, билиб-билмай кўнглингизни оғритган бўлсам. Шунча дардни кўтариб юриш... билмагандим... эҳ, аттанг-а, жуда ёмон иш бўлган экан! Энди сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг! Улар учун ҳам яшашингиз шарт...

– Санжарбек сиздан хафа эмасман. Ёш бўлсангиз-да, катта ҳаётий тажрибага эгасиз. Сиздан кўп нарсани ўрганяпман. Етти ўлчаб бир кесишингиз, ҳар бир масалага жиддий ёндашиб, масъулият билан қарашингиз, босиқлигингиз, ҳақиқатгўйлигингиз, самимий ва оддийлигингиз, билимли ва уddaбуронлигингиз ёқди. Болаларим ҳаёт бўл-

ганда сизга ўхшашларини истаган бўлардим... Мен хоҳласам ҳам сизга ўхшаёлмайман. Мана бу воқеалардан кейин қандайдир жиззаки, дағал ва меҳрсиз бўлиб қолгандайман. Айниқса, анави «Prado»нинг эгаси бир йилга борар-бормас қамокдан чиқиб кетгандан сўнг одамлардан совиб кетдим. Қўзимга ҳамма жиноятчидай кўринаверади...

– Қандай қилиб бир йилда чиқиб кетади? Суд қанча берганди? – деди Санжарбек таажжуби ошиб.

– Орқаси бақувватлардан экан, беш йил берганди... Амнистияга тушганмиш. Маст ҳолатда «пойга» ўйнаб, шунча одамни бошига етди у эшак! Ҳозир ҳеч нарса кўрмагандай ялло қилиб юрибди. Баъзида шайтон қитиқлаб, елкамдаги пагонни юлиб ташлаб, ўша маразни болта билан қиймалаб ташлагим келади... Қонун муносиб жазо беришга қодир бўлмаса, жазонинг муносибини ўзим бергим келади. Жонга – жон, қонга – қон, деганларидай...

– Йўқ, бунақа қилиш дуруст эмас. Сиз Худога солиб қўйинг, Яратганнинг ўзи у муттаҳамнинг жазосини беради. Аммо, қаранг, қонунларимиз ҳам мукаммал эмасда! Жиноят кодексининг транспорт соҳасидаги жиноятларга оид қоидаларни ҳам қайта кўриб чиқиб, жазо чораларини содир этилган жиноий қилмишнинг даражасига мувофиқлаштириш лозим. Жумладан, Жиноят кодексининг ўша сиз айтган 266-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган қилмиш, яъни транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини одам ўлишига сабаб бўлган ҳолда бузганлик учун кўзда тутилган жавобгарлик ва уни қўллаш амалиёти очикдан-очик замон талабига жавоб бермай қўйган. Ахир, «пойга» ўйнаётган шахс машинаси тезлигини 150-160 км/соатга кўтарганда қилмишининг одамлар учун хавфини аниқ билгани ҳолда безориларча манманлик билан ҳаракат қилади. Бу жиноят эҳтиётсизлик орқали содир қилинадиган оддий автоҳалокатдан фарқ қилади. Шу сабабли мен Жиноят кодексининг 266-моддасини «Транс-

порт воситасини бошқарувчи шахс безорилик йўли билан жамиятга очикдан-очик ҳурматсизлик қилган ҳолда (пойга ва шунга ўхшаш ўйинлар оқибатида) автоҳалокат содир этиши одам ўлишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади», деган 4-банд билан тўлдиришни таклиф қилган бўлардим.

– Сиз айтган масалага унчалик тушунмасам-да, шунча инсоннинг ҳаётига зомин бўлган баччағарнинг ялло қилиб очикда юриши жабрдийдаларнинг ярасига туз сепади, ўлганнинг устига тепгандай бўлади. Яқинда радиода эшитиб қолдим: бир йилда мамлакатимиз бўйича икки минг нафар киши автоҳалокатдан вафот этаркан. Шунча оилада мотам... Бир миллиондан ортиқ автомашинага эга Канаданинг Калгари шаҳрида эса йилига бор-йўғи саккиз киши автоҳалокат қурбони бўларкан.

– Ҳа, уларнинг тажрибасини ўрганишимиз лозим. Биринчи навбатда йўлларда ҳаракатланиш маданиятини оширишимиз керак.

Шу пайт эшик тақиллаб, хонага Умид билан Жўрабой кириб келди.

– Маъмур ака, агар сиз... бемалол бораверинг... – Санжарбек ҳамон бу дардкаш инсоннинг кўнглини қандай олишни билмай қийналарди, – балки қабрини зиёрат...

– Йўқ, йўқ! Ҳаммаси жойида... – Маъмур дардини ҳаммага дoston қилишни хоҳламади, шекилли, бошқалар эшитмаслиги учун шивирлади, – эрталаб барвақт ўтиб келганман.

Умид ҳам, Жўрабой ҳам гап нимадалигини тушунмай бир муддат анқайиб қолишди.

– Яхши келдингизларми? – гуруҳ раҳбари ўртадаги ноқулайликни бартараф этиш учун йигитларга сўз қотди: – Нима янгиликлар, Умиджон?

– Бизда иккита янгилик бор, бири яхши, бири ёмон, қайсидан бошлай? – Умид детектив кинолардаги қаҳрамонлардай гапини «топишмоқ» билан бошлади.

– Яхшисидан бошлай қолинг!

– Охун Самигнинг хотинига йигирма минг долларни тилхат асосида топширибди.

– Яхши, – деди Санжарбек кулимсираб, – жиноятчини тополмасак-да, ҳар ҳолда бир оиланинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиб, қонуний манфаатларини тиклаганимизнинг ўзи катта гап.

– Ёмони: Охун тушмагур аллақачон қуённинг расми-ни чизган кўринади.

– Тушунмадим, қочган демоқчимисиз? – гуруҳ раҳбари ўрнидан туриб кетди.

– Шунақа! Бу хезалак ҳеч қаерда йўқ, телефонлари ўчирилган. Уйдагиларга ҳеч нарсa демаган. Ишхонадагилар ҳам тайинли гап айтишмади. Ўзимиз ҳам тополмай турибмиз, дейишди.

– Хмм, шунақа денг, – ўйланиб қолди гуруҳ раҳбари, – бу нимани англатади? Қамалишдан қўрқдими? Ёки кимдир, айтайлик, жиний шериклар унга қочиб қолишни маслаҳат беришдими? Бу билан улар ўз жонларини сақлашни, муқаррар жазодан қутилиб қолишни ўйлаган бўлсалар, ажабмас. Бу хабарингиз дуруст эмас, аммо унинг ҳам бир яхши, бир ёмон тарафи бор.

– Хўш, хўш, эшитайлик-чи! – Умид қизиқчиликка олди.

– Яхшисидан бошлайми, ёмонидан?

– Яхшисига нима етсин.

– Яхши тарафи Охун ўзининг айбдор эканини тан олди, унга ҳеч бўлмаганда фирибгарлик билан айб эълон қилиб, қамокқа олиш масаласини кўйсак бўлади. Ёмон томони, у мамлакатдан чиқиб кетса, Худо кўрсатмасин, ишимиз боши берк кўчага кириб қолади.

– Балки бирор юмуш билан юргандир. Телефонининг қуввати қолмагандир, қочиб қолган, деган гапни қаердан топдингиз? – луқма ташлади Маъмур.

– Бир йўла икки телефони ҳам ўчадими? Бу баттолнинг жуфтакни ростлагани аниқ!

– Раҳбари нима деяпти?

– Ректорни сўроқ қилдик. У ҳайрон, ёрдамчисининг шунча ишлар қилиб юрганини билмас экан. «Охунни ҳеч

қачон қабул комиссияси ишига аралаштирмаганман», деди.

– Самиғнинг ўғлини қандай қилиб ўқишга киритмоқчи бўлган экан? Ишонгани бордир?

– Санжар ака, тестга ўтилгандан бери кўпчилик домлар фирибгарликка ўтиб олишган, – гапга қўшилди Жўрабой. – «Ўқишга киритиб беринг», деб келган содда одамларни қайтариб ўтирмайди. «Майли, ёрдам қиламиз», деб ваъдани бериб, пулини олиб қолаверишади. Абитуриент ўз кучи билан тестдан ўтиб кетса, пул ёнида қолади. Мабодо бола тестдан йиқилса, инсофлиси турли баҳона тўқиб, пулини эгасига қайтаради, ноинсофлари «Қўшимчага гаплашаман», «Келаси йилга ўтказиб бераман», деб олган пулини қайтариб бермай, шўрлик ота-онани сарсон қилиб юраверишади. Ҳозир ўқитувчилардан кўра, майда-чуйда техник ходимлар, талабалар ўқишга киритишга уста бўлиб кетишган. Улар асосан, вундеркинд болаларни ёллаб, тестга киритишади. Ёлланган талабалар билимли эмасми – бир ўтиришда етти-саккиз боланинг тестини ечиб ташлайди. Иккинчи усули: абитуриентнинг ўрнига шунга ўхшаш билимли болани киритиб, ўқишга одам киритишади. Институт домлаларидан фақат қабул комиссияси масъуллари ўқишга киритишда абитуриентга ёрдам қилиши мумкин. Улар назоратчилар билан келишган ҳолда «алоҳида» гуруҳ ташкил қилишади ва талабгорларни тайёр жавоблар билан таъминлашади. Шу сабабли бу гуруҳга тушганлар ҳаммаси ўқишга киради. Шулардан келиб чиқиб, менимча, Охун ҳам таваккал қилган ёки қабул комиссияси масъул котиби билан келишиб, Дониёрни ўқишга киритмоқчи бўлган.

– Масъул котиб билан гаплашдингларми? – сўради гуруҳ раҳбари.

– Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам масъул котиб Рустам Ризаевич деган доцент бўлган экан, – Умид ахборот беришда давом этди. – У билан гаплашишнинг имкони бўлмади, вазирликка мажлисга кетган экан.

– Санжарбек, қаердаги масъул котиб билан пачакилашиб, нима қилдик? – анчадан буён жим ўтирган Маъмур тилга кирди. – Бу хуноса айбини тан олиб ўтирган бўлса, алоҳида иш юритувга ажратиб, терговга бериб юборайлик, кўяйлик! Нима қиламиз, қичимаган жойни қичиб, оғримаган бошни оғритиб!

– Маъмир ака, гапингиз тўғри, – гуруҳ раҳбари бу сафар майорга ҳар галгидан ўзгача илтифот билан жавоб қайтарди, – ҳозирча биз Охунни қотилликда гумондорлар сафидан чиқарганимиз йўқ-да! Бундай ҳолатда унинг қисмини алоҳида иш юритувга ажратиш тўғри бўлмас. Агар унинг қочгани рост бўлса, унга нисбатан шубҳа янада ошади.

– Менимча, бу бола қамаб қўйишимиздан қўрққан, – давом этди Маъмир. – Битта-яримта билағони билан маслаҳатлашган, «Ўқишга киритаман деб, алдаб пулини бермай юрганинг учун қамалишинг аниқ», деган бўлса. унда жон қолганми?

– Бу гап ҳақиқатга яқин, – Санжарбек нима биландир майорнинг кўнглини кўтаргиси келаётганди, – уни кимдир қочишга ундагани, ҳозирча сал чеккароқда туришга далолат қилгани рост. Ўша раҳнома Охун қамалиб, уни сотиб қўйишидан қўрққан. Қочиш Охуннинг режасида бўлмаган. Бундай беъмани фикр миясида бўлганида етказилган зарарни тўламаган бўларди. Шу сабабли биз қандай бўлмасин «раҳнома»га чиқишимиз шарт. Дарвоқе, сизларнинг гапингизга қараганда ректорнинг бу ишларга алоқаси йўқ, шундайми? Ёки бу гап шунчаки...

– Йўқ, йўқ, бу аниқ. Биз кўплар билан суҳбатлашдик, – Умид ўз хулосасини асослашга ҳаракат қилди. – Ректор уни ҳеч қачон ўзига яқинлаштирмаган, фақат иш юзасидан... Бизларнинг гапимизни эшитиб, ҳайратга тушди, «Ҳеч кимга ишониб бўлмаскан-да!» деди зорланиб. Гумон боя айтган масъул котибга тушиб турибди. Уни сўроқ қилсак, кўп нарса ойдинлашарди. Кейин масъул котибдан гумон қилишимнинг яна бир сабаби бор, билмадим, буни айтиш шартми ёки йўқ.

– Нима, уяляпсизми? – бир нарсани фаҳмлагандай қулимсиради Маъмур.

– Сал ноқулайроқ-да... Хуллас, домлалардан бирининг гапига қараганда, масъул котиб ҳам анаунақалардан... хунасабашаралардан эмиш. Кўр кўрни қоронғида топган бўлса керак-да!

– Яна нималарни аниқладинглар? – гуруҳ раҳбари гапни бошқа ёққа бурди.

– Ўша домланинг гапига қараганда, масъул котиб ҳатто ректорни ҳам писанд қилмаскан. Ўзи «тепа» билан келишиб, ҳар йили талабаликка юзлаб қўшимча ўринлар олиб келаркан ва ҳар бир ўринни яхшигина пулларкан. Йиғилган пулнинг бир қисмини «тепа»дагиларга олиб бориб бераркан. Қолган қисми уч-тўртта «еб тўймас»нинг чўнтагига тушаркан. Шу сабабли булар ҳеч кимни «мирламаскан». Хуллас, бу шоввозлар давлат томонидан не-не умидлар билан жорий этилган «тест»ни катта отасининг чорбоғига айлантириб олган экан-да! Санжар ака, ижозат берсангиз, шу масалани мутахассислар ёрдамида бир ўрганиб кўрсак, нима дейсиз?

– Бир одамнинг гапига ишониб-а! Қолаверса, бу бизга нима беради? – гуруҳ раҳбари саволга савол билан жавоб қайтарди.

– Биринчидан, бу бир одамнинг фикри эмас. Мен кўпчилик домлалар билан гаплашдим. Ҳаммалари норози. Ўқишга кираётганлар ҳаммаси «тупой», иккичи бўлса, уларни ўқитишдан, тарбиялашдан нима фойда, дейишди. Чиндан ҳам эртага шу билими саёз йигит-қизлар шифокор либосини кийиб, шифохоналарга ишга боришса, одамлар додини кимга айтсин!

– Тушунаман, бу жуда жиддий масала, аммо биз қайси ишни тергов қилаётганимиз ёдингиздан чиқмасин-да! – киноя қилди Санжарбек.

– Тўғри, асосий ишдан чалғишимиз мумкин, аммо ҳамманинг кўз олдида адолатни оёқости қилаётган, таълим тизимини издан чиқараётган бу инсофсиз туралар-

га қонуннинг кучини кўрсатиб қўйиш имконини берарди. Баҳонада, ҳеч бўлмаса битта таълим даргоҳида, бир муддатга адолатни тиклаган бўлармидик!

– Нега энди бир муддатга? – ўзини гўлликка олди Санжарбек.

– Ҳа, нима биз ҳозир текшириб, жиноятчиларни фош қилиб, уч-тўрт одамни қамоққа тиксак, талабаларни ўқишга қабул қилиш изга тушиб кетади, деб ўйлайсизми? Афсуски, янги келган таркиб, яна ўша ишни қолган жойидан давом эттиради. Аҳвол ўнгланмайди. Бунинг учун тизимни синдириш, таълимни тубдан ислоҳ қилиш лозим.

– Мушоҳадаларингиз чакки эмас, – гуруҳ раҳбари ҳамкасбининг елкасига қоқиб қўйди, – раз шундай деб ҳисобларкансиз, марҳамат, мутахассисларни жалб қилинг, ўрганиб беришсин! Амалиётда кўпинча жиноий даромад, катта пул охир оқибат қотилликни келтириб чиқаради. Хўш, жаноб Умидбек, яна нима гаплар?

– Бизда ҳозирча шулар... – таклифи қабул қилинганидан мамнун жилмайди Умид.

– Ишимиз анча сушт кетяпти, жаноблар, – Санжарбек ҳаммага теккизиб гапирди. – Бу кетишда натижага эришишимиз қийин. Ишни жонлантирмасак бўлмайди. Вақт ўтиб боряпти. Ҳар бир сония қотил фойдасига ишляпти.

– Санжарбек, ўзингиз оқкўнгиллик қилиб, гумондорларни қўйиб юбораётган бўлсангиз, жиноятчининг изига қандай тушамиз! – деди Маъмур кулимсираб. – Ҳаддан ортиқ юмшоқлик қилиб юбормаяпмизми?

– Бу ҳам бир тактика, ҳар ким ҳар хилча услубда ишлайди, – гуруҳ раҳбари тортишиб ўтиргиси келмади. Бошқа пайт бўлса балки бу инсонни қаттиқроқ гап билан «сийлаган» бўларди. – Хўш, ишимизни ташкил қилиш бўйича кимда, қандай фикр-мулоҳаза бор?

– Санжар ака, менича, Аҳмеднинг, қолаверса, Охуннинг яшаш жойида тинтув ўтказиш лозим, – Умид журъатсизлик билан гап бошлади. – Балки бирор нарса чиқиб қолар.

– Шу пайтгача улар ортиқча нарсаларни уйда қолдирганмикан? – Жўрабой фикрга умидсизлик билдирди.

– Тўғри, Охун ҳам, Аҳмед ҳам тинтув бўлишига кўзи етиб, олди-ортини тозалагани аниқ, – деди гуруҳ раҳбари босиқ овозда, – лекин баъзида тинтувда ҳеч кимнинг миясига келмаган ашёлар, дадиллар топилиб қолади.

– Аҳмед Нозиманикида яшайди, демак, тинтувни уникида ўтказишга тўғри келади, – қўшимча қилди Умид.

– Шундай, бир ўқ билан икки қуённи урамиз! – Санжарбек шитоб билан ўрнидан қўзғалди...

* * *

Нозима ва Аҳмеднинг яшаш жойида ўтказилган тинтув анча узоқ давом этди. Тергов гуруҳи уйнинг ҳар бир қаричини синчковлик билан кўздан кечирдилар. Аҳмедга тегишли қишки кийимларнинг чўнтагини кавлаётган ёшгина тезкор ходим қўлидаги қора пальтонинг киссасидан сарғайиб кетган қоғозни олиб, очиб кўрди ва жойига солиб қўйди. Буни кузатиб турган Жўрабой тезкор ходимнинг ёнига келиб, сўради:

– Нима қоғоз экан?

– Эски квитанция шекилли, лекин ёзуви ўчиб кетибди, ўқиб бўлмади, – изкувар қоғозни чўнтакдан олиб Жўрабойга узатди: – Мана, қараб кўришингиз мумкин.

Жўрабой қоғозни қўлига олиб, дераза томонга юрди ва ёруғликка қарата ўқишга ҳаракат қилди, лекин кўзлари ҳеч нарсани илғай олмади. Шундай бўлса-да, шкафдан чиққан бир даста қоғозларни титкилаб турган Санжарбекка юзланди:

– Устоз, мана бу Алиқнинг пальтоси чўнтагидан чиқди, тўлов квитанциясига ўхшайди. Аммо ёзувлар ўчиб кетибди, ўқиб бўлмади, балки лупа ёрдамида...

– Қани кўрайлик-чи, – гуруҳ раҳбари қоғозни қўлига олиб, роса айлантириб, ўқишга уриниб кўрди, лекин ёзувларни илғаб бўлмади, – терговга асқатиши мумкин, мутахассис ёрдамида ўқишга ҳаракат қиламиз, расмийлаштиринглар!

– Санжар ака, мана бунга қаранг, – Умид шкафнинг пастки тортмасидан чиққан бир уюм қоғозлар орасидан чиққан икки варақ ҳужжатни гуруҳ раҳбарига узатди, – уй олди-сотди шартномаси. Аҳмед ўзига тегишли ҳовлини кимгадир сотгани ҳақида.

Санжарбек ҳужжатни қўлига олиб, кўз югуртирди:

– Ҳа, бу ўша ҳовли, Аҳмед уни қамалишидан сал олдинроқ сотган экан. Харидори Ботиров Шухрат Шавкатович. Ҳовлини сотишга нима зарурият бўлган?.. Майли, баённомага киритинглар, ўрганиб кўрайлик-чи нима чиқар экан.

Тинтув тугагач, гуруҳ раҳбари попуғи анча пасайиб бир чекада учиб-қўниб ўтирган Нозимани ёнига чорлади.

– Нозимахон, ўтган сафар сизни гувоҳ сифатида сўроқ қилганимизда ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантиргандик, шундайми?

– Шундай... – деди аёл ердан бош кўтармай.

– Унда нима сабабдан терговни чалғитишга ҳаракат қиляпсиз? Аҳмед билан олдиндан ош-қатиқ бўла туриб, «У қамоқдан чиқиб бизникига келганда танишганман», деган ёлғон кўрсатма бергандингиз. Бундан нима муддао?

– Кўрқиб кетгандим... Шошиб шунақа деб юборибман... узр!

– Бировдан кўрқадиган аёлга ўхшамайсиз-ку! – зарда қилди терговчи. – Бу ҳам майли, бизнинг ёнимиздан чиқишингиз билан Аҳмедни огоҳлантириб, қочириб юборганингизни қандай тушунса бўлади! Айни пайтда Аҳмед Луқмоннинг ўлимида асосий гумондор. Терговда сизни қотилликка шерикликда гумон қилишга тўла асос бор. Бунинг нималигини, нима оқибатларга олиб келишини тушунасизми?

Нозима «қотиллик», «гумондор», «шериклик» сўзларини эшитиб, эсанкираб қолди, ўзини оқлашга гап тополмай дудуқланди:

– Мен... билмасдан... хаёлим ўзимда эмасди... бунақа бўлади, деб ўйламаган эканман.

– Ҳозир эс-хушингиз жойидами? – терговчи «босим»-ни кучайтирди.

– Ҳа, нима қилиш лозим?

– Сиздан фақат ҳақиқатни айтиш талаб қилиняпти, – Санжарбек сал «юмшади».

– Ростини айтсам, қамаб қўймайсизми? – Нозиманинг кўзларида қўрқув аралаш мастонлик кўрингандай бўлди.

– Айбига чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, жиноятни очишга кўмаклашиш, тергов билан ҳамкорлик қилиш айбни енгиллаштирадиган ҳолатлар сифатида жазо тайинлашда, албатта, инobatга олинади, – Санжарбек атайлаб юридик тилда гапирди.

– Нимани айтай? Нима... қилай? – Нозиманинг тили зўрға айланди.

– Аҳмед ва Луқмон билан боғлиқ барча кечинмаларингизни гапиринг, – йўналиш берди терговчи.

– Аҳмед билан тасодифий танишиб қолгандик, – Нозима чуқур хўрсиниб, ҳикоясини бошлади. – Бир куни машинамда кетаётсам, машинам шинасининг дами чиқиб, йўлда тўхтаб қолдим. Ўзим шинани алмаштиришни эпполмайман, ўтаётган машиналарга қўл кўтардим. Шунда Аҳмед машинасини тўхтатиб, шинани алмаштириб берганди. Ўшанда миннатдорлик сифатида телефон рақамимни бергандим. Бир-икки кун ўтиб, у қўнғироқ қилиб, бир пиёла чойга таклиф қилди. Ўша пайтда мен ижарада яшардим. Раҳматли Луқмон акам машина олиб бериб, энди уй олиб бериш тараддудида эди. Аҳмед ижарада яшашимни билиб, «Менинг квартирам бўш турибди, яшаб туришинг мумкин», дея шу уйга кўчириб ўтказди.

– Роса маза бўлган эканда-я! – деди Маъмур ғаши келиб. – Икки ўйнаш икки томондан гаҳ десанг қўлингга қўнгидай бўлиб, устингдан пул сочиб турса, ана яшаш, мана маишат!

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – Санжарбек ҳамкасбига керакмас дегандай бир қараб қўйди.

– Ҳа, нима қилай! Иккинчи хотин бўлиб кўрмагансизлар – билмайсизлар!

Аёлнинг тутриқсиз гапига йигитлар пинҳона кўз уруштиришиб, қулиб қўйишди.

– Ўзи иккинчи хотин бўлгандан кўра, эрсиз ўтиб кетган яхши экан! Тўй-ҳашамга бирга боролмасанг, кўчада бирга юролмасанг, одамларга мундоқ эрим бор, деб кўрсатолмасанг, ҳафтада бир-икки марта ўғри мушукдай, кўрқа-писа ёнингга келиб, ишини битирса-да, кетса, умринг уни кутиш билан ўтса! Шуям ҳаёт бўлдим! Қўлингга бир-икки сўм бериб, бозор-ўчарингни қилиб бериб қўйганини айтмаса, бунақа эрнинг нима кераги бор! Умрининг энг қаймоқ пайти шунақа «чала» эр билан ўтишини қайси хотин хоҳлайди! Ахир... кўп пайтдан бери алам қилиб юрганди, Аҳмед билан гаплашиб юрганимнинг сабаби ҳам шунда. Унинг хотини йўқ, менга кўпроқ вақт ажрата оларди, кўпроқ эътибор берарди. Тан олиш керак, раҳматли Луқмон ака мени жуда яхши кўрарди, ўзига ишонгандай ишонарди. Шу сабабданми ҳаётимда Аҳмед пайдо бўлганини сезмади ҳам. Икковларини таништириб ҳам қўйдим. Фақат... Луқмон акам Аҳмедни мен ижарада турган уйнинг эгаси сифатида биларди. Орада Алик божхонадан «наркотик» олиб ўтмоқчи бўлганда қўлга тушиб, иши чаппага кетиб қолди. Бор-будини, катта ҳовлисини сотса ҳам иши ҳал бўлмади. Терговчи уни зулукдай сўриб, камига қаматиб юборди. Унинг ортидан олдин Тоштурмага, кейин Заңгиотага қатнадим. Ўша пайтларда Луқмон акам ишларим яхши бўлса, сенга уй олиб бераман, деб юрарди. Алик қамалиб қолгач, Луымон акамга «Уйни эгаси уйни бўшат ёки сотиб ол», деяпти деб қистай бошладим. У: «Майли пулини бераман, сен Аҳмед билан гаплаш, қамоқхонага бориб уйни расмийлаштирамиз», деди. Бу томондан Аликнинг ҳам «Турган уйингни сенинг номингга расмийлаштириб бераман», деган ваъдасини олиб қўйгандим. Шунга кўра, Луқмон акам нотариус, қамоқхона раҳбарлари билан га-

плашиб, уйни менинг номимга расмийлаштириб берди. Мен ҳам уйли, ҳам пулли бўлиб қолдим.

– Уйингиздан топилган мана бу шартномага кўра, Алик ҳовлисини Ботиров деган кишига сотган экан, бундан хабарингиз бормиди? Харидорни танийсизми? – сўради Санжарбек қўлидаги ҳужжатга ишора қилиб.

– Ҳовлини сотганидан хабарим бор, – аёл бироз ўйланиб туриб жавоб берди. – Тўғрироғи, сотишга мажбур бўлди. Божхонада қўлга тушиб қолгач, кимдир катта пул эвазига ишини тўғрилаб бермоқчи бўлган. Бироқ божхонада иши битмади, уларнинг ишини олиб борган бемаза капитан тоза «честный» чиқиб қолди, на муомилага, на пулга кўнди. Иш терговга ошиб кетди. Милициядаги терговчи ёрдам қиламан, деб бечоранинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, алдаб юрди.

– Терговчининг исми, шарифини, қайси туманда ишлашини биласизми?

– Исми Шарифхўжа эди... фамилияси ёдимда йўқ... Жуковскийдаги бор-ку...

– Шаҳар ички ишлар бошқармаси.

– Ҳа, ҳа, ўша ерга борардик.

– Майли давом этинг, кейин нима бўлди?

– Шарифхўжа «Ҳовлингни мен айтган одамнинг номига ўтказиб берсанг, қамалмай қоласан», деб ишонтириб келди. Алик унинг гапига ишониб, 400 минг доллар турадиган ҳовлисини жиҳозлари билан терговчининг Шухрат деган жиянининг номига расмийлаштириб берди. Лекин терговчи сўзида турмади: Аликни қамаб қўйди. Кейин суддан чиқараман, деб ваъда беришни бошлади. Бахтга қарши суд Аликни саккиз йилга кесиб юборди. Алик қамоқда туриб, терговчининг устидан прокурорга шикоят хати ёзганди. Текшир-текшир бошланди. Терговчи ўлгурнинг ҳам қўли узун экан. Текширувчиларнинг оғзини мойлади, шекилли, ҳаммаси тинчиб кетди. Аликка «Уй қонуний сотилган, шикоятингиз тасдиқланмади», деган маънода бир энлик жавоб келди.

Алик яна ёзмоқчи бўлди, аммо қамоқда кимлардир уни ўртага олиб, «жим юрмай, яна ёзадиган бўлсанг, камерадан ўлигинг чиқади!» дея пўписа қилган. Шу-шу Алик дамини ичига ютиб, жим юришга мажбур бўлди. Қамоқдан қайтгандан сўнг ҳам ўша терговчини излаб борди. Вазирликка «главка» деган катта ишга ўтиб кетган экан. Олдига киролмай юрди. Бир кун ишхонасининг олдида кун бўйи кутиб, топиб олибди. Гаплашган: агар яна менинг олдимдан чиқадиган ёки мен ҳақимда бўлар-бўлмас гап-сўз қилиб юрадиган бўлсанг, чиққан жойингга тиқиб юбораман, умринг қамоқда чирийдис, деган. Алик ҳам бўш келмай «Кирдикорларингни хавфсизлик хизматига ёзиб бераман», дея таҳдид қилган. Кейин бир-иккита бирга ишлаган ўртоқлари билан маслаҳатлашди. Улар «Сен уйни ўз хоҳишинг билан бошқа шахсга нотариал расмийлаштириб бергансан, ҳеч нарсани исботлай олмайсан, қайтангга олдин қамалганинг, чечен миллатига мансублигингни баҳона қилиб, бир камчилик топиб, ўзингни қамаб юбориши мумкин», деган маслаҳат беришган. Шу-шу бечора қанчалик алам қилмасин тилини тишлаб, жим юришга мажбур бўлди. Кейин сизлар уни суриштира бошладинглар, у шўрлик бояги терговчи яна бир туҳмат уюштириб, қамаб юбормасин, деган ўйда қочиб қолди. Мен ҳам шундай хаёлга бордим. Шунинг учун «sms» ёзиб, уни огоҳлантиргандим...

– Демак, Алик Шарифхўжадан кўрқиб, терговдан қочиб юрган экан-да? – гап қўшди Маъмур. – Агар биз бу ишга ўша терговчининг умуман даҳли йўқ десак, севгилингиз келадими?

– Кафолат қани? У шўрлик алданавериб, ҳеч кимга ишонмай қўйган! Янаям ўзи билади. Мен у учун жавоб беролмайман.

– Луқмоннинг телефон сўзлашувлари таҳлили кейинги кунларда унинг Аҳмед билан кўп гаплашганини кўрсатмоқда, – гуруҳ раҳбари ўзининг «шоҳ» саволини беришга фурсат етганини англади. – Улар нима ҳақда

гаплашган бўлиши мумкин? Аёлларда буни кундошлар дейишади, эркаклар орасида бу «қариндош»лик алоқасини қандай ном билан аталишини билмайман-у, аммо қандай қилиб бу икки маразнинг шунчалик яқинлашиб, қалинлашиб кетганига ҳайронман. Бу ҳақда нима дейсиз?

– Уларни ўзим таништириб қўйгандим. Кейин анча яқин бўлиб кетишди. Аликнинг ҳаммасидан хабари бор эди. Луқмон акам... ҳатто шубҳаям қилмасди. Лекин охирги пайтларда анави уйинг куйгир Шарифхўжа сабаб ораларига совуқлик тушиб қолганди.

– Шарифхўжанинг буларга қандай алоқаси бор? – гуруҳ раҳбари ўрнидан туриб кетди. – Нима, терговчи Луқмоннинг танишимиди?

– Худди шундай. Аликнинг бошига иш тушгач, у Луқмон акам билан маслаҳатлашган. Кейин синфдош дўсти Шарифхўжа билан таништирган.

– Демак, Луқмон ўртада «даллол»лик вазифасини бажарган. Алик қамокдан қайтгач, биринчи навбатда у билан учрашган ва ҳовлини қайтаришни талаб қилган, – хулоса қилди гуруҳ раҳбари. – Дорифуруш ўзини четга олиб, «Бор Шарифхўжанинг ўзи билан гаплаш, уйни сен ўзинг унга расмийлаштириб бергансан», деган. Алик терговчи билан гаплашиб, ҳеч нарсага эришолмагач, ноилож яна «кундоши»нинг олдига келган. Ана улар нима ҳақида гаплашган!

– Бундан чиқди Аликда Луқмондан қасос олиш учун юз фоиз асос бўлган, – фикр билдирди Маъмур. – Ана, Санжар ака, мотив йўқ деб юргандингиз, у ҳам топилди.

– Бу нима деганингиз? – сергакланди Нозима. – Нима, Луқмонни Алик ўлдирган демоқчимисиз? Ҳато қиласиз, у Шарифхўжани ўлдирса ишониш мумкин эди. Луқмонда нима айб? У бечора яхши бўлсин, бир бечора қамалиб кетмасин, деган ўйда таништирган-ку... Бунақа бўлишини қаердан билсин! Алик ҳозиргача бу ишларни ундан қутилиш учун Шарифхўжа уюштирган, деб юрибди.

– Тўғри, – Умид гапга қўшилди, – Шарифхўжа келажакда уни сотиб қўйиши мумкин бўлган гувоҳни йўқ қилишга қарор қилган ва бу ишни айнан «жабрланувчи»нинг қўли билан амалга оширишни ўйлаган. Бир «ўқ» билан гувоҳ ўлади, жабрланувчи яна қамоққа равона бўлади. Сизларга ишимизда яна битта тахмин пайдо бўлгандай туюлмаяптими? Табриклайман!

– Нозимахон, сиз Аҳмеднинг қаердалигини биласиз, у билан алоқага ҳам чиқиб турганингиз аниқ, – Санжарбек мавзуни бошқа томонга бурди. – Жиноятни у қилмаган бўлса, келсин, ҳақлигини исботласин. Қочиб юриш билан бирор нарсага эришиб бўлармиди!

– Алоқага чиқса, албатта, гапингизни етказаман, – деди аёл бепарволик билан. – Лекин у кейинги пайтларда ҳеч кимга, ҳеч нарсага ишонмай қўйган.

– Яхши, ҳаммага раҳмат! – гуруҳ раҳбари тинтув туганини билдириб, ўрнидан кўзғалди. – Мунозарани ишхонада давом эттирамиз!

* * *

Тинтувдан «арзимас ўлжа» билан қайтган гуруҳ «бисот»нинг бир қисмини мутахассисларга «пишириб» туриш учун, қолган қисмини тезкор ходимларга текшириш учун тарқатиб, кечга яқин Охун Парпиевнинг уйига тинтувга жўнадилар. «Медиклар шаҳарчаси»даги каттагина икки қаватли уй олдида тўпланган гуруҳнинг иши тинтувда қатнашиш учун холислар топиш муаммоси билан бироз тўхтаб қолди. Ниҳоят, участка инспектори қарама-қарши тарафдаги беш қаватли уйларда яшовчилар орасидан рус миллатига мансуб икки кампирни бошлаб келди.

Уй бекаси – ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги кўҳликкина аёл эшикда кутилмаган меҳмонларни кўриб, довдираб қолди. Гап нимадалигини тушунмаса-да, «тинтув» сўзини эшитгач, ўзини тамоман йўқотиб, остонада тарашадай қотди. Гуруҳ раҳбари бунақа вазиятларга кўп бора

тушгани боис чалғитувчи саволлар билан уй бекасини «хуши»га келтиришга ҳаракат қилди:

– Сиз Охунжон Парпиевнинг аёлларимисиз?

– Шундай.

– Исмингиз ким эди?

– Р-Р-Р-Раъно... Хўжайин уйда йўқ эдилар...

– Қаерга кетганлар?

– Хизмат сафарига кетяпман, бир-икки кунда қайтаман дегандилар.

Аёлнинг тенгсиз хусни малоҳатидан ташқари, иболи-ҳаёли ва ўта маданиятли экани унинг аслзода оила қизи бўлганини билдириб турарди. Уни кўриб, кўпчиликнинг ҳаёлига «Эсиз, шундай гўзал, дилбар аёлга шунақа бемаза эр хайф!» деган ўй келган бўлса, Санжарбекнинг миясидан қайси бир китобда ўқигани – «Гул гулга эмас, сассиқ пуфакка қўшилибди-да!» деган машхур ибора ўтди.

– Биз хўжайинингизга тегишли айрим ҳужжатларни қидираётгандик, – Санжарбек аёлни тинчлантириш мақсадида атайлаб юмшоқ тонда гапирди. – Шунга рухсатингиз билан қидирувни бошласак, – у «тинтув» сўзини ишлатмасликка ҳаракат қилди.

– Майли, мен нима ҳам дердим, – аёл сал дадилланиб, «меҳмонлар»ни ичкарига бошлади.

Терговчилар бир талай процессуал тартиб-қоидаларни адо этиб, «иш»га киришдилар. Тинтувда ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги умрлари давомида бунақанги маҳобатли иморатни, хоналарни безаб турган бир-биридан нафис, чиройли хориж мебелларини, оёқ остида ловлов ёниб турган турфа ранг гиламларни, биллур қандиллару деворларга осилган аллам-бало картиналарни кўрмаганликлари боис нодир музейга тушгандай оғизлари ланг очилиб, лолу ҳайрон қолдилар. Кўпчиликнинг миясига «Бунча молу давлатга етишиш учун қанча пайт ишлаш мумкин?» деган савол ёғилди. Айримлар ўзича бу муҳташам уйнинг нарҳини чиқариб, ўзларининг мойна-

лари чўғи билан солиштириб кўришга ҳам улгурдилар. Санжарбек ҳам хаёлидан шу каби ўйларни ўтказар экан ўзича: «Ректорнинг ёрдамчиси ёмон яшамас экан!» дея пичирлади. Ичида шунча молу дунёси бўла туриб, бир камбағалнинг ўлиб-тирилиб, меҳнат тери билан топган «арзимас» пулини бермай, бутун бошли оилани хонавайрон қилган бу лўттибоз бойвачага ланъатлар ёғдирди.

Йигитлар навбатма-навбат меҳмонхона, зал, ётоқхона, болалар хонаси, ишхона, кутубхона, ер тўлани диққат билан кўздан кечирдилар. Ҳатто жавонлардаги юзлаб китоблар ҳам жойидан олиниб, ораларигача текшириб чиқилди. Китоблар орасидан топилган қандайдир шартномалар, бланкалар, тўлов қоғозлари, квитанциялардан бўлак диққатга молик ҳеч нарса топилмади. Тинтувнинг адоғида ертўлада Охуннинг эски чанг босган сумкаси ичидан топилган учта фуқаролик паспортини терговчилар энг «ноёб» ашё сифатида баённомага тиркашди.

Беш соат давом этган тадбир давомида уй бекаси билан мулоқатда бўлган гуруҳ раҳбари Охуннинг ички дунёсини, қизиқиши, хотини ва бошқалар билан муносабати ва бошқа ўзи учун қизиқарли жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилди. Англагани шу бўлдики, Охун кўчадаги сирни аёлига айтадиган эрлардан эмас. Хотини билан унчалик иши йўқ, унга гўёки буюмдай муносабатда бўлади, эри уни таъминлаб қўйибдими, у уйда куйдир-пишир қилиб, болаларга қараб ўтирса бас...

– Хўжайинингиз қаерга кетган бўлиши мумкин? – тинтув тугагач, Санжарбек аёлни яна бир бор саволга тутди.

– Билмайман, менга хизмат сафарига деганди, «қаерга?» деб сўрашга ҳам улгурмасимдан шошилиб чиқиб кетди.

– Ўшандан бери қўнғироқ қилдими?

– Йўқ, қўнғироқ қилмади.

– Сиз ўзингиз қўнғироқ қилиб кўрмадингизми?

– Бирор ёққа кетса, мен телефон қилсам жаҳли чиқади, «Ўзим қўнғироқ қиламан», дейди. Шунга...

– Олдин ҳам шунақа хизмат сафарларига кетиб турармиди?

– Улфатлари билан кетишарди... ойига бир-икки...

– Қўпроқ қаерларга боришарди?

– Бунисини билмайман... Майдалаб сўраб ўтирмаганман...

– Улфатларидан кимларни биласиз?

– Рустам ака, Солиҳ домла... Назир доктор... асосан, шулар, қолганларини билмайман.

– Рустам ака қаерда ишлайди?

– Бирга ишлашади.

– Рустам Ризаевични айтяпсиз-да? – аниқлик киритди Умид.

– Фамилиясини билмайман ҳаммаси Рустам ака, Рустам ака дейишади, ишқилиб. Мартабаси каттароқ бўлса керак.

– Луқмон акани танирмидингиз? – терговчи савол беришда давом қилди.

– Қанақа Луқмон ака? Йўқ, танимас эканман, бирга ишлашадими?

– Йўқ, турмуш ўртоғингизнинг таниши бўлади. Уйларингизга ҳам келиб-кетиб юргандир.

– Балки келгандир... лекин мен уларнинг исмини эшитмаган эканман. Кўрсам танишим мумкин.

– Мана расми, қараб кўринг-чи, – Умиджон сумкасидан Луқмоннинг расмини чиқариб, аёлга узатди.

– Бу одамми? – деди аёл расмни қўлига олиши билан. – Бир-икки марта хўжайинни йўқлаб келганди.

– Раҳматли билан гаплашганмидингиз?

– Нима... у раҳматли... бўлганми?

– Ҳа, уни ишхонасида ўлдириб кетишган. Биз ўша қотиллик жиноятини тергов қиляпмиз.

– Нима, тушунмадим? Хўжайин... Элёржонимнинг дасидан кўраяпсизларми? – аёлнинг овози титраб кетди.

– Ҳозирча ҳеч кимдан кўраётганимиз йўқ, – ўртага қўшилди Маъмур, – ҳамма таниш-билишларини текшириб кўряпмиз, холос. Шунинг учун эрингиз кўнғироқ қилиб қолса, айтинг: қочиб юришдан фойда йўқ, мард бўлса, ҳақиқатни айтсин қўйсин!

– Майли-куя... айтаман, лекин унақа бировни ўлдириш у ёқда турсин, чертадиган инсон эмас... Ўзи у кишини кўрганмисизлар?

– Кўрганмиз, синглим, кўрганмиз, – деди Маъмур аёлда яхши таассурот қолдириш мақсадида, – аммо пул деганлари жигардан яралган дейдилар, гап шу зорманда ҳақида кетганда, пашша филга айланиши ҳеч гап эмас...

– Нима... тушунмадим... ораларида пул муаммоси бўлган демоқчимисиз? – ўзича пичирлади аёл.

– Йўқса, нима, Луқмон эрингизни қора кўзига тикилиш учун излаб келганми? – гуруҳ раҳбарига бир қараб, «карта»ни очишга шошилди майор. – Охун бир болани ўқишга киритишни ваъда қилиб, Луқмондан йигирма минг доллар пул олган. Лекин бола ўқишга киролмай қолган. Эрингиз «иш»ни уддалай олмаган бўлса-да, бир йил давомида олган пулини қайтариб бермай келган. Луқмон йил – ўн икки ой бўзчининг мокисидай эрингизнинг олдига қатнаган. Яқинда бечоранинг ўлиги топилди.

– Йўғ-э, хўжайин... унақа бировнинг ҳақини ейдиган одам эмас... Адашяпсизлар шекилли...

– Афсуски, шундай! Эрингиз айбини қисман бўйнига олди, олган пулини жабрланувчига қайтариб ҳам берди. Бу томондан қочиб қолгани чакки бўлди.

– Вой тавба... бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўлган. У киши бунақа ишларга қодир эмаслар.

– Тушунарли, – гуруҳ раҳбари бўлиб ўтган савол-жавоблардан ўзига керакли хулоса олиб, кетишга чоғланди, – ноқулайлик учун яна бир бор узр. Йигитларимиз айтгандай, турмуш ўртоғингиз телефон қилса, қочиб юриш бефойдалигини тушунтиринг. Акс ҳолда, биз қидирувга беришга мажбур бўламиз.

Соат миллари йигирма иккидан ошганда гуруҳ аъзолари тамомила ҳолдан тойганча уй-уйига тарқалдилар.

* * *

Кеч келса-да, эрининг ҳар куни уйида, болалари ёнида эканлигидан хурсанд Мафтуна болаларини жой-жойига ётқизиб, хўжасини кутиб олишга тайёрлана бошлади. Дастурхонни дид билан безатиб, қозонда милт-милт қилиб қайнаб турган шўрвани шопирди. Шу пайт эшик жиринглади. Аёл остонадаги ойнага ўзини солиб, сочларини тўғрилади ва чиройли табассум ила эшикни очди:

– Ассалому алайкум, адажониси, яхши келдингизми?

– Ваалайкум ассалом, хоним, наmunча эшикни очишлари қийин бўлди, манави зил-замбилдан белим узилиб тушай деди-я! – Санжарбек қўлидаги тарвузни хотинига узатди.

– Вой адаси-эй, кеч бўлганда бозорга кириб нима қиласиз, уйда бор эди-ку, ўтган куни олиб келган тарвузингиз ҳалиям турибди.

– Шундоқ кўчанинг юзида сотиб турган экан, кўзимга яхши кўриниб кетди, болалар эртага ейишар. Кейин гап тарвузда ҳам эмас. Бобом раҳматли «Йигит киши уйдан кўча хатлаб чиқдим, қайтишда ҳеч бўлмаганда бир жуфт нон кўтариб келиши жоиз», дерди. Шу гап қулоғимда қолиб кетган.

– Бобонгиз ҳақ сўзни айтибдилар, аммо бу ҳикмат уйига тун оққанда келадиган эрлар учун тааллуқли бўлмаслигини айтмаган эканлар-да! – бопладимми, дегандай лабини тишлаб, нозланди хотин.

– Эҳ, хотинлар-эй... сизлар ҳикматларни ҳам ўзларингизга қараб мослаштириб олишга устасизлар-а! – кулди эр.

– Ҳаммаси сизларни яхши кўрганимиздан!

– Ўхў, бугун ҳар кунгидан ҳам каттароқ байрамми, дейман-да, – деди Санжарбек қўлини-қўлига ишқалаганича дастурхонга ишора қилиб.

– Менинг раҳматли бувим оймга «Келин, эрингиз ишдан қайтишини байрамдай кутиб олинг», дерди. Бўлинг адажониси, овқатим совиб қолади, тезроқ кийимингизни алиштириб чиқинг.

Кеч бўлишига қарамасдан эр-хотин дастурхонга қўйилган ноз-неъматлардан кам-камдан танаввул қилиб, алламаҳалга қадар ҳазил мутойиба аралаш суҳбатлашиб, чақчақлашиб ўтирдилар. Эр-хотиннинг кайфияти ҳавас қиладиган даражада юқори эди. Шундай аъло кайфият уларни тун бўйи тарк этмади...

Ишга одатдагидан анча кеч борган Санжарбек ҳам-касбларининг қизғин баҳси устидан чиқди:

– Марҳамат, давом этинг, давом этинг, – деди у оёқ учида жойига ўтираркан. – Ухлаб қолибман, эрталаб кўзимни очолмасам бўладими? – ўзини оқлашга уринди у.

– Чечен аллақачон жуфтаки ростлагани аниқ, – ҳаммадан «бир кўйлак кўп йиртган» Маъмур башорат қилди. – Унинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ. Чеченистонга етиб олса бас, ҳар хил жиноий тўдаларга қўшилиб, давру даврон суриб юраверади. Бироқ Охун ҳеч ёққа қочолмайди, гулдай хотини, бола-чақаси, мол-давлатини ташлаб, қаёққа ҳам кетарди! У шу атрофда вазиятни кузатиб турибди, уни топса бўлади.

– Унга қочишдан нима наф? – эътироз қилди Умид. – Бор-будидан ажралган одам қаерга ҳам борарди. Бундай олиб қараса, у ҳаққини ололмай сарсон юрган жабрланувчи. Унга шу нуқтаи назар билан қараш керак эмасми?

– Келинглр бир ўйлаб кўрайлик, – Жўрабой баҳсга қўшилди. – Ўша ҳовли жанжали бўйича Луқмоннинг ўлимидан ким кўпроқ манфаатдор? Рўйхатнинг бошида Шарифхўжа туради. Негаки, Аҳмед унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказа олмайди, унинг гапи қуруқ тухмат бўлиб чиқади, агарда ўртада даллоллик қилган Луқмон уни сотиб қўймаса, тўғрими? Шу сабабли вақтни йўқотмасдан Шарифхўжа билан маҳкамроқ шуғулланганимиз маъқул.

– Қайсидир маънода барчангизнинг гапингизда жон бор, – гуруҳ раҳбари мунозарага якун ясамоқчи бўлди, – башоратни бир чеккага суриб қўйиб, бор фактлар устида бош қотирсак. Ҳозиргина мутахассис билан гаплашдим. У кеча Нозиманинг уйидан топилган тўлов қоғозидаги ёзувларни тиклашга ва шу асосда давлат солиқ инспекциясидан айрим маълумотларни аниқлашга муваффақ бўлибди. Унинг гапига қараганда, бу ҳужжат билан Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоғидаги дала ҳовли учун ер солиғи тўланган.

– Демак, Аҳмеднинг дала ҳовлиси ҳам бор экан-да! – Умид «мантиқ»ни ишга солди. – Бундан чиқди, «жаноби олийлари» соя-салқин жойда маза қилиб...

– Ҳа, отангизга балли! – Санжарбекнинг кайфияти кўтаринки эди. – Йўлда кела-кела Мухторга кўнғироқ қилдим. Йигитлар ўша томонга кетишди. Ҳали замон Аликбойни қулоғидан судраб келишса ажабмас!

– Ана буни янгилик деса бўлади? – деди Маъмур шаполлоқдай қўлларини бир-бирига уқалаб.

– Маъмур ака, – Санжарбек майорга юзланди, – кечаги олди-сотди шартномаси бўйича нима қилдингиз?

– Йигитларни харидор билан нотариусни олиб келишга юбордим, кўнғироқ қилишди, ярим соатда шу ерда бўлишади. Шарифхўжани нима қиламиз?

– Унга шошмай турамиз. Олдин ишни пиширайлик, унга навбат желади.

– Кеча вазирликдаги танишлардан секин «разветка» қилдим, – Маъмур биров эшитиб қўядигандай шивирлаб гапирди: – Шарифхўжа деганлари «крепкий орешок»лардан экан. Казо-казолар билан бир тешикка... ҳалигидай қиларкан... Ҳали анча қонимизни ичса керак-ов, бу шаввоз. Бош прокуратура аралашмаса, эплашимиз қийин бўлади.

– Тўғри, Маъмуржон ака, қийин бўлиши табиий, – гуруҳ раҳбари майорни қўллади. Унинг ички дунёсини, ўт-

мишини билгандан буён Санжарбекда бу инсонга нисбатан қандайдир ўзгача илиқ муносабат пайдо бўлганди. – Ҳозирча унга нисбатан қўлимизда ҳеч нарса йўқ. Далил топсак, қаёққа боради, минг чиранмасин қонун ҳаммага баробар.

– Майли, айтдим-қўйдим-да! – Маъмур ўзининг «махфий» маълумотлари гуруҳ раҳбарини унчалик қизиқтирмагани, тўғрироғи, ташвишлантирмаганидан ўзини бироз ноқулай сезди.

– Лекин яхши айтдингиз, у билан сал эҳтиёткорроқ бўлиб гаплашмасак бўлмайди! – Санжарбек ҳамкасбининг юзидаги норозиликни сезиб, «хато»сини тўғирлаб қўйди. – Бу олифтанинг орқасида кимлар турибди, бу ҳам номаълум.

Шу пайт эшик тақиллаб, тезкор ходимлардан бири дид бидан чиройли кийинган, ўттиз ёшлардаги баланд бўйли йигитни бошлаб келди:

– Бу жаноб Ботиров Шухрат Шавкатович бўладилар.

Гуруҳ раҳбари «меҳмон»га жой кўрсатиб, ўтиришга таклиф этди.

– Тинчликми ока, чиқиртирибсиз? Нима гап? – «осмондан келди» гувоҳ.

– Аввало, танишиб олайлик, мен тергов гуруҳи раҳбари Санжар Раҳмоновман, бу кишилар гуруҳ аъзолари. Биз бир қотиллик жиноятини тергов қилаётгандик...

– Қотиллик... ман при чем? Ока, гапингизга тушунмаяпман!

– Мана бу шартномадаги имзо сизга тегишлими? – гуруҳ раҳбари мақсадга кўча қолди.

Гувоҳ малол келгандай шартномани қўлига олди. Ҳужжатнинг олди-ортини ағдариб, бир муддат тикилиб турди:

– Бу сизларга қаердан келиб қолди?

– Имзо сизникими? – терговчи саволни такрорлади.

– Маники... нимайди, ока? Ишкали бормикан? Ёки уй сотиб олиш мумкин эмасми?

– Демак, шартномани сиз имзолагансиз, уйни сиз олгансиз, пулни ҳам сиз тўлагансиз, шундайми?

– Тўғри, ока нима проблема! Кимдир арз қилдими?

– Саволни биз берамиз, сенинг ишинг жавоб бериш, – дағаллашди Маъмур. – Нима қиласан гапни айлантириб!

Шухрат майорга еб қўйгидай қаради, нимадир деб жавоб «зарба»сини бермоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади.

– Ҳозир ўша уйда ким туради? – Санжарбек тепа сочи тикка бўлиб келаётган йигитни гапиришга қўймаслик мақсадида атайлаб саволга кўмиб ташлади.

– Сотиб юборганман.

– Кимга?

– Кимлиги ёдимда қолибдими, ока! Маклерлар топиб келишганди...

– Қанчага сотдингиз?

– Қанчага олган бўлсам, шунчага сотдим!

– Уй неча қаватли эди?

– Бир қаватли.

– Ана, кўрдингизми, уйга ҳатто қадамингизни ҳам босмагансиз.

– Анча бўлди-да, эсданам чиқибди... Бўлдими?

– Йўқ-да, – деди Санжарбек кулимсираб, – сўроқ энди бошланяпти, сабрли бўлиб, кўп нарсаларни ёдга олишингизга тўғри келади.

– Эй, ока, одамни хит қилиб ташладингиз-да! Сизга ўзи нима керак?

– Мутахассисларнинг фикрича, сиз сотиб олган ҳовлининг бозор баҳоси нақд тўрт юз минг доллар эмиш, шартномада эса уйнинг сотилиш баҳосини сўмда ўндан бирига пасайтириб кўрсатгансизлар. Бунга сабаб нима?

– Ока, тушунмадим, бошқа сайёрадан тушганмисиз, ҳамма шундай қилади-ку! – гувоҳ бехосдан нотўғри гапириб қўйганини фаҳмлаб, сўзини тўғрилашга ҳаракат қилди. – Шартномада кўрсатилган суммани сотувчига тўлаганман.

– Уй эгасини танирмидингиз?

– Маклерлар топишган, нотариусда кўрганман. Қандайдир майда миллат йигит эди. Ҳозир кўрсам, танимаслигим мумкин.

– Биздаги маълумотларга кўра, сиз уй учун ҳеч қандай сумма тўламагансиз, – гуруҳ раҳбари «карта»ни салочишга қарор қилди. – Уйни сизнинг номингизга шунчаки расмийлаштириб беришган, бунга нима дейсиз?

– Э-э, ҳазиллашяпсизми, ока! Пулини тўламаса қайси аҳмоқ шундай қимматбаҳо ҳовлини бировга бериб кўяркан! Уйлаб гапиряпсизми?

– Биламиз, уй фақат сизнинг номингизга расмийлаштирилган, – ёрдамга келди Маъмур. – Аслида, уйни олган одам бошқа. Бировларга холис хизмат қиламан, деб оғир жиноятни гарданингизга осиб олмасангиз бўлгани!

– Тушунмаяпман, нима ҳақда гапиряпсизлар? Ман... ман... бу ерда при чём, ока? – Шухрат бир поғона пастлади.

– Тўғри айтяпсиз, – илиб кетди Умид, – сизнинг бу ишга нима даҳлингиз бор? Уйни олган биров, сотган биров, пулини жиғилдонига урган биров. Аммо ҳақиқатни хаспўшлаб, ёлғонни дўндириб, оёқ тираб тураверсангиз ҳамма айб сизнинг гарданингизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас! Унда жонингизга биров аро киролмайди! Қулоғингизни ушлаб, қамалиб кетсангиз ўша сиз жон фидо қилаётган одамларингиз ортингиздан иккита нон кўтариб боришга ярамайди.

– Ока, жаа унақа одамни кўрқитманг, – деди Шухрат қизариб, – бизам ердан чиққан кўзиқорин эмасмиз. Ўзимизга яраша сўрайдиганларимиз бор!

– Шухрат Шавкатович, сиз йигитларимиздан ҳафа бўлманг, – Санжарбек «дипломатия»ни ишга солди. – Уйга бориб, яхшилаб ўйлаб кўринг, бирор нарса ёдингизга тушса, мана бу рақамга қўнғироқ қиларсиз.

Хонадан чиқиб кетаркан гувоҳ ўзини дадил ва тетик тутишга уринди, аммо инсон руҳиятини сиртдан ўқишга ўрганиб қолган терговчилар йигитнинг шашти қай-

тиб, нимадандир ҳадиксирай бошлаганини сезмасдан қолмадилар.

– Бу шоввоз чиқа солиб Шарифхўжани огоҳлантирса ажабмас, – Жўрабой хавотирга тушди.

– Бизга айнан шу керак-да! – гуруҳ раҳбари талабага юзланди: – Ўйланманг, телефон сўзлашувларини эшитишга рухсат олганмиз. Нотариус опа келганми?

– Ҳа, йўлакда кутиб турибди, ҳозир чақираман, – Жўрабой хонадан чиқиб, зум ўтмай эллик ёшлардаги дилбаргина аёлни бошлаб келди.

– Моҳира Самадовна, келинг ўтиринг, – гуруҳ раҳбари гувоҳга жой кўрсатди. – Опа, мана бу шартномани сиз расмийлаштирган экансиз, тафсилотлари ёдингизда борми?

– Тўғри, шартнома меники, – деди опа ҳужжатга тикилиб. – Адашмасам сотувчи қирим татарми, туркми... шунақа киши, харидори ёшгина Тошкентлик йигит эди. Нима, бирортаси шикоят қилганми?

– Тарафлар сизнинг ёнингизда ҳисоб-китоб қилганмиди?

– Йўқ, одатда биз улардан ҳисоб-китоб тўлиқ бўлганми, бир-бирларингизга даъвойингиз йўқми, деб сўраймиз. Улардан ҳеч қандай эътироз тушмаган.

Терговчилар бир қанча саволлар бериб, гувоҳдан зарур маълумотларни «суғуриб» олгач, сўроқни якунладилар.

Шу орада Мухтор кўнғироқ қилиб, кутилганидек Шухрат Ботиров прокуратурадан чиқиши билан Шарифхўжага телефон қилгани, овозлари тўла ёзиб олингани, аудио кассетани бир пастда етиказиб боришини маълум қилди.

– Хуш, жаноб терговчилар, – Санжарбек барчанинг диққатини ўзига қаратди, – Аҳмедсиз Шарифхўжага бирор айб қўя оламизми?

– Жуда қийин масала-да! – деди Умид совуққонлик билан. – Қўлида шартнома бор, ҳаммаси қонун доираси-

да бўлган, пулни берганман, уйни олганман, деб туриши табиий. Аҳмед йўқ, Луқмон ўлган, «йўқ»лар ва мурдалар эса гувоҳлик беролмайди.

– Санжар ака, масала Шарифхўжани қамаш ёки жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида бораётгани йўқ-ку, – Жўрабой одатдагидек теша тегмаган гап қилди. – Агар Шарифхўжанинг шу ишни қилганига ишонч ҳосил қилсак, унда бемалол қотилликда ундан шубҳа қилиш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида, у билан батафсилроқ шуғулланишга имкон беради.

– Тўғри, Шарифхўжанинг товламачилик қилганига ишончимиз комил бўлса, унинг қотиллик қилишига ҳам шубҳа қилмаса бўлади. Бошқа томондан айрим тергов ҳаракатларини ҳеч иккиланмасдан амалга оширишимизга ҳам йўл очилади. Унинг уйида тинтув ўтказишни тасаввур қилиб кўринг. Бошимизни қотиришлари аниқ.

Эшик тақиллаб, таклифни кутиб ўтирмасдан ҳам оғзи қулоғида Мухтор кириб келди:

– Барчага алангали саломлар! Суюнчи берсанглар бир янгилик айтаман.

– Суюнчи сиздан айлансин, – гуруҳ раҳбари кўнгли бир нарсани сезгандай изқуварга пешвоз чиқди, – айтинг, бўй баробар олтинми, кумушми?

– Майли, биз унақа инсофсиз дарвешлардан эмасмиз, тушликка зиғир ёғидан ошга таклиф қилсаларинг ҳам бўлаверади.

– Бўлди, паловхонтўра биздан! – Умиднинг мезбонлик ғурури уйғониб қолди.

– Аҳмед жаноби олийлари топилди...

– Ана халос, пишди гилос! Мана буни янгилик деса бўлади, – Маъмур чапак чалиб юборди.

– Қаерда писиб ўтирган экан?

– Ўша қоғоздаги манзил дача экан. Ҳали замон йигитлар олиб келишади.

– Хайрият-эй, ажойиб иш бўлди-да! Мен аллақачон қочиб қолдимикан, деб кўрқиб юргандим, – деди гу-

руҳ раҳбари тилла топган гадойдек қувониб. – Усиз кўп ишларимиз боши берк кўчага кириб қолиши аниқ эди. Энди ишимиз «ўлик нуқта»дан силжийдиган бўлди, раҳмат сизга Мухторжон!

– Эй, ака, сизларга раҳмат, манзилини аниқ бердингизлар, биз олиб келишга ҳам ярамайликми? Ҳаммага раҳмат, бу кўпнинг хизмати.

– Дарвоқе, йигитларингиз етиб келгунча Ботировнинг гапларини эшитиб турсак бўладими? – Санжарбекнинг ёдига аудиоёзув тушиб кетди.

– Ҳа, албатта, – изқувар чўнтагидан кичкина аппарат чиқариб, стол устига қўйди ва мурватини буради:

– Ало... ало... эшитиляптими? Ассалому алайкум тоға, яхшимисиз?

– Ваалайкум ассалом! Шуҳрат санмисан? Тинчликми жиян, наmunча ҳовлиқмасанг!

– Эй, тоға, ҳозир прокуратурадан чиқдим.

– Прокуратурада нима қилиб юрибсан? Нима бало, жиян, яна бирор ишқалга қўшилиб қолдингми?

– Эй-й, тоға, ман ҳеч нарсага аралашмадим... анави ҳовлингиз масаласида сўрашди.

– Ҳовли масаласида? Ким чақирди? Қайси прокураратура?

– Мирзо Улуғбек прокуратураси. Лекин терговчи Бош прокуратурадан экан.

– Нимани сўрашди?

– Уйни кимдан, қандай олгансан? Қанчага олгансан?

– Сан нима дединг?

– Борича айтдим... Нима дердим!

– Борича айтдим? Нима, тоғамники, дедингми сан эшак калла!

– Йўғ-э, тоға, нима, мени аҳмоқдеб ўйлаяпсизми? Ўзим олганман, ўзимники, дедим! Роса айлантириб сўрашди. Менимча, улар ҳаммасини билишади, тоға! Яхшилаб ўйлаб кўринг, яна чақирамиз, дейишди.

– Терговчининг исми ким экан?

– Санжар, деди шекилли... Тоза мижғов экан, роса айлантирди, бемаза! Энди нима қиламиз, тоға?

– Ваҳима қилма-эй! Тез ишхонамга етиб кел!

– Хўп тоға, ҳозир бораман.

– Хўш, жаноб «мижғов»лар, бунга нима дейсизлар? – деди Маъмур тиржайиб.

Хандон кулги кўтарилди.

– Яхши, ҳозирча тоға-жиянга тегмай турамиз, – гуруҳ раҳбари жиддийлашиб, – бу томони энди Аҳмедга боғлиқ. Агарда уни гапиртира олсак, Шарифхўжани олишимиз осон бўлади.

Эшикда тезкор ходимлардан бири кўриниб, Аҳмед Ҳабибов сўроққа олиб келинганини хабар қилди. Ходимлар сергак тортиб, соҳоватпеша чечен йигитни кўришга муштоқ эшикка кўз тикдилар. Хонага ўрта бўйли, қотмадан келган, озгин, аммо анчагина чайир ва эпчил, мўйловли йигит кириб келди:

– Саломалайкум, – деди у кўлини кўксига қўйиб.

– Ваалайкум ассалом, келинг ўтиринг, – гуруҳ раҳбари ўзини ва шерикларини таништириб, гувоҳнинг шахсига оид маълумотларга ойдинлик киритгач, уни ёлғон кўрсатма бермаслик ёки кўрсатма беришдан бош тортганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирди.

– Ўзбек тилида кўрсатма бероласизми ёки таржимон хизматидан фойдаланасизми?

– Ўзбекистонда туғилиб, катта бўлдик, ўзбек тилида бемалол гаплашаман. Таржимон шартмас.

– Яхши. Аҳмед ака, нима сабабдан қочиб юрибсиз? – гуруҳ раҳбари арқонни узун ташлашга уринди.

– Нега қочаман, просто дачада дам олаётгандим.

– Телефонларингиз ҳам ўчирилган.

– Телефон ишлаб турса, дам олиб бўладими?!

– Биз Луқмон Шариповнинг қотиллик ишини тергов қиляпмиз, – совуққонлик билан мақсадга кўчди Санжарбек. – Сиз бу одам билан қачон, қандай танишгансиз, муносабатларингиз қандай бўлган? Айтиб қўяй, бизга қўп

нарсa маълум... Фақат уларни сизнинг оғзингиздан эшитишни хоҳлаймиз, ёлғон гапириб, терговни чалғитмасликни маслаҳат бераман.

– Бизларни Назокат таништирган, – ҳикоясини бошлади Аҳмед. – Бошида у мени квартиранинг эгаси сифатида биларди, Назокат билан учрашиб юришимни билмасди. Назокат баҳона ҳар хил масалаларда тўқнашиб қолардик. Шу-шу анча қалин бўлиб қолдик. Шу орада божхонада гиёҳвандлик моддаси билан қўлга тушиб қолдим.

– Шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз? – деди терговчи қўлидаги қаламни ўйнатиб.

– Биласизми, ўша пайтларда пахтасаноат тизимида ишлардим. Топишим ёмон эмасди. Ҳамма нарсам бор эди. Бир куни Гулистонда Тоҳир деган танишим билан учрашиб қолдим. Гапдан-гап чиқиб, у икки кило «қора дори»си борлигини, шуни Россияга ўтказиш кераклигини айтиб қолди. Қандай қилиб бу ишни удалашни ўйлай бошладик. Тоҳир билан ошхонадан чиқиб, машинага ўтирмоқчи бўлиб турсак, бекатда йигитлар машинадан тарвуз тушираётган экан. Хаёлимга бир фикр келди: «Тоҳир, кел, Россияга тарвуз ортамыз», дедим. У ҳайрон бўлди. Ўйлаган режамни унга айтдим. Ғоя унга ҳам маъқул бўлди. Тезда Мирзачўллик деҳқонлардан бир машина сара тарвуз сотиб олдик. Катта тарвузлардан бирини сал тешиб, мағзини тўкиб ташладик ва гиёҳвандлик воситасини ичига жойладик. Кейин кесиб олинган пўчоқни жойига қўйиб, махкам елимлаб ташладик. Бир-икки кун ичида зарур ҳужжатларни расмийлаштирдик. Тоҳир Россияга қатнайдиган «Алка»лардан бирини топиб келди. Тарвузларни машинага ортдик. «Сехрли тарвуз»ни остига териб юбордик. Қўлга тушсаям, шофёр балoга қолади, биз ҳеч нарсани билмаймиз, деб қутулиб қолишни ўйлагандик. Ҳаммаси Шохруҳ деган бир тирранча божхона ходимини деб бўлди. У бола ёш бўлсаям, чатоқ экан. Олдин шофёр билан гаплашган. Унда ҳеч қандай ҳаяжонла-

ниш аломатларини кўрмаган. Негаки, у юкнинг орасида «сехрли тарвуз» борлигини билмасди-да! Кейин Тоҳир билан гаплашиб, негадир «хит»ланиб қолган. Машинанинг устига чиқиб, тарвузларни чертиб кўра бошлаган. Тоҳирнинг оёғи қалтираб, сездириб қўйганми, лейтенант ҳар бир тарвузни текширишга тушган. Ҳеч нарса тополмагач, хизмат итини чақиртирган. Кичкинагина кучукча у ёқдан бу ёққа ўзини уриб, бояги тарвузни топиб олган. Тоҳир Шохруҳнинг оёғига ётиб ёлворган, «кўз юмсанг» ўн минг кўкидан бераман, деган. Бола тоза честний экан, ҳеч балога кўнмаган. Бирпасда Тоҳирни қамаб қўйишган. Кейин тергов бошланди. Терговчи Шарифхўжа деган йигит эди. Бошида Тоҳир ҳамма айбни ўз бўйнига олиб, мени сотмади. Аммо терговчи «Сен бу ишни бир ўзинг қилмагансан, жиноий шерикларингни айтасан», дея роса қийноққа солган, тирноқлари орасига игна тикқан, бошига салафон кийдирган. Азоб-уқибатларга чидай олмаган Тоҳир мени сотишга мажбур бўлган. Шу куннинг ўзида мени ҳам ушлаб, сўроққа чақирди. Бошида мен ҳеч нарсани бўйнимга олмадим. Терговчи билан гаплашишга одам қидира бошладим. Нозиманинг маслаҳати билан Луқмонга учрашдим. Бун қаранг, Шарифхўжа Луқмоннинг таниши чиқиб қолди. Кейинги кун раҳматли терговчини ресторанга тушликка чақирди ва мени у билан таништириб қўйди. Терговчи бошида «Вазият жуда оғир, иш тепадан назоратга олинган, жуда қийин бўлади», дея ўзини тарозига солди. Луқмон «Ошнам яхши бола, нима ҳаражат бўлса, қочмайди, бир қўллаб юборинг», деди. Терговчи бироз ўйланиб, «Майли, Луқмон ака ҳурматингиз бор, соққасига чидаса ёрдам қиламиз, фақат оғзига маҳкам бўлсин, ортиқча гап керак эмас, нима қилиш лозимлигини кейин айтман», деди. Шу-шу кўнглим бироз таскин топиб терговга қатнаб юрдим. Бир куни тергов пайти Шарифхўжа менга илиқ муомалада бўлиб, «Сени чеченлигинг халақит қилляпти, бошлиқларни кўндириш қийин бўляпти, пахта-

саноатда ишлаганинг сабабли ҳамма сени «чирик бой» деб ўйлаяпти», деб қолди. Мен: «Тўғри, пахтасаноатда ишлаганман, аммо унақа катта пул менда йўқ», дедим. У бўлса: «Ўйлаб кўр, пул ширинми ёки ҳаётинг, улар сўраган нарсани қилиб бермасак, ҳеч ким сени «ўйин»дан чиқариб юборолмайди», дея кўнглимга ғулғула солди. «Қанча берай?» десам, «Шахсан менга сариқ чақанг ҳам керак эмас, дуо қилиб қўйсанг бўлди, аммо «окашон»ларга кўкидан 500 минг бериш лозим», деди. Мен бунақа катта пул сўрайди, деб ўйламагандим. Қолаверса, менда бунақа катта пул йўқ эди. Луқмон акага югуриб бордим, маслаҳат сўрадим. У «Ўзинг биласан, Шарифхўжа ҳаманинг ҳам гапини қиладиган йигит эмас, мени қиялмай рози бўлди, ҳаракат қияпти. Йўқ десанг, қулоғингни ушлаб, қамаласан, кетасан! Қамокда соғлиғингни йўқотасан. Бу ерда ичи ачиринг бўлмаса, давлатинг ҳам бировларнинг қўлида қолади! Қайтиб келгач, мол-мулкнинг қайтариб олиш насиб қиладими, йўқми Худо билади!» деди. Ўйлаб кўрсам у ҳақ. Хуллас, терговчининг таклифини қабул қилишга мажбур бўлдим. Ўзимда нақд пул йўқлиги учун терговчига «Шаҳар марказида нархи тўрт юз минг долларлик ҳовлим бор, хоҳласанг шуни ол, бўлмаса, майли, пешонамдан кўраман», дедим. У бироз ўйланиб туриб, «Майли, ҳовлини бориб кўрамиз, «окашон»ларга ёқса, оламиз», деди. Келаси куни Шарифхўжа бир ёшроқ жияни билан бирга уйни бориб кўрди, «окашон»и учун уйни расмга тушириб олди. Келаси куни нотариусга бордик. Шарифхўжа бир жиянини юборди. Исми... ҳозир тилимнинг учиди турганди...

– Шуҳрат Ботиров, – ёрдам қилди Умид.

– Тўғри, ўша Шуҳрат. Нотариусда қўл қўйиб, уйни унинг номига ўтказиб бердим. Шу билан анча пайтгача ҳеч ким мени безовта қилмади. Иш судга оширилди. Судья бирор нарсанинг ҳидини олдим, билмайман, негадир менга ёпишиб олди. Охир оқибатда ишни терговга

қайтарди. Яна тергов бошланди. Энди бошқа бир терговчи бошимни қотира бошлади. Югуриб Шарифхўжанинг олдида бордим. «Янги терговчи жуда қаттиқ сиқувга оляпти, қамайман, деб дағдаға қиялпти», дедим. У: «Хавотир олма, терговчи бола ўзимнинг шогирдим, бир оғиз айтиб қўяман», деб мени тинчлантирди. Орадан бир неча кун ўтиб, мени қамоққа тиқишди. Энди на Луқмон, на Шарифхўжа билан учрашишга имкон йўқ эди. Гоҳ адвокат, гоҳ мени кўришга келган Нозима орқали улар билан алоқа қилиб турдим. Иккови ҳам ваъда беришдан, мени тинчлантиришдан нарига ўтишмади. Адвокатдан хат жўнатиб, «Шунча пуллик уйимни олиб, қамаб юборишса, прокуратурага ҳаммасини ёзиб бераман», деб таҳдид ҳам қилиб кўрдим. Ўша куни кечда камерадошимни бошқа ёққа ўтказиб, ёнимга бир барзангини киритишди. Фашистдан баттар экан, уриб ҳамма жойимни пўла қилиб ташлади. Томоғимга лезва тираб, «Шарифхўжанинг исминини яна тилга олсанг, тилингни суғириб оламан, шу ердан ўлигинг чиқади», деди. Шарифхўжанинг дасти узунлигини, қўлидан ҳар қандай ифлослик келишини билардим. Шу сабабли тилимни тишлашга мажбур бўлдим. Ўзлари айтгандай судда ёрдам беришига умид қилдим. Аммо суд шеригимни ўн йилга, мени саккиз йилга кесиб юборди. Нима қилай, осмон узоқ, ер қаттиқ экан, дардимни ичга ютишга мажбур бўлдим. Тақдирга тан бериб, қамалиб кетавердим. Жазони Зангиотадаги қаттиқ режимли қамоқхонада ўтадим. Тутқинликка ўрганишим қийин кечди. Аллоҳнинг буюк неъматини озодлик эканига амин бўлдим. Эркинликда юриб, озод кунлар қадрига етмаганимга афсуслар қилдим. Аста-секин қамоқхона ҳаётига кўника бошладим, бир-биридан яхши, содиқ дўстлар орттирдим. Негадир у ерда инсонларнинг қадрига етишни ўргандим. Яшаш учун курашни, интилишни, вақтнинг қадрига етишни, озодликни қадрлашни, келажакка умидворликни ўргандим. Тўрт йил ўтгач, мен «УДО»га чиқадиган бўлдим.

– Нозимага нима сабабдан квартирангизни расмийлаштириб берганингизни айтмадингиз-ку! – сўради Умид.

– Тўғри, ўша пайтларда жуда тушкун кайфиятда эдим, – гапида давом қилди Аҳмед. – Йўқ жойдан саккиз йилга қамалишни тасаввур қиласизми? Энди қамокдан чиқолмасам керак, деб ўйлагандим. Саккиз йилгача ким бор, ким йўқ, Аллоҳ билади. Нозима иложини қилиб, ёнимга келиб-кетиб турарди. Айтган нарсамни бирпасда муҳайё қиларди. Менинг ундан бошқа ичи ачийдиган одамим йўқ эди. Ўша кезларда оёғимдан яра чиқиб, ётиб қолдим. Аҳволим кундан кунга оғирлашиб борарди. Қамокда ўлиб-нетиб қолсам, Нозима бечорага ҳам жабр бўлмасин, уйсиз қолмасин, деган хаёлда ўзи яшаб келаётган квартирани унга расмийлаштириб бердим. Негаки, Луқмон унга уй олиб бераман, деб анча пайтдан бери алдаб келарди.

Аҳмед бироз ўйга толиб, деразадан ташқарига қараганча жимиб қолди.

– Яхши, кейин нима бўлди? – гуруҳ раҳбари гувоҳни «хуши»га келтирди.

– Қамокдан чиқиб, тўғри Нозиманикига келдим. У хурсанд бўлди. Негаки, у Луқмон билан алоқасини тамомила узган экан. Бирга яшай бошладик. Унинг маслаҳати билан Шарифхўжадан ҳовлимни қандай қайтариб олиш йўлларини қидира бошладим. Сўраб-суриштириб, унинг вазирликка каттароқ мансабга ўтиб кетганини аниқладик. Ҳозир унга рўбарў келсам, бир туҳматни уюштириб, пашшадай мажақлаб ташлаши аниқ эди. Шу сабабли Луқмоннинг олдига бордим. Босиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бошида у: «Майли, оғайним билан гаплашиб кўрай, инсоф сари барака, ишинг бир томонга ечилар», деб кўнглимни кўтариб юрди. Кейинчалик дўсти билан гаплашганми, ишқилиб, ўзини овсарликка олиб, тўғри жавоб бермайдиган, ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Бир борганимда у аблаҳга «Ҳов-

лини сен туфайли берганман, сен кафил бўлгансан», дея бақирдим. «Сени ҳам қўшиб, Бош прокурорга ёзаман», дея дағдаға қилдим. У сал «пастга тушиб» майли, яна бир гаплашиб кўраман, деб мендан муҳлат олди. Орадан икки кун ўтиб, яна учрашдик. Бу ифлосни қаранг, «Тушини сувга айтсин, уйни ўзи бошқа бир шахсга қонуний асосда сотган, мен ундан сариқ чақа ҳам олмаганман, бир жойини қисиб юрмаса, чиққан жойига яна тикиб юбораман», дебди. Мен адвокатим билан гапшиб кўрсам, у ҳам ҳамма нарсa нотариус орқали қонуний расмийлаштирилган, бирор нарсa чиқиши амри маҳол, деган гапни айтди. Нима қилишимни билмай, бошимни чангаллаб ўтириб қолдим. Шарифхўжага ёпишсам, қўлидан ҳар бало келади, мени яна қаматиб юбориши тайин эди. Шу сабабли Луқмондан қисман бўлса-да, пулни қайтаришни талаб қилдим. У эса ҳар гал жазаваси қўзиб, «Мен сенларни таништирганман, ўртадаги олди-бердига аралашмаганман. Кимга берган бўлсанг бор, ўшандан сўра», дея мени қувиб ҳайдарди.

– Бундан жаҳли чиққан Аҳмеднинг уни ўлдиришдан бошқа чораси қолмади, шундайми? – Маъмур гап авзойига қараб ўзича хулосалади.

– Нима, сизлар Шарифхўжага ишляапсизларми? – анқайди гувоҳ.

– Бу нима деганингиз, Шарифхўжанинг бизга нима алоқаси бор? – Санжарбек саволга-савол билан жавоб қайтарди. – Биз Луқмоннинг қотиллигини тергов қиляпмиз.

– Шарифхўжа жуда ярамас киши, ҳар қандай разилликка қодир. Дўстини ўзи ўлдириб, қотилликни менга тўнкамоқчи ва шу йўл билан мендан қутулмоқчи кўрилади. Сизлар ўзларинг ҳам буни ҳис қилиб турган бўлсаларинг керак.

– Эй олифта, нималар деб алжираяпсан? – Маъмурнинг жаҳли чиқди. – Гапни кўп айлантирмай, Луқмонни қандай ўлдирганингни гапириб бер, айбингни тан ол!

– Мен рост айтаяпман. Лукмонни ўлдиришдан менга нима фойда. Мен қандай қилиб уйимни қайтариб олишни ўйлаб юрибман. Лукмонда нима айб, у бизларни таништириб қўйган, холос. Қолаверса, у менинг ягона гувоҳим... Шарифхўжа ўлдирилганда қотилликни мендан кўрсаларинг бўларди. Алдаб пулимни олиб, ҳам қамаиб юборган муттаҳамни ўлдирганимда афсусланмаган бўлардим.

– Биринчи август куни қаерда эдингиз? – гуруҳ раҳбари бефойда мунозарага чек қўймоқчи бўлди.

– Биринчи август куни тест синовлари бўлаётганди, – эслашга ҳаракат қилди Аҳмед, – тушлик пайти дорихонага борсам, ёпиқ экан. Лукмоннинг қўл телефонига кўнғироқ қилсам, ўғли ўқишга тест топшираётганини, у ҳам ўша ерда «поддержка» қилаётганини айтди. Қайтиб кетдим. Келаси кун эрталаб дорихонага келсам, ҳамма ёқ одам... милиция... Кўчада сигарет сотиб ўтирган кампирдан сўрасам кечаси кимдир Лукмонни ўлдириб кетганлигини айтди. Кўрқиб кетиб, ортимга қайтдим.

– Мана бу қоғозга биринчи, иккинчи август кунлари қаерга борганингизни, ким билан учрашганингизни аниқ вақти билан хронологик тарзда ёзиб чиқсангиз, – гуруҳ раҳбари бир варақ қоғоз узатди. – Сигарет сотувчи кампир ҳақида ҳам батафсилроқ ёзинг. Айтиб қўяй, биз барчасини текшириб кўрамиз, ёлғон гапирмаяпсиз, деган умиддаман.

Аҳмед бошини қашилаб, ўша кунлар воқеаларини хаёлида жонлантиришга киришди. Орада гуруҳ раҳбарининг топшириғи билан тезкор вакиллардан бири сигарет сотувчи кампирни олиб келишди. Санжарбек гап нимадалигини билмай, бор-будидан ажралиб қолишдан кўрқиб, эс-ҳушини йўқотаёзган кампирга чой узатиб, ўпкасини босиб олишга имкон берди:

– Опоқи ёшингиз нечада?

– Бир кам саксонда, болам.

– Шу ёшда нима қилиб кўчада сигарет сотиб ўтириб-сиз? Болалар нима иш қилишади?

– Болажоним бўлди... энди сотмайман... очимдан ўлсам-да, кўчага чиқмайман, фақат молларимни олиб қўйманглар. Етимларим оч қолмасин, илтимос, мен қовоқ калла кампирни бир марта кечиринглар.

Санжарбек шундагина нотўғри савол бериб, шундоқ ҳам ҳилвираб турган кампирни кўрқитиб юборганини англаб, хатосини тўғрилашга ҳаракат қилди:

– Опоқи, биз текширувчи эмасмиз, молингиз билан ишимиз йўқ. Бемалол сотаверинг, биз сизни бошқа масалада...

– Болам, қари одамни алдаш... илтимос, болажоним ўзимни қамасаларинг ҳам сигареталарни қайтариб беринглар. Кеча бор пулга мол олиб келгандим...

– Онахон, биз сизни бошқа масалада чақирганмиз, молингиз билан ишимиз йўқ.

– Дакиминтларга қўл қўйдирганча шунақа деб алдаб, ўтган сафаргидай хонавайрон қилмасанглар бўлди, болам... Ўзинг яхши одамга ўхшайсан, қоқиндиқ!

– Биз сиз савдо қиладиган кўчадаги дорихона эгасининг қотиллигини тергов қиляпмиз, – Санжарбек мақсадга ўтишга мажбур бўлди. – Ўша воқеалар ёдингизда борми?

– Луқмон болани айтяпсанми? Эй-й-й, ёмон бўлди-да! Аллоҳ раҳматига олсин, омин, – кампир дуога қўл очди. – Қайси уйинг куйгур қилган экан бу ишни, болам, топдингларми?

– Қидиряпмиз. Онахон, мана бу кишини танияпсизми? – сўради терговчи қарама-қарши столда ўтирган Аҳмедга ишора қилиб.

– Бу ким? Шу бола ўлдирганмикан? – деди кампир капалаги учиб.

– Йўқ, Луқмон ўлдирилган кунининг эртаси у сиздан нима бўлганини сўраган экан...

– Қаерда сўраган экан? Нима деб сўраган экан?

– Онахон, ёдингиздами сиздан сигарет олиб, дорихонада нега одам кўп, тинчликми, деб сўрагандим... Сиз мени қрим-татарга ўхшатгандингиз...

– Ҳа, бўлди... бўлди... ёдимга тушди. Сигаретнинг қай-тимини ҳам олмагандинг. Кўз ўлгур унча чўтламай қолган... Шунга бир кўрган одамни эслаб қололмайман-да, болам.

– Онахон, .Луқмон ҳақида кўчадагилар нима дейишяпти? – Санжарбек кампирдан зарур маълумотни олгач, ҳар эҳтимолга қарши машҳур анегдоддагидек «хотин»ларнинг фикри билан қизикди.

– Нима дейишарди, оғзига кучи етмаганлар ҳар нима деб валдирайверишади-да!

– Масалан!

– Бирлари шўрликнинг бошига ўйнашлари етди деса, бирлари очкўзлиги ўз бошига бало бўлди, дейишмоқда... Аслида, нима бўлгани танҳо Яратганга аён. Лекин Луқмон болам унчалик ёмон одам эмасди, гап-сўзлари жойида, биров билан иши йўқ. Фақат нафси сал ҳакалак отган, деган гаплар юрарди... Бу ёғи менга қоронғи.

– Раҳмат, онахон, сизни олиб бориб қўйишади, – Санжарбек кампирни кузатиб ташқарига чиқаркан йўл-йўлакай саволга тутди: – Болалардан нечта, онахон?

– Битта ўғлим бор эди..., – кампир чуқур энтикди. – Тавба қилдим, тавба қилдим... ўғлим бор... ҳозир «Жаслик» деган жойда...

– Қамоқдами?

– Ҳа, ўн беш йил бўлди... У қатори қамалганлар аллақачон чиқиб кетишди. Ёдгоржоним ҳалиям... – кампирнинг юраги тўлиб, тамоғига суяк тикилгандай гапиролмай қолди.

– Нима иш қилганди? Айби шунчалик оғирмиди? – Санжарбек онанинг юрагини бўшатиб олишига имкон беришни ўйлаб, бино дарвозаси ёнидаги ўриндиққа таклиф қилди.

- Нимасини айтай, болам, - онахон ўриндиққа ўтириб, енги билан кўз ёшларини артди ва оҳиста гап бошлади, - эрим раҳматли билан ўн йил бирга яшаб фарзанд кўрмадик. Ўн биринчи йил Аллоҳ бизга раҳм қилди, Ёдгорим туғилди... Аммо отаси пешонамизга сиғмади. Бечора ўғил кўрганидан қувсониб, улфатлари учун катта зиёфат уюштирган. Қайтишда машинасида ҳалокатга учраб... Ҳали болага исм ҳам қўймагандик. Ёдгорим отасини кўролмади. Ҳаётимни шу болага бағишладим, қайта турмуш кўрмадим. Оддий ўқитувчи бўлсам-да, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказдим, ўқитдим, уйлантирдим. Ўқишни аъло баҳоларга битириб, катта қурилиш ташкилотига ишга кирди. Тўрт-беш йилда ташкилот раҳбари даражасига кўтарилди. Давлат ташкилотларини хусусийлаштириш бошланганда, ўғлим биринчилардан бўлиб, бу ишга қўл урди. Хотини билан кечаю кундуз ишлаб, ишхонасини бўйигаям, энигаям каттартирди. Юқорига кўтарилган сайин душманларинг, кўролмасларинг кўпайиб кетаверар экан. Буни қаранг, Ёдгорим қураётган бинодан қандайдир варақалар чиққанмиш... Ўғлим «Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, варақа менга тегишли эмас», дея дод-войлашига қарамай бирпасда қамаб қўйишди. Келинимни ҳам роса «судра-судра» қилишди. Ўғлимни ўн икки йилга қамаб юборишди. Ҳимоячидан «Ўғлим одам ўлдирмаган бўлса, иккита варақа учун ҳам шунча муддат берадими?» деб сўрасам, «Ўғлингиз ўжар экан, айбини бўйнига олмади, терговчиларнинг айтганини қилмади, хотини юқори инстанцияларга шикоятлар ёзиб, ҳамманинг асабини ўйнади, шу сабабли унга «потолок» беришди», деди. Терговчилар шунақа инсофсиз экан, суд-чи, суд қаерига қараб, шунақа адолатсиз жазо берди, деб зорлансам, «Эй онахон-а, оқ ит, қора ит, барибир ит-да!» дегани кечагидай эсимда. Шунданми форма кийгандан кўрқиб, бешиб қолганман, ўргилай. Кўнглингизга тегмасин, уларнинг ичида ҳам сизга ўхшаган иймон-эътиқоддилари бор экан-ку!

– Ёдгор ҳали ҳам қамокдан чиқмадимми? Ўн икки йил қамалган бўлгандаям, орадан ўн беш йил ўтиб кетибди.

– Билмадим, ўргилай, ҳалиям «Жаслик»да ётибди. Борса-келмас деганлариям рост экан-да! Ёзмаган-чизмаган жойим қолмади. Нима қилай, оёғим у ёқларга етиб боролмаса...

– Келинингиз бориб келаётгандир?

– Эй, болам... нимасини айтай... – кампирнинг тағин юраги тўлиб, ажин босган юзларида томчилар йилтиради. – Мамлакатхон қизимдай эди. Эри билан бирга ўқиб, севишиб турмуш қуришганди. Ёдгорим қамалгач, уни ҳам роса сарсон қилишди. Бояқиш эрининг ноҳақ қамалгани алам қилиб, ҳақиқат излаб, адолат ахтариб, идорама-идора чопди, тиним билмади. Президентнинг қабулига ёзилди. Тинимсиз шикоят ёзди... «Болам қўй, ўзингни асра, эринг бир кун чиқиб, болаларинг бағрига қайтиб келади, бу кетишда ўзингни олдириб қўясан», деб қўп айтдим. Ҳаддан зиёд яхши қўриш ҳам беҳосият бўларкан... Айрилиққа, ноҳақликка чидаёлмади...

– Нима, ўзини ўзи...

– Йўқ, Янги йилга яқин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмади... Нима бўлган, ҳозиргача билмаймиз. Ўлими-тирикми номаълум! Милициядагилар бедарак йўқолган, дейишди. Билмадим, шўрлик Мамлакатим бедарак йўқолдими ёки йўқотишдими, ёлғиз Аллоҳ биледи. Уч норасида болани менга ташлаб қаёққа кетганига ақлим етмайди. Ундай десам, келиним бошқаларга ўхшамасди, болаларини жон-дилидан яхши кўрарди, еру кўкка ишонмасди. Кўра била туриб шундай қора кўзлар ширинтойларни мендай бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлиб турган кампирга ишониб кетганига ҳайронман. Агар тирик бўлганда, ерни тирноғи билан қазиб бўлса-да, тоғни талқон қилиб бўлса-да болаларининг бағрига қайтиб келган бўларди. Нима қилай, болам, шу сағирларим кўкрагини кўтарганча бундоқ оёқ узатиб ўлишга

ҳам ҳаққим йўқ! Шулар учун бир оёқда бўлса-да, ўзимни
йўлга, қирга уриб, қимирлаб турибман-да!

Кампирнинг гаплари Санжарбекни кўнглини бўша-
тиб юборди, ёнида қалтираб турган, шунчалар ғам-алам
гирдобига ботган бу Ҳазрати инсоннинг оёқларини қу-
чиб йиғлагиси келиб кетди...

– Болам, раҳмат! Ҳасратларимни тинлаганинг, дар-
димга шерик бўлганинг учун раҳмат! Бироз енгиллашган-
дай бўлдим. Сенинг ҳам бошингни қотириб ташладим. Ҳо-
зирги замонда биров билан бировнинг иши йўқ. Ҳар ким
ўз қобиғида яшаяпти, – кампир кетишга чоғланди.

– Онахон, боя «Яна олдингидай ҳужжатларга қўл қўй-
дириб, хонавайрон қилманглар», деган гап оғзингиздан
чиқиб кетди. Ростдан шунақа иш бўлганмиди?

– Эй, болажоним-а, – кампир муҳим гап айтадигандай
шивирлаб гапирди, – олдинги солиқчимиз яхши эди, ой-
ига беш-олти сўм олиб турарди, лекин ҳеч ким безовта
қилмасди. Янгиси келиб, тинчимиз бузилди. Бунисининг
нафси чатоқ чиқди. Ойига фалон сўмдан бериб турма-
санглар ишламайсизлар, деб туриб олди. Мен аҳволимни
тушунтириб, яримини бериб турай, деб роса ялиндим,
«Йўқ, бўлмайди, бизларнинг ҳам берар жойимиз бор»,
деб туриб олди. Мен шунча пулни унга қаердан топиб
бераман? Унамадим. Пешонаси тиришиб кетди. Раҳми
келди-да, деб ўйлагандим. Бир ой аввал мени текшириб,
қандайдир дакуминтларга қўл қўйдириб, бор молимни
олиб қўйди. Ҳой, ноинсоф, ҳеч бўлмаса молимнинг ярми
қайтариб бер, деб роса ялиндим, фойдаси бўлмади. Дав-
латга мусодара қилганмиш. Етимнинг ҳаққига кўз олай-
тирадиганлар ҳам бор экан-да, болам! Бир амаллаб бо-
лаларнинг мактаб формаси учун йиғиб қўйган пулларни
«оборот»га киритишга мажбур бўлдим. Бу йилча кичрай-
иб қолган бўлсаям, ўтган йилги кийимларини амал-тақа
қилиб туришар...

– Ўша солиқчи ҳозир ҳам ишлаб турибдими? – тергов-
чининг мушти тугилди.

– Ҳа, ишляпти.

– Исми ким?

– Ҳошим... Болам, наmunча суриштириб қолдинг, тагин у бечорага бирор зиён-заҳмат етказиб...

– Йўқ, ҳаммаси жойида онахон, фақат мусодара қилган молларингизни қайтариб беради.

– Вой, болам, қўявер ўтган ишга саловат, у шўрликнинг ҳам бола-чақаси, бошлиғи бордир. Тагин бир кор-ҳолни бошлаб юрмасин.

Санжарбек онахонни кўчагача кузатиб қўйиб, хонасига қайтди.

– Санжарбек, нима кампирни уйигача қўйиб келдингизми? – ҳазил қилди Маъмур.

– Ҳар ҳолда шунга арзийдиган кампир экан! – деди гуруҳ раҳбари жиддий тонда. – Хўш, жаноб Аҳмедбек бўлдингизми?

– Бўлдим, – гувоҳ қўлидаги қоғозни терговчига узатди.

– Яхши, ҳеч нарса ёдингиздан чиқмадими? – деди Санжарбек қоғозга тикилиб.

– Йўқ, ҳаммасини тўлиқ ёздим шекилли...

– Чапақай бўлсангиз ҳам ҳуснихатингиз чиройли экан.

– Ҳа, ёшликдан чап қўлда ёзишга ўрганиб қолганмиз.

– Яхши, унда сиз ташқарида бироз кутиб туринг, лозим бўлса, чақирамиз.

Аҳмед чиқиб кетди.

– Тагин қочиб қолса-чи! – хавотир қилди Маъмур.

– Йўқ, қочмайди, – деди Санжарбек совуққонлик билан, – хўш, ҳурматли ҳамкасблар, Аҳмед хусусида кимда, қандай фикр бор?

– Хийлагина пишиқ йигит, – биринчи бўлиб Умид фикр билдирди. – Кўп нарсани кўриб қўйган, қамоқда «тобланган». Ёлғонни ҳам қийиб қўяди... Шунинг учун то унинг гаплари ростлигини текшириб кўрмагунимизча қўйиб юбормай турганимиз маъқулмикан.

– Қотил у бўлганда эртаси куни воқеа жойига бормаган бўларди, – Санжарбек ҳамкасбларини синаш учун

атайлаб «бахс»ни бошлаб берди. – Аҳмед эса эртаси кун
дорихонага борган, нима бўлганини бошқалардан су-
риштирган, буни гувоҳлар ҳам тасдиқлаб турибди.

– Балки бу муғомбир кампир билан тил бириктириб
олгандир. Ўзига «алиби» тўқиш учун кампирни қўлга ол-
гандир, – Маъмурнинг фикри бироз ишончсизроқ чиқди.

– Йўқ, бунақа бўлиши эҳтимолдан йироқ, – «ўзгача»
фикрлашда давом этди Жўрабой. – Алик чиндан ҳам эр-
таси кун дорихонага борган. Нима бўлаётганини билиш
учун қизиққан. Одатда ҳар қандай қотил воқеа жойига
келишга, қидирув ишлари қандай бораётганини билиш-
га ҳаракат қилади. Ёдингизда бўлса «Жиноят ва жазо»да
Раскольников кампирни ўлдириб қочиб кетади. Лекин
бир муддат ўтиб, бошини у ёқдан бу ёққа уриб, нима қи-
ларини билмай, қизиқиши ортиб, воқеа жойига қайтиб
келади, ташқаридан туриб, кампирникида нималар со-
дир бўлаётганини кузатади... Худди шундай Аҳмед ҳам
чидаб туролмаган, дорихонага келганини сезмай қолган.
Кампирни гапга тутиб, ҳар эҳтимолга қарши ўзига гувоҳ
хозирлаган. Лекин мени бошқа савол қийнамоқда. Аҳмед
Луқмонни ўлдириб, нимага эришади?

– Жўрабой қизиқсан-а, – деди Маъмур кулимсираб,
– Аҳмед аламзада! Ўзинг ўйлаб кўр, шунча катта пул
тўлаб, тагин қамалиб кетиш кимга алам қилмайди. Усти-
га устак, қамокдан қайтиб келгандан сўнг пулимни бер,
деб борса, «ҳайда эшагингни!» деб олдиларига солиб
қувишса, бундан ортиқ ҳақорат борми? Бундай пайтда
одам фойда зиёни ўйлаб ўтирадими? Икки кўзи қонга
тўлиб, аламидан чиқишни ўйлайди.

– Маъмир ака, кўрдингиз-ку, Аҳмед жуда унақа аҳмоқ
одамга ўхшамайди, – Жўрабой ўз фикрини асослашга
уринди. – Луқмонни ўлдирса, у ҳовлисида ботомом
ажралади-ку. Шарифхўжа уйни унга ҳеч қачон қайтар-
майди. Иккинчидан, Луқмонни ўлдирса, у биринчилар-
дан бўлиб, шубҳа остига тушишини тушунмайди дей-
сизми?

– Ука, мол аччиғи – жон аччиғи! Бундай пайтда одамнинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади. Пичоқни ишга солади.

– Яхши, барча фикрлар диққатга сазовор, – гуруҳ раҳбари мунозарани чуқурлаштиргиси келмади. – Менда ҳам иккиланиш бор: юрагимнинг бир бўлаги Аҳмед қотил деса, қолган қисми уни жабрдийда, деб ҳисобламоқда. Нима бўлганда ҳам ҳозирча қўлимизда Аҳмедга нисбатан деярли ҳеч нарса йўқ. Кўрсатувларини яхшилаб текширсак, бирор нарса чиқмаса...

– Нима, уни яна қўйиб юборамизми? – ташвишга тушди Маъмур. – Қочиб кетса, ким жавоб беради?

– Терговчининг боши ҳар доимо кундада! – кулди Санжарбек. – Аввалло, қочмас, қочиб қаерга ҳам борарди!

* * *

Санжарбек уйидан чиқиши билан қўл телефони жиринглади. Экранда «Бош прокурор қабулхонаси» деган ёзувни кўриб, сергакланди:

– Ассалому алайкум.

– Раҳмонов, ўзингми? – нариги тарафдан эркак кишининг йўғон ва виқорли овози эшитилди.

– Ҳа, Санжар Раҳмоновман... эшитаман...

– Мен Анвар Тўраевичман. Қаердасан?

– Анвар ака, яхшимисиз? – терговчи Бош прокурор ёрдамчисини овозидан таниди ва негадир юраги «шиғ» этиб кетди. – Ишга кетаётгандим... ака...

– Ман ўзимдаман, бир кириб ўтасанми?

– Тушунарли, ўн дақиқада етиб бораман.

– Келишдик.

Санжарбек машинасига ўтириб, прокуратура тарафга йўл олар экан ҳаёлидан юз хил ўй ўтди: Бош прокурор нимага чақирган бўлса? Бирортаси шикоят қилдимикан? Ё Фахриддин Каримович масаласида бирор ишкал чиқдимикан? Тоҳир Ғафуровичнинг хабари бормикан?

Қирқ беш ёшларни қоралаган бўлса-да, сочларига битта ҳам оқ ораламаган, юзлари тиниқ, кийган либоси ўзига ярашган, салобатли полковник Санжарбекни илиқ қаршилаб, бағрига босди:

– Э-э-э, Раҳмонов бормисан? Одамни соғинтириб қўйдинг-ку, ука!

– Ассалому алайкум! Анвар Тўраевич, ўзингиз яхшимисиз? – Санжарбек ёрдамчининг баланд овозда бемалол гапиришидан Бош прокурор хонасида йўқлигини фаҳмлади ва йўлда келаётгандир, деган ўйга борди.

– Бундоқ бир отамлашайлик, деб қачон сўрасам хизмат сафарида дейишади, тинчликми ўзи? Ё ўша ёқларда бирорта ёшроғини топиб олдиларми, дейман-да, – ярашиқсиз ишшайди ёрдамчи.

– Хизматчилик-да, Анвар ака, терговчилик шунақа касб экан...

– Ҳазиллашдим. Биламан, бизниям суягимиз терговчиликда қотган, ука! Ойлаб уй бетини кўрмаганмиз! Ничего, ёшлиқда ҳамма нарсаярашади! Ҳаммасига вақт топа билиш керак!

– Ҳаракат қиляпмиз, – деди Санжарбек ёнидаги валламатнинг нима демоқчи бўлаётганини англаб етмасада.

– Фахриддин Каримович қандай экан? Ётганмикан Худо деб?

– Ҳа, яхши эканлар, – Санжарбек жавоб беришга бериб, мясига «Борганимни қайдан билди экан?» деган ўй келди. – Сизга ким...

– Биламиз-да, ука! Лекин ким нима деса, деяверсин, тўғри қиласан, устозни йўқлаш – савоб. Лекин шу болага жабр бўлди-да! Вилоятга ишга борганда «Ҳой йигит, кўзингга қара, бу ер сенга Тошкент эмас, чегара ҳудуд, нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма!» деб неча марта айтдим. Одам деган ким билан, қандай муомала қилишни билиши даркор! Беҳуда чираниш, кимга керак! Майли, қўявер, ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади. Ўзингнинг ишларинг яхшими?

– Мирзо Улуғбек туманида тергов гуруҳида...

– Хабарим бор, – деди Анвар ён дафтарини варақлаб,
– тиббиёт академиясидан «окахон»лар чиқишганди...
Жуда ишончли, ўзимизнинг йигитлар. Шуларга ёрдам
қилиш лозим. Чақириб, бошини қотириб юришмасин...

– Тушунмадим, Анвар Тўраевич, нима биз уларни ўй-
нашга чақиряпмизми? – деди терговчи кўзини чақчай-
тириб. Унга ёрдамчининг «Чақириб, бошини қотириб
юришмасин», дегани қаттиқ малол келгани сезилиб ту-
рарди.

– Қотилликни тергов қилаётган экансизлар..., – ҳам-
сухбатининг жаҳли чиққанини сезиб, Анвар сал «паст-
лади». – Санжарбек, улар одам ўлдирмаган... Ҳа, энди
ўқишга киритиш масаласида манга, санга ўхшаган «ока-
хон»ларга ёрдам қилган бўлса, қилгандир. Сен қотилни
изласанг-чи!

– Улардан бири қотилликда гумон қилинмоқда, ўзи
қочиб юрибди, ахир.

– Қаёққа қочади! Керак бўлса эртага енингга ооради...

– Майли, келсин, тергов қилиб кўрайлик, айби бўлма-
са, тўрт томони қибла, кетаверади. Анвар ака, ҳурматин-
гиз бор, – Санжарбек муросаю мадора қилишга ҳаракат
қилди.

– Кимнидир ўқишга киритаман, деб ўхшамай қолган
экан, лекин пулини тўла қайтариб берибди-ку.

– Ўша пулни вақтида қайтармагани одам ўлимига са-
баб бўлган-да!

– Манга қара, Санжарчик, қотиллик билан шуғуллан-
санг-чи! Талабалар қабулига бурун суқиш шартми? Қи-
чимаган жойни қашиб нима қиласан!

– Анвар Тўраевич, олдин текшириб кўрайлик, қотил-
ликка алоқаси бўлмаса... улар билан нима ишимиз бор...

– Эй, Санжарбек, текширсанг текширмасанг, улар
қотиллик қиладиган инсон эмас. Яхшиси, анавини оч,
– жойида ўтирганча буйруқ берди Анвар бурчакдаги
шкафни кўрсатиб.

– Тушунмадим...

– Братишка, намунча довдирайсан, шкафни очсанг-чи!

– Хўп, ака! – Санжарбек истар-истамас ўрнидан туриб, шкафни очди.

– Коробкани чиқар!

– Бу нима Анвар Тўраевич? – терговчи коробкани шкафдан чиқариб, стол устига қўйди. – Соатми?

– Узумини е, боғини суриштирма! Уйга бориб очиб кўрасан, – тиржайди амалдор, – суюрприз!

– Ия, бу нима қилганингиз ака, одамни уялтирманг-эй!

– Қўрқма, каттанинг хонасидаги соат бузилган экан, шуни устага кўрсатиб, созлаб... дегандай... На мунча қўрқмасанг!

– Шунақа демайсизми? Нимаймиш деб ўйлабман, – деди Санжарбек соддалик билан.

– Бунча ғалча бўлмасанг, – кулди Анвар, – чиқишингда бирортаси сўраса, шундай дейсан! Коробканинг ичида соат эмас, кўкидан 200 бор... бу ҳали хамир учидан патир, кам десанг яна қўшади...

– Э, Анвар Тўраевич, сиз менга пора таклиф қил-япсизми? – Санжарбек ток ургандай коробкадан қўлини тортиб олди, унинг азои-бадани қалтирарди. – Бу нима қилганингиз?

– Эй, ука, бунча таранг қилдинг, ўзлари чин кўнгилдан бераётган бўлса, индамай олиб қўявермайсанми? Сендан от билан туя талаб қилаётгани йўқ-ку! Қонунсиз иш қил, дейилмаяпти-ку! Бор-йўғи иккита хурматли домлага ёрдам қилиш сўраляпти!

– Ака, хурматингиз бор, қўйинг, мени бунақа ишларга аралаштирманг! – Санжарбек жаҳл устида шартта бурилиб, ортига қайтди.

– Тўхта, – Анвар ўрнидан туриб, терговчига яқинлашди, – ҳазилниям тушунмайдиган қанақа боласан-а! Сани тузук йигит деб юрсам... ғирт чапани экансан-ку! – беписандлик билан ҳиринглаб, ҳамсуҳбатининг елкасига

қоқди у. – Ким сенга шунча пулни бериб қўяди, корбқада осма соат бор... ҳе-ҳе-ҳе!

– Майли, ака, менда бошқа хизмат бўлмаса... ишга боришим керак, – терговчининг арази ёзилмаганди.

– Бўпти, братишка! Ўзингга қара, «катта»га сенга тайинлаганимни айтиб қўяман! – деди ёрдамчи терговчининг қўлини маҳкам қисиб.

– Омон бўлинг! – Санжарбек қовоғи осилиб хонадан чиқди. Узун йўлак бўйлаб, шахдам одимлаб кетаркан ўз-ўзига «Ҳэ, ўргилдим сендай олифтадан, ким буларга ишониб мансаб бериб қўйган-а!» деб қўйди.

Санжарбек машинага ўтириб, туман прокуратураси томон кетар экан кўз ўнгидан ёрдамчининг тунд ва совуқ башараси кетмади: тавба, наҳотки, Бош прокурорнинг ёнгинасида шунақа бетамизлар ин кўриб олган бўлса! «Катта»нинг ўзи билармикан? Шундоқ бағрида чаён асраётганини наҳотки, сезмаса! Садқаи прокурор кет! Кўкидан 200 минг бермоқчи бўлдими? Шунча доллар-а! Бизларга ўхшаганлар умр бўйи ишлаб, йиғинса ҳам шунча пулни топиши қийин! Ёки «200» дегани икки юз ёки икки минг доллар деганимикан? Йўғ-э, шундай бўлганда арзимас пулни катта коробқага солиб ўтирмаган бўларди... Оғирлигига қараганда коробқада анчагина нарса бор эди. Балки ҳазиллашгандир. Коробқадаги чиндан ҳам соатдир. Лекин кап-катта прокурор одамнинг шунақа меъмани ҳазил қилиши ақлга сиғадиган ишми? Йўқ, у муғомбир кўнса чин, кўнмаса ҳазил қабилида иш тутгани аниқ! Таклифини қатъий рад этиб, «узиб» ташлаганим учун гапни ҳазилга бурди. Бу Охун деганлари ҳам шайтоннинг ўзгинаси экан-да! Йўқ, менимча, бу ерда Охун катта фигура эмас. Кеча масъул котиб Рустам Ризаевични сўроққа чақиргандик. Буларнинг ҳаммаси ўша бойваччанинг иши. Охунни бир четга «қочириб» турган ҳам, ҳаммасини «бости-бости» қилишга уриниб, «окахон»ларига қоп кўтариб, чопиб борган ҳам шу одам.

Охун унинг олдида кичик зарра, югурдакдай гап. Шу арзимаган «иш» учун икки юз минг доллар бермоқчи бўлганини қаранг-а! Йўғ-э, икки юз минг менга тегиши лозим бўлган улуш, Анварнинг улуши ҳам шундан кам бўлмаса керак! Демак, тўрт юз минг, бошқача айтганда қарийб ярим миллион долларни тортиқ қилмоқчи бўлган! Айтишга осон, оғзининг бир бурчагидан чиқиб кетади. Шунча пулни ҳеч иккиланмасдан бермоқчи, сабаби бордир! Ё қотил шу хезалакмикан? Йўғ-э, Анвар «Улар қотиллик қилмаган, ўқишга киритиш масаласида ёрдам қилсанг бўлди», деди-ку. Бундан чиқди, Охун ва унинг шериклари ўқишга киритишни коррупцияга айлантириб олган эканлар-да! Тиббиёт академиясига ўқишга кириш учун 20-30 минг доллар пора берилади», деган гапларда ҳам жон бор экан-да! Ана пулни қаердан олишган? Топишда беллари оғримаган беришга юраклари ачирмиди! Ҳаммаси тушунарли... Буларнинг мақсади ўқишга қабул қилишда мавжуд «тизим»ни бузмаслик. Тизим сақлаб қолинса, бир мавсумда бундан кўпроқ маблағ ишлаб олишади. Биздан ҳайиқишининг сабаби ҳам шу бўлса ажабмас...

* * *

Санжарбек прокуратура дарвозасидан кираркан ҳовлида у ёқдан бу ёққа юриб, тоқатсизланаётган қирқ беш-эллик ёшлардаги посон кийинган тепакал кишига кўзи тушди. «Рустам Ризаевич деган валламо шу бўлдимикан, вазирдай башанг кийиниб олганини қаранг?» деган ўйда хонасига кўтарилди. Адашмаган экан, эшик ёнида унга пешвоз чиққан Умиджон суюнчи олди:

– Санжар ака, келдингизми? Масъул котиб келган, ташқарида бир ярим соатдан бери кутиб турибди. Жуда бетоқат... ишга боришим керак, дейди.

– Нега ўзларинг сўроқни бошлаб турмадинглар?

– Унамади... Фақат сиз билан гаплашар эмиш. Жуда «осмон»да!

– Қулоғидан тортиб, пастга тушириб қўймайсизми? – ҳазиллашди гуруҳ раҳбари. – Чақиринг, гаплашиб кўрайлик-чи!

– Ҳа, дарвоқе, Таълим инспекцияси ва давлат тест марказидан жалб қилинган мутахассислар Академиянинг икки йиллик талабалар қабул жараёнини ўрганиб чиқишди. Эрталаб текшириш далолатномасини менга топшириб кетди, – Умид қўлидаги қоғозга ишора қилди.

– Хўш, хўш, хўш... фактлар тасдиқланибдими? – қизиқди гуруҳ раҳбари.

– Юз фоиз! Қаранг, ўтган йили Академияга жами бир минг икки юзта қабул режаси берилган ва шунча талабга ўқишга қабул қилинган. Кейинроқ, сентябрь ойи охирларида яна беш юзта қўшимча жой ажратилган. Октябрь ойи охирларида Академияга тағин қўшимча равишда уч юзта жой берилган. Ва ниҳоят, декабрь ойида тағин тўрт юзта қўшимча ўрин олинган. Бир ўқув йилида жами бир минг икки юз нафар абитуриент тўлов-шартнома асосида қўшимча ўринларга ўқишга қабул қилинган.

– Ўқишга кириш нархи йигирма беш-ўттиз минг доллар деганмидингиз? – гуруҳ раҳбари стол устидаги калкуляторни қўлга олди. – Бир кишига келинг, йигирма-беш ёки ўттиз минг, деб ўтирмасдан ўртача йигирма минг доллар деб ҳисоблайлик... шунда оз-эмас, кўп эмас нақд йигирма тўрт миллион АҚШ доллар бўларкан.

– Йўғ-э, бирорта рақам қўшилиб кетмадими? Балки икки миллион тўрт юз мингдир, – деди Умид калкулятордаги рақамларга термилиб.

– Майли, қайтадан ҳисоблаб кўрамиз, – Санжарбек калкулятордаги ёзувларни ўчириб, такрор рақамларни чўтга солди. – Бир минг икки юз киши, ўртача йигирма мингга кўпайтирамиз... баробар – бирлар... ўнлар... юзлар... ўн миллион... тўппа-тўғри йигирма тўрт миллион чиқяпти!

– Шунча пул-а! Бу каттагина бир туманнинг бюджетига тенг-ку! Қойил! – ёш терговчи таассуфдан лол эди. –

Беш-олтига, борингки, ўнга тақсимланганда ҳам ҳар бир кишига қарийб икки ярим миллиондан тушяпти! Шунча пулни одам нима қилиши мумкин? Ёрилиб, ўлмайдами? Бола-чақаси тугул, етти авлод-аждодига етади!

– Бу ҳали уларнинг бир йиллик даромади, қолганини ҳисоблаб чиқаверасиз! Ана, валламатлар қаердан пайдо бўлади?! – шу тобда Санжарбекнинг кўз олдига «Бу ҳали ҳамир учидан патир», дея ишшайиб турган Анвар Тўраевич ва унинг «бузуқ соати» келди... Соддалик ҳам, ғалчалик ҳам эви билан-да! Анвар «кўкида икки юз» деганда икки юз минг долларними ёки икки юз долларни назарда тутганини фараз қилиб, қийналиб юрганидан уялиб кетди. Миллионлаб долларлари бор одам учун икки-уч юз минг доллар чўнтакда юрадиган сариқ чақадай гап бўлса керак!

– Уларни ҳам она туғади, давлат ўқитади, Ватан ўз бағрида улғайтиради. Мансабга эга бўлгач, худди осмондан тушгандай ҳаммаси ёдидан чиқади... Ҳаммаси ўз-ўзидан бўлиб қолгандай тамоман бошқа одамга айланиб қолади, нафс балосига йўлиқади. Давлат, халқ, элни эмас, фақат ўзини ўйлаб қолади. Мансабга ёпишади, ундан кетмаслик учун ҳеч нарсадан тоймайди.

– Бу бемазагарчиликларга маълум маънода мавжуд тизим, қонунчиликдаги номукаммалликлар ҳам сабаб, – пайтдан фойдаланиб Санжарбек анча вақтдан бери дилига тугиб юрган мулоҳазаларни гапириб олмоқчи бўлди. – Биргина шу таълим соҳасини олиб қарайлик, яхши ниятлар билан билимли болаларни саралаб олиш мақсадади қабул жараёнига тест тизимини олиб кирдик. Лекин одамлар тезда унинг мукаммал бўлмаган, заиф қирраларини топиб, ўзларига мослаштириб олишди. Тизим тескари ишлашга тушди. «Кўпқари» бошланди, ким ошди авжига чиқди. Бу ҳам етмагандай «қўшимча қабул» деган нарсани ўйлаб топдик. Билимсиз боланинг баҳосини сунъий ошириб, ўқишга қабул қилганимиз етмагандай, энди ўқишга киролмай қолган абитуриентлар

ўртасида «ким ошди» савдосини бошлаб юбордик. Хўп давлат қўшимча равишда ўқишга қабул қилмоқчи экан, тўлов-шартнома миқдорини ошириб қўйсин.

Одамлар порага берадиган пулларини контракт учун тўлаб, ўқишга кираверсин. Шунда битта олийгоҳдан йиғирма тўрт миллион доллар маблағ кимларнингдир чўнтагини қаппайтирмасдан, ўқув юрти хазинасига тушган бўларди. Бу пул олийгоҳнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатини ошириш, профессор-ўқитувчилар иш ҳақини кўтаришга сарфланса, қандай ажойиб иш бўларди!

– Гапингиз тўғри, лекин сиз билан мен... қандай қилиб...

– Ана, кўрдингизми, ҳаммамиз шундай фикрлаймиз... Бу менинг ишим эмас, менга нима, деб ўзимизни четга оламиз. Майли, қўйинг Умиджон, «Шум бола»даги чоллар айтмоқчи «сиёсатга аралашмай» қўя қолайлик. Бировларнинг чўнтагидаги ақчани ҳисоблашдан бизга нима наф, – гуруҳ раҳбари мавзунини ўзгартирмоқчи бўлди. – Яхшиси, иш ҳақимизни қачон оширишларини ўйлайлик...

Кулишди. Санжарбек бироз ўйланиб туриб, ҳамкасбига яқинлашди:

– Биз ўз ишимиздан чалғимаслигимиз лозим. Биринчи навбатда, бу жиной гуруҳнинг қотилликка алоқадорлиги масаласини ўрганишимиз шарт. Йўл-йўлакай сиз айтгандай мутахассислар талабалikka қабул жараёнининг қонунийлигини ҳам текшириб беришса, тўданинг кирдикорларини кўпроқ англашимизга, бу муттаҳамларнинг асл башарасини очиб ташлашга муваффақ бўлардик. Нима дедингиз?

– Албатта, – қувватлади Умид, – мана кўрасиз, қотилликнинг учи шу аблаҳларга бориб тақалади. Ахир, шунча пули бор одам учун бир одамни бартараф қилиш пашшани мажақлагандай гап-да! Бир аҳмоқни топиб, қўлига кўкидан ўн минг тутқизса, одам ўлдириш у ёқда турсин, баттарини ҳам қилади.

– Гапингиз тўғри, аммо мени бошқа нарса хавотирга солмоқда, шунча пули бор, кети тегирмон тугул атом электростанциясини ҳам айлантиришга қодир кимсалар бизга қабул жараёнларини текширишга бериб қўярми-кан?

– Нима, қаршилиқ қилади, демоқчимисиз?

– Ҳар ҳолда мутахассисларингизни нон-туз билан кутиб олмаслиги аниқ. Тўда фош бўлмаслиги учун жон-жаҳдлари билан курашади, лозим бўлса, тепадаги «окахон»ларини ишга солади! – Санжарбек бир хаёл ҳам-касбига эрталабки воқеани гапириб бермоқчи бўлди-ю, яна нималарнидир ўйлаб фикридан қайтди. – Пул бўлса, чангалда шурво, дейишади.

– Бу гапингизда ҳам жон бор, – Умид ўйланиб қолди, – яхшиям терговни Бош прокуратура олиб боряпти, бизларни яқинларига ҳам йўлатмасликлари аниқ эди.

– Бош прокуратура денг! Нима, у ердагилар бошқа сайёрадан келганми? Улар ҳам одам...

– Ҳар ҳолда ҳурматларингиз бор... Унча-мунча одам ҳайиқади.

– Омон бўлсак кўраверамиз-да! Майли, кўчадаги «авлиё»ни чақиринг, кўрайлик-чи, нима каромат кўрсатар-кан.

Умид хонадан чиқиб, зум ўтмай «меҳмон»ни бошлаб келди.

Салом-аликдан сўнг Санжарбек шошилмасдан гувоҳнинг шахсига аниқлик киритди ва мақсадга кўчди:

– Рустам Ризаевич, Охун Парпиев билан муносабатларингиз қандай?

– Охун билан бирга ишлаймиз... иш юзасидан гаплашиб турамиз... эл қатори...

– Биздаги маълумотларга қараганда у билан анча қалин экансизлар... Оилавий борди-келдилар, меҳмондорчилик дегандай... – Санжарбек гувоҳнинг асабини синаш, руҳиятига таъсир қилиш мақсадида мавҳум саволлар беришни бошлади.

– Тўғри, Охун шогирдимиздай гап, борди келдимиз ёмон эмас... Энди анча йиллардан буён бирга ишлаймиз,
– хотиржамлик билан жавоб берди гувоҳ.

– Сиз унинг Луқмон деган улфатини ҳам танийсизми?

– Қанақа Луқмон? – деди гувоҳ ўзини таажжублангандай кўрсатиб. – Танимас эканман. Битта-яримда дўстлари билан тўй-маракада учрашганмиз... Кўрсам танишим мумкин, аммо исмларини билмайман.

– Охун шу одамни ўлдиришда гумон қилинмоқда, терговдан қочиб юришининг сабаби ҳам шунда...

– Ким қочиб юрибди? Тушунмадим...

– Нимани тушунмайсиз, Охуннинг терговдан қочиб юрганини яхши биласиз-ку! Нимага талмовсираяпсиз?

– Ҳазиллашяпсизми укажон, боягина ишда ўтирган-ди-ку...

– Ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Албатта, гаплашдим, бир иш билан водийга бориб келдим, деди.

– Телефонлари ҳам ўчирилган эди-ку!

– Бўлиши мумкин эмас, унинг телефони йигирма тўрт соат ишлаб туради. Балки сизлар қўнғироқ қилган пайт телефонининг қуввати қолмагандир ёки хизмат доирасидан ташқарида бўлгандир.

– Қани унга қўнғироқ қилиб кўринг-чи?

– Марҳамат, – гувоҳ чўнтагидан қўл телефонини чиқариб ёқди ва нуқул еттилардан иборат башанг рақамлардан бирини терди:

– Ало, Охунжон яхшимисиз? Ишдамисиз?

– Ҳа, ишдаман, устоз! Нимайди, бирор хизмат борми?
– телефон овози хонадагиларга бемалол эшитилиб турарди.

– Хизмат йўқ, аммо... – Рустам телефоннинг овоз эшитиладиган жойини қўли билан ёпиб туриб, терговчига юзланди, – нима дей?

– Қани менга беринг-чи! – Санжарбек гувоҳнинг қўлидаги телефонни олди: – Жаноб Парпиев, мен тергов-

чи Раҳмоновман. Сизни шу атрофда бўлиб тулинг, деб огоҳлантиргандик, қаёққа кетиб қолдингиз? Нима учун терговдан яшириниб юрибсиз?

– Э-э-э, узр сўрайман... бир юмуш билан Наманганга бориб келишга тўғри келиб қолди-да. Огоҳлантиришга ҳам улгурмадим. Бугун эрталаб қайтгандим. Энди ёнингизга ўтмоқчи бўлиб тургандим... узр...

– Тезда прокуратурага етиб келинг, биз кутяпмиз! – терговчи гапни мухтасар қилиб, телефонни Рустамга узатди.

Орага бир муддат жимлик чўкди. Санжарбек негадир ўзини оғир юк босгандай, ҳаво етишмаётгандай ҳис қилаётгани учун секин ўрнидан туриб, деразани очди. Августнинг салқин шабадаси кўксига урилиб, нафасини ростлаб олди. Сўнг ўрнига қайтиб, эрталабки нохуш суҳбатдан сўнг сўрашга қийналиб турган саволни беришга жазм қилди:

– Рустам Ризаевич, масъул котиб сифатида бир йиллик даромадингиз қанча?

– Иш ҳақимизни сўраяпсизми? Худога шукр ойлигимиз икки-икки ярим миллиондан ошади.

– Икки ярим миллион доллардами?

– Йўғ-э, ҳазиллашяпсизми, укажон?! Ўзимизнинг сўмда.

– Иш ҳақингизни сўраётганим йўқ. Масъул котибликдан топадиган даромадингизни сўраяпман.

– Гапингизга тушунмадим... Масъул котиблик учун алоҳида ҳақ тўланмайди.

– Мана, қаранг, ҳар йили қўшимча ўринларга бир минг икки юз абитуриент қабул қилинарган. Бизнинг кузатувларимизга кўра, тиббиёт академиясига ўқишга киришнинг бозор баҳоси йигирма беш-ўттиз минг долларни ташкил қилар экан. Ҳа, ана келинг, ўртача йигирма минг доллар, деб ҳисоблай қолайлик. Шунда бир минг икки юз талабгордан йигирма тўрт миллион доллар пул йиғилади. Шундан шахсан сизга қанчаси тегади?

– Э-э, оғзингизга қараб гапиринг, мени ким деб ўйла-
япсиз? – деди домла хуноби ошиб. – Ўйлаб гапиряпсиз-
ми? Шунча пул қаерда бор экан? Қачондан бери проку-
ратурадагилар кўчанинг гапига ишонишади. Мен... мен
йигирма йилдан буён шу ерда ҳалол-пок ишлаб келаман.
Бунақа пулни кўрмаганмиз ҳам, эшитмаганмиз ҳам. Э,
тавба қилдим, қаердан топишади бунақа беъмани гап-
ларни.

– Тан олгингиз келмайди, – деди Санжарбек совуққон-
лик билан, – майли, унда текшираимиз. Бугундан мутахас-
сислар ишга киришиб, икки-уч йиллик қабул жараёнини
ўрганиб чиқишади.

– Майли, текши-и-иришсин... – гувоҳнинг хитоби
ишончсизроқ чиққандай бўлди. – Камчиликларимиз
бўлса бордир. Иш бор жойда хато бўлади. Аммо сиз айт-
ган пуллар тушимизга ҳам кирмаган, бировдан пул олиб,
ўқишга киритиш ҳаёлимизга ҳам келмаган.

– Дўстингиз Охун Парпиев бир йилда қанча кишини
ўқишга киритади? – терговчи «хужум»га зўр берди.

– Унинг қабул комиссиясига ҳеч қандай алоқаси йўқ...,
– деди Рустам кўзлари пирпираб. – Бировни ўқишга ки-
ритиш унинг қўлидан келмайди. Кимнидир алдаб, пули-
ни олган бўлса – олгандир.

– Умиджон, Охун Парпиевни қамоққа олиш санкция-
си тайёрми? – деди гуруҳ раҳбари ҳамкасбига яширинча
кўз қисиб.

– Албатта, тайёр! – деди ёш терговчи ҳозиржавоблик
билан. – Бугун унга нисбатан қидирув эълон қилмоқчи
эдик, хайрият ўз оёғи билан келиб қолибди.

– Нима, Охунни қамайсизларми? – домланинг капала-
ги учиб кетгани сезилиб турарди. – Ахир.. у.. минг қилса-
ям қадрдон дўстимиз... улфатимиз...

– Ҳозирча сизни сотгани йўқ, аммо икки, кўпи билан
уч кун ўтса, порани кимга берганини оқизмай-томизмай
айтиб беради. Майли, ҳозирча сизга рухсат, текширишга
таёргарлик кўраверинг.

Рустам ўтирган жойида тошдай қотиб, тили калимага келмай қолди.

– Бўпти, Рустам Рирзаевич, сизга рухсат, кетишингиз мумкин, – такрорлади терговчи.

– Укажон, сиз билан икки дақиқа ҳоли гаплашиб олса бўладими? – деди гувоҳ пичирлаб. – Маслаҳатингизни олмоқчи эдим...

– Сўрайверинг, мени Умиджондан яширадиган сирим йўқ, бемалол гапираверинг!

– Илтмос... икки дақиқа... укажон, – гувоҳ нажот кўзи билан Умидга тикилди.

– Бемалол, бемалол, ҳожатга чиқмоқчи бўлиб тургандим, – Умид ўрнидан туриб, эшик томонга юрди.

– Санжаржон, сиз мени танимадингиз шекилли, – ҳоли қолишгач, гувоҳ шивирлаб гапирди: – Анвар Тўраевич... сизга салом айтгандилар...

– Саломат бўлсинлар! Сиз ҳам у кишига салом айтиб қўйинг, – бепарволик билан деди терговчи қоғоздан кўз узмай.

– Энди ука... ўзингиздан қолар гап йўқ... биз хизматдан қочадиган, гап-сўз қилиб юрадиган йигитлардан эмасмиз? Кам бўлса...

Санжарбек яшин ургандай қалқиб тушди, қоғоздан бош кўтариб, еб қўйгудек гувоҳга тикилди.

– Камчилигимиз бўлса тўлдирамиз!!!

Терговчининг вазоҳатини кўриб, масъул котиб сўзини тўғрилашга ҳаракат қилди:

– Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз... Уч кунлик дунёда бир-биримизга ёрдам қилганимиз, қўллаб-қувватлаганимиз қолади... Яхшиликка нима етсин! Сиздан угина, биздан бугина деганларидай...

Терговчи унинг нимага шаъма қилаётганини тушуниб, қаҳри келди:

– Рустам Ризаевич, кап-катта раҳбар одамсиз, уялмай-сизми? Кимга нима берган бўлсангиз, қайтариб олинг! Менга унақа хунарингиз ўтмайди! Ҳаммани пул билан

сотиб оламан, деб хомтама бўлманг! Мен сизнинг садақангизга зор эмасман! Худога шукр, ота-онамиз бизга ҳаром луқма едирмаган, тушундингизми?

– Нима, бу билан бизларни ҳаромхўрга чиқаряпсизми? – Рустамнинг ранги ўзгарди, кал бошидан тер қуюлди. – «Окахон»лар айтди, ҳурматингизни қилиб, ёнингизга келдим. Бизлар ҳам ердан чиққан қўзиқорин эмасмиз. Олдингизга ҳақорат эшитишга келганим йўқ. Бақани ҳам боссанг, «вақ» дейди. Сиз билан тил топишамиз, деб ўйлагандим, адашган кўринаман! Омон бўлинг! – у шахд билан ўрнидан туриб, эшик томонга юрди.

Санжарбек нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, аммо бу инсон билан баҳслашиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, индамай қўяқолди.

– Хўш, Санжар ака, катта нарса таклиф қилдимиз? – хонага кириб келган Умид гапни ҳазилга бурди. У «маслаҳат» нима ҳақида кетганини ўзича фараз қилганди.

– Яхшилаб жойингизга ўтириб олинг, айтсам йиқилиб тушасиз, – гуруҳ раҳбари эрталабдан ичини қиздираётган «сир»ни ҳамкасбига айтиб, енгилашмоқчи бўлди. – Эрталаб мени «тепа»га чақиришганди. Бордим. Ҳурматли «окахон»имиз тиббиёт Академиясининг қабул жараёнига аралашмаслик эвазига кўкидан икки юз минг пора таклиф қилди...

– Икки юз минг! – Умиднинг қисик кўзлари хонасидан чиқиб кетай деди.

– Кам десанглар, яна шунча қўшаман, деди! – Санжарбек гапи таъсирли чиқиши учун жиндек муболаға қўшди.

– Сиз нима дедингиз?

– Менинг ўрнимда бўлганингизда сиз нима қилган бўлардингиз?

– Албатта, «йўқ» деган бўлардим... Тинчлик керак, ака!

– Мен ҳам шундай йўл тутдим!

– Аммо, чакки қилибсиз-да, – деди Умид оғзининг таноби қочиб, – ҳеч бўлмаса икки мингини олавермасиз-да! Минг-мингдан бўлиб олардик!

- Минг долларни нима қиласиз? - кулди Санжарбек.

- Ака, уйланишим лозим, қизнинг онасига «сут пули»-га камида минг доллар бериларкан, шуни тополмай бошим қотиб турганди...

- Она сути энг ҳалол луқма ҳисобланади. Порага олинган пулни берсангиз уят бўлади. Қўйинг, куйинманг, «сут пули»ни бир амаллармиз. Асосийси қиз борми, розими?

- Қиз бор, ўзи ҳам, ота-онаси ҳам рози... Фотаҳа қилиш керак экан... ўша пайти бермаса бўлмас экан!

- Келин бўлса, ота-оналар рози бўлса, пул топилади... Тўйни бошлайверинг, биргалашиб амаллаймиз... тўй кўчиликники!

- Дунёнинг ишларини қаранг, - Умид шу кунларда пулдан сиқилиб юрган экан шекилли, «ичи»ни очди, - инсофли бир бурда нонга зор, ноинсоф пулини қаерга қўйишни билмайди. Ҳалол одам товукхонасини қандай битириб олишни ўйлаб, сиқилади, харомдан ҳазар қилмайдиганлар қўша-қўша уй қуради, қўша-қўша машина олади... Ота-онам ўқитувчи... Мендан ташқари укаларим ҳам бор... Уларни ҳам едириш-ичириш, кийинтириш лозим... Тўй харажатлари ҳам адо бўлмас экан... Бу ёғини тўғриласанг, бу ёғидан қайнаб чиқиб келаверар экан... Менинг иш ҳақим ўзимдан ортмайди... Ҳамма оғирлик уларга тушаётганини кўриб, юрагим эзилиб кетади... Бир хаёл ишни ташлаб, бизнесга ўзимни урайми деб ўйлаб қоламан. Мактабни зўрға учга битирган айрим синфдошларимиз ўз бизнесини йўлга қўйиб олишга улгуришди... Егани олдида, емагани ортида... Баъзан уларга ҳавасим келади... Лекин нима қиламиз, танловимиз шундай бўлган... Шу касбга ёшликдан меҳр қўйдик, терговчи бўлишни орзу қилдик...

- Тўғри қилгансиз, - далда берди Санжарбек, - ҳар қандай касбда ҳам қийинчилик, муаммолар бўлади. Кейинчалик ҳаммаси ўз-ўзидан барҳам топади... Терговчилик касбини танлаганингиздан ҳеч қачон афсус чекмайсиз... Биласизми, ривожланган хорижий мамлакатларда энг

катта иш ҳақи юристлар билан врачларда бўларкан. Япония, Буюк Британия, Франция каби тарққий этган давлатларда касбдошларимиз ўн беш минг доллар иш ҳақи оларкан. Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлиб қолар! Давлатимиз мустақилликка эришганига эндигина йигирма йил бўлди. Сал оёққа туриб олайлик, Худо хоҳласа бизнинг ойлигимиз ҳам ўн минг доллардан кам бўлмайди. Унда оилавий муаммолар бизни сира қийнамайди. Ўғлингиз уйланганда «сут пули»ни чўнтагингиздаги майда пуллардан тўлаб юбораверасиз.

– Иншааллох, айтганингиз келсин! – Умиднинг чехраси очилгандай бўлди.

Эшик тақиллаб, киришга рухсат ҳам кутмасдан оғзи кулоғида Жўрабой кўринди:

– Ассалому алайкум! Умид ака бир пиёла чой беринг, роса томоғим қуриб кетди.

– Намунча, Саҳройи Кабирдан келяпсизми? – Умид стол устидаги чойнакдан пиёлага чой қуйиб, узатди, – Нима бўлди, бирор нарсани аниқлай олдингизми?

– Аниқлаганда қандай! – деди талаба чойни охиригача симириб. – Ўзиям Султон Сегизбоев хўжалиги дунёнинг бир чеккасида экан-да! Чўлга чиқиб кетдик. Паспорт эгасини топдим, ўзи, отаси, акалари билан гаплашдим. Асқарнинг отаси Тожиқул ака фермер экан. Ўтган йили Асқар тиббиёт академиясига ўқишга ҳужжат топширган. Тожиқул ака ўғлини ўқишга киритиш масаласида қишлоқда шифокор бўлиб ишлайдиган Абдурахим деган акага маслаҳат солган. У Охун билан институтда бирга ўқиган экан. Биргалашиб Охуннинг олдида келишган. Охун болани давлат грантига ўтказишга кўкидан йигирма беш минг сўраган. Ота шўрлик ноилож рози бўлган. Аммо Асқар тестда етарли балл тўплай олмаган. Охун дарғазаб отани «Ташвиш чекманг, қўшимча ўринларга ҳал қилиб бераман, болангиз, албатта, талаба бўлади», дея овутган. Декабрь ойига келиб Асқар тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган. Тожиқул ота миниб юр-

ган машинасини сотиб, Охунга хамир учидан патир қаби-
лида ўн минг доллар бериб қўйган экан. Буйруқ чиққач,
у отадан қолган ўн беш минг долларни тезда олиб ке-
лишни талаб қилаган. Чол ҳам анойи эмас, «Грант учун
йигирма беш мингга келишгандик, бола контракка кир-
ди, шунинг учун ўн беш минг доллар бераман», деб ту-
риб олган. Охун «Тийин-тийинигача бермасанг, боланг
ўқишдан кетади», деб пўписа қилган. Ота бор-будини
сотиб, яна беш минг тўплаган. Аммо Охун: «Тўлиқ қилиб
келмасанг, пулингни олмайман, қанчаси эшигимнинг
тагида навбат кутиб ўтирибди, улардан бирини ўқишга
жойлаб қўяман», дея пулни келтиришга ўн кун муҳлат
берган. Чол ўша йили катта харажат қилиб, анча жойга
пиёз эккан экан. Бозорда пиёзнинг нархи сариқ чақага
тушиб кетиб, кўзлаган даромадини ололмай қолган. Боз
устига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пиёз-
ни хорижий давлатларга экспорт қилиш тақиқлангани
фермерларга «қирон» келтирган. Тонна-тонна пиёз ом-
борхоналарда чириб, кейинчалик ахлатга ташлаб юбо-
рилган. «Агар шу пиёз ўлгурни четга чиқаришга рухсат
берилганда Россияга бориб пуллаб келган бўлардим,
Охунга ҳам талаб қилган пулини тийин-тийинигача са-
наб берган бўлардим», дея куюнди фермер. Хуллас, фер-
мер пулнинг қолган қисмини вақтида олиб боролмаган.
Натижада Охун Асқарни ўқишдан четлатган. Унинг ўр-
нига бошқа бола ўқишга қабул қилинган.

– Охун фермернинг пулини қайтарганмикан? – қизиқ-
ди гуруҳ раҳбари.

– Бошида «Сенлар мени шунча сарсон қилдинглар,
пулларинг тарқаб кетган, мен уни йиғиб беролмайман»,
деб Тожиқул отани роса сарсон қилган. Фермер «Пулим-
ни қайтармасанг, ректорга кираман, устингдан арз қила-
ман», дея тўполон қилгандан кейин Охуннинг попуги па-
сайиб, пулни бўлиб-бўлиб қайтариб берган экан. Шунақа
гаплар. Қолганини сўроқ пайти...

– Ота-болани қачонга чақирдингиз?

– Укасининг тўйи бўлаётган экан. Пешиндан сўнг етиб келишади.

– Жуда яхши, раҳмат Жўра!

– Ишонч учун сизларга раҳмат, – илжайди талаба.

Шу пайт навбатчи ички телефонда Охун Парпиев келганини хабар қилди. Гуруҳ раҳбарининг ижозати билан уни ичкарига олиб киришди.

– Ассалому алайкум, яна бир бор. Узр сал кечикиб қолдим.

– Келинг, ўтиринг, – Санжарбек қовоғини очмасдан жой кўрсатди. – Шунча ишни қилиб, қандай бемайлихотир сўппайиб юрганларингга ҳайронман! Сизни шу атрофда бўлинг, деб огоҳлантиргандик, сиз эса Наманганда ялло қилиб юрибсиз! Телефонларингиз ҳам ўчиқ, буни қандай тушуниш мумкин?

– Узр, ока, зарур иш чиқиб қолганди. Шунга боргандим... Ушланиб қолдим...

– Лукмондан Дониёрни ўқишга киритиш учун олган пулни Самиғнинг оиласига қайтарибсиз. Пулни Рустам Ризаевич тўладими? – Санжарбек кутилмаганда «хужум»ни бошлади.

– Йўғ-э... мен ўзим...

– Пулларингизни қаерда сақлайсиз? Бу пулдан хотинингиз ҳам беҳабар. Тинтувда ҳам уйингиздан пул топилмади.

– Унақа сақлайдиган пул ҳам йўқ... Уларга қайтарган пулни биттасидан қарзга олиб тургандим.

– Кимдан? Исми ким? Қаерда яшайди?

– Энди шу шартмикан... уни ҳам безовта қилиб...

Терговчилар бири олиб, бири қўйиб, «йигитнинг гули»ни роса «сиқув»га олдилар. Охун ҳам анойи эмас, «ҳа», «йўқ» деган қисқа-қисқа жавоблар билан тутқич бермай, чап беришга ҳаракат қилди. Санжарбек фермер ва унинг ўғлининг кўрсатмаларисиз бу «тойчоқ»ни «минги» қилиб бўлмаслигини тушуниб, танаффус қилишга қарор қилди.

– Яхши, ҳозирча етарли, – гуруҳ раҳбари ўрнидан қўзғалиб, Охунга яқинлашди. – Сиз нариги хонада кутиб турсангиз. Савол-жавобнинг қолган қисмини сал кейинроқ давом эттирамиз.

Умид Охунни нариги хонага кузатиб, тезда қайтиб кирди:

– Санжар ака, бу порахўрни қамоққа олмасак, шунақа ўйин кўрсатиб, бошимизни қотираверади. Ўтирамизми у билан пачакилашиб, айб эълон қилишга асослар етарли-ку!

– Тўғри айтасиз, – гуруҳ раҳбари ҳамкасбини қувватлади, Жўрабойнинг фермери келсин, уни сўроқ қилайлик, далилларни тўплаб, кейин сиз айтган ишга қўл урсак бўлади. Биласизми, мени бошқа нарса ташвишга солмоқда. Охунни, кетидан нари борса Рустам Ризаевични қамоққа тиқармиз, аммо уларнинг қотилликка алоқадорлиги қай даражада? Улар қўлларини қонга буламасликлари аниқ, пули етарли, киллер ёллаш эҳтимоли кўпроқ! Ақлли одам киллерни узоқдан, иложи бўлса, хориждан топади. Йигитларни ақлсиз ҳисоблаб бўлмайди. Демак, пулнинг бетига қараб ўтирмасдан қотилни Қозоғистон ёки Россиядан танлаши турган гап.

– Бу томони Тожикистон ёки Қирғизистон... – Жўрабой гап қўшди.

– Тўғри, демак, бу жанобларнинг айнан шу тўртта давлатда таниш-билишлари бор-йўқлигини текширишимиз, улар билан қачон, нима мақсадда алоқага чиққанини ёки учрашганини аниқлашимиз лозим.

Шу пайт навбатчи Оққурғон туманидан Тожиқул ва Асқар исмли шахслар келганини хабар қилди. Раҳбарнинг ижозати билан Жўрабой «меҳмон»ларни кутиб олиш учун кўчага чиқиб кетди ва зум ўтмай олтмиш-олтмиш беш ёшлардаги ота ва унинг йигирма ёшлардаги дороз ўғлини бошлаб келди. Қисқа муддали танишувдан сўнг терговчилар навбатма-навбат гувоҳларни сўроқ қилдилар. Ота-бола бошидан кечирган воқеалар

ни батафсил сўзлаб бериб, Охуннинг кирдикорларини
фош қилиб ташлади.

– Мана, Худо бор экан-ку, ҳаммасини кўриб турган
экан-ку! – деди чол асабини жиловломай. – Беш бар-
моғини ҳам оғзига тикқан бу муттаҳамни ҳам инсофга
чақирадиган бор экан-ку! Пулсиз отасига ҳам салом бер-
майдиган ноинсофлар! Шу бола пақирни дўхтир қилмоқ-
чи эдим. Шунча уриндим, бўлмади! Бу бемазалар олий-
гоҳни отасининг чорбоғига айлантириб олишган экан-а!
Хоҳлаганини киритади, хоҳламаганини кўчага ҳайдай-
ди! Ҳеч ким олдига чиқолмаса, ҳеч ким мушигини пишт
деёлмаса, қандай кунларга қолдик-а, садағанг кетай!

– Ота, хафа бўлманг, – Санжарбек чолни кўнглини
кўтаришга уринди, – насиб қилса, ўғлингиз ўқишини
давом қилади! Аввалло, унинг ўқишдан ҳайдалиш асос-
ларини ўрганиб кўрамиз. Агар қонунсиз четлатилган
бўлса, ўқишга тикланади.

– Эй, отангизга раҳмат, болам! – чол суюниб кетди,
– албатта, қонунсиз. Кеча қабул қилиб, бугун ўқишдан
ҳайдаса бу қандай гап, садағанг кетай?

Шундан кейин терговчилар ота-бола билан Охун Пар-
пиев ўртасида юзлаштириш ўтказиб, воқеа тафсилот-
ларига ойдинлик киритдилар. Гарчанд Охун Тожикул
отадан пора олганини тан олмаган бўлса-да, бошқа ҳо-
латларни инкор этишга бети чидамади. Шу сабабли Сан-
жарбек Охунни гумонланувчи тариқасида сўроқ қилиб,
эхтиёт чораси сифатида қамоққа олишга қарор қилди.
Воқеаларнинг бундай ривожланишини кутмаган йигит-
нинг ўша пайтдаги талвасасини тасвирлашга тил ожиз...
Терговчилар ишларини тугатгач, кутилмаганда икки
милиция ходимининг хонага «бостириб» кириб, Охун-
нинг қўлига кишан тақишди.

– Ока, ҳазиллашяпсизларми? Бу нима қилиқ? – ранги
докадай оқариб кетган йигит Санжарбекка нажот кўзи
билан қаради.

– Жаноб Парпиев, сизни эҳтиёт чораси сифатида вақтинча ушлашга қарор қилдик, – деди терговчи ва қисқагина қилиб гумондорга тегишли ҳақ-ҳуқуқларни тушунтирди.

– Ахир... мен... нима қилдим? Самиғнинг пулини қайтарган бўлсам. Керак бўлса, айтинг, анави чолнинг ҳам пулини тўлайман.

– Буни суд жазо беришда, албатта, инобатга олади, – деди Умид совуққонлик билан.

– Окалар... бу қандайдир тушунмовчилик... ҳаммаси яхши бўлади, дейишганди-ку! Қандай қилиб...

– Ўша гапни айтган одамларингиз адашибди, бировнинг номидан ҳукм чиқариш яхши эмас, – деди Санжарбек қоғоздан бош кўтармай, сўнг кишан тақишга тақиб, нима қилишни билмай турган милиция ходимларига қараб, буйруқ берди. – Олиб чиқинг!

– Лекин... аммо... катта хато қиялпсизлар! Ўзларингга қийин бўлади! Бу ишларингга пушаймон бўласизлар! – хонадан чиқиб кетаркан ортига қараб бақирди Охун: – Ҳаммангга кўрсатиб қўяман...

– Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор-э! – деди Умид эшик ёпилгач.

– Бу шайтон бекорга дағдаға қилмаяпти, – деди Санжарбек Анвар Тўраевич билан кечган суҳбатни эсла. – Окашонларига ишоняпти... Бу ноинсофлардан ҳар нарса-ни кутса бўлади...

– Шунча ишни қилиб, ўзини фариштадай тутишини қаранг-а! «Нима қилдим?» деб депсинишига ўлайми? – боядан бери «мум тишлаб» ўтирган Жўрабой тилга кирди. – Бунақа одам кўринишидаги ҳайвонларга бутун бошли олийгоҳни, келажак авлод тақдирини ишониб топшириб қўйишганига ҳайронман. Бунақаларни қамаш камлик қилади, халқ кўзи олдида «Минораи калон»дан пастга ташлаб юбориш лозим. Мана, «Сингапур мўъжизаси» муаллифи, Бош вазир Ли Кван Ю мамлакатида худди шундай қаттиқ тартиб ўрнатган-ку! Бошдан-оёқ

коррупциялашган Сингапур ўн-ўн беш йилда порадан бутунлай ҳоли ҳудудга айланди.

– Яшанг, Жўражон! – гуруҳ раҳбари ҳар бир мавзу бўйича мисоли тайёр талабани рағбатлантириб қўйди. – Гапингизга юз фоиз қўшиламан. Йўқса, жамиятимизга томир отиб кетган бу иллатни ҳали замон йўқ қила олмаймиз.

– Умиджон, эртадан мутахассислар олийгоҳда текширув ишларини бошлашсин, – «иш»га қайтди гуруҳ раҳбари. – Рустам Ризаевичга чиқиш осон бўлмайди. Одамларни биласиз, гувоҳлик беришдан, бировга пул бердим, дейишдан чўчишади. Рустамнинг қабул жараёнидаги кирдикорлари очиб ташланса, унга бемалол айб қўйиш ва қамоққа олиш мумкин бўлади. Агар у очикда бўлса, терговга ҳалақит бериши тайин. Қотилликни бўйнига қўйиш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун мутахассислар билан параллел равишда сиз гуруҳнинг қотилликка алоқадорлиги масаласини текширишда давом этасиз. Нима қилиш лозимлигини такрорлаб ўтирмайман. Ҳозирдан ишга киришинг, Жўрабой сизга ёрдам қилади. Асосийси, бу жиноий тўданинг қотилликка алоқаси бор ёки йўқлиги тўлиқ чиғириқдан ўтказилиши, очик масаланинг ўзи қолмаслиги лозим. Мабодо гуруҳнинг қотилликка алоқаси йўқлиги исботланса, у ҳолда ишнинг бу қисмини алоҳида иш юритувга ажратиб, шаҳар прокуратурасига бериб юборамиз.

– Тушинарли, Санжар ака, унда биз кетдик, – йигитлар қоғоз-қаламини йиғиштириб, апил-тапил чиқиб кетдилар.

* * *

Хонада ёлғиз қолган Санжарбек негадир ўзини ноқулай ва ҳолсиз ҳис қилиб, деразани очди. Сўнг креслога чўзилиб, кўзини юмгунча бир муддат тин олди. Кўнглидаги ғашлик бироз тарқагандай бўлди. Ҳеч нарсани ўйламасликка, турфа маълумотларга тўлиб кетган миясига дам беришга ҳаракат қилса-да, хаёлат оти уни олисларга

олиб қочди: «Бу қандай кўргилик бўлди? Уч кўрсатган барча ҳолатлар миридан-сиригача текширилди. Аҳмеддан тортиб, Шарифхўжагача, опа-сингиллардан тортиб, Охунгача бўлган ҳамма гумондорлар чиғириқдан ўтказилди. Жиноятчини ортидан қувганимиз сайин биздан узоқлашиб кетаётгандай. Бу ҳам етмагандай қотил ўлгур бизни сиртдан тақиб қилиб, машхур эртақдаги Зумрадни ўрмонда адаштиргандай йўлдан чалғитишга уринаётгандай, шайтон шаклига кириб, турли нағмалар билан терговни боши берк кўчага йўллаётгандай. Бир одам қамоқда эди, иккинчисини ҳам қамадик. Бу томонда Шарифхўжани ҳам шу тақдир кутиб турибди. Уларнинг қотилликка дахллари борми? Учи-қуйруғи йўқ кенг «яйлов»да бошқа тарафга қараб «ўтлаб» кетмаяпмизми? Бу кетишда қандай қилиб қотилнинг изига тушамиз? Фурсатни бой бериб қўйсак нима бўлади? «Шунча жиноятни очдик, шунча одамни қамадик, лекин қотилни топа олмадик», десак ким бизни тушунади. Раҳбарият устимизга маломат тошларини отмайдими? Бошқа пайтларда иш бўйича кимнидир қамоққа олсак калаванинг учи топилгандай, одам ўз ишидан қониқиш ҳосил қилиб, ҳузурлангандай бўларди. Ҳозир-чи? Нега бу сафар Охунни қамаб, Шарифхўжани фош этиб турган бўлсак-да, калаванинг чувалган учи кўриниш бермаяпти? Нега қилаётган ишимиздан қониқиш сезилмаяпти? Аксинча, шунча иш қилинаётганига қарамасдан нима сабабдан кўнгилдаги ғашлик аримаяпти? Нега юрак безовта, ҳаловати йўқолган? Аслини олганда биз ҳаммасини етти ўлчаб, бир кесишга ҳаракат қиляпмиз-ку! Охунлар тўдасида ҳам, Шарифхўжада ҳам Луқмонни ўлдириш учун мотив бор. Мендан тажрибали терговчи бўлганда ҳам уларнинг қисмини текшириб кўрган бўларди-ку! Хўш, эртага уларнинг қотилликка алоқаси йўқлиги аниқланса, нима бўлади? Раҳбариятга, Тохир Ғафуровичга нима деб изоҳ беради? Ўйлаганлари пуч чиқса, терговда бошқа қандай тузукроқ тахмин қолади? Бир нажот дорихо-

на мижозларидан! Фахриддин Каримович бекорга шу масалага диққат қаритишни айтмаган. Устозда қандайдир «ички туйғу», фавқулудда нозик сезги ҳисси бор. Гаплари кўпинча тўғри чиққан. Бу гал ҳам устоз ҳақ бўлиб чиқса-я! Гарчанд терговда бевосита иштирок этмаган бўлса-да, эшитганлари бўйича воқеалар ривожига тўғри баҳо бера олиш, масаланинг моҳияти юзасидан асосли хулосалар чиқара билиш қобилиятига қойил қолмай илож йўқ. «Оҳун» ва «Шарифхўжа» йўналишидаги ишлар нима билан тугашини кутиб ўтирмай «мижозлар» йўналиши устида ҳам пойма-пой иш бошлаш керакмиди? Шунда вақтдан анча ютган бўлардик. Нега ўшанда бу масалага панжа орасидан қаради?» Ростини айтганда, устоз билдирган тахминга унчалик ишонмаганди, эҳтимоллик даражаси пастдай туюлганди. Аксинча, унга бошқа фаразлар истиқболли кўринганди.

Кун адоғида Шарифхўжани сўроққа олиб келишди. Элликларни қоралаган бўлсада, ёшларга хос аллам-бало кийиниб олган «полковник» хонага кириши билан кўрққан олдин мушт кўтарар қабилда қандайдир беписандлик билан «хужум»га ўтди:

– Раҳмонов сиз бўласизми? Нимага чақирдингиз?

– Ассалому алайкум! – терговчи қўлини кўксига қўйиб, ўрнидан турди. – Тергов гуруҳи раҳбари Раҳмоновман, келинг ўтиринг!

– Салом, салом! Беш йилда бир марта таътилга чиқиб, дам олгани тоққа кетгандим, – терговчининг илиқ муносабатини кўриб, гувоҳ бироз шаштидан тушди. – Ойда, йилда бир бозор, униям ёмғир бузар бўлди-да! Тинчликми, укажон!

– Унчалик тинчлик эмас-да! – совуққонлик билан гап бошлади терговчи қалин муқовали жиноят ишини варақдай туриб. – Сиз фуқаро Аҳмед Ҳабибовни жиноий жавобгарликдан озод қилиш эвазига унга тегишли қиймати тўрт юз минг АҚШ долларига тенг ҳовлини пора тариқасида олганликда гумонланаяпсиз.

– Тушунмадим? Нима деяётганингизни ўзингиз тушуняписизми? – Шарифхўжа сапчиб, ўрнидан туриб кетди. – Нима, менга порахўрликни ёпиштирмоқчимисиз? Мен... мен... Ички ишлар вазирлигида... полковникман... Порахўрларга қарши курашаман! Ҳеч қанақа Аҳмед-пахмедни танитайман... Бу ғирт тухмат!

– Шарифхўжа ака, келинг эҳтиросга берилмасдан, бемалол гаплашайлик, ахир, офицерсиз, полковниксиз, – деди Санжарбек босиқлик билан. – Бақириб-чақиришдан нима наф!

– Бўлмасам оғзингизга қараб гапиринг-да, ука! Ҳе йўқ, бе йўқ, одамни порахўрга чиқарасиз!

– Ҳеч ким сизни порахўр деяётгани йўқ, порахўрликда гумон қилиняписиз, деяпман.

– Нима фарқи бор, Али хўжа – Хўжа Али! Мени ким деб ўйлаяписиз?

– Фарқи нимадалигини ҳамма билмаса ҳам сиз терговчи сифатида яхши биласиз-ку! Гап талашишдан нима наф? Биз ўз ишимизни қияпмиз. Сизни ҳам бу ерга соғинганимиздан чақирмаганмиз. Келинг, зиёли инсонлардай...

– Хўп, хўп! Мендан нима истайсиз? Ким экан ўша Аҳмед?

– Ҳабибов...

– Ҳа, Аҳмед Ҳабибов... мени қаердан таниркан?

– Мана бу жиноят ишини сиз тергов қилганмисиз? – сўради Санжарбек стол устидаги қалин жилдли ҳужжатга ишора қилиб. – Аҳмед Ҳабибов шу иш бўйича айбланувчи сифатида ўтган.

– Эй, бу анави наркошами? – деди полковник жиноят ишни қўлига олиб. – Ёдимга тушди... ўртага одам қўйиб, роса қонимни ичганди. Лекин мана сенга, деб у аблаҳга жазонинг энг юқорисини бериб, босиб юборгандик.

– Ҳабибовнинг айтишича, сиз уни жавобгарликдан сақлаб қолишга ваъда бериб, ҳовлисини жиянингиз

Шухрат Ботировнинг номига расмийлаштириб олган экансиз, тўғрими?

– Ким айтди? Келиб-келиб ўша жинойтчи муттаҳамнинг гапига ишониб ўтирибсизларми? – деди Шарифхўжа оғзи кўпириб. – Менга ҳовлисини ўтказиб берган бўлса, кўйиб юборган бўлардим-да! Яхшиям, қамаган эканман у касофатни!

– Сиз Аҳмедни тергов қилгансиз, у ҳовлини айнан сизнинг жиянингизга расмийлаштириб берган. Бу нима, тасодифми?

– Қаердан билай? Жияним кап-катта одам, ким билан гаплашади, кимдан нима олади қанчалик ишим бор. Ҳовлини нотариал тасдиқланган шартнома асосида сотиб олган бўлса, бунинг нимаси ноқонуний? Жияним пулини тўлаган, у ҳовлисини берган. Уйнинг пулини ичиб-чакиб тугатган бўлса, энди жиянимга ёпишаётгандир-да!

– Аммо, далиллар биласиз ўжар бўлади, сизнинг гапларингиз ёлғонлигини кўрсатмоқда. Мана эшитинг, – Санжарбек рўпарасидаги компьютер тугмасини босиб, Шухрат Ботиров ва Шарифхўжа ўртасидаги телефон сўзлашуви аудио ёзувини кўйиб берди...

– Бу кимларнинг овози, нима ҳақида гаплашган, менга қоронғи... балки овозларимизни монтаж қилишгандир. Ҳозир техника ривожланиб кетган, хоҳлаган нарсани яшаш мумкин!

– Бу сиз билан Шухратнинг телефон сўзлашуви. Жиянингиз бизнинг олдимиздан чиқиши билан телефон қилиб, сизни хатардан огоҳлантирган. Мана бу эса фоноскопия экспертизаси хулосаси. Унда ёзувдаги овоз айнан сизга ва Шухрат Ботировга тегишли экани ҳамда овоз монтаж ёрдамида ўзгартирилмагани кўрсатилган. Бунга нима дейсиз?

– Менга қаранг, ука, отингиз Санжармиди?

– Шундай.

– Санжаржон, шу ярамаснинг гапига, яна қандайдир чаласавод экспертнинг бир чақага қиммат хулосасига

ишониб мени обрўсизлантирмоқчимисиз? Ҳамма нарсанинг сўрови бор, ука! Терговчи эканман, деб бўлар бўлмас нарсага тиш қайрайверар экансиз-да! Таёқнинг икки тарафи бор, унутманг, ука! Бу соч бекорга оқармаган... Шунча жойдан омон чиққанмиз. Ватан учун жонимизни жабборга бериб хизмат қилганмиз.

– Бўлиши мумкин, бунга шубҳамиз йўқ. Аммо ҳар ким қилган жинояти учун жавоб беришга мажбур! – бўш келмади Санжарбек. – Бу ҳали ҳаммаси эмас...

– Бу нима деганингиз? Ҳали бошқа нағмаларингиз ҳам борми? – Шарифхўжадаги виқор ўрнини қандайдир ҳадик эгаллай бошлагани сезилиб турарди.

– Луқмон Шарипов билан муносабатларингиз қандай эди? – сўради Санжарбек гувоҳдан кўз узмай.

– Раҳматли Луқмоннинг бу ишга нима алоқаси бор?

– Қандай алоқаси борлигини ўзингиз яхши тушуниб турибсиз, саволга жавоб беринг.

– Луқмон билан анча йиллардан бери салом-алигимиз бор эди. Танишганимизга ўн йилча бўлди-ёв. Яхши инсон эди, умри калта экан... Айтганча, қотил топилдими?

– Сизни Аҳмед билан Луқмон таништирган экан, шундайми? – терговчи ҳамсуҳбатининг гапини эшитмагандай савол беришда давом этди.

– Қандай таништиради! Мен ўша чечен бола билан жиноят иши доирасида танишганман. Луқмон бу ерда при чём!

– Демак буни ҳам рад этасиз, шундайми? – салмоқлаб сўради терговчи.

Таништира, таништирди, дердим-да! Эй, ука, шунақа бўлар-бўлмас саволлар билан бошимни қотириб ўтираверасизми? Қўлингизда менга нисбатан бирор айб қўйишга асосингиз бўлса, айтинг, предметли гаплашайлик. Йўқ бўлса, нима қиласиз аравани қуруқ опқочиб!

– Лекин Ҳабибов бошқача қўрсатма беряпти, марҳамат танишиб чиқишингиз мумкин, – гуруҳ раҳбари Аҳмеднинг сўроқ баённомасини узатди.

– Эй-й, у оғзига кучи етмаган мошенник, ҳар нарсани гапираверади-да! – Шарифхўжа қоғозга қайрилиб ҳам қарамасдан афтини буриштирди. – Чўкаётган одам хасга ҳам, чўпга ҳам ёпишаверади-да!

– Яхши, унда юзлаштиришга тўғри келади, – Санжарбек ички телефонда кимгадир телефон қилиб, Ҳабибовни олиб киришни тайинлади.

– Санжаржон, нима, сиз шундан бир нима чиқади, деб ўйлаяпсизми? Одамни шарманда қилманг, Ички ишлар вазирлигининг мартабали зобити билан қандайдир бир келгинди ярамасни юзлаштириш... нима кераги бор?

– Бундай дейишингиз нотўғри, у ҳам Ўзбекистон фуқароси, биласиз қонун олдида ҳамма тенг!

– Укажон, нима сиз бошқа сайёрадан тушганмисиз? – деди Шарифхўжа кўзларини чақчайтириб. – Катта бошимни кичик қилиб, сиздан илтимос қилиб турибман, қўйинг шу ишингизни! Бир бўлмағур чеченни деб икки ўзбек жиғи-бийрон бўлиб, ёвлашиб ўтирамизми? Ундан кўра, хизмат бўлса айтинг, бизам давра кўрган йигитмиз. Баҳонада ака-укадай қадрдон бўлиб қолардик...

Санжарбек қаршисидаги одамнинг гапидан ғаши келиб, индамай жиноят иши китобини варақлашга тушди.

– Тортинманг ука, бизам ўлар-қолар жойда эмасмиз. Оғзингизга сиққанини айтинг. Шундай пайтда бир-биримизни қўллаб-қувватламасак нима қилиб юрибмиз кўчада гўддайиб! – гувоҳ сукут – аломати ризо, деган ўйга борди шекилли, дилидагини тўкиб ташлади: – Юз, икки юз... уч юз... тортинманг!

– Э-э-э нима деяпсиз, Шарифхўжа ака! Ҳеч бўлмаса эгнингиздаги либосни ҳурмат қилсангиз-чи! Бунақа паст кетманг, уят бўлади!

– Нима, камми? – ҳайрон бўлди полковник. У терговчининг «паст кетманг», яъни инсон сифатида тубан кетманг, деган гапини «саховат»да паст кетманг» деяётгандай тушунганди. – Унда ўзингиз кўнглингиздагини айтинг! Сал учини чиқарсангиз буёғини еъти қиламиз.

– Уялинг-э! – жиддийлашди Санжарбек. – Бунақа ҳаром-ҳариш ишларингизга мени аралаштирманг! Худога шукр, бировнинг садағасига кунимиз қолгани йўқ, топганимиз ўзимизга етади.

Шу пайт эшик тақиллаб, ходимлардан бири Аҳмедни бошлиб кирди.

– Саломалайкум, – Аҳмед бош ирғаб, саломлашган бўлди.

– Ваалайкум ассалом! – Санжарбек ўнидан туриб, «меҳмон»га жой кўрсатди. – Келинг, ўтиринг.

Шарифхўжа саломга алиқ ҳам олмасдан башарасини тескари бурди. Санжарбек тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, тегишли расмиятчиликни ўрнига қўйди ва юзлаштиришга киришди. Аҳмед муқаддам берган кўрсатмаларини такрорлади, Шарифхўжа эса унинг кўрсатмаларини тўла ёки қисман рад этишга уринди.

– Қанақа номард одамсан? – деди Аҳмед тутатиб. – «Ёрдам қиламан», «Ёрдам қиламан», деб қаматиб юборганинг етмагандай шунча пулли ҳовлимни ҳам қайтариб бермай юрибсан-ку! Олдинга неча марта бордим! Луқмонни кўярда қўймай неча марта олдинга жўнатдим. Ҳой, ноинсоф, ҳозир менинг уйим йўқ. Кўчада қолдим... Ҳеч бўлмаса ярим пулини беринглар!

– Эсинг жойидами? Нега туҳмат қиласан! – жеркиб ташлади Шарифхўжа. – Уйсиз қолган бўлсанг, у сенинг муаммонг! Ҳовлини Шухратга ўзинг сотгансан! Шартномага ўзинг қўл қўйгансан, пулини шахсан ўзинг қуртдай санаб олгансан, яна нима дейсан? Кимга пул берган бўлсанг, бор ўшандан талаб қил! Менга нима дейсан?

– Яхши, яхши, прокуратурада, терговчининг ҳузурида ўтирганларинг эсларингдан чиқмасин, – танбеҳ берди Санжарбек. – Гап талашишдан фойда йўқ, бу ёғига энди тергов, суд баҳо беради. Ҳабибов сизга жавоб, лозим бўлса чақиртирамиз, – деди терговчи Аҳмедга қара-

та. Сўнг Шарифхўжага юзланди: – Сиз ҳозирча шу ерда бўлиб турасиз.

Чечен Шарифхўжага ёв қараш қилиб, чиқиб кетди.

– Санжаржон, нима қилмоқчисиз? Шу бир дайдининг гапига ишониб...

– Қонун олдида ҳамма тенг! Қолаверса, унинг шу қўй-га тушишига... – Санжарбек «Сиз айбдорсиз» деб юбормоқчи бўлди-ю, «Айбсизлик презумпция»си ёдига тушиб, мавхумроқ гап қилди: – бошқаларнинг ҳам айби бор... Ҳозирча йўлакда пойлаб турсангиз.

Шарифхўжа афтини бездай қилиб, истар-истамас эшик тарафга юрди. Хонада ёлғиз қолган Санжарбек Шарифхўжа масаласида Тоҳир Ғафурович билан маслаҳатлашиб олишни кўнглига тугди. «Телефонда сўраш нокулай, яхшиси ишдан сўнг ёнига бориб, ётиғи билан батафсил гаплашиб олган маъқул», хаёлидан ўтказди у. Шу пайт навбатчи ички телефондан кўнғироқ қилиб, уни Азиза Шарипова деган аёл сўраб келганини хабар қилди. Терговчи аёлни ичкарига киритишга изн берар экан миясига «Кеч бўлганда нима қилиб юрган экан?» деган ўй келди. Зум ўтмай навбатчи хонага аёлни бошлаб келди.

– Ассалому алайкум, укажон яхшимисиз? – сўрашган бўлди аёл терговчи кўрсатган жойга ўтирар экан.

– Опажон, ўзингиз яхшими? Зерикмасдан ўтирибсизларми?

– Раҳмат, амаллаб турибмиз. Нима қиламиз... пешонамизда шу кунлар ҳам бор экан-да, укажон! – Аёл сумкасини кавлаб, қоғозга ўралган нарса чиқарди ва стол устига қўйди, – кеча хўжайиннинг ёзги кийимларини маҳалладаги камбағал оилаларга бермоқчи бўлиб, тахлаб турсам, шимининг чўнтагидан манави телефон чиқиб қолди. Бир нафи тегар деган ўйда...

– Жуда тўғри қилибсиз, – терговчи қоғозни очиб, кичкинагина икки буклаб очиладиган уяли телефонни чиқарди, – бу ростдан ҳам хўжайинингизга тегишлими?

Унинг телефонларини қотил ўзи билан олиб кетган, деб тахмин қилгандик, қаранг-а!

– Бу иккинчи телефони. Уни деярли ишлатмасди. Ўша куни эрталаб ўғлим билан тестга кетиш олдидан эрим «Иккинчи телефоним қани?» деб жиғибийрони чиқиб, излаб қолганди. Ҳамма чўнтакларини кўрдик, топилмади. Жирингласа топилар, деб қўнғироқ қилиб кўрдик, фойда бўлмади. Хўжайин «Балки ишхонамда қолгандир», деган ўйга борди. Тестдан кечикиб қолмаслик учун ота-бола шошиб чиқиб кетишди. Мен ҳам, ўғлим ҳам бу телефонни ишхонасида қолгандир-да, деб ўйлаб юргандик. Буни қаранг, бахтга қарши хўжайиннинг бир кун олдин кийган шими диваннинг орқа томонига тушиб кетган экан. Яқинда синглим уйни йиғиштирганда шимни топиб олиб, хўжайиннинг шкафига тахлаб қўйган.

– Раҳмат сизга, опа! – Санжарбек қўлига қоғоз қалам олиб, расмиятчиликни жойига қўйиб, телефонни жиноят ишига қўшди.

– Ҳа, укажон, сал бўлмаса ёдимдан чиқай дебди, – аёл муҳим сирни очаётгандай шивирлаб гапирди, – жанозадан икки кун ўтиб, бир милиционер хўжайиннинг телефонларини сўраб уйга келганди. Мен «Иккала телефон ҳам эримнинг ўзида эди, айтишларича, қотил уларни ўзи билан олиб кетганимиш», дедим. У индамай чиқиб кетди. Телефон уйдан топилганда «Милиционер ким экан, бекорга келмаган экан-да», деган ўйга бордим.

– Ўша милиция ходими ўзини таништирганмиди?

– Гувоҳномасини очиқ ҳолда кўрсатганди... лекин кўз ўлгур илмай қўйган...

– Унвони қанақа эди?

– Елкасида иккита юлдузи бор эди, чамамда... нима дейди?

– Лейтенент экан-да.

– Шундай.

– Ҳозир кўрсангиз танийсизми?

– Қайдам, юзига тикилиб қарамагандим, танимасман-ов. Формада ҳаммаси кўзга бир хил кўринади.

– Яхши, раҳмат, сиз бораверинг, яна хабарлашамиз, – Санжарбек ўрнидан қўзғалди.

– Укажон... кечирасиз... бирор янгилик борми? – журъатсизгина сўради аёл. – Ким экан ўша ер ютгур? Хўжайин нима айб қилган экан?

– Опа, тергов давом этяпти, ишляяпмиз, янгилик бўлса, албатта, хабар қиламиз, – Санжарбек умумий гаплар билан чегараланишга мажбур бўлди.

Терговчи аёлни кузатиб, ходимлардан бирига «Samsung» русумли телефон учун қувватлаш қурилмасини топиб келишни илтимос қилди. Йигит тезда асбобни топиб, телефонни электр манбаига улади. Шу орада олдинма-кетин шўппайиб Маъмур билан Мухтор ҳам етиб келишди.

– Ҳа, жаноб изқуварлар, намунча шалвирайсизлар, янгиликлар борми? – деди гуруҳ раҳбари йигитларнинг «ов»дан қуруқ қўл билан қайтганини ҳис қилиб.

– Эй, қуриб кетсин, – Маъмур ҳасратини бошлади, – куни билан тентираб юриб, пичоққа илинадиган нарса тополмай қайтсанг, алам қиларкан. Луқмоннинг қариндошлари, яқинлари, касбдошлари, таниш-билишлари яна бир бора чиғириқдан ўтказилди. Бизга маълумларини ҳисобга олмаганда диққатга сазовор ҳеч нарса аниқланмади. Раҳматли бошқа ҳеч ким билан нифоқлашмаган. Маҳалладагилар Луқмон ҳақида ижобий фикр билдиришди, хайрия тадбирлари ва ҳашарларда фаол қатнашган экан.

– Мухторжон, сизда нима янгиликлар? – гуруҳ раҳбари изқуварга юзланди.

– «Аҳмед йўналиши»да ҳозирча бирор янгилик йўқ. Биринчи, иккинчи август кунлари қаерларга борганлигини текширдик, ёлғон гапирмаган экан. Телефони пенелгацияси, сўзлашувлари таҳлили ҳам ҳеч нарса бермади. Худди шундай «Нозима ва Назокат йўналиши» бўйича

ҳам ишимиз «ўлик нуқта»да тўхтаб қолди. Воқеа содир бўлган куни уларнинг қаерда бўлганлиги тўла тикланди, кўрсатмаларида номувофиқликлар аниқланмади. Шунингдек, уларнинг алоқалари доирасини ўрганишлар ҳам ҳеч нарса бермади. Бекорга вақтимиз кетди.

– Яна бир бор такрорлайман: натижа чиқмаслигининг ўзи ҳам натижа! – йигитларнинг кўнглини кўтармоқчи бўлди Санжарбек.

– У ҳолда натижаларимиз чакки эмас экан-да! – кулди Маъмур. – Чакки дегандай, ёдимга бир воқеа тушиб кетди: талабалик пайтимизда Азим деган курсдошимиз бўларди. Бир куни дўстимизнинг акасиникига меҳмон келиб қолибди. Уйда ҳамма нарса бор, фақат чакки йўқ экан. (Бухоро, Самарқанд тарафларда сузмани чакки дейишади). Акасининг чўнтагида майда пули йўқ экан, Азимга юз сўм тутқазиб (у пайтларда юз сўм ҳозирги юз долларга тенг эди) «Югур, тезда бозордан чакки олиб кел», дебди. Содда ука юз сўмга бир халта чакки кўтариб келган экан. Шу-шу курсдошимиз «Азим чакки» номи билан машҳур бўлиб кетди.

Йигитлар мириқиб кулишди.

– Соддалик қурсин, соддалик! – ўзини зўрға кулгидан тўхтатиб, «эстафета»ни давом эттирди Умид. – Жалил деган дўстимиз қишлоқдан чўлга ишлашга кетганди. У пайтда қўл телефонлар йўқ. Отаси катта ўғлига тўй бошлаб, чўлдаги ўғлини қандай тўйга айтишни ўйлаб боши қотибди. Охири бир жиянига илтимос қилиб, машинасида Жалилни олиб келишни тайинлабди. Жиян тўйдан бир кун олдин йўлга чиқиб, болани даладан топибди. «Тез бўл, аканг уйланыпти, сени олиб кетишга келдим», дебди жиян. Жалил «Акамнинг тўйи кузда бўлиши керак эди-ку», дея ҳайрон бўлиб, тугунини йиғиштириб, машинага ўтирибди. Хаёлидан «Отам-онам тинчмикан?» деган нохуш ўй ўтибди. Йўлда машинани «ДАН» ходими тўхта-тибди. Машинанинг ҳужжатларида чатоқлик бор экан. Жиян инспекторнинг олдига бориб, вазиятдан чиқиш

учун «Машинада ўтирган боланинг отаси қазо қилган, уни таъзияга етказиб боришим шарт», дебди. Машинада ҳамма гапни эшитиб ўтирган Жалил хаёлига келган нохуш ҳис рост эканига амин бўлиб, юраги аламга тўлибди. «ДАН» ходими таъзия изҳор қилиб, жиянга жавоб берибди. Жалил отасини ёдлаб, то қишлоққа етиб келгунча ич-ичидан эзилиб, йиғлаб келибди. Уйига яқинлашганда тумонат одамни кўриб, отасининг жанозасига келганига шубҳаси қолмапти. Машинадан тушиб, «Вой отамлаб» уйига отилибди. Дарвоза ёнида отасини кўриб, бир муддат нима бўлаётганига ақли етмай тошдай қотиб қолибди. Демак, қазо қилган онам экан-да, деган ўйга бориб, «Вой энажон, энажоним!» деб дод солибди. Отаси «Бу падарланати нима деяпти?» деб боласининг қулоғи остига бир шапалоқ туширибди. Жалил бундоқ қараса, онаси чуланглаб у томонга келяпти... Бола бечора ақлу ҳушини йўқотиб, «Бўлмаса ким ўлган?» дермиш. Ота гап нимадалигини англолмай «Э, аҳмоқ, нима деб алжираяпсан, нафасингни ел учирсин-эй, тўй бўляпти, аканг уйланыпти-ку», дебди.

– Вой содда одамлар-эй! – деди Жўрабой кулгидан ўзини зўрға тўхтатиб. – Бизнинг қишлоқда Нарзилла деган ака бор. Собиқ шўролар даврида шу ака Россияда ҳарбий хизматни ўтаган. Армиядан қайтишда самолётга чиқибди. Аэропортга киришда бошқалар қаторида у ҳам жамадонини юкхонага топширибди. Умрида биринчи марта самолётга чиқаётган йигит қўлига юк талонни олгач, жамадонни ўзлари уйгача олиб бориб беришаркан-да, деган хаёлга келибди. Самолёт Тошкентга қўнғач, юкини кутмасдан тўғри уйига йўл олибди. Оғайин-қариндошлар аскарни кўришга чиқишибди. Кимдир йигитнинг қўлида ҳеч нарсаси йўқ, сўппайиб кириб келганини кўриб, «Нарзиллажон, жамадон қаерда?» деб сўрабди. Шунда йигит чўнтагидан юк талонини кўрсатиб, «Мана талони, ўзлари почта орқали юбораркан», деган экан. Одамларнинг айтишича, содда йигит ҳозирга

қадар қишлоққа кираверишдаги Сўпоқ деган сой бўйида жамадонини кутиб ўтирармиш.

Тағин кулги кўтарилди...

– Қойил-эй! Мендан бошқа ҳамма яхшигина қизиқчи экан-ку! – Санжарбекнинг чехраси кулгани билан ичидан зил кетиб, қисиниб тургани сезилиб турарди – Майли, кулги-кулги билан, ишдан четлашмайлик! Боя Луқмоннинг хотини келганди. Уйдан эрининг иккинчи телефонини топиб олибди. Жўрабой, техникани яхши тушунасиз-а, – гуруҳ раҳбари токка тиқилган телефонни қувватлагичдан чиқариб, талабага узатди, – бир титиб кўринг-чи, балки фойдаси бўлар.

– Хўп бўлади, – талаба телефонни қўлига олиб, олд-ортини айлантириб, «титиш»га тушди.

– Бир нарасага бошим қотиб қолди, – гуруҳ раҳбари йигитларни диққатини ўзига жалб қилди, – Охунни қамоққа олдик. Шарифхўжа ҳам қил устида турибди. Салгина ҳаракат қилсак, уни ҳам қамоққа тиқишимиз мумкин. Лекин бу «қама-қамалар»нинг асосий ишимизга қанчалик нафи бўлади, шуниси мени ташвишга солмоқда. Тўғри, уларнинг ҳар иккаласида ҳам Луқмонни ўлдиришга асос бўлган. Шунга қарамай негадир қилаётган ишимиздан кўнглим тўлмаяпти.

– Санжарбек, унчалик куюнманг, биз тўғри йўлдамиз, – деди Маъмур босиқлик билан. – Буларнинг қотилликка алоқаси аниқланмаган тақдирда ҳам иккита оғир жиноятни фош қилишнинг ўзи катта гап. Аввалло, кўрасизлар, қотил шу иккисидан бири бўлиб чиқади. Бир-икки кун ўтсин, қамоқнинг «ҳавоси»дан олсин, ўзлари оғзидан гуллашни бошлайди.

– Санжар ака, иложимиз қанча, қўлимизда бошқа тахмин бўлмаса, – Умид гап қўшди.

– Нега йўқ экан? – эътироз қилди гуруҳ раҳбари.

– Сизнинг ўша «Қотилликни мижозлардан бири қилган», деган тахминингизни ҳисобга олмаса, қўлимизда ҳеч вақо йўқ-ку! Лекин шахсан мен бу фаразнинг истиқ-

болига унчалик ишонмайман. Битта дорини нотўғри бердинг, деб ким ҳам қўлини қонга буларди!

– Тўғри, эҳтимоллик даражаси паст бўлиши мумкин, гуруҳ раҳбари йигитнинг кўнглини чуқтиргиси келмади, – шу сабаб уни текширишни охирига қолдириб ўтирибмиз-да!

Шу пайт бир чеккадан телефонни ковлаб ўтирган Жўрабой ўрнидан сакраб туриб кетди:

– Санжар ака, буни қаранг, Луқмон билан Шарифхўжанинг «sms» ёзувларини топиб олдим.

Йигитлар бир пастда талабани ўраб олди.

– Ростданми? Қани ўқинг-чи нималар ҳақида ёзишган экан? – сўради гуруҳ раҳбари.

– Бизга июль-августдаги хабарлар зарур. Хўш, мана июлнинг ўнинчи санасида ёзишмалар кўп экан... Луқмон ёзган: «Эшон бобо, олдингизга ўтмоқчи эдим, қачон борсам бўлади?» Шарифхўжа, яъни Эшон бобо жавоб қайтарган: «Бугун вақтим йўқ, эртага хабарлашайлик». Луқмон ёзган: «Яхши, эртага тел. қиламан. Фақат телни кўтаринг-да, Эшон бобо». Жавоб: «Оғайни, нима менинг сени телефонингни кутиб ўтиришдан бошқа ишим йўқми? Бу ерда маймунжон ўйнатиб ўтирганим йўқ-ку!» Луқмон жавоб қайтарган: «Дўстим, мени ҳам тўғри тушун-да! Анави чечен келавериб хит қилиб ташлади! Бўлмаса, сени безовта қилиб, менга нима зарур!»

Шу тариқа Жўрабой хабарларни бир бошидан ўқий бошлади. Хабарларнинг мазмунига қараганда охириги пайтларда Шарифхўжа турли баҳоналар билан Луқмонга тутқич бермай ўзини олиб қочиб юрган. Июль ойи охирига бориб, икки дўст ўртасидаги муносабатлар таранглаша борган. 25 июль. Луқмон юборган хабар: «Оғайни кеча ишхонангнинг олдида уч соат кутдим, чиқмадинг. Аҳмед жонимга тегиб кетди. Қаердан ҳам сизларнинг ораларингга кирдим. Лекин чакки қиялпсан. Йигитнинг жаҳли чиққан, ҳеч нарсадан тап тортмайди. Бошимиз балога қолади! Кел, шуни ишини бир ёқлик қилиб юбор!»

Шарифхўжанинг жавоби: «Оғайни, узр. Кеча тадбирга кириб кетдик, чиқишнинг имкони бўлмади. Чечен масаласида хавотир олма, қўлидан ҳеч нарса келмайди. Жаҳлимни чиқараверса, яна чиққан жойига тикиб юбораман». Лукмон: «Сенга айтишга осон! У ҳам анойилардан эмас. Мол аччиғи – жон аччиғи! Болаларимдан хавотирдаман! Кел, шу балодан яхшиликча қутилайлик. Уйнинг ярим пулига ҳам рози бўлиб турибди. Шу пулни бериб, оғзини ёпайлик! Сенга керакми, шу ғавғо!» Орадан уч соат ўтиб, Шарифхўжа жавоб қайтарган: «Лукмон намунча латтачайнара бўлмасанг! Айтдим-ку, ўша гиёҳванд ошнанг тушини сувга айтсин. Биз уйни шартнома асосида қонуний қилиб олганмиз! У ярамасга айтиб қўй, ёзиб-чизадиган бўлса, чўнтагига наша ташлаб бўлса-да, тикиб юбораман. Сен қўрқма! Яна олдингга келадиган бўлса «пошёл» де! Қичимаган жойни қашиламасин!». Ўша куни ёзишмалар шу зайилда давом этган. Жўрабой 30 июль кунидаги ёзишмаларга ўтди. Чечен Лукмоннинг олдига келиб, қаттиқроқ гапирган ё қўрқитган шекилли, дорифуруш ҳам дўстига заҳрини сочишдан тап тортмаган: «Оғайни ҳаммаси жонга тегди! Шунча мол-давлатинг бор, шу ўлгургга ярим пулини қайтариб берсанг, камайиб қоладими? Сен полковниксан, сувдан қуриб чиқиб кетасан. Ўртадан мени абгор қиялсан! У бугун яна ишхонамга келиб, муддат бериб кетди! «Агар ишимни ҳал қилмасанг, хотинингни, болаларингни қайта кўрмайсан!» деди. Бошқа иложим қолмаяпти, унинг устидан миллий хавфсизликка, прокуратурага ариза ёзиб, тахт қилиб қўйганман. Сендан садо чиқмаса, хоҳлаган пайти хатни почта қутишига ташлашим мумкин. Уни қамашса, эртага сенинг ҳам орқанг очилиб кетиши турган гап. Нима қилай, ўзинг мени шунга мажбур қиялсан! Эрта-индин бу бемазанинг оғзини ёпмасанг, ҳаммамизга ёмон бўлиши аниқ! Оғайни, илтимос, ўйлаб кўр!» Хабар Шарифхўжани ўйлатиб қўйган шекилли, жавобни кеч соат ўн бирларда ёзган: «Бўпти, кўп ваҳима қилавермай

тур! Мен эртага хизмат сафарига кетаман. Индин сенга алоқага чиқаман. Майли, ярим пулини берсак берармиз! Шу билан овози ўчса бўлгани! Қўнғироғимни кут!» Шу билан улар ўртасидаги ёзишма тугаган, охириги «sms» шу экан, – яқунлади Жўрабой.

– Аҳа, – пичирлади гуруҳ раҳбари, – демак, охириги ёзишма 30 июлда амалга оширилган... Биринчи август кунни Лукмон ўлдирилган...

– Вой муттаҳам-эй, – деди кимдир таассуфини яширолмай, – пулни қайтариб бермаслик учун ўртадаги одамни... гувоҳни йўқ қилишни маъқул кўрганини қаранг!

– Ўликлар гувоҳлик беролмайди, деб ўйлаган-да, бу баттол! – деди бошқа биров.

– Лекин мени бошқа нарса ташвишга солмоқда, – деди Санжарбек кўзини бир нуқтадан узмасдан. – Орган ходими, терговчи бўлиб ишлаган одам телефондаги «sms» хабарлари келажакда уни фош этиб қўйишини наҳотки тушунмаган бўлса. Ёки бу одам шунчалик ўзига бино қўйган, ҳеч нарсадан қўрмайдиган инсонми?

– Полковник либосидаги бу ҳайвонни қамоққа олсак, бу ёғини энди ўзи айтиб беради, – Маъмурнинг ҳамкасбидан ҳазар қилиб тургани сезилиб турарди. – Бутун бошли тизимни шунақа чичқоқлар бузади!

– Тўғри айтасиз, бу ёғини ўзи айтиб берсин, бош қотириб нима қилдик, – Санжарбек изқуварга юзланди: – Мухторжон, йўлакда ўтирган жанобни чақиринг. Ғалвирни сувдан кўтариш пайти келганга ўхшайди.

Мухтор чаққонлик билан ташқарига чиқиб, зум ўтмай Шарифхўжани бошлаб кирди.

– Чапақаймисиз? – Гуруҳ раҳбари бу разил одам билан ади-бади айтишиб ўтиришни хушламай, гапни индалло-сидан бошлашга қарор қилди.

– Ҳа, чапақайман, нимайди?

– Лукмонни ўлдиришга ўзингиз бордингизми ёки ёнингизда шеригингиз ҳам бормиди?

– Эй бола, эсинг жойидами? Нима деяпсан? – Шарифхўжанинг кўзи хонасидан чиқиб кетай деди. – Индамаганга ҳаддингдан ошма! Мени ким деб ўйлаяпсан?

– Шарифхўжа ака, қайсарлик қилишдан фойда йўқ, – Санжарбек тортмадан телефон аппаратини чиқариб, стол устига қўйди: – Танияпсизми?

– Йўқ, нима экан?

– Бу телефон раҳматли Луқмонга тегишли. Бахтимизга дўстингизга юборган барча хабарлар сақланиб қолган экан. Марҳамат, танишиб чиқишингиз мумкин, – терговчи телефон хотирасидан оқ қоғозга чиқарилган «sms» хабарлар столнинг устига ташлади.

Шарифхўжа эгилиб, қоғозга нигоҳ ташлади. Ранги-рўйи оқариб, нимадир демоқчи бўлди, аммо тили танглайига ёпишиб, овози чиқмади. Битта-яримта оқ оралаган мўйлови учиб, кўзлари нурсизланди. Сўнг тунд башарасини тескари буриб, ғудуранди:

– Қаттиқ хато қилаяпсанлар! Ҳали пушаймон бўласанлар!

– Орифхўжаев, илтимос, кўрқитманг, ҳайиқадиган ёшдан аллақачон ўтганмиз, – совуққонлик билан деди гуруҳ раҳбари. – Яхшиси, берилган саволга жавоб беринг!

– Адвокатсиз ҳеч қандай саволга жавоб бермайман, бошимни қотирмаларинг!

– Яхши, мана телефон, адвокатингизни чақиринг, – Санжарбек стол устидаги хизмат телефонини гумондор тарафга сурди.

– Шартмас, ўзимнинг телефоним бор, – Шарифхўжа чўнтагидан қўл телефонини чиқарди.

– Афсуски, қўл телефондан фойдаланишга рухсат йўқ.

– Нима, мен... қамоққа олиндимми?

– Шундай! – деди Санжарбек қатъият билан. – Сиз Луқмон Шариповни ўлдирганлик ва бошқа жиноятларни содир этганликда гумон қилиниб, вақтинча ушландингиз. Қаршилик қилишдан фойда йўқ, ҳаммаси тушунар-

ли, далиллар етарли. Айбингизни бўйнингизга олишни маслаҳат бераман!

– Мана буни ебсанлар! – Шарифхўжа бош бармоғини икки бармоғи орасига тикиб, терговчига ўдағайлади. – Нима, Луқмонни мен ўлдирибманми? Ўз ўртоғимни-я! Қайси калла билан шунақа бетайин айбловни...

– Жойингизга ўтиринг, – гуруҳ раҳбари зарда қилди. – Қилғилиқни қилиб, нега ўзингизни фариштадай тутаяпсиз?! Нима, товламачилик йўли билан Аҳмеддан бутун бошли ҳовлисини тортиб олганингиз ёлғонми? Ҳаммаси ўз исботини топиб турган бир пайтда қандай қилиб сувдан қуруқ чиқмоқчи бўляпсиз? Тониш шунчалик осонми? Ким айтади сизни терговчи, деб! Яхшиси, бу майна-возчиликни йиғиштириб, бўлган воқеани айтиб беринг. Балки виждонингиз жиндек бўлса-да тозаланар.

– Агар виждон бўлса! – қўшимча қилди Умид.

– Ука, майли нима деб ўйласангиз ўйлайверинг! – бироз шаштидан тушди гувоҳ. – Тўғри, биз ҳам фаришта эмасмиз, аммо қотиллик бу бошқа нарса, Худо сақласин. Ҳали бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Сиздан илтимос, ҳулоса қилишга бироз шошмай турсангиз. Луқмонни мен ўлдирганим йўқ, у ўз бошига ўзи етди.

– Бу нима деганингиз? – сергакланди Санжарбек.

– Нейрохирургия институтидаги дўхтирлар билан қанақадир «бизнес» қилиб юрганидан хабарим бор. Пул бор жойда муаммо бўлади. Балки ўшалар...

– Қанақа бизнес? Бу нима деганингиз?

– Ўзи мақтанганди, аниғини сўрамаган эканман... Менимча, касалхонага дори ўтказиш билан шуғулланишган, шекилли.

– Хавотир бўлманг, биз ҳаммасини текшириб кўрамиз, – деди гуруҳ раҳбари пинагини бузмасдан.

– Боя «окахон»га телефон қилгандим... – навбатдаги «хас»га ёпишди гумондор, – ҳозир сизларга команда беришади.

– Биринчидан, ҳеч ким бизга команда беролмайди, – деди Санжарбек гувоҳнинг катта кетишидан энсаси

қотиб, – иккинчидан, гап майда безорилик ҳақида эмас, қотиллик хусусида боряпти. Бировни ўлдириб, тинчгина яшаб юрадиган замонлар ўтиб кетганига анча бўлган. Жиноятчи ким бўлишидан, қайси «окахон»нинг қандай эрка «укахон»и бўлишидан қатъий назар қонуний жазосини олиши шарт.

– Бунақа насиҳатингизни болангизга қиласиз? Сизнинг кўзингизга ким бўлиб кўриняпман?

– Жиноятчи бўлиб кўриниб турибсиз-да! – Умид луқма ташлади.

– Менга барибир! Санларни огоҳлантирдим! – Шарифхўжа Умидга еб қўйгудек бўлиб қараб қўйди. – Бугун бировларнинг устидан кулиб, эртага ўзларинг бир жойларингни қисиб қолманглар, дейман-да!

Шу пайт Санжарбекнинг қўл телефони жиринглади. Экранда Бош прокурор ўринбосари қабулхонасининг рақамини кўриб, терговчи кўнғироқни қабул қилишга мажбур бўлди:

– Ассалому алайкум.

– Санжарбек яхшимисиз? – нариги тарафдан Тохир Ғафуровичнинг салобатли овози эшитилди.

Гуруҳ раҳбари Умидга «давом этаверинг» ишорасини қилиб, қўшни хонага чиқди. Барча, шу жумладан, Шарифхўжа ҳам «окахон»лар «иш»га киришганига ишонч ҳосил қилиб, жимиб қолишди. Бир муддат ҳар ким ўз ҳаёли билан овора бўлиб қолди. Жўрабойнинг миясига «Бу олифта бекорга чиранмаётган экан-да, наҳотки, «окахон»лар шунчалик қудратли, наҳотки, ҳозир уни қўйиб юборишга «фатво» берсалар, деган фикр келган бўлса, тизимни яхши тушунган Маъмурнинг ҳаёлидан «Зўрнинг кети тегирмон айлантиради, «окахон» хавфсизликда ишларкан-да», деган ўй ўтди. Ёш бўлса-да кўп нарсани кўришга улгурган Мухтор ҳам деярли шу фикрга борди. Гуруҳ аъзоларидан фақат Умидгина Санжарнинг «ғалабаси»га инонди. У Аллоҳ томонидан терговчи қилиб яратилган бу қайсар йигитнинг ҳатто раҳбариятдан топ-

шириқ бўлган тақдирда ҳам ўз сўзидан қайтмаслигига, жиноятчини қўйиб юбормаслигига умид кўзини тикди. Шарифхўжанинг юзига ранг киргандай бўлди. Унинг наздида «окахон»нинг бир оғиз сўзи бу ерда унинг устидан кулиб ўтирган манави тирранча, бефаросатларнинг ақлини киргизиб қўядигандай эди.

Тоҳир Ғафурович одатий ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг «Телефон овози яхши эшитилмаяпти, ҳозир бошқатдан тераман», деган баҳона билан гўшакни қўйди. Раҳбарнинг бундай эҳтиёткорлигига ўрганиб қолган Санжарбек бир муддат пойлаб турди. Сал ўтмай нотаниш телефондан қўнғироқ бўлди.

– Санжарбек, энди яхши эшитиляптими?

– Тоҳир ака, сизни яхши эшитяпман.

– Санжарбек, сизларда Шарифхўжа Орифхўжаев деган шахс сўроқ қилиняптими? – раҳбар бирдан муддаога кўчди.

– Ҳа, Шарифхўжа ишимизда асосий гумондор сифатида сўроқ қилиняпти. Бугун биз уни гумонланувчи сифатида ушладик. Кечқурун сизга ахборот бермоқчи эдим.

– Қотилликни шу полковник қилган демоқчимисиз?

– Шунга ўхшаяпти, – Санжарбек иш тафсилотлари ҳақида батафсил ахборот берди.

– Шунақа денг... – раҳбар чуқур хўрсинди. – Одамларга ям ҳайронман, инсоф, диёнат деган нарса қолмаган, ҳатто қотилга ёрдам қил, дейишдан тап тортишмайди.

– Тинчликми, Тоҳир Ғафурович? Бирортаси...

– Боя «куратор» қўнғироқ қилганди. Терговчингиз бизларга тегишли одамни арзимаган нарса учун асоссиз чақириб, овора қилаётган экан, деб устингиздан бир дунё мағзава ағдарди. Фахриддин Каримовични тилга олди... Буларга сабоқ бўлмаган кўринади, деб фиску-фасод қилди.

– Бу ёқда полковник ҳам осмондан тушгиси келмаяпти... «Окахон»га телефон қилдим, ҳозир команда беради, лозим бўлса узр сўраб, қўйиб юборасанлар, дея

лўписа қилиб ётибди, – терговчи раҳбарнинг ориятини қўзғаш учун бироз қўпиртириб гапирди.

– Тушини сувга айтсин! Қотилга ҳеч ким ёрдам қилолмайди. Тезда айб эълон қилиб, судга чиқариб юборинг. «Куратор»га ўзим тушунтириб қўяман.

Санжарбек раҳбар билан хайрлашиб, хонага қайтди. Барчанинг нигоҳи унга қадалди. Ҳамма унинг юз-қўзига қараб, кўнглидагини билиб олишга ҳаракат қиларди.

– Орифхўжаев, йигитлар процессуал ҳақ-ҳуқуқларингизни тушунтирган бўлса керак, – гуруҳ раҳбари жойига ўтириб, стол устидаги жинойт ишини ёпди. – Бугунча бас, камерада яхшилаб ўйлаб кўришингизга фурсат етарли бўлади.

– Қанақа каамера, ҳазиллашяпсизми? – полковник столга чўкиб кетгандай буршайиб қолди.

– Марҳамат, конвой кирсин, – Санжарбек ички телефонда кимгадир буйруқ берди.

Зум ўтмай икки нафар милиция ходими хонага кириб, Шарифхўжанинг қўлига кишан урди...

* * *

Уйига одатдагидан ҳам кеч қайтган Санжарбек хотини тайёрлаган мантини еб ҳузурланди. Эр-хотин бир муддат чақчақлашиб ўтиргач, Мафтуна болаларни ухлатишга кириб кетди. Ошхонада ёлғиз қолган терговчи қўлидаги тизгин билан телевизордан қизиқарлироқ кўрсатув ахтарди. Танловни Россия каналларидан бирида кетаётган «Титаник» фильмида тўхтатди. Бу кинони олдин ҳам бир неча бор кўрган бўлса-да, яна кўргиси келаверарди. Шу пайт телефон жиринглади. «Бемаҳалда кўнғироқ қилаётган ким экан?» деган ўйда гўшакни кўтарди:

– Санжарбек ухлаб қолмаганмидингиз?

– Йўқ, Тохир ака... – бир зумда терговчи хаёлотнинг минг бир кўчасига кириб чиқди.

– Ҳозир Бош прокурор телефон қилди... – Тохир Ғафурович гапни нимадан бошлашни билмай, тўхтаб қолди.

Раҳбарнинг овозидаги ҳаяжондан Санжарбек чўчиб кетди, юраги «шув» этиб пастга тушгандай бўлди. Нафаси бўғзига тикилиб, овози чиқмай қолди:

– Тинч... тинч... тинчликми?

– Тинчлик эмас-да! Кеча Бош прокурор ёрдамчиси сиз билан гаплашганмиди?

– Анвар Тўраевичми? – терговчи гап қаёққа бориб қадалишини сезгандай бўлди.

– Ҳа, ўша Анвар Тўраевич! Сизга Бош прокурорнинг гапини етказганмиди?

– Йўқ, у Бош прокурор номидан гапирмаганди.

– Бу нима деганингиз, Санжарбек? – раҳбарнинг жаҳли чиққани сезилиб турарди. – Унда сизни нимага йўқлаган экан? Ҳар ҳолда меҳмондорчиликка чақирмагандир?

– У мендан тергов қилаётган ишимиз бўйича бир кишига ёрдам беришни илтимос қилди, – терговчи ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди.

– Кимга, ўша тиббиёт академиясидагиларгами?

– Ҳа, ректор ёрдамчиси Охун Парпиев ва унинг шерикларига...

– Сиз нима дедингиз?

– Нима дердим, иложи йўқ дедим.

– Бош прокурорнинг илтимосини рад этдингизми?

– Тоҳир ака, биринчидан Анвар Тўраевич Бош прокурор номидан эмас, ўз номидан илтимос қилди, иккинчидан, ҳатто Бош прокурор илтимос қилганда ҳам жиноятчиларни кўра-била туриб, қандай...

– Нима, домлалар ҳам қотилликда гумон қилинмоқдами?

– Ёдингизда бўлса, сизга аввал ахборот бергандим, – Санжарбек бироз ҳаяжонини босиб олди, – Охун қотилликда гумон қилиниб қамоқда ўтирган Самиғнинг ўғлини ўқишга киритиш учун раҳматли Лукмон орқали катта миқдорда пулини олган, лекин бола ўқишга кирамай қолган. Бундан ташқари, яна бир фуқарони ўқишга киритаман деб...

– Яхши, лекин бу ишларнинг қотилликка нима алоқаси бор? – терговчининг гапини бўлди раҳбар.

– Бизда иккита асосий гумондор бор эди, – терговчи қандай тушунтиришни билмай қийналарди, – бири Охун, бири Шарифхўжа. Бугун полковник ушлангач, Охуннинг эҳтимоллик даражаси анча пасайди. Аммо унинг шериклари билан академияда талабаларни ўқишга киритишда қилган жиноятларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Академияни коррупциянинг ўчоғига айлантиришган.

– Демак, Шарифхўжа қамоққа олиниши муносабати билан Охун ва унинг шерикларини қотилликка алоқаси йўқ, деб ҳисоблаш мумкин, шундайми? – хулоса қилди раҳбар.

– Шундай десак ҳам бўлади, – ишончсизроқ жавоб қилди Санжарбек. – Ҳозирча Шарифхўжа айбини бўйнига олганича йўқ. Лекин қўлимизда далиллар етарли.

– Санжарбек, биласиз, мен ҳеч қачон, ҳеч кимга ноқонуний топшириқ бермаганман, – Тоҳир Ғафурович гапни узоқроқдан бошлади. – Анвар Тўраевич устингиздан роса мағзава ағдарган шекилли «катта» жуда дарғазаб, терговчингиз менинг топшириғимни менсимай, тескарсини қилибди, деб тепа сочи тикка бўлди. Вазиятдан чиқиш учун келинг, ишнинг шу қисмини алоҳида иш юритувга ажратиб, шаҳар прокуратурасига бериб юборайлик. Қутилайлик шу бемаза ишдан. Қолгани ўзларига ҳавола, менга деса, пишириб есин!

– Яхши, менинг қаршилигим йўқ, – ноилож ён берди Санжарбек. – Эртагаёқ ишнинг тиббиёт академияси билан боғлиқ қисмини алоҳида иш юритувга ажратиб, шаҳар прокуратурасига бериб юбораман. Лекин... Анвар Тўраевич... кап-катта одам... уялмасдан тухмат қилиб ўтирибди, шунақаям бўладими? Булар ҳеч нарсадан тап тортмас экан-да! Айтганини қилмаганим, берган садақасини рад этганим учун устимдан ахлат ағдариб...

– Катта нарса таклиф қилганмиди?

– Кўкидан икки юз минг...

– Вой-вой, бутун бошли хазина-ку! Секин олиб кўявермабсиз-да! – кулди раҳбар. – Умрингизнинг охиригача ишламасдан ётиб есангиз ҳам адо бўлмасди.

– Худо сақласин-э, ҳаромдан топилган мол бахтсизликдан бошқа нима ҳам келтирарди.

– Сиз билан биз бутун умр ишласак ҳам шунча пул тополмасак керак. Бу муттаҳамларнинг оғзининг бир бурчагидан чиқиб кетади. Тизимни ҳам расво қилишди. Садқаи прокуратура ходими кетсин! Майли, яхши дам олинг. Эртага анави масалани ҳал қилиб менга қўнғироқ қиларсиз. «Катта» ишга келиши билан сўраб қолади.

– Тушунарли, Тоҳир Ғафурович!

– Санжарбек, эҳтиёт бўлинг! – оталарга меҳрибонлик билан пичирлади раҳбар. – Арининг уясини қўзғаб қўйдингиз! Бу бемазалардан ҳар нарсани кутса бўлади. Биламан, виждонли одам виждон амрига қарши иш тутиши қийин. Аммо «дипломат» бўлиш ҳеч кимга зиён қилмайди.

Ҳаммадан барвақт ишга келган Санжарбек жиноят ишининг Охун Парпиев ва унинг шекрикларига нисбатан қисмини алоҳида иш юритишга ажратиб, шаҳар прокуратураси ихтиёрига юбориш ҳақида қарор тайёрлади. Гуруҳ аъзоларига бу хатти-ҳаракатини қотилликнинг деярли фош бўлгани ва иш ҳажмининг кўплиги билан изоҳлади. Бош прокурор ўринбосари билан кечган суҳбат ҳақида оғиз очиб ўтирмади.

Соат ўнларга яқин Шарифхўжани олиб келишди. Бир кунлик тутқинлик унга ёмон таъсир қилгани сезилиб турарди. Кўзлари уйқусизликдан киртийган, қовоқлари осилган, юзлари сўлғин, шашти ҳам пасайгандай кўринди.

– Яхши дам олдингизми? – сўради Санжарбек жиноят ишини варақлар экан.

– Қанақа дам? Устимдан куляпсизми? – деди полковник юзидаги, билагидаги қизарган жойларни қашилаб, – кечаси билан пашшами, клапами чақиб чиқди, падарига ланъат!

– Албатта, сиз тунаган жой курорт эмас, аммо маъмуриятга айтамиз, камераларни дезинфекция қилишади...

– Раҳмат, у беҳосият жойга қайтиб бормаيمان, деган умиддаман.

– Нега бунақа ишонч билан гапиряпсиз, бирор нарса ўзгардими?

– Чунки мен қотил эмасман, сизлар қаттиқ адашяпсизлар! Тўғри, чечен болани алдадим, ҳа энди фирибгарлик қилгандирман, зарарни шу бугун тўлаб қўяман, агар очикқа чиқсам.

– Нима, бизга шарт қўйяпсизми? – Санжарбекнинг қошлари чимирилди.

– Бу шарт эмас, қонуннинг талаби. Зарар тўлиқ тўланса, қамоқда сақлашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ-ку! – ишшайди гумондор.

– Тўғри, аммо ҳозирча сиз қотилликда гумон қилиниб, қамоққа олингансиз. Надоматлар бўлсинки, бизда сизнинг қотилликка алоқадор эмаслигингизни исботловчи ҳеч қандай далил йўқ. Агар сизда шунақа далил бўлса, марҳамат, терговга тақдим этинг!

– Камерада ётиб эсладим, – деди Шарифхўжа стол устидаги календарга кўз қирини ташлаб, – менда «алиби» бор. Воқеа содир бўлган биринчи август куни Хоразмда эдим. Бир курсдошимиз тўй қилганди. Ўттиз биринчи июль куни учгандик. Биринчи август куни кечки рейс билан қайтгандим. Соат ўн бирдан ўтиб, Тошкентга қўнганмиз. Текшириб кўришингиз мумкин.

– Албатта текшираамиз, – Санжарбек ичидан ўтганини сездирмасликка ҳаракат қилди, – «алиби»нгиз бўлгани яхши, аммо бу сизни гумондан тўла озод қила олмайди-да!

– Нега, бу нима деганингиз? – ҳайрон бўлди Шарифхўжа. – Айтишларича, қотиллик кечки соат саккизларда

содир этилган экан. Мен у пайтда ердан ўн километр баландликда, самолётда бўлганман. Луқмонни ўлдиришга менда ҳеч қандай имкон бўлмаган.

– Шарифхўжа ака, нима қиласиз ўзингизни овсарликка олиб, полковник одам... яхши тушуниб турибсиз-ку. Қотиллик қилиш учун қўлга қурол олиб, кўчага чиқиш шарт эмас. «Мулла жиринг» ишга солинса бас. Бу ишни сен учун бошқалар амалга оширишади.

– Нима, киллер ёллагансан, демоқчимисиз? – лабини чўччайтирди гумондор.

– Шариф ака, Луқмон билан алмашган «sms» хабарларингиз ҳаммасини кўрсатиб турибди-ку! Ўжарлик қилишдан нима наф? – гуруҳ раҳбари бошқа томондан сиқувга олишга ҳаракат қилди. – Тушунаман, сизга ҳам осон бўлмаган. Бошқа чорангиз қолмаган. Дўстингиз барча сирларингиздан хабардор бўлган, истаган пайти сизни фош қилиб, қамоққа тикиши мумкинлигини яхши билгансиз!

– Ўйлаб гапиряпсизми? Шу арзимас нарса учун одам ўлдириш шартми? Тем более шунча йиллик қадрдон синфдошни...

– Ҳамманинг жони ўзига ширин-да! У бечора ҳам нима қилсин, Аҳмед ҳол-жонига қўймаган, кўрқитган. Шу сабабли у сизга қаттиқроқ гапиришга, пўписа қилиб, сапчишга мажбур бўлган. Сизда икки йўл қолган: Аҳмедга ҳовлининг пулини тўлаб, муаммони ҳал этиш ёки Луқмонни, яъни ягона гувоҳни жисмонан йўқ қилиб, масалага нуқта қўйиш... Мол-давлатни жонидан ҳам яхши кўрадиган киши учун биринчи йўл маъқул келмасилиги турган гап. Шу сабабли сиз иккинчи йўлни танлагансиз. Ким қўлини қонга булашни истайди. Пулингиз етарли, имконингиз кенг, пул учун отасини ҳам ўлдиришга шайлар қанча? Шариф ака, келинг сичқон-мушук ўйнашни бас қилайлик, айбингизни бўйнингизга олинг – қўйинг! Суд жазо тайинлашда...

– Нима, мен аҳмоққа менгзайманми? Ёки ношудга ўхшайманми? Нималар деяпсиз? Қилмаган қотилликни бўйнингга ол, демоқчимисиз? – деди Шарифхўжа оғзидан кўпик сачраб. – Қилган жиноятимни бўйнимга олдим, зарарни қоплашга тайёрман... Яна мендан нима истасиз?

– Яхши, демак айбингизни қисман бўйнингизга оласиз, – Санжарбек дона-дона қилиб гапирди. – Қотилликни сиз қилмагансиз, шундайми?

– Шундай!

– Раҳматли Луқмон дўстингиз бўлган, айтинг-чи, униким ўлдирган бўлиши мумкин? Бирор кишида шубҳангиз борми?

– Билмадим, бир нарсa дейишим қийин. Бировлар билан ёвлашиб юрганини ҳам эшитмаганман. Ҳамма билан тил топиша оладиган, киришимли йигит эди.

– Жанозадан кейин Луқмоннинг уйига милиция ходимини сиз юборганмидингиз? – навбатдаги саволга ўтди Санжарбек.

– Тушунмадим, қанақа милиция ходими? – анқайди гумондор.

– Луқмоннинг телефонини сўраб боришган экан, – аниқлик киритди терговчи.

– Ҳа, мен юборгандим... Телефондаги хабарлар бошимга бало бўлишини билгандим. Қотил воқеа жойидан Луқмоннинг телефонини ҳам ўзи билан олиб кетганини эшитгандим. Шунга қарамай, ҳар эҳтимолга қарши ходимларимдан бирини телефонга юборгандим. Хотини телефонлари ҳам ўша куни йўқ бўлган, дегандан кейин кўнглим таскин топди.

– Телефонни олиб келишга кимни юборгандингиз, исми-шарифи?

– Шогирдлардан бирини... фамилияси нимага керак? Унда айб йўқ, бу ишга аралаштириб нима қиласиз?

– Гувоҳ сифатида сўрашимиз лозим.

– Эркин Қосимов деган йигит, навбатчилик қисмида ишлайди.

Терговчилар бири у ёқдан, бири бу ёқдан гумондорга саволлар бериб, иш ҳолатларига ойдинлик киритишди.

– Нима қилай, зарарни қоплайми? – сўради Шарифхўжа жовдираб.

– Зарарни тўлаб қўйсангиз, суд инобатга олади, – деди Санжарбек бепарволик билан.

– Эҳтиёт чорасини ўзгартирсангиз тўлай, – афтини бужмайтирди гумондор, – йўқса, нима фарқи бор!

– Нима, бу ер сизга бозорми, савдолашасиз? – қазабини яширолмади Умид. – Ҳовлининг пулини қайтаринг, тамом! Гапни чувалатиб ўтиришнинг нима кераги бор.

– Ука, шошмай тур, ҳеч ким сендан сўрагани йўқ, – Шарифхўжа ҳам паст кетмади, – бошлиқ билан гаплашиб турибман...

– Шарифхўжа ака, нима бўлгандаям зарарни қоплашни маслаҳат бераман, – Санжарбек мунозарага нуқта қўймоқчи бўлди. – Майли, бугунча етар.

– Ташқарида укам келган бўлиши керак, – деди гумондор ялинганнамо оҳангда, – икки дақиқа рухсат берсангиз, зарарни қоплаш чораларини кўришни тайинлардим. Адвокат масаласида ҳам гаплашиб олшим зарур.

– Яхши, Умиджон, майли рухсат беринг! – деди гуруҳ раҳбари хонадан чиқиб кетар экан.

* * *

Одатдагидан сал барвақтроқ ётоғига кирган Санжарбекнинг уйқуси келмади. У ёнидан бу ёнига ағдарилиб, анча пайтгача хаёл суриб ётди. Кун бўйи кўнглига зилдай ботиб юрган ғашлик юки ўмганидан босиб тургандай эди: Шарифхўжа нима учун дарров таслим бўла қолди? Ё терговчи одам бошқа чораси йўқлигини тушуниб етдими? Ёки қотилликни бўйнидан соқит қилиш учун атайлаб бошқа айбловларга иқрор бўляптими? Ростдан ҳам унинг қотилликка алоқаси йўқми? Ёхуд ўзига

«алиби» ясаб, қулоққа лағмон осмоқчими? Қотилликка кимни ёллаган бўлиши мумкин? Четдан ёллаган бўлса, киллер аллақачон мамлакатни тарк этгани аниқ. Лекин «sms» хабарлардаги воқеалар ривож Шарифхўжа фақат охирги кунларда унга тинчлик бермай қийнаётган дўстини йўқотиш пайига тушганини кўрсатмоқда. Бундан чиқди у четдан – Россия ёки Қозоғистондан одам ёллашга улгурмаслиги кундай равшан. Демак, қотил шу атрофнинг одами. Йигитлар шу пайтга қадар унинг яқинлари орасидан бунақа ишни қилишга қодир шахсни аниқлай олганларича йўқ. Шарифхўжа ҳам анойи эмас, бунақа шахс билан телефонда бемалол гаплашмаган, одамларнинг кўз олдига учрашмаган бўлиши керак. Сўзлашувлар, учрашувлар ўта махфий кечгани аниқ. Шу сабабли Шарифхўжанинг алоқаларига чуқурроқ кириб бормасак ижрочини топиб олишимиз қийин бўлади. Балки у тўғри сўзлаб тургандир, унинг қотилликка алоқаси йўқдир! Уф-ф-ф! Унда нима бўлади? Қотилни қаердан излаймиз? Тағин ҳаммасини бошқатдан бошлаймизми? Бизда текширилмаган қайси йўналиш қолди? Дорифурушнинг мижозларими? Ҳа, устоз айтганидан бошқа жўялироқ тахминнинг ўзи қолмади, шекилли.

Мириқиб ухлолмаганиданми Санжарбекнинг боши хумдай бўлиб уйғонди. Эрталабки бадантарбия машқларини бажариб, чўмилиб чиққач, сал ўзига келгандай бўлди. Аёли тайёрлаган ширчойдан симириб, тамадди қилди.

– Адаси, кечаси билан тўлғаниб, ухлолмай чиқдингиз, тинчликми? – деди Мафтуна меҳрибонлик билан. – Қотил қўлга тушдими?

– Қўлга олиш у ёқда турсин, кимлигини ҳам аниқлолмай турибмиз-да, хоним! Тажрибасизлигимиз панд берапти.

– Кеча қамаган одамларингиз қотил эмасмикан?

– Билмай қолдим, бир қарашда ҳаммаси тушунарлидай, аммо кундан кунга калаванинг учи чуваланиб ке-

тяпти. Устоз Фахриддин Каримовичнинг қадри билин-
яптида, аяси!

– Айтгандай, Назира опа яхшимилар? – деди Мафтуна кўзларини пирпиратиб. – Бормаганимизга ҳам анча бўл кетди, якшанба куни вақтингиз бўлса, уйларига ўтиб, ҳолидан хабар олиб келсак, савоб бўларди. Бечора сиқи-
либ-нетиб ўтиргандир.

– Тўғри, хоним, ҳақ гапни сўзладингиз, якшанба куни ишдан сал барвақтроқ қайтишга ҳаракат қиламан.

– Якшанба бўлса... намунча иш-иш дейсиз..., – хотин-
лигига борди Мафтуна. – Бир кун дам олсангиз осмон узилиб ерга тушмас, ўзингизни ҳам ўйланг-да, адаси...
Ҳеч ким сизга ҳайкал қўймайди.

– Осмон узилиб тушиши мумкин-да, аяси, – кулди Сан-
жарбек. – Аммо айтганингиз тўғри, ҳеч ким ҳайкал қўй-
майди, қўйса устозга қўйган бўлишарди.

– Шуни айтаман-да, – дадилланди аёл, – эрталаб бо-
лаларни бозорга олиб тушайлик. Кузги уст-бош олмасак,
ҳамма кийимлари кичик келиб қопти.

– Албатта, аяжониси, албатта! Фақат шу қуриб кетгур
жиноятни очиб олайлик, жиноятчи қочиб қолади. Бо-
зор қочмас! – Санжарбек юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан
кўзгалди...

Кейинги икки кун ҳам бесамар кетди. Шарифхўжа-
нинг уйида ўтказилган тинтув ҳам тергов учун наф бер-
мади. Полковникнинг телефонлари пленгацияси, ки-
риш-чиқиш қўнғироқлари муфассал таҳлил қилинди. У
билан сўнгги пайтларда алоқага киришган барча шахс-
лар бирма-бир чиғириқдан ўтказилди. Улар орасидан ёл-
ланма қотилликка яраши мумкин бўлган барча шахслар
ажратиб олиниб, сўроқ қилинди, уларнинг воқеа содир
бўлган пайтда қаерда бўлганликларига аниқлик кири-
тилди, «алиби»лари текшириб чиқилди. Иш юзасидан
бир қанча экспертизалар ўтказилди. Аммо уларнинг ҳеч

бири Шарифхўжанинг қотилликка алоқаси борлигини кўрсатмади. Тергов яна боши берк кўчага кириб қолди...

– Шарифхўжа терговчи эмасми, ҳамма эҳтиёт чораларини кўрган, из қолдирмасликка ҳаракат қилган, – хулоса ясади Умид. – У киллер билан телефонда ёки одамларга кўз-кўз қилиб, гаплашадиган аҳмоқ эмас. Ёки ўртада кимдир бўлган. Ўша воситачини топишимиз лозим.

– Сизларни билмади-у лекин негадир менга Шарифхўжанинг қотилликка алоқаси йўқдай кўриняпти, – Мухтор қимтинибгина дилини ёрди. – У қилган жиноятини бўйнига олди, зарарни ҳам тўла қоплади. Аҳмед ҳам даъвосидан воз кечишга тайёр.

– Мухтор ака, қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, дейишади, рост экан-да! – ҳазиломуш гап қилди Жўрабой. – Ҳамкасбингизни ёнини олмоқчи бўляпсиз-а!

– Қанақа қарға? Қанақа ён олиш? Жўрабой, нималар деб алжираяпсан. Мен бўладиган гапни айтдим-қўйдим! – Мухторнинг сиркаси сув кўтармай, инжиқланди.

– Эй-й, Мухтор ака, ҳазиллашдим. Ҳазилниям тушунмайсиз-а! – деди талаба соддалик билан.

– Ҳозир ҳазилнинг мавридими? – Маъмур жаҳл қилди. – Одамлар нима ўйда...

– Бир иш қилсак, нима дейсизлар? – гуруҳ раҳбари кутилмаганда мавзуни бошқа ёққа бурди. – Тўғри, анчагина оғир бўлади, лекин иложимиз қанча... Луқмоннинг мижозлари билан ҳам шуғулланишни кучайтирсак. Ҳабарларинг бор, ҳар сафар шу масалага диққат қаратмоқчи бўлиб турганимизда қандайдир сабаб билан бошқа ёққа чалғиб кетаётгандик... «Шарифхўжа йўналиши»даги ишларни ҳам ташлаб қўймаймиз, албатта.

– Шарифхўжанинг «ишланмаган» томони қолмади-ку, вақтни беҳуда сарфлаб нима қиламиз? – Маъмур эътироз қилди. – Ҳамма кучни ўша сиз айтган «мижоз»ларга ташлайлик... Бирор нарса чиқиб қолар!

– Йўқ, Шарифхўжа хусусида ҳали чала ишларимиз бор, – тушунтиришга ҳаракат қилди Санжарбек. – Унинг ҳам-

касблари, оила аъзолари, қариндошлари ва бошқа яқинларининг телефон сўзлашувлари орқали ёлланма қотилга чиқиб боришга ҳаракат қиламиз. Негаки, Шарифхўжа бошқанинг номига очилган сим-картадан фойдаланиб юрган бўлиши эҳтимолга яқин. Ўша телефон топилса, киллерга чиқиш қийин бўлмайди. Бундан ташқари, Шарифхўжанинг электрон манзилига кириб, ёзишмалари билан танишсак ёмон иш бўлмасди. Одатда чет элликлар билан электрон почта орқали гаплашиш анча қулай.

– Ёзишмалар бўлгандаям, Шарифхўжа аллақачон уларни ўчириб ташлашга улгурган бўлса ажабмас, – Маъмур ишончсизлик билдиришда давом этди.

– Бўлиши мумкин, аммо текшириб кўриш зиён қилмайди, – деди гуруҳ раҳбари совуққонлик билан. – Умиджон, сиз тезкор ходимлар билан шу йўналишда ишни давом эттирасиз. Қолганлар бугундан «мижоз»лар билан ишлашни бошлаймиз. Саволлар борми?

– Йўқ, тушунарли!

– Ундай бўлса ҳамма ишга! Кечқурун кўришамиз.

Йигитлар бирин-кетин хонадан чиқиб кетишди.

– Биз ишни нимадан бошлаймиз? – қизиқсинди Маъмур.

– Ишни нейрохирургия шифохонасидан бошлаймиз, – деди Санжарбек ўрнидан кўзгалар экан.

– Чунки раҳматли Лукмоннинг асосий мижозлари шу касалхона даволанувчилари ҳисобланади! – билағонлик қилди Жўрабой.

– Буни сиздан яхши биламан! – талабага ёвқараш қилди Маъмур. – Мен ишни айнан нимадан бошлашимизни сўраяпман.

– Ишни кейинги бир-икки йил давомида касалхонада даволаниб, вафот этган шахсларни аниқлашдан бошласак тўғри бўларди, – деди Санжарбек эшик томонга қадам ташлаб. – Қани кетдик, қолган гапларни йўлда гаплашамиз.

– Санжарбек, шу ишдан бирор наф чиқишига ишон-
чингиз комилми? – йўл-йўлакай Маъмур сўрашда давом
этди.

– Сизда бошқача таклиф борми, Маъмур ака?

– Таклиф-ку йўқ, лекин бекорчи ишларга вақт сарф-
лаш ҳам унчалик мароқли машғулот эмас-да!

– Биласиз жиноятчининг олдида юзлаб йўллар бўла-
ди, у эса шулардан фақат бирини танлайди ва ўша йўл-
дан қочади, биз терговчилар эса унинг изидан кетар
эканмиз юз бир йўлга кириб чиқишга, беҳуда вақт, куч
сарфлашга мажбур бўламиз. Агар биз унинг ортидан
тўппа-тўғри борганимизда эди, унда бирорта жиноят
ҳам очилмасдан қолмасди. Ишимизнинг бор машаққати
ҳам шунда-да!

– Балки омадимиз чопиб, кутилмаган жойдан жиноят
очишиб қолар, – Жўрабой хайрли ният қилди. – Кинолар-
да, детектив китобларда жиноятчи ҳеч кимнинг хаёлига
келмаган оёқ остидан чиқиб қолади-ку!

– Тўғри, жиноятчи оёқ тагидан чиқиб қолиши учун
ҳам терговчи йўл юриши, ҳаракат қилиши шарт эмасми?

Тергов гуруҳи аъзолари шифохонага кириб, тўғри
Бош шифокорнинг хонасига кўтарилишди. Узун бўйли,
сочлари оппоқ, олтмишларни қоралаган Бош шифокор
Мурод Вафоевич терговчиларни хушламайгина қабул
қилди.

– Тушунмадим, қандайдир аптекачининг бизга нима
алоқаси бор? – деди у энсаси қотиб.

– Алоқаси бўлмаса, биз бу ерларга келмасдик, – Сан-
жарбек гапни қисқароқ қилди. Сўнг саволга мавҳумроқ
жавоб берганини сезиб кўшиб қўйди: – Дорихона, асосан,
сиз раҳбарлик қилаётган шифохона даволанувчиларига
хизмат қилиб келган.

– Бўлса бордир, одамлар яқинни излашади, ўн қадам
нарига боргилари келмайди. Майли, юристимиз сиз-
ларга нима зарур бўлса кўрсатади, керакли ходимларни
ташкил қилиб беради, – деди у терговчиларнинг мудда-

осини эшитгач. – Фақат бир илтимос, бизда оғир касаллар бор, шифокорларни беҳуда овора қилиб, беморлар қаровсиз қолиб кетмасин.

– Албатта, биз ишга ҳалақит қилмаймиз.

– Муқаддам прокуратурадан кимдир келиб, текшириб кетганди, нима, чаласи бор эканми?

– Хабарим бор, унда айрим нарсаларга аниқлик киритгандик.

Бош шифокор ички телефондан кимнидир чақирди. Зум ўтмай хонага ёшгина йигит кириб келди:

– Аброржон, бу кишилар прокуратурадан, бир қотиллик жиноятини тергов қилишаётган экан. Айрим нарсаларга ойдинлик киритишмоқчи. Ташкиллаштиришга ёрдам қиларсиз. Сизнинг хонангизга ўта қолишсин.

– Хўп бўлади, – йигит меҳмонларга салом бериб, хонасига чорлади. – Келинглار, кабинетим учинчи қаватда, ўша ёққа кўтариламиз.

– Аброржон, анчадан бери юрист бўлиб ишляапсизми? – Санжарбек йўл-йўлакай йигитни гапга тутди.

– Ўтган йили ўқишни битириб, шу ерга ишга келгандим, бир йил бўлди, ҳали тажрибам кам, – деди Аброр камтарлик билан.

– Иш кўпми?

– Унчалик эмас, асосан, шартномалар...

– Ариза, шикоятлар ҳам келиб турадими?

– Албатта, ахир бу ерда бир кунда ўнлаб жарроҳлик амалиёти амалга оширилади. Барчаси оғир касаллар... мия билан боғлиқ... Шунга яраша ўлим ҳам бўлиб туради...

Йигитлар юристнинг кичкина бўлса-да шинамгина хонасига жойлашиб олишгач, гуруҳ раҳбари савол-жавобни давом эттирди:

– Бош мия билан боғлиқ жарроҳлик жуда оғир кечса керак-а?

– Айтманг, баъзи операциялар беш-олти соатлаб давом этади. Мияни очиб, кавлашнинг ўзи бўладими?

– Ўлим ҳолати неча фоизни ташкил этади?
– Бунисини билмадим, – юрист бирдан сергакланди, – лекин кунда, кун ора учраб туради...

– Норозилар ҳам бўладими?

– Тушунмадим? Қайси маънода?

– Жарроҳлик столидан турмай вафот етганларнинг қариндошлари шифокорлардан норози бўлиб, устидан шикоят қилиш ҳолларини назарда тутяпман, – саволига аниқлик киритди Санжарбек.

– Бунақаси ҳам учраб туради. Айримлар дўхтирларни ҳамма нарсага қодир, ҳар қандай касални тузатиш қўлидан келадиган, Худо, деб билишади. Ахир, улар ҳам банда, қўлидан келганини қилишади... Вақт соати битган, ажали етган кишини ким сақлаб қола олади. Одамларга ҳам ҳайронсан...

– Ўтган бир йил ичида шунақа шикоятлардан нечта бўлган? – гуруҳ раҳбари мақсадга яқинлашди.

– Мен ишга келгандан буён адашмасам шунақа аламзада шикоятчилардан ўн-ўн бешини кўрдим.

– Ўша шикоятлар билан танишиб чиқсак бўладими?
– деди гуруҳ раҳбари сумкасидан қоғозларни чиқара туриб.

– Албатта, – юрист шкафдаги қалин жилдларни қўлга олиб, кавлашга тушди.

– Маъмур ака, Жўрабойжон, сизлар бўлим бошлиқлари билан гаплашиб, Луқмоннинг дорихонаси, асосан, қайси бўлинмаларга дори етказиб берганини аниқлайсизлар.

– Аброржон, мен бир нарсани тушунмайман, – гуруҳ раҳбари юристга юзланди, – беморларни зарур дорилар билан шифохонанинг ўзи таъминласа бўлмайдими? Кейин дори-дармонларнинг қиймати даволаниш ҳаражатларига қўшиб беморлардан қопланса, одамлар дорихона излаб сарсон бўлиб юрмасмиди?

– Бизда икки хил беморлар даволанади, – тушунтириш берди юрист, – тегишли тиббиёт бирлашмалари-

нинг йўлланмаси асосида давлат бюджети ҳисобидан даволанувчилар ҳамда пулли-контракт асосида даволанувчилар.

– Демак, йўлланма асосида келган беморлар барча дори-дармонлар билан таъминланади, шундайми?

– Шундай-куя... аммо... – Аброр қандайдир иккиланиш билан жавоб берди, – шифохонада ҳамма дорилар ҳам бўлавермайди. Борларини ишлатамиз, йўқларини беморларнинг қариндошлари олиб келишади. Жарроҳлик жараёнида ҳар хил дориларга зарурият бўлиши мумкин.

– Пулли-тўлов асосида даволанаётган беморлар-чи?

– Бу ерда ҳам деярли шунақа тартиб... Дори-дармонлар борица ишлатилади, йўқларини касалларнинг яқинлари олиб келишади.

– Яхши, тушунарли! Тизимда туб ислохатлар қилиш лозимга ўхшайди, – ғудурлади Санжарбек. Сўнг остонада кетишга чоғланиб турган ҳамкасбларига қараб: – Марҳамат, ишга киришинглар. Ҳали замон соғлиқни сақлаш вазирлигидан, шаҳар молия бошқармасидан мутахассислар ҳам етиб келишса керак. Улар дори-дармонларнинг кирим-чиқими, сарфланишидан тортиб, касаллик варақаларининг юритилишигача бўлган жараённи ўрганиб беришади. Улар етиб келгунча сизлар Лукмоннинг дорихонаси қайси бўлим, қайси шифокорлар билан кўпроқ ишлаганига аниқлик киритиб турунглар.

Йигитлар чиқиб кетгач, Санжарбек йиғма жилдга тикилган шикоятлардан бирини қўлига олиб, ўқишга тушди:

«Нейрохирургия шифохонаси Бош врач М.В.Қораяевга. Ҳурматли бош врач! Қизим – Зебо Каримова сиз раҳбарлик қилаётган шифохонада даволаниб, шу йил 13 май куни вафот этди. Ўн гулидан бири очилмаган фарзандимни йигирма бир ёшида қора тупроққа қўйдик... Аллоҳнинг иши-да, дея ўзимни овутишга уринаяман. Аммо менга бир нарса алам қилипти... Бош мия асоси жарроҳлик бўлими бошлиғи Усмон Мақсудов ва жарроҳ

Мансур Фармоновлар мени бошидан алдаб келди... Ҳаммаси яхши бўлади, операция муваффақиятли чиқади, деб ишонтириб келди. Қўлларидан келмас экан, айтмайдимми? Бор-будимни сотиб бўлса-да, болажонимни Россия ёки Ҳиндистонга олиб борган бўлмасмидим! Энг ачинарлиси, Гиппократ қасамини ичган бу номардлар жарроҳлик учун олдиндан «хизмат ҳақи»ни олиб қўйишганди. Бу ҳам етмагандай қизим бечора беш кун комада ётган бўлса, халталаб дори ташидик. Мен кетган пулимга эмас, қадримга ачинаман. Агар болам соғайиб кетганда, тўлаган пулларимга мингдан минг рози эдим. Докторларингиз одамнинг ҳаётини сақлаб қолишни эмас, мусибат домига ботган инсонларни соғин сигирдай соғишни кўпроқ ўйларкан. Сиздан врач либосини кийиб юрган очофатларга чора кўришингизни сўрайман. Шифохона уларнинг жойи эмас. Бу кунидан кўчага чиқиб, тиланчилик қилгани маъқул! Агар уларга чора кўрилмаса, биз ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишга мажбур бўламиз. Токи бошқалар бу малъунлардан биз каби жафо кўрмасин. Отабек Каримов, нафақахўр».

Шикоятни ўқиб, Санжарбек ичидан зил кетди: бу не аҳвол! Наҳотки, шу гаплар рост бўлса! Наҳотки, оқ халатли шифокорлар шунақа қора ишларга қўл уришмоқда, нафс қулига айланиб, тамагирлик йўлига ўтишган...

Санжарбек шифохона раҳбарининг имзоси билан шикоят муаллифига берилган жавобга разм солди: «Шикоятингизда тилга олинган фактлар тасдиқланмади. Жавобдан норози бўлсангиз, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишга ҳақлисиз».

Терговчи навбатдаги шикоятни қўлига олиб, индал-лосидан ўқишга тушди: «...Дардимни кимга айтай? Нури дийдамни шу жаллодларга ишониб ўтирибман. Булар шифокор эмас, қотил! Дарди хаёли пул! Оғзига тикиб турмасанг, қайрилиб ҳам қарамайди. Болам ўз оёғи билан келиб, уйга тобутда қайтди. Ҳайф сендай шифокорларга! Бу кунларингдан гунг титсаларинг бўлмайдимми?

Сенларга ҳам баққан бало бордир! Умр бўйи қўлим ёқаларингда бўлади».

Шу пайт хонага кириб келган Аброр терговчининг тунд башарасини кўриб, капалаги учди:

– Тинчликми ака, кайфиятингиз йўқ?

– Шу гаплар ростми? – Санжарбек қўлидаги шикоятларни юристнинг олдига ташлади. – Сизларда қанақа одамлар ишлайди?

– Энди одамларни биласиз, нималарни ёзишмайди, – Аброр тушунтиришга уринди: – Бизнинг шифохонада бош мия билан боғлиқ энг нозик, энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Қанчадан-қанча беморлар тузалиб, раҳматини айтиб кетишади. Албатта, қурбонлар ҳам бўлади. Ахир, дўхтирлар ҳам Худо эмас-ку! Улар қўлидан келганини қилишади, аммо ажали етганларни, куни битганларни қандай асраб қолсин? Одамларга буни тушунтириб бўладими? Ким ёмон – дўхтир ёмон! Вафот етган шахснинг қариндошлари дўхтирни итдай талашади, камига ортидан мана бунақа шикоятлар ёзиб, тинкасини қуритишади. Мен ҳам ишга келган чоғимда шунақа ариза-шикоятларни ўқиб, теппа сочим тикка бўлган. Кейинчалик ўрганиб кетдим... Бир тарафдан уларни ҳам тушунса бўлади, кимдир ўғлидан, кимдир қизидан, кимдир жигаридан, ота-онасидан ажралади, аламзада бўлади... Операция қилган врач кўзига балодай кўринади.

– Бу ерда гап шифокорларнинг тамагирлиги ҳақида кетяпти! – зарда қилди терговчи. – Уятсизлар, ўликдан ҳам бир нарса умидвор бўлишади!

– Йўқ, йўқ, адашяпсиз, – эътироз қилишда давом этди Аброр, – аслида, бу бечораларда ҳам айб йўқ. Шифохонада дори-дармонлар етишмайди... Жарроҳлик учун зарар бўлган айрим камёб дориларни врачлар ўзидан ишлатишга мажбур бўлади. Бу ҳақда улар операциядан олдин беморнинг яқинларига айтади, келишиб олишади. Бемор тузалиб кетса, ҳамма хурсанд, ҳамма рози. Акс ҳолда, марҳумнинг қариндошлари «Врач биздан пора сўради»

деб дод-вой солишади, шикоят ёзишади... Нима дейсиз, одамларни тушуниш қийин.

– Нима, ўша дориларни шифохонанинг ўзи етказиб берса бўлмайдами? – бироз шаштидан тушди терговчи.

– Давлат томонидан ажратилган маблағ нимага ҳам етарди! Асосий жиҳозлар ва энг кўп ишлатиладиган дори-дармонларга зўрға етади. Бош мия операциясига ишлатиладиган дорилар жуда қиммат туради.

– Кўпчилик пулли-контракт асосида даволанади. Хўп, ўша дориларни шартнома суммасига киритса, одамлар дори излаб, сарсон бўлиб юрмасмиди! Дўхтирлар ҳам ғавғодан қутиларди.

– Гапингиз тўғри, лекин дўхтирлар ҳам ўша дорилардан уч-тўрт сўм чойчақа ишлаб олишади-да! – деди юрист соддалик билан. – Шу сабабли шифохона маъмурияти ҳам бунга кўз юмади. Йўқса, кўпи ишни ташлаб кетади.

– Дўстим сиз юристмисиз? – Санжарбекнинг қошлари чимирилди. – Қанақа чойчақа? Бу товламачиликнинг ўзгинаси-ку! Ишлаётган бўлса, давлат уларни иш ҳақи билан таъминлаяпти.

– Ака, кечирасиз-у... сиз врачларнинг ойлиги қанча эканини биласизми?

– Қанча экан?

– Айтсам ишонмайсиз, қирқ АҚШ долларига тенг, ҳамшираларники...

– Бўлиши мумкин! Ҳозирги ўтиш даврида ҳаммага қийин. Лекин бу дегани одамларнинг қўлига қараб, тамагирлик қилиш керак, дегани эмас-ку!

– Ака, айтдим қўйдим-да! Баландпарвоз гаплар билан қорин тўймайди-ку! Врачларни ҳам ўйлаш лозим, – Аброр стол устидан ён дафтари олиб, тўнғиллаганича чиқиб кетди.

Терговчи ўйланиб қолди: «Муаммо тагида яхшигина муаммо бор экан-ку! Қирқ доллар... бир оила учун неча кунга етади... ейиш-ичиш, кийим-қечак, коммунал

тўловлар... қай бирига етади. Қишда кичкина кўрпа ёпи-
ниб олган одамдай... бошингни ёпсанг оёғинг, оёғингни
ёпсанг бошинг очик қолади. Аслида, ҳамма давлат хиз-
матчиларини шу муаммо қийнаётгани рост-ку! Нореал
иш ҳақи ўрнатиб, биз ўзимиз уларни жиноят қилишга
мажбур қилмаяпмизми? «Мана сенга ўлмас овқат, қолга-
нини ўзинг амаллайсан», дея ўғрилик, талончилик, по-
рахўрлик қилишига шароит яратиб бермаяпмизми?»

Санжарбек қолган шикоятлар билан ҳам танишиб
чиқди. Шиfoxонада даволаниб, операциядан чиқмаган
ёки сал ўтмай вафот етган беморларнинг қариндошлари,
яқинлари томонидан ёзилган шикоятларда, асосан, ши-
фокорларнинг касбий яроқсизлиги, ноинсоф ва очкўзли-
ги ҳақида ёзилган. Улар орасидан, айниқса, биттаси ўта
эҳтирос ва куюнчаклик билан ёзилаганди. Беш-олти ва-
рақдан иборат каттагина шикоятда шундай сўзлар бор
эди: «Биз Фозилжонни Аллоҳдан тилай-тилай олгандик.
Эр-хотин уни ўн беш йил кутгандик. Ҳамма бизга қарши
бўлди. Энг яқинларим «Туғмайдиган хотинни нима қи-
ласан, бошқасига уйлан, нима, тирноққа зор бўлиб ўтиб
кетасанми?», дея дашном беришди. Насибанинг ота-о-
наси, ака-укалари ҳам ажралиш тарафдори бўлди. Фар-
зандсиз оила таназзулга маҳкумлигини бот-бот такрор-
лашди. Аммо биз бир-биримизни севардик, бошқа тур-
муш қуришни тасаввуримизга ҳам сиғдиролмасдик. Ўн
беш йил муҳаббатимизнинг тафтида, умид билан яша-
дик. Туққан-туғишганнинг дашномларидан безор бўлиб,
ҳатто улардан нарида, манзилимизни яшириб яшашга
ҳам тўғри келди. Ҳар куни беш вақт намозда соф муҳа-
ббатимиз ҳақи Яратгандан бир тирноққа зор қилмас-
ликни ўтиниб сўрадик. Раҳмли Аллоҳ оҳимизни эшитди.
Уйимизни нурга, қалбимизни чексиз қувончга тўлдириб,
Фозилжон туғилди... Одамлар, ҳатто ўзимизникилар ҳам
фарзанд ўз пушти камаримиздан бўлганига шубҳа билан
қарашди, болани асраб олганга чиқаришди. Аммо бизга
бу гапларнинг заррача аҳамияти йўқ эди. Дунёдан биз-

дан бахтли инсон топилмасди. Нури дийдамиз етти ёшга кирганда бошимизга оғир кулфат тушди. Асраган кўзга чўп кирар, деб шуни айтсалар керак-да! Аллоҳ бизга яна синов ҳозирлади, боламизнинг бош миясида саратон ўсимта аниқланди. Худодан ўғлимга келган дардни менга беришини, норасида болани паноҳида сақлашни ялиниб-ёлвордим. Бошида боламизнинг нима касалга ча-линганини билмай, анча сарсон бўлдик. Ўсимта кундан кунга каттариб, болада унинг салбий оқибатлари кўри-на бошлади. Нажот излаб шифохонама-шифохона югур-дик, елдик. Кўзимизга дўхтирлар авлиё бўлиб кўринди. Анча пайт уларнинг оғзига қараб вақт ўтказдик. Бири у деса, бири бу деб бошимизни қотирди. Ниҳоят, бола-ни нейрохирургия шифохонасига жойлаштирдик. Амин Шокирович деган жарроҳ «Ҳозир бўлим бошлиғи таъ-тилда, операцияни ўзим қиламан, бошлиқ ишга чиқса, операцияни ўзига олади, орадан анча вақт ўтади, унда боланинг ҳаёти хавф остида қолади, комага тушиб қоли-ши ҳам мумкин», деб туриб олди. Бизга ўйлаб кўришга, қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашишга, хорижга бориб, даволатиш масаласини ҳал қилишга имкон қол-дирмади. Ноилож рози бўлдик. Дўхтир айтган ҳамма нарсани муҳайё қилдик. Операцияда иштирок этадиган барча шифокорларга «ўз ҳиссаси»ни – сўралган пуллар-ни ҳам бердик. Жарроҳнинг айтишича, ўсимта миянинг таг қисмида жойлашган экан, олиб ташлашда анча қий-инчилик туғилди. Бахтимизга операция муваффақиятли чиқди, боламиз ҳушига келди. Аммо қувончимиз узоққа чўзилмади, икки кун ўтиб, Фозилжон комага тушиб қол-ди. Дунё кўзимизга тор кўриниб кетди. Мўлтираб дўх-тирларнинг оғзини пойлаймиз. Уларнинг эса парвойи фалак, «Биз кўлимиздан келганини қилдик, бу ёғи Ху-донинг иши», дея елка қисишади. Операция бошлангун-га қадар ўзини Худодай тутиб, «Ундай қиламан, бундай қиламан, ўзим боплайман», деб кўкрагига ураётганлар энди ҳеч нарса кўрмагандай, ҳеч нарса бўлмагандай ба-

майлихотир кириб-чиқиб юргани, боламизга заррача қайғурмаётгани қаттиқ алам қиларди. Қилғиликни қилиб, энди томошабин бўлиб туришларига жаҳлим чиқарди. Устига устак, ҳар куни халта-халта дори буюришади. Йўқ, чиранишларимиз фойда бермади. Фарзандимиз комадан чиқмай вафот этди. Шифохона ҳовлисида туриб, дод солиб бақирдим: «Эй Аллоҳим, адолатинг қайда қолди, мен сенга нима ёмонлик қилдим? Айбим нима? Агар гуноҳкор бўлсам, майли, менинг жонимни ол, жон керак бўлса, ўз жонимни тикайин, бегуноҳ норасидани бағримиздан юлиб нима қиласан? Шунча йил тирноққа зор қилиб, сабр бердинг, мукофотиға кўчқордай ўғил ато этдинг, энди уни тортиб олганинг нимаси!» Кўзимга шифохона ҳам, унинг дўхтирлари ҳам балодай кўринди. Ўлмакнинг лозими кўмак экан. Кўзимизнинг оқу қорасини қабристонга жойлаб келдик. У билан бирга орзу-умидларимиз, қувончу шодлигимиз, ҳаётга ишончу қизиқишимиз ҳам тупроққа қоришиб кетди. Шунча йил кўзи тўрт бўлиб, Аллоҳдан фарзанд сўраган ва ниятига етганда яна Аллоҳнинг синовига учраган аёлим мункайиб, ер билан баробар бўлиб қолди. Мен ҳам нима қилишимни билмай йўлдан адашган бўтадай бўзлаб қолдим. Ҳаётимиздан мазмун, яшашимиздан маъно қолмаганди. Баъзида болам мунчоқдай кўзларини шифтга тикиб, мажолсиз ётгани ёдимга тушиб, шифохонага келиб қўяман. Ичкарига кириб, у ётган палата олдидан ўтаман... Хонада бошқа одам, бошқа тақдир ётганини кўриб, «Ҳой, хом сут емган банда, болангни ўлдирмасларидан қочиб қол, бу ярамасларнинг сўзига ишонма, операциягача тоғтоғ ваъдани бериб, кейин «Биз қўлимиздан келганини қилдик, узр», деб шақшойиб тураверади! Фарзандингни сақлаб қолмоқчи бўлсанг, бу ердан тезроқ кет!» деб чинқиргим келади. Тузимни еган, қанчалар пулимни захрига ютган дўхтирлар мени танимагандай ёнимдан ўтиб кетади. Ўзларини жуда банд, ишли одамдай тутишади. Қандайдир оми кишиларни авраш билан овора

бўлишади. Бир борганимда хоналарни тозалаб юрган санитарлардан бири мени таниб, ёнимга келди: «Келин яхшимилар? Ўғлингиз вафот этганда... мен Насибaxonнинг ёнида эдим... Ўзини бирор нарса қилиб қўймасайди, деб ўйлагандим... Ўша куни сизларга қўшилиб роса йиғлаганман... Эҳ, аттанг шундай бола-я, жувонмарг кетди-да!» дея гапириб қолди. Йўлакда ўтириб бироз суҳбатлашдик. Ўғлим ҳақидаги илиқ хотиралар кўнглимни бироз ёритгандай бўлди. Кетар чоғида Робия опа қулоғимга бир нарсани шивирлади: «Аёлингиз билан жуда яқин бўлиб қолгандик. Аксига телефон рақамини ҳам олмаган эканман. Ўшандан буён бир қарз гапни у кишига айтишни иложини тополмай қийналаман. Шу куни мен жонлантириш бўлимида навбатчи эдим. Тонг пайти хонани тозалаб юргандим, бир пайт ўғлингиз хушига келгандай бўлди, қўллари ҳаракатга келиб, эшитилар-эшитилмас «Ойижон, ойижон», деб пичирлади. Югуриб бориб қўлидан тутдим. Ойиси деб тасаввур қилди шекилли қўлларимни маҳкам қисиб, нимадир демоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Ҳамшира чиқиб кетган экан, уни ахтариб тополмадим. Навбатчи врачни топиб келдим. Доктор боланинг томирини текшириб, вафот этганини айтди. Қаранг, жони узилишидан олдин ойиси билан хайрлашмоқчи бўлган-да! Аллоҳнинг мўъжизасига қойил қолмай иложинг йўқ. Шу қарз гапни эгасига етказмоқчи эдим. Аёлингизга ҳам айтиб қўярсиз... унинг ўрнига болажон билан мен видолашганимни...».

Опанинг гапларини эшитиб, юрагим тўлиб кетди. Фозилжоннинг охирги сўзлари, мажолсиз ҳолати кўз ўнгимдан ўтиб, ўзимни тутиб туролмадим. Опага раҳмат айтиб, уйга қайтдим. Воқеани оқизмай-томизмай аёлимга гапириб бердим. Насибанинг ўша пайтдаги аҳволини сўз билан ифодалаш қийин. Эртаси куни у Робия опани ахтариб, шифохонага кетди, ўз оғзидан эшитмоқчи бўлди, шекилли. Фозилжоннинг расмига термилиб ўтирар эканман, миямга бир нарса урилди: Робия опа уни тонг

пайти вафот этганини айтди. Аммо Фозилжоннинг ўлимини бизга пешиндан сўнг соат уч-тўртларда айтишганди-ку! Шунча пайт боланинг ўлимини нега биздан яширишган бўлса? Жонлантиришга ҳаракат қилишдимикан? Ахир, ўша куни пешинда Амин Шокирович болага бир дунё дори буюрганди-ку! Ярим соатда дорихонадан ҳаммасини олиб келиб бергандим. Икки-уч соатдан кейин Фозилжон жон таслим қилганини айтишганди. Балки санитарка адашгандир. Келаси куни яна касалхонага бордим. Опани топиб, гаплашдим. Йўқ, у Фозилжон тонг пайти соат олтиларда жон берганини аниқ, равшан эсладди. «Унда нега бизни бу ҳақда хабардор қилишмаган?» деб сўрасам, даволовчи врачни кутган, ўзлари айтишга ҳайиқишган бўлса керак, деб жавоб берди. Воқеага ойдинлик киритгач, ичимга олов киргандай бўлди: бола тонгда жон берган бўлса, пешинда дори кимга, нимага зарур? Бу қанақа ўйин? Бу қанақа ифлослик? Нури дийдамизнинг тақдирини кимларга топширгандик? Ўйлаб ўйимга етолмайман. Қалбимни шубҳа-гумонлар, армонлар кемирди. Ичимга кирган оловнинг тафти сўнмаяпти. Ҳурматли Бош врач, сиздан ушбу масалада изоҳ талаб қиламан! Йўқса, ўша очофат дўхтирларингиз ўзларидан кўришсин! Мен тўхтамайман. Одам қиёфасидаги жаллодларни қандай жазолашни яхши биламан. Уларнинг бор кирдикорларини прокуратурага ёзиб бераман. Учқун Ақромов».

Шикоятни ўқиб, тугатгач муаллифни қийнаган саволлар Санжарбекнинг ҳам хаёлидан чиқмай қолди: ростдан ҳам дўхтирлар нега бундай йўл тутган? Бола тонгда ўлган бўлса, мурдани ушлаб туришдан нима фойда? Устига-устак қанақадир дорилар олиб келтириш кимга зарур? Балки чиндан ҳам жон-жаҳдлари билан болани жонлантиришга ҳаракат қилишгандир! Дори-дармонлар шунга лозим бўлгандир! Балки бу миждозни «соғиш»нинг бир усулидир! Йўғ-э... Гиппократ қасамини ичган оқ

халатли дўхтирлар шунчаликка боришмас... Қани жавобини ўқийлик-чи, нима дейишган экан.

Терговчи хужжатлар орасидан шифохона маъмуриятининг жавобини топиб, ўқишга тушди. Расмийчилик сўзларидан сўнг, шикоятда келтирилган саволларга қисқагина жавоб берилган: «...Ҳақиқатда ўша куни тонгда ўғлингиз Фозилжон Ақромов комадан чиқишга ҳаракат қилиб, бир муддат ҳушига келган. Сал ўтмай унинг аҳволи яна оғирлашган. Врачлар томонидан унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун барча зарур муолажалар амалга оширилган. Кўрилган чораларга қарамасдан шу куни соат ўн бешдан қирқ дақиқа ўтганда бола.... .. касалликлари оқибатида вафот этган. Жавобдан норози бўлсангиз...».

Эшик тақиллаб, Жўрабой кириб келди:

– Санжар ака, зерикмаяпсизми? – талабанинг ниманидир айтгиси келаётгани сезилиб турарди.

– Нимадир демоқчимисиз? – гуруҳ раҳбари гапни қисқа қилди.

– Асосан учта бўлим: бош мия жарроҳлиги, реанимация ва болалар бўлимлари учун шифохонада топилмайдиган дорилар Луқмоннинг дорихонасидан олинган экан.

– Менга ходимлар бўлиmidан шу бўлинмалар бошлиқларинг маълумотномаларини олиб берсангиз, – деди гуруҳ раҳбари қоғоздан бош кўтармай.

– Мана, уларни аллақачон олдим, – деди Жўрабой кўлидаги қоғозларга ишора қилиб.

– Аҳа шунақами? Тузук, тузук! Бу кетишда узоққа борасиз, мавлоно! – деди Санжарбек устозига тақлид қилиб.

– Улардан иккитаси ҳозир ҳам ишлаб турган экан, биттаси...

– Бўшаб кетибдими?

– Йўқ-да, вафот этган экан.

– Ўз ажали биланми? – Санжарбек сергак тортди.

– Йўқ-да... сал бошқачароқ...

– Нима бўлган экан, ҳой бола, одамни маҳтал қилмасдан гапирсанг-чи!

– Ўлдириб кетишган экан...

– Ўлдириб кетишган? Бўлим бошлиғининг фамилияси нимаиди?

– Болалар бўлими бошлиғи Ражабов...

– Амин Шокировичми?

– Ҳа, Амин Шокирович... ўзи тўрт ой олдин бўлим бошлиғи этиб тайинланган экан... Айтишларича, кимдир кечаси уйига бостириб кириб, пичоқлаб кетган. Маъмур ака пастда воқеа тафсилотларига ойдинлик киритяпти. Ҳозир чиқиб қолса керак.

Шу пайт эшик тиқиллаб, хонага Маъмур кириб келди:

– Жўрабой суюнчини олгандир, – тиржайди у қўлидаги хужжатларни гуруҳ раҳбарига узата туриб, – лекин... менимча, улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

– Нимага асосланиб шундай деяпсиз? – талабанинг энсаси қотди.

– Демак, каминанинг фикрига қўшилмайсиз. Хўш, унда марҳамат қилиб айтинг-чи, жаноблари нимага асосланиб бу икки қотилликни бир-бирига боғлиқ кўряпти? Таваккал қиляптиларми? Ёки тагига қараб фол очяптиларми?

– Қанақа фол, Маъмур ака, нима, мен сизга фолбинманми? – деди Жўрабой қизариб. – Гап шундаки... Луқмоннинг дорихонаси энг кўп дорини шу бўлимга ўтказган...

– Нима бўпти? – Маъмурнинг қошлари чимирилди. – Бошқа бўлимлар ҳам дори олган.

– Аммо улар ўлмаган-ку! Ахир... дорилар... Луқмон... – талаба нима дейишни билмай чайналди.

– Эй, Жўрабой-эй, ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир, деган гап бор. Тилга келган нарсани сайрайвериш яхши эмас.

– Маъмур ака, – гуруҳ раҳбари гапни бошқа ёққа бурди, – жиноят тафсилотларини аниқладингизми?

– Буларнинг қўлида ҳеч қанақа ҳужжат йўқ. Ходимлар бўлимидагилар дўхтирни ўз уйида ўлдириб кетилган дейишди. Амин Шокирович ёлғиз ўзи тураркан, хотини билан ажрашган, болалари билан борди-келдиси йўқ экан. Айтишларича, ҳозиргача қотил топилмаган. Терговни Яккасарой туман прокуратураси олиб бораётган экан.

– Жиноятнинг мотиви нима экан?

– Бунисини билмадим. Босқинчилик бўлса керак-да.

– Яхши, мен шаҳар прокурори билан гаплашиб, жиноят иши билан танишиш йўлини қиламан.

– Шу шартмикан? – Маъмур гуруҳ раҳбарига таъсир ўтказишга уринди. – Унинг биз тергов қилаётган ишга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги аниқ.

– Шундаймикан? Лекин негадир Жўрабой бу масалада бошқача фикрда. Майли, сиз мана бу шикоят билан танишиб чиқинг, – Санжарбек қўлидаги қоғозларни ҳам-касбига узатди, – балки бошқача хулосага келарсиз.

– Нима экан? – Маъмур истар-истамас қоғозни қўлига олиб, кўз югуртирди.

– Жўрабойжон, сиз ҳам танишиб чиқинг, – гуруҳ раҳбари Маъмурнинг қўлидаги қоғозга ўғринча назар ташлашга ҳаракат қилаётган талабага юзланди, – хавотирингиз тўғри чиқадингanga ўхшаяпти.

Санжарбек вақтни бой бермаслик мақсадида шаҳар прокурори ўринбосари билан гаплашиб, жиноят иши билан танишиб чиқишга рухсат олгач, тўғри Яккасарой туман прокуратурасига борди. Меҳмонни туман прокурори ўринбосари кутиб олиб, хонасига бошлади. Хол-аҳвол сўрашишгач, раҳбар ички телефондан терговчини ёнига чорлади. Зум ўтмай ёшгина терговчи қўлида қалингина жиноят иши билан кириб келди:

– Танишинг, бу киши умидли терговчиларимиздан Илҳом Ботиров.

– Танишганимдан хурсандман, Илҳомжон, яхшими-сиз?

– Раҳмат, ака, ўзингиз яхшими? – деди терговчи мақтовдан қизариб.

– Илҳомжон, Санжар акангиз Республика прокуратурасидан, – прокурор ўринбосари мақсадга кўчди: – анави иш билан танишмоқчи экан. Улар ҳам шунга ўхшаш қотилликни тергов қилаётган экан. Иккита қотиллик ўртасида боғлиқлик бормикан, деган ўйда келибдилар.

– Ука, қотил топилай деб қолдимиз? – Санжарбек терговчига юзланди.

– Санжар ака, сизлар бемолал гаплашиб олинглар, ҳалақит қилмайман, – ўринбосар хонадан чиқиб кетди.

– Ака, билмадим, тажрибасизлик қиляпманми... бошим қотиб қолди, – озорланди йигит. – Тергов муддати тугаб боряпти, аммо калаванинг учи кўринмаяпти.

– Воқеа қандай юз берган? – Санжарбек терговчини гапга солишга уринди.

– Воқеа эрталаб соат еттиларга яқин юз берган, – ҳикоясини бошлади терговчи. – Қотилнинг монеликсиз уйга кирганига қараганда улар таниш бўлган. Ёки нотаниш шахс бирор нарсани баҳона қилиб уйга кириб олишга эришган. Қотил ўта совуққонлик билан ҳаракат қилган. Дўхтирнинг орқа томонидан келиб, чап кўкрагига пичоқ санчган. Пичоқ тўғри юракка қадалган. Қотил уйдан ниманидир ахтарган, ҳамма жойни остин-устин қилиб ташлаган. Уйдан нима олиб кетгани ҳам номаълум. Аммо пул турган сейфни тополмаган. Дўхтир пуллари деворга ўйиб ўрнатилган темир сейфда сақларкан. Ҳазина турган жойга картинка осиб қўйилгани боис қотил сейфни топа олмаган. Мурда кечгача қаровсиз қолиб кетган.

– Нима, дўхтирнинг хотин, бола-чақаси уйда бўлмаганми?

– Дўхтир сўққабош яшаган. Хотини билан аллақачон ажрашиб кетган, тўрт нафар ўғли билан ҳам муносаба-

ти яхши бўлмаган. Борди-келди ҳам ҳамин қадар бўлган. Руслан деган кенжа ўғли ҳар замонда отасиникига келиб турган. Бир кун олдин Руслан отасига телефон қилиб, ўқишга контракт пулини тўлаш учун озроқ ёрдам қилишини сўраган. Зикна ота «Нима, менинг пул заводим борми?» деб рад жавобини берган. Буни қарангки, уйни кўздан кечириш пайти Русланнинг ёрдами билан сейфни топиб, очиб кўрсак нақд бир юз қирқ олти минг доллар ва бир килоча тилла буюмлар топилди. Хуллас, Руслан отасидан ёрдам олиш мақсадида келгуси кун ҳам унга бир неча бор қўнғироқ қилган. Отаси гўшакни кўтармагани учун уни ишхонасига излаб борган. Ишхонадагилар отаси ишга чиқмаганини айтгач, кечки пайт отасиникига келган ва мурданинг устидан чиққан, милицияга қўнғироқ қилган.

– Демак, кимдир уйда катта миқдордаги пул борлигини билган, шундайми? – хулоса қилди Санжарбек.

– Бизлар ҳам бошида шу тахминни устивор билгандик. Аммо кейинчалик ўйланиб қолдик...

– Бунга бирор асос борми?

– Биринчидан, «босқинчилик» устида роса ишлаб кўрдик, ҳаммасини чиғириқдан ўтказдик. Иккинчидан, қотил уйда пул борлигини билса, сейфни излаб топган бўларди. Қайси аҳмоқ шунча ҳазинани шкафда, кўрпанинг қатида ёки ёстиқнинг ичида сақлайди? Агар қотил чиндан ҳазинани излаганда полини кўпорган, деворларни илма-тешик қилиб ташлаган бўлмасмиди? Менимча, қотил атайлаб, қилмишини хаспўшлаш учун нарсаларни сочиб ташлаган.

– Балки қотил уйда ҳазина борлигини билмагандир? Шунинг учун қидиришни юзакироқ ўтказгандир?

– Уйда ҳазина борлигини билмаса, ким дўхтирнинг уйига босқинчиликка киради. Ахир, уларнинг кўпи зўрға кун кўришади-ку!

– Ҳозир қандай тахмин устида ишляпсизлар? – Санжарбек савол беришда давом этди.

– Ҳозир марҳумнинг яқин қариндошлари, фарзандлари, таниш-билишлари билан ишляапмиз. Улардан кимдир шахсий адоват туфайли қотилликка қўл урган бўлса ажабмас. Бахтга қарши, ер ёмонлаб бормасин-у, дўхтир тушмагур кўпчилик билан ёвлашган экан. Жиззакилиги, хасис ва ичи қоралиги туфайли яқинлари, оғайин-қариндошларнинг кўпи билан нифоқлашиб чиққан экан. Бундай олиб қаралса, кўпчиликда уни ўлдиришга мотив етарли! Қийинчилигимизнинг асосий сабаби ҳам шунда.

– Қотиллик унинг касбий фаолияти билан боғлиқ, деган...

– Бу тахмин ҳам бор. Аммо ҳали унинг устида ишлашга имкон бўлмади. Менимча, бундан бирор иш чиқиши ҳам дарғумон.

– Сабаб?

– Энди дўхтир одам... иши одамларни даволаш бўлса, милиция, суд ёки прокуратура ходими бўлмаса, ким ҳам унга душманлик қилиши мумкин?

– Айтайлик, кимнингдир фарзанди, жигари, турмуш ўртоғи ёки ота-онаси операциядан чиқмай қолса... ким айбдор– дўхтир айбдор бўлмайдими?

– Тўғри, лекин дўхтирлар ҳам Худо эмас-ку! Улар ҳам қўлларидан келганини қилишса... Шу арзимас сабаб билан дўхтирни ўлдириш... ақлга сиғадиган иш эмас, деб ўйлайман.

– Унда мана бу шикоят билан танишиб чиқсангиз, – Санжарбек папкасидан боя уни таассуфга солган шикоятнинг нусхасини терговчига узатди, – балки фикрингиз ўзгариб қолар!

Илҳом истар-истамас қоғозни қўлига олиб, «чўқилаб» ўқий бошлади. Сал ўтмай стулга маҳкамроқ ўрнашиб, бор диққатини жамлагунча шикоятни ўқишга берилиб кетди.

– Аҳа, бундай кайфиятдаги одам ҳеч нарсадан тоймаслиги аниқ, – деди терговчи қоғоздан бош кўтариб, – бу хат сизларга қаердан тушиб қолди?

– Айрим нарсаларга ойдинлик киритиш мақсадида шифохонага боргандик, – қисқароқ жавоб қилди Санжарбек, – дўхтирни суриштирак, уни ўлдириб кетишганини айтишди. Биз тергов қилаётган ишда дорихона эгаси номаълум шахс томонидан ўлдириб кетилган. Кўп тахминлар илгари сурилди. Бироқ ҳозирча улардан бирортаси ўзини оқламади. Дорихона нейрохирургия институти ёнгинасида жойлашган, асосий мижозлари шу шифохонада довланувчилари. Шу сабабли институтга келгандик.

– Тушунарли, – Илҳом бир муддат ўйга толиб, ўзича пичирлади, – демак, қотил дўхтирни ҳам, уни дори билан таъминлаб турган дорихоначини ҳам ўғлининг ўлимида айбдор санаган ва иккаласидан ҳам қасос олмоқчи бўлган.

– Дўхтирдан қасос олмоқчи бўлгани тушунарли, аммо дорихона эгасининг айби нимада? – Санжарбек атайлаб ҳамкасбини мунозарага чорлади. – У бечора нима қилсин? Шифокор кимга рецепт ёзиб берса, дори сотаверадиди-да!

– Шундай дейсиз-у, кейинги пайтларда врачлар билан дорихоначилар келишиб, одамларни чув тушириш йўлига ўтиб олишган. Врач керакми-керакмасми рецептга бир дунё дори ёзиб беради, дорифуруш ўтмас молини ўтказиб, фойдасини врач билан бўлишади.

– Қотил жарроҳ билан дорихоначининг манфур режасини англаб, охирига етган кўринади, сўнг ҳар иккаласини жазолашни уддалаган, – деди Санжарбек ҳамкасбининг фикри ўзиники билан муштарақ эканидан мамнун бўлиб.

– Шунақага ўхшайди, энди нима қиламиз? – деди Илҳом соддалик билан.

– Айрим масалаларга ойдинлик киритиб, бугуннинг ўзида Учқун Ақромовни ушлаш чораларини кўрамиз. Агар фаразимиз тўғри чиқадиган бўлса, кейин бафуржа келишиб оламиз, – Санжарбек кетишга тайёрланди.

– Гап йўқ, сизларга омад! Бирор ёрдам лозим бўлса, ҳа-миша тайёрмиз.

Санжарбек туман прокурори ўринбосари билан хайрлашиб, тўғри шифохонага йўл олди.

* * *

Терговчилар ишда пайдо бўлган асосий гумондор билан гаплашишдан олдин айрим масалаларга ойдинлик киритиши лозим эди. Дастлаб Робия Ҳайитова сўроқ қилинди.

– Опа, ўша кун жонлантириш бўлимида содир бўлган воқеани батафсилроқ гапириб берсангиз, – гуруҳ раҳбари одатий саволлардан сўнг мақсадга кўчди.

– Укажон, мен қарз гапни эгасига етказмоқчи эдим, – оғриниб гап бошлади аёл, – бошим балога қолди, ишдан бўшаб кетишимга сал қолди. Қўйинг, менга тинчлик керак. Кўрдим дедим – тутилдим, кўрмадим дедим – қутулдим.

– Нима, сизга бирор киши тазйиқ ўтказдими?

– Сизлар келасизлар, кетасизлар. Мен шу ерда ишлайман. Қариган чоғимда иссиқ жойимни совутиб нима қиламан.

– Аяжон, кўрқманг, сизни ҳеч ким ишдан бўшата олмайди! Давлат бор, қонун бор! Сиз тўғриси гапиринг. Бу биз учун жуда муҳим. Гап қотиллик ҳақида кетяпти.

Аёл «қотиллик» сўзини эшитиб, сергакланди. Бироз иккиланиб, ўша машъум тонгда жонлантириш бўлимида Фозилжон билан кечган воқеани гапириб берди.

– Демак, навбатчи врач Фозилжоннинг ўлганини тасдиқлаган, шундайми? – сўради Умид.

– Ҳа, у боланинг бўйнига қўлини текизиб, томирини ушлаб кўргач, боланинг вафот этганини айтди ва ҳамширага аппаратларни ўчиришни тайинлади.

– Ўша пайтда боланинг ота-онаси ёки яқинлари қаерда эди?

– Онаси шу ерда эди, кечаси билан йўлакдаги диванда ўтириб чиқарди.

– Шум хабарни унга ким етказди?

– Билмадим. Даволовчи врач айтгандир-да. Мен соат саккизларда навбатчиликни топшириб, уйга кетдим.

– Боланинг тонг пайти вафот этгани аниқ. Лекин унинг ота-онаси бу хабарни пешиндан сўнг эшитган. Нима деб ўйлайсиз, врачлар нега бундай йўл тутган бўлса?

– Қаердан билай! Дўхтирлардан сўранг! Оддий сани-тар бўлсам...

Сўнг ўша куни навбатчиликда турган врач, ҳамшира сўроқ қилинди. Улар Робиянинг кўрсатмаларини тўла тасдиқлади.

– Ит эмган харомилар? – Маъмур асабини жиловлаёлмади. – Ўликдан ҳам умидвор бўлганини қаранг! Бировнинг бахтсизлигидан бахт излайдиган ифлослар!

– Маъмур ака, мутахассислар етиб келишдими? – сўради Санжарбек.

– Ҳа, улар аллақачон текширишни бошлаб юборишди.

– Яхши, – гуруҳ раҳбари ишни тақсимлашга тушди, – унда сиз соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими билан Фозилжоннинг касаллиги, жарроҳлик амалиётининг ўтказилиши ва ўлими билан боғлиқ барча ҳужжатларни тўплаб, ўрганиб чиқасизлар. Лозим топсангиз, экспертиза тайинланг.

– Тушунарли, – Маъмур ён дафтарига топшириқни қайд этгач, кетишга шайланди.

– Умиджон, сиз Жўрабой билан шифохона ва Луқмоннинг дорихонаси ўртасидаги алоқаларни ўрганишни давом эттирасиз. Бу ерда дорихоначи билан врачлар ўртасида жиноий келишув бўлганига шубҳа йўқ. Дўхтирлар беморларга бўлар-бўлмас дори-дармонларни ёзиб бераверишган ва табиийки дорини қаердан олишни ҳам тайинлашган. Миждозлар топган тутганини тўплаб, дорихонадан айтилган дориларни олиб келиб, дўхтирларга берган. Дўхтирлар дориларнинг бир қисмини беморга ишлатган, қолганини дорихонага қайтиб топширган, аниқроғи «сотган». Шу йўл билан битта дори бир неча марта пулланган.

– Шунинг учун Фозилжон ўлган бўлса-да, унга бир дунё дори ёзиб беришган экан-да, инсофсизлар! – ўзича пичирлади Жўрабой.

– Санжар ака, гапларингиз тўғри, аммо бу ҳолатни исботлаш имкони бўлармикан? – журъатсизлик билан сўради Умид.

– Мияни ишлатинг, Умиджон, мияни! – кулди гуруҳ раҳбари, – биласиз, елкамиздаги бош ишласа – хазина, ишламаса – кераксиз юк.

– Санжар ака, – «профессор» фикрини такомилга етказишга уринди, – аввал дорихона дориларни қаердан, қачон, қанча миқдорда олганлигини аниқлаб, кейин дорихона шифохона мижозларига қанча дори сотганини аниқласак, «ортиқча» маҳсулот чиқиб келмайдими?

– Тўғри, – гуруҳ раҳбари талабанинг елкасига қоқиб қўйди, – дорихонада тафтиш ишлари якунланди. Шифохонада ҳам дори-дармонларнинг кирим-чиқими, тақсимоти, ҳисобдан чиқарилишини бирламчи ҳужжатлар асосида тафтишдан ўтказиш талаб этилади. Нейрохирургияда ишлатиладиган дорилар, асосан, хориждан келтирилади. Бундан чиқди, текширишнинг бир қисми божхонага ҳам бориб тақалиши мумкин. Яна бир нарсага аҳамият беринглар, бу шифохонада ишлатиладиган дори-дармонлар бошқа жойда ишлатилмайди. Уларни республикага олиб кирадиган фирмалар битта ёки иккита бўлиши мумкин. Уларга ҳам чиқишга тўғри келиши мумкин. Дорихонада ўтказилган тафтишнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, бир неча турдаги дориларнинг кирими ва чиқими ўртасида номувофиқлик аниқланган. Яъни айрим дориларнинг чиқими кирим ҳужжатларида кўрсатилганидан бир неча баробар кўп чиқмоқда. Бу эса Луқмоннинг шифокорлар билан тил бириктириб, битта дорини бир неча марта пуллаётганини англатади.

– Учкун Ақромовнинг куйиниб ёзганича бор экан-да! – деди Умид қаҳри келиб.

– Аммо бу ҳолатни ҳали исботлаш лозим, – давом этди гуруҳ раҳбари. – Шифохона давлат ташкилоти, у ерда вақти-вақти билан молия вазирлиги ревизорлари томонидан текшириш ўтказиб турилади. Шунинг учун бюджет ташкилотларда одатда ҳужжатлар рисоладагидек «чиroyли» қилиб қўйилади. Рецептлар, касаллик тарихи ва дориларнинг кирим-чиқим қоғозларидан бирорта камчилик топиш амри маҳол. Шу сабабли биз муайян даврда шифохонада даволанган беморлар ва уларнинг қариндошлари билан гаплашиб, лозим бўлса уларнинг қўлларидаги рецептлар, тўлов чекларини олиб, масалага ойдинлик киритишга мажбурмиз.

– Нима, шифохонада текширишни тўхтатамизми? – ҳайрон бўлди Умид.

– Нега тўхтатарканмиз! – гуруҳ раҳбари изоҳ беришга уринди. – Улар ишларини якунлашсин, балки текшириш биз кутган натижани берар, керакли рақамлар чиқиб келар. Унда ишимиз янада осонлашади. Дорихона ва шифонадаги ҳисоб-китобларни умумлаштирсак бас, рақамларнинг ўзи тилга киради!

– Тушунарли, кетдик «профессор»! – Умид Жўрабойга қараб жилмайди. – Рақамларни гапиртирамиз!

Йигитлар кула-кула хонадан чиқиб кетишди.

* * *

Тезкор ходимлар Учкун Ақромовни хонага бошлаб келганларида Санжарбекнинг юраги «шиғ» этиб кетди. Қўнглидан «Шу одамнинг қўлидан икки шердай йигитни ўлдириш келадими?» деган ўй кечди. «Меҳмон» билан совуққина ҳол-аҳвол сўрашган бўлиб, унга бошдан оёқ разм солди. Хаёлига «Одамнинг оласи ичида бўлади, сиртдан қўйнинг оғзидан чўп олмагандай беозоргина, жуссаси қотмагина – нимжон кўринган бу одам ичидан пишган айёр ва муттаҳам, теккан жойини узиб оладиган чайир бўлса керак», деган фикр келди.

– Учқун ака, якка-ю ягона фарзандингиздан ажралган экансиз, аввало, таъзиямни қабул қилгайсиз, Аллоҳ раҳматига олсин! – деди Санжарбек қўлини кўксига қўйиб.

– Худонинг иши экан, иним, нима ҳам қилардик. Ер қаттиқ, осмон узоқ... – деди Учқун синиқ оҳангда.

– Биз нейрохирургия институтида текшириш ўтказётгандик, ногаҳон сизнинг шикоятингиз қўлимизга тушиб қолди, – терговчи эҳтиёткорлик билан мавзуга яқинлашди. – Ўзи нима бўлганди? Ёзганларингиз ҳаммаси ростми?

– Иним, энди бу гапларни кўзғашдан нима маъни! – босиқлик билан сўзлади «меҳмон». – Ўлган одам ўлиб кетди, отилган ўқни қайтариб бўладими? Бировни айбдор қилиб, қамаган билан боламиз қайтиб келармиди?! Укажон, хатда ҳаммасини батафсил ёзганман, бошқа қўшимчам йўқ. Илтимос, куйган кўнгилни куйдирманг. Бу бетофиқ, бемазаларни Аллоҳга топширдим. Ўзи жазосини берсин!

– Учқун ака, ярангизни янгиламоқчи эмасмиз. Хизматчилик экан, бўлган воқеаларни ўз оғзингиздан эшитиб, расмийлаштиришимиз лозим, – деди терговчи овозига жиддий тон бериб.

Учқун бироз ўйланиб туриб, бошидан кечган савдоларни айтишга тушди. Марҳум фарзандини тилга олганда қароғида ёш қалқиди, дўхтирларнинг кирдикорлари ҳақида гапирганда лаблари титраб, муштлири тугилди, кўзларида қаҳру ғазаб учқунлари алангаланди.

– Ҳаётда беш йил, етти йил фарзанд кутиб, муродга етган эр-хотинлар ҳақида эшитгандим, – Санжарбек ҳамсухбатининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилди. – Лекин ўн беш йил фарзанд умидида яшаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас, буни ҳақиқий қаҳрамонлик деса бўлади.

– Муҳаббат – кучли туйғу, – деди Учқун рўмолчаси билан юз-кўзини артиб. – Севган одам ҳар нарсага қодир экан. Ҳатто ота-оналаримиз ҳам фарзанд кўришимизга

ишонмай қўйишганди. Биз сабр қилдик... Ўн беш йил қон ютиб, қон туфладик. Яқинларимиздан, одамлардан қочиб юришга мажбур бўлдик. Аллоҳдан тиладик. Яратган Эгам бизни сийлади, муҳаббатимизни муносиб мукофатлади. Ўғилли бўлдик. Бир шифокор либосидаги муттаҳам эса уни биздан тортиб олди. Кўзимиз нури, қалбимиз қўри, умидимиз чечаги, ҳаётимиз мазмунидан жудо қилди.

– Ўғлигининг тонг пайти ўлганлиги тасдиқланди, – терговчи аста-секинлик билан чуқурлаша борди. – Аммо врачнинг ўлган киши учун дори буюрганига сираям тушунмай турибмиз. Бу нима? Наҳотки, у боланинг вафот этганини билмаган бўлса! Ёки институт раҳбарияти сизга ёзганидек, болани «жонлантириш» чораларини кўрганмикан? – ўзини соддаликка олди терговчи. – Ё бу ерда бошқа сир борми?

– Эй ука, нима деяпсиз? – Учқуннинг пешонаси тиринди. – Бунинг ҳаммаси нафсининг иши! Булар одам эмас, «бер-бер» васвасасига тушиб қолган шайтонлар! Қимирласа, пул талаб қилади. Жойлашиш пул, операция пул, дори пул, парвариш пул... Оналари буларнинг танглайини пул билан кўтарганми, тушунмайман? Мен ҳам кам пул берганим йўқ. Эл қатори ҳаммасига тўладим. Жарроҳ, анестезиолог, ёрдамчи, ҳамшира... ҳаммаси оладиганини олди. Бу ҳам етмагандай доридан пул қилиш куйига тушганини қаранг! Одам ҳам шунча разил, ифлос бўладими? Мана, Худо бор экан, ҳаммасини кўриб-билиб турган экан, ўзи ҳам итдай ўлиб кетди.

– Учқун ака, Амин Шокировичнинг ўлими ҳақида қачон, кимдан эшитдингиз? – навбатдиги саволни берди терговчи.

– Робия хотиним билан гаплашиб турарди. Ундан эшитдик.

– Биринчи август куни қаерда эдингиз, ёдингиздами?

– Биринчи август куни... абитуриентлар тест топширадиган кун, – Учқун бироз ўйланиб қолди. – Ҳа, эсладим. Ўша куни хотин билан Фарғонага кетгандик. Болалар уй-

идан фарзанд асраб олмоқчи эдик. Лекин шу куни ишимиз битмади. Директорнинг ўғли Тошкентга ўқишга топширган экан, шу сабабли ишга чиқмабди. Уни эртаси куни топдик.

– Нега энди Фарғонадан бола асрамоқчи бўлдингизлар? Тошкентда шунча...

– Ўша болалар уйида бир курсдошимнинг аёли ишлайди. Яхши номзод бор, деб бир болани тавсия қилганди.

– Маъқул бўлдимиз?

– Тушунмадим?

– Болани олдингизларми?

– Ҳа, Фозилжонни олдик, ҳозир биз билан яшаяпти. Фарзанд доғида адои тамом бўлган шўрлик аёлимга овунчоқ бўлди.

– Нима, унинг ҳам оти...

– Йўқ, Фазлиддин экан... Онаси унга Фозилжон деб исм қўйди.

– Шу йил иккинчи май куни қаерда эдингиз, эслай оласизми? – Санжарбек масаладан четлашиб кетаётганини ҳис қилиб, мавзуга қайтишга интилди.

– Э, иним, қизиқсиз-а! Баъзан эрталаб нима еганимиз ёдимизда турмайди. Сиз уч-тўрт ойлик нарсани айтасиз.

– Нима бўлгандаям эшлашга ҳаракат қилиб кўринг. Балки бирор тадбир – тўй-ҳашам дегандай...

– Иккинчи май... иккинчи... йўқ, эслолмадим... Э, тўхтанг, иккинчи май Жиззахдаги божамнинг туғилган куни-ку! Биз ҳар йили уларникига кетардик. Бу йил кўнглимизга туғилган кун сиғармиди, бормоқчи эмасдик. Божам – Тўйчибой яхши йигит. Ўзи бир кун олдин келиб, «Сиқилиб кетдинглар, бир шамоллаб келасизлар», дея кўярда қўймай бизни уйига олиб кетди. Иккинчи май куни юбилейда иштирок этдик. Келаси куни уйга қайтдик. Тинчликми, нимага сўраяпсиз?

– Тинчлик, тинчлик, – хотиржамлик билан жавоб берди терговчи. – Учқун ака, танҳо жигарбандингиздан жудо қилган шахсдан қасос олиш хаёлингизга келганми?

– Албатта келган, – ҳозиржавоблик қилди гувоҳ, – ер ёмонлаб бормасин, ўша муттаҳамни чавақлаб ташлаш, уйига ўт қўйишни кўп ўйладим. Бундай олиб қараса, менинг йўқотадиган ҳеч нарсам қолмаганди. Орзу, уми-дларим Фозилжон билан бирга гўрга кўмилиб кетган-ди. Аммо аёлимни – Муаттарни ўйладим. Менсиз унинг ҳоли нима кечиши тинчлик бермади. Шу сабабли бу бе-тофиқларни Худога солдим. Ортга қарамай яшашга ҳара-кат қилдим.

– Яхши, – Санжарбек сўроқни якунлаб, қоғозга қўл қўйдирди. – Сизга жавоб, зарурият бўлса тагин чақирти-рамиз.

Учкун илиқ хайрлашиб, чиқиб кетди. Санжарбек жойида ўтиргунча кўзини юмиб, хаёлларини жамлаш-га ҳаракат қилди: «Йўқ, яна саробга учрадик, шекилли. Учкуннинг самимий, оқкўнгил, инсофли, имонли, диё-натли, тўғрисиўз ва ориятли инсон экани кўриниб туриб-ди. Бунақа кишиларнинг қўлидан қотиллик келмайди. Лекин ор-номус ҳар нарсадан устун эмасми? Номуси, шаънини ҳимоя қилиб, қўлига қурол олганлар камми? Нима бўлгандаям Учкуннинг вазжларини охиригача тек-ширмасдан бирор хулоса қилиш қийин.

* * *

Кечга яқин прокуратурага қайтган тергов гуруҳи аъ-золари кун давомида амалга оширган ишларини сарҳи-соб қилишга киришдилар. Дастлаб «Умид-Жўрабой» гу-руҳига сўз берилди:

– Ўтказилган текширишлар, қилинган таҳлиллар, – қироат билан гап бошлади Умид, – «Кумушбиби» дори-хонаси ва нейрохирургия шифохонасининг учта бўлими ўртасидаги ўртача бир ойлик дори айланмаси 328 млн сўм ёки 200 АҚШ долларини ташкил этишини кўрсат-ди. Демак, бу субъектлар ўртасидаги бир йиллик товар айланмаси қарийб икки миллион АҚШ долларини таш-кил этган. Асосан, «Альбумин», «Маннит» деган дорилар

олинган. Республика давлат божхона қўмитасидан олинган маълумотга қараганда, шу даврда қайд этилган дорилардан 500 минг АҚШ долларлик маҳсулот хориждан республикамизга олиб келинган. Бу рақамлар дориларни хориждан олиб келган фирмаларда ўтказилган текширишларда ҳам ўз тасдиғини топди. Бошқача айтганда, республикамизга олиб келинган ярим миллионлик дори мижозларга икки ярим миллион долларга пулланган.

– Балки, дориларнинг бир қисми республикамизга нолегал, хуфёна йўллар билан кириб келгандир? – эътироз қилди гуруҳ раҳбари.

– Йўқ, биз ҳам бошида шунақа деб ўйлагандик. Суриштириб кўрсак, бунинг асло имкони йўқлигини айтишди. Гап шундаки, биринчидан, бу дорилар нисбатан кам қўлланилади, яъни унинг истеъмолчиси, асосан, нейрохирургия институти мижозлари. Бошқа шифохоналарда бу каби жарроҳлик амалиёти ўтказилмайди. Иккинчидан, дорилар шиша идишларда ва ҳажми нисбатан катта бўлгани боис уларни божхона чегарасидан яширинча олиб ўтишнинг сира иложи йўқ.

– Бундан чикди, – хулосалади Санжарбек бир нуқтадан кўз узмай, – нейрохирургия институти шифокорларининг «Кумушбиби» дорихонаси билан келишиб, битта дорини мижозларга тўрт-беш қайта сотаётгани рост экан-да! Бу тизим узоқ йиллар давомида беҳато ишлаб келган. Уни Билол Сайфиевич йўлга қўйган бўлса ажабмас. Ана, нима учун тоға-жиянлар мерос масаласида айнан шу кичикина дорихонага талашганининг сирини тушунгандай бўляпман... Институт ва дорихона ўртасидаги жиноий келишув Амин Шокирович билан Луқмоннинг ўлими орасида сабабий боғлиқлик мавжудлигини исботлаяпти. Демак, қотил биз эндигина англаб етган ҳақиқатни аллақачон идрок этиб, жиноий гуруҳни «самосуд» қилиш режасини тузган ва уни ҳамирдан қил суғиргандай ижро қилган. Ҳаммаси тушунарли... Бироқ ўша қотил кимлиги ҳамон мавҳумлигича қолмоқда.

– Нима, анави Учқун Ақромов қотил эмас, деб ҳисоб-
лаяпсизми? – ҳайрона боқди Маъмур.

– Унинг барча «алиби»лари тўғри чиқди, – сўзида да-
вом этди гуруҳ раҳбари. – Биринчи қотиллик юз берган
кунда у Жиззахда божасининг туғилган кунида бўлган.
Буни гувоҳлар, тадбирнинг видео тасмаси ёзувлари тўла
тасдиқлади. Иккинчи қотиллик юз берганда эса водийда
бўлган, эр-хотин болалар уйдан фарзанд асраб олишга
боришган. Бу ҳолат ҳам гувоҳларнинг кўрсатмаларидан
ташқари, самолёт чипталари, болалар уйида тузилган
ҳужжатлар асосида тасдиқланди.

– Балки Учқун ўзи четда туриб, бирортасини бу ишга
ёллағандир? – тортинибгина гапга қўшилди Жўрабой.

– Бўлиши мумкин, – Санжарбек арқонни узун ташлаш-
га ҳаракат қилди. – Тўғри, аламзада одамдан ҳар нарсани
кутса бўлади. Аммо бу одамнинг ўзи билан гаплашсангиз,
сира унақага ўхшамайди... қандайдир бошқача... оддий,
самимий... кўнгилчан...

– Эй, Санжарбек, ҳаммани ўзингиздай ўйлайсиз-да,
– деди Маъмур бошини сарак-сарак қилиб. – Булар сиз
билан бизнинг олдимизда ўзларини мулла минган эшак-
дай ювош тутишади. Аслида, шайтонга фириб беради.

– Гапингиз тўғри, – ён босди гуруҳ раҳбари, – биз
Учқунни гумондорлар сафидан чиқарганимиз йўқ. У би-
лан ишлашни давом эттирамиз. Унинг юриш-туруши, те-
лефон сўзлашувлари, алоқалари доираси ўрганилмоқда.
Шу масалада кимда қандай жўялироқ таклиф ва мулоҳа-
залар бор, марҳамат?

– Ортидан кузатув қўйсақ, телефон сўзлашувларини
эшитишни ташкил этсак қандай бўлади? – биринчи бў-
либ Умид фикр билдирди.

– Бу бизга нима бериши мумкин? – Санжарбекнинг
қошлари чимирилди. – У ўзини хатарга қўйиб, ёлланма
қотил билан алоқага чиқади, деб ўйлайсизми?

– Қотилни бу иш билан прокуратура қизиқаётгани
ҳақида огоҳлантиришга ҳаракат қилиши мумкин-ку! –
Умид фикрини асослашга уринди.

– Яхши, буниям қиламиз. Яна қандай таклиф бор?

– Қотил ёллаш осон иш эмас, – Жўрабой гапни узоқдан бошлади, – бунинг учун ё зўринг, ё пулинг бўлиши лозим. Учқуннинг «зўри» йўқлиги кундай равшан. Демак, у қотилни катта пул ҳисобигагина ёллаши мумкин бўлади. Шу сабабли ишни унинг отни калласидай пулни қаердан топганини аниқлашдан бошласак тўғри бўларди...

– Ҳа, отангизга раҳмат! – Санжарбек ўрнидан туриб кетди. – Шу фикрни кутаётгандим. Тўғри-да, шу замонда ким ҳам сенинг қора кўзинг учун қотилликка қўл уради. Пул учун қўлини қонга буловчилар эса ҳар қадамда топилади. Хўш, оддий мактаб ўқитувчиси шунча пулни қаердан олган бўлиши мумкин? Шунга аниқлик киритсак масала анча ойдинлашарди. Шу сабабли Умиджон сиз «профессор», эй кечирасиз, Жўрабой билан Учқуннинг пулни қаердан олган бўлиши мумкинлиги масаласини текширасизлар. Балки машинасини, уй-жойини, асбоб-ускунасини сотгандир, балки бирортасидан қарз кўтаргандир ёки бошқа даромад манбаи бордир, қараб кўрасизлар!

– Тушунарли! – деди Умид ён дафтарига топшириқни муҳрлаб.

– Маъмур ака, сизда нима гаплар? – гуруҳ раҳбари «майор»га юзланди.

– Ҳозиргина мутахассислар хулосасини олдик, Фозилжон эрталаб соат еттилар атрофида ўлгани тасдиқланди. Болани ташхислашда, жарроҳлик амалиётини ўтказишда тиббий талабларидан чекиниш, хатоликлар аниқланмади. Фақат жарроҳликдан сўнг парваришlash лозим даражада ташкил этилмагани маълум бўлди. Бола узлуксиз суюқлик ичиб туриши лозим бўлган. Аммо ҳамшираларнинг гапига қараганда, бола сув ичишни хушламаган, онаси эса уни мажбурлай олмаган. Боланинг онаси – Муаттар билан гаплашдик. У ҳақиқатда врачлар болага сув ичириб туришни тайинлаганини, аммо бола кўп суюқлик истеъмол қилишга унамаганини, бемор бо-

лани бунга мажбурлай олмаганини, агарда дўхтирлар сув ичиб туриши шартлигини, йўқса бола нобуд бўлишини айтганларида оғзидан мажбурлаб қуйиб бўлса-да, суюқлик берган бўлишини қон йиғлаб гапирди. Касофат дўхтирлар она бечорага оддийгина қилиб «Суюқлик ичкизиб туринг», деб айтган қўйган. Акс ҳолда, нима бўлишини, оқибатини тушунтирмаган.

– Тушунарли! – гуруҳ раҳбари кенгашни якунлашга шошилди. – Маъмур ака, бугун сиз билан институтда кейинги бир йил ичида жарроҳлик столига олиниб, оқибатда вафот этган шахсларни аниқлаб, уларнинг яқинлари билан ишлашни бошлаймиз. Учқун Ақромов билан ўралашиб, бошқа йўналишлар эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Агар саволлар бўлмаса, ҳамма ишга!

Гуруҳ аъзолари хонадан чиқиб кетгач, Санжарбек Мухторга кўнғироқ қилиб, бир қанча тезкор топшириқлар берди.

– Санжарбек, тушунмай қоляпман, қаёққа қараб кетаяпмиз? – Маъмур елкасини қисди. – Бу қурғур ишнинг уч-қўйруғи кўринмайди-я! Жиноятчи биз билан «сичқон-мушук» ўйнаётгандай. Биз қувишдан чарчамаймиз, қотил қичишдан. Етдик деганимизда изини йўқотамиз. Бу баттол яна қандай «совға»лар тайёрлаб қўйган билмаймиз.

– Маъмур ака, устозимиз терговчи учун зийраклик ва топқирлик қанчалик муҳим бўлса, сабр ҳам шунчалик муҳим фазилат, деб ҳисобларди.

– Устозингиз ҳақ гапни айтган эканлар. Сабру бардош терговчига олдидаги юзлаб сўқмоқлар ичидан тўғриси топишда қўл келади, – Маъмур фурсатдан фойдаланиб чиройли фалсафий гап қилишга ҳаракат қилди, аммо тилига бундан ўтар тузукроқ сўз келмади.

Шу куннинг ўзида институтда сўнгги бир йил ичида жарроҳлик амалиёти оқибатида вафот этган шахслар

рўйхати тузилди. Терговчилар улар орасидан «диққатга сазовор» ўнта ҳолатни ажратиб олиб, марҳумларнинг шахсини, воқеалар тафсилотини ўрганишга киришдилар. Юзлаб одамлар сўроқ қилинди, таҳлиллар ўтказилди. Натижада Амин Шокирович ва Луқмон Шариповлардан қасос олиши мумкин бўлган икки шахс терговчиларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Улардан биринчиси Айдар Муратов, муқаддам гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ўтказишда иштирокчилиги учун судланган, жазони ўтаб чиққанидан сўнг хорижий корхона ҳавфсизлик хизматида ишлаган. Бир йил олдин турмуш ўртоғи – Айгул Муратова нейрохирургия институтида ўтказилган жарроҳлик амалиёти оқибатида вафот этган. Гувоҳларнинг таъкидлашича, аёлининг ўлиmidан ларзага келган эр кўпчиликнинг олдида Амин Шокировични уриб кетган. Атрофдагилар ажратиб қолмаганда воқеа фожиа билан тугаши аниқ бўлган. Айдар дўхтирни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қилиб, «Барибир сен ифлоснинг кулингни кўкка совураман», деб дарғдага қилган. Амин Шокирович мушт зарбидан кўзи кўкарган бўлса-да, зўровоннинг устидан арз қилмаган.

Шу масалада гувоҳ сифатида сўралган Айдар бўлиб ўтган воқеаларга қуйидагича изоҳ берди:

– Биз Айгул билан севишиб турмуш қургандик. Уч йил ортидан соядай эргашиб, муҳаббатига сазовор бўлгандим. Институтни тамомлаб, тўй қилдик, фарзандлар дунёга келди. Хотиним мактабда, мен туман ҳокимиятида ишлардим. Олган моянамиз зўрға қора қозонни қайнатишга етарди. Қариндош уруғлардан қарз ҳавола қилиб, эскироқ машина олгандим. Кейин уни сотиб, банк кредити ҳисобига «Nexia» олдим. Шу сабабли ишга бориш-келишда киракашлик қилишга ҳам тўғри келди. Ҳар на ёрдам, кредитни қисман кира пули билан ёпиб юрардим. Бир куни ишдан қайтишда олифтагина мишиқи йигит машинамга чиқиб қолди. Тилли-жағли киши экан, йўл-йўлакай чақчақлашиб кетдик. Қўйлик томонга

бордик. Ҳашаматли уйнинг олдида машинадан тушиб, «Ока, илтимос, беш дақиқада чиқаман, мени Чилонзорга ташлаб қўясиз», деб уйга кириб кетди. Айтганидай дарров қайтиб келди, қўлида ҳеч нарса йўқ эди. Чилонзор метросига етиб бориб, тўхтатишим билан беш-олти чоғли киши югуриб келиб, машинани босса бўладими?! Ички ишлар, хавфсизлик хизмати ходимлари экан. Машинадан тушириб, чўнтақларимизни текширишди. Кейин машинанинг юкхонаси, салонининг ичини чиғириқдан ўтказишди ва ўриндиқнинг тагидан қора салафанга ўралган нарса топишди. Холислар ёрдамида салафан очилганда ичидан «опий» деган наркотик модда чиқди. «Бу кимники?» деб сўрашди. «Шеригим» кўзини чақчайтириб, «Меники эмас», деди. Мен бўлган воқеани айтиб, бу нарсага умуман даҳлим йўқлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Иккаламизни ҳам идорага олиб кетишди. Тергов бошланди. Хуллас, ҳокимиятда ишлашим «қўл келиб», мени гуруҳга «бош» қилишди. Додимни ҳеч ким эшитмади. Судда адолат бўлар, деб ўйлагандим, адашган эканман. Суд менинг дод-войимга қулоқ ҳам тутмай, ҳукм чиқарди. Саккиз йилга қамалдим. Хотиним ва икки норасида болам ортимдан чирқиллаб қолишди. Оиланинг бутун юки Айгулнинг гарданига тушди. Болаларни боғчага бериб, эртадан кечгача – икки ставкада ишлашга мажбур бўлди. Бу ҳам етмагандай бечора бўзчининг мокисидай қамоқхонага – Қаршига қатнади. Емай-ичмай топганини менга ташиди. Мени тушкунлик, умидсизлик кайфиятидан чиқаришга ҳаракат қилди. Айб қилиб қамалсанг унчалик алам қилмайди. Ҳар холда нима учун жазо олганингни биласан, ўзингни тафтиш қиласан, хафа бўлсанг ўзингдан кўрасан, ўзингдан гина қиласан. Ҳеч қандай гуноҳсиз қамалсанг, икки карра оғир бўларкан. Ўз-ўзингни еб адо қиларкансан. Жавобсиз саволлар миянгни кемириб ташларкан, қалбинг алам зардобига тўлиб кетаркан. Вақт ҳамма нарсага даъво, дейишади. Хотинимнинг қўллаб-қувватлаши ёрдамида тақдирга

тан бердим, оилам, болаларим учун яшашим, курашишим шартлигини англаб етдим. Олти йил ўтириб, озодликка чиқдим, қадрдонларим бағрига қайтиб келдим. Қолган умримни уларга бағишлашни, маза қилиб бахтли-саодатли ҳаёт кечиришни ният қилгандим.

Йигит чуқур «уфф» тортиб, бир муддат жимиб қолди. Кимдир совуқ чойдан қуйиб, унга узатди. Айдар аччиқ чойни охиригача симириб, ҳикоясини давом эттирди:

– Ҳаёт бир текис эмас экан. Тақдир ўйинлари бошингга не савдолар солишини билиб бўлмакан. Осуда турмушимизга яна оғу қўшилди. Йўқ жойдан Айгулнинг бошида ўсимта борлиги аниқланди. Нейрохирургия институтига бордик. Дўхтирлар аёлимни текшириб, зудлик билан операция қилиш лозимлигини, акс ҳолда, без каттариб, миядаги қон томирларини қисиб қўйиб, судирги бошланиши мумкинлигини айтишди. Аслида, бу бемазаларга ишониб хато қилган эканман. Уйимни сотиб, бор-йўғимни тикиб бўлса-да, Айгулни Ҳиндистонга олиб борсам бўларкан. Одам бундай пайтда шошиб қоларкан, ёш боладай мўлтираб, ким нима деса ишониб, ортидан эргашиб кетавераркан. Айгулимнинг ўша пайтдаги ўзини дадил тутишга ҳаракат қилса-да, қўрқувдан жовдураб, нажот истаб турган кўзлари ҳамон ёдимдан чиқмайди. Онасининг «Қизим, балки хорижда операция қилдирармиз?» деган гапига аёлимнинг соддалик билан «Ойижон, ташвиш чекманг, куёвингиз бор-ку, яхши тарафини кўраётгандир», деган гаплари ҳамон қулоғим-остида жаранглайди. У менга ҳаётини ишонганди, мен нодон эса кўра била шу жаллодлар қўлига топшириб, даҳшатли хатога йўл қўйдим. Ҳа, ҳа мен учун қимматга тушган хатога йўл қўйдим! Аёлим мен учун матонат билан туриб берганди, мени ҳаётга қайтарганди, мен аҳмоқ эса бир бетамизнинг гапига кириб, таваккал қилдим, унга таянч бўлолмадим, гулдай ҳаётини сақлаб қололмадим...

Айдар томоғига тош тикилгандай ўпкаси тўлиб, гапдан тўхтаб қолди. Сўнг кўз ёшларини рўмолчаси билан артиб, маҳзун оҳангда давом этди:

– Операциядан олдин Амин Шокировичдан тортиб, ҳамшираларгача сўраганини бердик, оғзига сиққанини бажо қилдик. Жарроҳлик беш соат давом этди. Кейин дўхтирлардан бири чиқиб: «Биз қўлдан келганини қилдик, аёлингизни асраб қолишнинг имкони бўлмади, бандалик», деса бўладими. Бир муддат тошдай қотиб қолдим... Юрагим уришдан тўхтагандай эди. Қайнонам «шилқ» этиб қулаб тушди. «Югур-югур» бўлиб қолди. Ичкарига – операция хонасига отилдим. Қаршимдан чиққанини суриб, аёлимнинг ёнига келдим. У кўзларини юмганча ухлагандай ётарди. Айгулимни бағримга босдим, юз-кўзларидан ўпдим, анча пайтгача кўз ёшларимни тиёлмадим. Сал ўзимга келгач, Амин Шокировичнинг хонасига югурдим. Жаҳл ва алам устида дўхтирни уриб ташладим, оғзимга келганини қайтармадим. Одамлар ажратишмаганда билмадим, у каззобни олтинчи қаватдан пастга улоқтириб юборишим ҳам ҳеч гап эмасди. Милиция чақирар, деб ўйлагандим. Виждони қийналганми ёки ўзининг кирдикорлари фoш бўлиб кетишидан чўчиганми ишқилиб, арз қилмади.

– Шундан сўнг Амин Шокировични кўрдингизми? – терговчи саволларни ёғдиришга ўтди.

– Нима қиламан у турқи совуқни кўриб... Учраб қолса, аниқ бир кор-ҳол қилиб қўйишим мумкин эди. Ҳалиям шу норасидаларимни ўйлаб, ўзимни тутиб келдим.

– Амин Шокировичнинг вафот этганини қачон, кимдан эшитдингиз?

– Тешик қулоқ эштади-да! Менимча, эшитганим июнь ойлари эди-ёв. Гули деган қўшнимиз шу шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Болаларим бетоб бўлиб қолса, укол қилишга уйга келиб туради. Ўша қиз айтиб қолди.

– Суюнгандирсиз? – Маъмур «туз»сиз гап қилди.

– Бу нима деганингиз? – Айдарнинг ранги тундлашди. – Жон бермоқ ҳам, жон олмоқ ҳам Аллоҳнинг иши. Уни муҳокама қилиш тузук иш эмас. Тўғри, аёлимни йўқотганда алам устида Аминни ўлдириб қўйишга ҳам тайёр

бўлгандирман. Бандасининг қўлидан нима келади. Яратганга шак келтириб бўладими? Гуноҳга ботиб нима қиламан?

– Шу йил иккинчи май куни қаерда эдингиз?

– Ёдимда йўқ. Нимайди?

– Биринчи август куни-чи?

– Ука, ҳазиллашяпсизми? Бунақа нарса умуман ёдимда турмайди. Кеча қаерда бўлганимни сўранг, кошки эсимда бўлса!

– Ўша куни абитуриентларга тест синовлари бўлган, – аниқлик киритди гуруҳ раҳбари.

– Ўқишга кирадиган одамим бўлмаса, ишда бўлгандирман-да!

– «Кумушбиби» дорихонаси эгаси Луқмон Шариповни танийсизми?

– Йўқ, – гувоҳ елкасини қисди. – Ким экан у?

– Аёлингиз учун, асосан, ундан дори олгансиз. Институтнинг бېқинидаги дорихона...

– Ҳа, анави кичкинагина дорихонами? Кўп дори олганмиз, лекин дорихоначига эътибор қилмаганман.

Терговчилар яна кўплаб саволлар бериб, гувоҳни «имтиҳон» қилдилар. Тезкор ходимлардан бир нечтаси Маъмур бошчилигида унинг телефон сўзлашувлари, яқинлари билан алоқаларини, шунингдек, кўрсатмаларидаги важларини текшириш учун юборилди.

Санжарбек қотилликда гумон қилинаётган иккинчи одам – Хуршид Атоев билан «ишлаш»га киришди. Спортчиларга хос серсавлат, бақувват ва дароз бу йигитнинг нимадандир ҳадиксираб туриши терговчининг диққатини тортди:

– Нимадан безовтасиз?

– Тушунмадим, – анқайди Хуршид.

– Биз нейрохирургия институтида текшириш ўтказётгандик, – мақсадга кўчди Санжарбек, – ўғлингиз операциядан чиқмасдан вафот этган экан. Шу ҳақда сўрамоқчи эдик.

– Ҳа, шунақами? Нима эмиш деб ўйлабман. Анави хотин яна устимдан ёзибдими, дебман, – деди йигит соддалик билан.

– Қанақа хотин, нега ёзади?

– Иккинчи қаватда турадиган аёл, жуда шаллақи экан. Биз учинчи қаватда турамиз. Бир ой олдин ошхонамиздан сув тошиб, иккинчи қаватга оқиб тушган экан, сув тошган жойини таъмирлаб бердим. «Ҳамма жой зах босиб кетди, бутун уйни таъмирлаб берасан», деб туриб олган. Ёзмаган жойи қолмади. Энди прокуратурага ёзибдими, деб ўйлабман.

– Йўқ, биз бошқа масалада... ўғлингизнинг ўлими тўғрисида нима дейсиз?

– Нимасини гапирай, ўлган, ўлди-кетди! Бунни кўзғашдан нима фойда.

– Шунақа зарурият бўлиб турибди, биласиз, биз бекорга масалани кўтармаймиз. Ўша воқеаларни батафсилроқ гапириб берсангиз? Айтишларича, сиз операция қилган врачни чойнак билан урган экансиз?

– Тўғри, ўша муттаҳам дўхтирни уриб ўлдирсам ҳам камлик қиларди. Янаям одамлар ушлаб қолишди.

– Дўхтирлар қўлидан келган ишни қилишади, уларда нима айб? – Санжарбек атайлаб «олов»га «керосин» сепди.

– Бешта қиздан сўнг Худо бизни ўғил фарзанд билан сийлади, – Хуршид маҳзун ҳолда ҳикоясини бошлади.

– Муродимиз ҳосил бўлганидан суюниб, исмини Муроджон қўйдик. Асраган кўзга чўп киради, деганларидай боламиз ўн икки ёшга тўлганда дардга чалинди. Бош миёсида ўсимта пайдо бўлди. Хорижга олиб боришга қўлимиз калталиқ қилди. Нейрология институтида операция қилдиришга мажбур бўлдик. Амин Шокирович деган дўхтир катта ваъдалар билан операцияни бошлади. Қўлимиздан келганча дўхтирларни рози қилдик. Аммо Муроджоннинг умри қисқа экан. Операция муваффақиятсиз чиқди, гулдай боламиздан айрилиб қолдик. Алам устида дўхтирларни хафа қилдим. Стол устидаги чой-

накни отибман, хайрият тегмади. Балки улар ҳам қўлидан келган ишни қилгандир. Хафа бўлганим, Амин Шокирович мени юз фоиз ишонтирганди, ҳаммаси яхшилик билан тугайди, деб кафолат берганди. Операциядан сўнг орқа эшикдан қочиб қолганидан асабим қўзиб, кўзимга дунё тор кўриниб кетди. Хаёлим ўзимда йўқ, тентираб, хонасига бориб қолганимни билмай қолдим-да! Нима, шунча вақт ўтиб, энди устимдан шикоят қилибдими?

– Йўғ-э, ҳеч ким шикоят ёзмаган. Амин Шокирович аллақачон...

– Ўғлимизнинг маъракасини ўтказгандан сўнг Амин акадан кечирим ҳам сўраб кетгандим.

– Амин Шокировичнинг вафот этганидан хабарингиз борми?

– Йўғ-э... қачон... эшитмаган эканман, – Хуршид фотиҳага қўл очди: – Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун! Аллоҳ раҳмат қилсин! Эҳ, хотин тушмагур-а! Ёмон қарғаганди-да! Онаизорнинг дуоси ўқ, деганлари рост экан-да! Қўй, қарғама, Худога сол, дегандим-а! Нима, касал эканми?

– Йўқ, ўлдириб кетишган...

– Ё алҳазар! – Хуршиднинг капалиги учиб кетди. – Ким ўлдиради? Нимага ўлдиради? Ахир, дўхтир одам...

– Қотилни излаяпмиз, нима учун ўлдирганини уни топсак биламиз. Яна саволлар борми? – кулди терговчи.

– Қачон ўлдирган?

– Шу йилнинг иккинчи майида.

– Ишхонасидами?

– Йўқ, уйида... Бўлдими?

– Нима, «бўлдими»? – йигит терговчининг пичингини тушунмади.

– Бошқа саволлар йўқми, демоқчиман, – деди терговчи кулимсираб.

– Йўқ, бўлди, қизиқдим-да!

– Иккинчи май куни қаерда эдингиз, эслай оласизми?

– Ия... нима, мenden кўрпсизми? Гап бу ёқда экан-да! – йигитнинг қовоғи уюлди.

– Саволга жавоб беринг, – жиддийлашди терговчи.
– Тўғриси, ёдимда йўқ, лекин ўлай агар, дўхтирни мен ўлдирганим йўқ.

– Демак, эслай олмайсиз! Бу ёмон!

– Нима, энди мени қамайсизларми? – деди Хуршид кўрқинчдан қалин лаблари гезариб.

– Қотил бўлсангиз, албатта, қамаймиз!

– Йўғ-э, Худо сақласин... Одам ўлдириш осон иш бўпти-ми? Нима қиламан дўхтирни...

– Ахир, яккаю ягона ўғдингизнинг ҳаётига зомин бўлган... Қасос деган гаплар бор, – Санжарбек савол берган сайин бу соддадил йигитнинг қўлидан қотиллик келмаслигини ҳис қилиб, ҳазил-мутуйибага мойил бўлди.

– Аллоҳга керак экан, ўғлимизни ҳузурига чорлади. Дўхтирларнинг қўлидан нима келади. Ўша пайтда жаҳл устида бир аҳмоқлик қилдик, қилдик-да! Худога шукр, қизларим бор, бир-биридан ширин, меҳрибон. Шулар омон бўлсин!

– Тўғри айтасиз, қизлар отага меҳрибон бўлади, – Санжарбек қоғоз-қаламини йиғиштириб, сўроқни якунлади.
– Сизга рухсат, омон бўлинг!

– Сизга ҳам раҳмат, яхши одам экансиз... Мен терговчиларни бошқача тасаввур қилардим, – деди гувоҳ чиқиб кета туриб.

Санжарбек бош ирғаб, кулиб қўя қолди. Унинг хаёли бошқа нарсалар билан банд эди.

* * *

Боши берк кўчага кириб қолган одам одатда ортга қайтишга, ҳаммасини қайтадан бошлашга мажбур бўлади. Терговда ҳам шунақа. Нотўғри йўлга тушиб қолсанг, тўғри йўлни топиш учун яна дастлаб йўлга чиққан жойингга қайтишинг ва адашишдан олган сабоқларинг ёрдамида ҳақ йўлни топа билишинг лозим бўлади. Санжарбек терговнинг бориши тўғрисида Тохир Ёффуровичга ахборот бериб, раҳбарнинг «аччиқ қалампири»дан ўз

насибасини олгач, тўғри туман прокуратурасига борди. Вазиятни муҳокама қилиш учун тергов гуруҳини йиғди.

– Ҳозиргина Бош прокурор ўринбосарига ахборот бериб келдим, – жиддий қиёфада гап бошлади гуруҳ раҳбари. – Тохир Ғафурович ишимиздан мутлоқа норози. Икки ойлик муддат тугаб бораётган бўлса-да, қотил очикда юрибди. Ишламаяпсизлар, деган фикрдан йироқман. Аммо терговчининг иши жиноятнинг очилиши, жиноятчининг қонун олдида жавоб бериши билан баҳоланади. Афсуски, бизда ҳозирча натижа йўқ. Қилган тахминларимиздан бирортаси ўзини оқламади. Бундан ташқари, икки шахс қамоқда. Дарвоқе, айтиш ёдимдан чиқибди, Охунни қўйиб юборишибди. Боя Тохир акадан эшитдим.

– Қандай қилиб, ахир, унинг жинояти...

– Майли, ким нима қилса виждонига ҳавола! Мавзудан четлашмайлик, – гуруҳ раҳбари қўлига қоғоз-қалам олиб, ёзишга киришди. – Келинглари, қилинган ишларни ақл чиғириғидан ўтказиб, сарҳисоб қилиб кўрайлик-чи нима чиқаркан: Шарифхўжани қамадик, у қилган жиноятини қисман бўйнига олди, аммо кейинги ўтказилган текширишлар унинг қотилликка алоқаси йўқлигини кўрсатмоқда. Умиджон сизда янгилик йўқми?

– Шарифхўжанинг ҳамкасблари, оила аъзолари, қариндошлари ва барча яқинлари билан «ишланди». Улар орқали полковник охириги бир йил ичида ишлатган ҳамма телефон рақамлари таҳлил қилинди. Сўнгги пайтларда у кўп гаплашган шахсларни ўрганиб чиқдик. Улар орасида ёлланма қотилликка ярайдиганлари аниқланмади. Шунингдек, Шарифхўжанинг электрон манзилига кириб, ёзишмалари билан ҳам танишдик, бироқ шубҳали маълумотлар учрамади.

– Учкун йўналиши бўйича нима янгиликлар?

– Кузатувлар ҳеч нарса бермади, – ахборот беришга киришди Умид. – Учкуннинг хатти-ҳаракатларида шубҳали ҳолатлар кузатилмади. У билан яқин алоқада бўлган шахслар билан «ишланди». Нотариат идоралари-

дан, кадастр хизмати, ички ишлар органларидан маълумотномалар олинди. Учкун ёки унинг турмуш ўртоғи номида яшаб турганидан ташқари уй-жой, автомашина ва бошқа мол-мулклар мавжуд бўлмагани, кўчмас мулклар олди-сотди шартномаси рўйхатга олинмагани, банкдан ёки бошқа шахслардан кредит, қарз олмагани аниқланди. Гумондорнинг қўни-қўшилари, қариндошлари билан гаплашдик. Улар ҳам Учкуннинг ортиқча мол-мулки бўлмагани ёки қўлга илинадиган бирор нарсани сотмаганини тасдиқлашди.

– Тушунарли, – гуруҳ раҳбари ўрнидан кўзғалди. – «Айдар ва Хуршид йўналиши» бўйича ҳали текширишлар давом этаётган бўлса-да, бирор иш чиқишига ақлим етмай қолди. Тўғри, Айдар қамоқ кўрган йигит, жаҳл устида қотилликка қўл уриши мумкин. Аммо Хуршид содда ва камтар инсон экан. Уни гумондорлар сафидан чиқарсак ҳам бўлади. Шундай қилиб, бизда назарий жиҳатдан шубҳа остида қоладиганлар – Самиғ, Шарифхўжа, Учкун, Айдар ва терговга маълум бўлмаган шахс. Хўш, улардан қай бирини асосий гумондор сифатида эътироф этиш мумкин?

– Самиғни бу рўйхатдан чиқарса ҳам бўлади, – фикр билдирди Умид. – Текширишлар унинг бу ишга умуман алоқаси йўқлигини кўрсатмоқда. «Айдар», «Хуршид» йўналиши ҳам умидсиз кўринади. У ҳолда бизда икки гумондор – Учкун ва Шарифхўжа қолади. Агар Амин Шокирович ҳамда Луқмоннинг қотиллиги боғлиқ, деб ҳисоблайдиган бўлсак, Шарифхўжада дўхтирни ўлдириш учун ҳеч қандай мотив йўқ. Учкунда эса ҳар икки қотиллик учун асос бор.

– Қотилликлар мутлақо бошқа-бошқа шахслар томонидан содир этилган бўлиши ҳам мумкин-ку! – Маъмур сўз олди. – Уларнинг ўзаро алоқадорлигини тасдиқловчи қўлимизда қандай асос бор? Тўғри, «Учкун» йўналиши бўйича ишлаш жараёнида шу фараз олдинги ўринга чиққанди. Бу тахмин боши берк кўчага кирган ҳозирги

шароитда қотиликларни бир-бирига боғлаш унчалик тўғри бўлмас. Қолаверса, Учқуннинг барча «алиби»лари тасдиқланди, ўзини ҳам ҳар тарафлама чиғиқириқдан ўтказдик. Агар у қотил бўлганда бор дардини дoston қилиб, шикоят ёзиб ўтирмасди. Ахир, биз унга ўша шикояти орқали чиқдик-ку! Қотилликни у қилганда панада писиб ўтирган бўлмасмиди?

– Санжар ака, Учқун билан Айдар очикда бемалол юрибди, – Мухтор гапга қўшилди. – Бу туришда уларнинг айбини исботлаб бўладими? Иккиласини ҳам уч кунга ушлайлик, икки соатда «синиб», ҳаммасини бўйнига олади!

– Э-э-э, шунақами? – писанда қилди гуруҳ раҳбари кулимсираб. – Бўйнига олмаса нима бўлади? Кечирасиз, адашибмиз деймизми? Уларни қамаш учун нима асосимиз бор?

– Жиноятни очиш учун шунақа усуллар ҳам баъзида қўл келади, бунинг нимаси ёмон, икки-уч кун ўтирса – ўтирар. Зато, ишимиз юришади.

– Йўқ, Мухторжон, бунақа ишлашга ҳеч қачон ўрганманг! – жиддийлашди Санжарбек. – Биз юристлармиз, қонунни ҳурмат кўрсатишимиз ва унга сўзсиз итоат қилишимиз шарт. Ўзимиз шунақа қилиб ўтирсак, бошқалар нима қилсин?!

– Жиноятни очиш...

– Бунақа ноқонуний усуллар билан очгандан кўра, очилмай кетсин ўша жиноят! Хўш, яна кимда қандай мулоҳазалар бор? – гуруҳ раҳбари масалага нуқта қўйди.

– Айдар билан Хуршиднинг қотилликка алоқадорлиги эҳтимоллик даражаси жуда паст, йўқ деса ҳам бўлади, – босиқлик билан сўз бошлади «профессор». – У ҳолда Умид ака айтгандай гумондорлар рўйхатида Шарифхўжа билан Учқун қолади. Ҳар иккаласида қотиллик қилиш учун асослар етарли. Биринчисининг орияти йўқ, аммо бадавлат, пулдор, қўли узун. Иккинчисининг қўли калта, аммо ор-номусли, ақлли. Ақл эса пулдан устун туради.

– Файласуф бўлиб кет-э, – пичинг қилди Маъмур. – Бу билан нима демоқчисан, мақсадга ўтсанг-чи, Журабой!

– Шу сабабли Учқуннинг имконияти баланд кўринади. Бошқа томондан унда дўхтирни ҳам, дорихоначини ҳам ўлдиришга реал сабаб бор, – Жўрабой гуруҳ раҳбарининг диққат билан эшитиб турганини сезиб, тўлқинланиб кетди. – У дўхтирнинг очкўз, лўттивоз ва муттаҳамлигини охиригача фош қилишга киришган ва Луқмонгача етиб борган. Унинг Аминга жиноий шерик эканини аниқлагач, бир йўла иккисини ҳам жазолаш йўлини излаган. Шу билан марҳум ўғлининг руҳини шод қилмоқни, виждон амрини адо этмоқни ўйлаган.

– Жўрабойжон, буни биз ҳам тушуниб турибмиз, – луқма ташлади Маъмур. – Сен нима қилиш кераклигидан гапир! Учқун қотиллик юз берган пайтда Тошкентда бўлмаган, «алиби»лари тўғри чиқди, текширилмаган жойи қолмади. Яна нима қилиш мумкин?

– Раҳмат Жўрабойжон, – гуруҳ раҳбари талабани елкасига қоқиб қўйди, – масалага тўғри ёндашяпсиз, хулосаларингиз мантиқли. Қани эди ҳамма терговчилар сиздек мушоҳада юритишса! Давом этаверинг.

– Нима учун Учқунни ақлли, деб ҳисобляяпмиз? – «профессор» раҳбарнинг қўллаб-қувватлашидан руҳланиб кетди. – Чунки у ҳаммасини олдиндан кўра билган. Аввал ҳаммасини кунт билан ипидан игнасигача ўрганиб чиққан. Шифохонага ин қуриб олган жиноий тўдани фош қилишни ўйлаган. Шикоятни ҳам бекорга ёзмаган. Амин ва унинг шерикларини қонуний жазолашни мақсад қилган. Аммо шикоятига берилган жавобни ўқиб, хафсаласи пир бўлган. Уларни қонун йўли билан жазолашнинг имкони йўқлигини тушуниб етган ва уларни «самосуд» қилиш режасини тузишга киришган. «Алиби»ларни ташкиллаштирган, орқа-олдини тозалаган.

– Қойил-эй, буёғи эртакка ўхшаб кетмадим, «профессор»? – пичинг қилди Маъмур. – Ёки...

– Қойил қолмай иложимиз йўқ, – гуруҳ раҳбари ҳамкасбининг гапини бўлди, – Жўрабойнинг гапларида жон бор. Ҳақиқатда Учқун имонли, ориятли ва айни пайтда

фаросатли ва ақлли йигит. Бундай инсонлар ҳар қандай ишни аъло даражада уддалашга қодир бўлади.

– Санжарбек, аслида, мен ҳам шу фикрдаман, – ўзини оқлашга тушди Маъмур, – аммо Учқунни роса элакдан ўтказдик-ку! Ўрганилмаган томони қолмади-ку! Яна нима қилиш мумкин?

– Ана шу ҳақда сизларнинг мулоҳазаларингизни билмоқчиман-да! – гуруҳ раҳбари сопини ўзидан чиқаришга ҳаракат қилди. – Марҳамат, қулоғим сизларда!

– Балки уйда тинтув ўтказиш лозимдир, – журъатсизлик билан гап бошлади Умид. – Уйдан бирор нарса топилиб қолар.

– Балки қамоққа олиб, ёнига агентлардан бирортасини киритармиз, – ўзиникини жўплашда давом қилди Мухтор. – Олдин қамоқ кўрмаган одам, бор сирини тўкиб солиши аниқ.

– Яна ўша гапми? – Санжарбекнинг қошлари чимирилди. – Зўр бўлсангиз – агентларингизни ҳозир ишга солинг, ким қўлингиздан тутиб турибди.

– Балки Учқунни рухшуносга кўрсатармиз, – Журабой «ақлли» фикрлашда давом этди. – Яхши психолог ичидаги бор сир-асрорни суғириб олиши мумкин.

– Бу ҳам яхши таклиф... яна..., – гуруҳ раҳбари қистовни давом эттирди.

– Менга қўйса, электростулга ўтқазган бўлардим, – деди Маъмур ҳазиломуз.

Ҳамма кулиб юборди.

– Яхши, – мунозарани якунлашга шайланди гуруҳ раҳбари, – менда ҳам битта ғоя бор. Агарда бугун сизлар таклиф этган чоралар иш бермайдиган бўлса, эртага бир тергов «эксперименти» ўтказишга тўғри келади. Келин-глр, ҳозирча бу сир бўла қолсин.

* * *

Учқуннинг уйда ўтказилган тинтувда иш учун аҳамиятли бирор нарса топилмади. Боз устига, уй эгаси ўзини босиқ ва хотиржам тутди. Шундан сўнг ишга жалб қи-

лингган малакали рухшунос Шоира Асадова Учқун билан узоқ суҳбат қурди. Гумондорнинг миясидаги фикрларни уқишга, кўнгил қулфини очишга ҳаракат қилди.

– Билмай қолдим, – деди рухшунос ишини якунлаб бўлгач, – жуда мураккаб шахс, ҳеч нарсани аниқлашнинг имкони бўлмади, анча ишлашга тўғри келади. Бир суҳбат билан бунақа инсонларни қалбига йўл топиб бўлмайди.

– Шоирахон, қандай фикрдасиз: қотилликни у қилган бўлиши мумкинми? – сўради Санжарбек хафсаласи пир бўлиб.

– Аниқ бир нарса дейишим қийин, хаёлини уқиб бўлмаяпти, руҳияти анча тетик экан. Қалбига йўл топиш учун вақт керак.

– Ўша вақт масаласи бизни ҳам сиқувга олиб турибди-да! – Санжарбек ўрнидан турди, – майли, сизга раҳмат, синглим!

Рухшунос чиқиб кетгач, гуруҳ раҳбари ҳамкасбларига ўзининг тафаккур бисотидаги сўнгги «ҳазина»ни очиқлашга шошилди:

– Йигитлар, ҳозир Учқунни чақириб, бошқатдан сўроқ қилишга киришамиз.

– Бу нима беради, юз марта сўроқ қилдик-ку, – эътироз қилди Маъмур.

– Дўл деса, тегирмон деб турасиз-а, Маъмур ака, охиригача эшитайлик-чи! – дакки берди Умид.

– Умиджон, бироздан сўнг хонага сиз кириб келасиз ва чуқур ҳаяжонда қотил қўлга олинганини хабар қилиб, мендан суюнчи оласиз. Мен сўроқни тўхтатаман ва Учқундан кечирим сўраб, жавоб бераман. Агар қотилликка алоқаси бўлса, бундай хабар йигитни гангиратиб қўйиши аниқ. Прокуратурадан чиқиши билан жиноий шеригининг тақдири билан қизиқиши ва бизни керакли манзилга олиб бориши мумкин.

– Иш берармикан? – деди Умид ишонқирамай.

– Аммо зўр таклиф экан, менга маъқул, – тан берди Маъмур.

– Санжар ака, қойил, мен ҳам шуни ўйлаб тургандим,
– деди Жўрабой оғзини тўлдириб.

– Ҳай-ҳай, «профессор», шу ерда сал мақтанчоқлик қилиб қўйганингиз сезилиб қолди-я, – деди Маъмур талабанинг елкасига қоқиб.

Сал ўтмай Учқун сўроққа чақирилди.

– Учқун ака, сизни яна бир бора безовта қилишга тўғри келди, – деди Санжарбек ўзини хижолат бўлгандай тутиб, – айрим нарсаларга ойдинлик киритишимиз лозим.

– Нима муаммо, тушунаман, ишларингиз шунақа.

– Институт раҳбариятига ёзган шикоятингизда «Агар чора кўрмасангизлар бор кирдикорларингизни прокуратурага ёзиб бераман», дегансиз. Аммо бу масалада прокуратурага мурожаат қилмаган экансиз. Бунга бирор сабаб бўлганмиди?

– Тўғри, прокуратурага мурожаат қилмадим, сабаби оддий – институт раҳбариятидан жавоб хатини олгач, ҳафсалам пир бўлди, ҳақиқатни исботлашимга кўзим етмади.

– «Бор кирдикорларинг» деганда яна нимани назарда тутгансиз? Ё институтда содир бўлаётган тағин бошқа қонунбузарликлар сизга маълум эдими?

– Бошқа-қашқасини бўлмайман-у, бу бир пўписа-да! Жаҳл устида ёзгандирман.

Шу пайт хонага оғзи қулоғида Умид отилиб кирди:

– Санжар ака, суюнчи беринг ва ниҳоят, йигитларимиз қотилни қўлга олишди! Ҳозиргина ички ишлар бўлимига олиб келишибди...

– Э, суюнчи сиздан айлансин, Умиджон, зўр бўлибди-ку! – Санжарбек ўрнидан туриб, ҳамкасбини бағрига босиб, табриклади. – Муборак бўлсин! Худога шукр, юзимиз ёруғ бўлди.

– Ким экан? – дудуқланди Учқун ранги докадек оқариб.

– Ким бўларди, одам қиёфасидаги бир ҳайвон-да! – деди Умид бепарволик билан.

– Учқун ака, сизни безовта қилганимиз учун узр сўрайман, – деди Санжарбек ўзини хурсанд кўрсатишга

тиришиб. – Сўроқни кейинроқ давом эттирармиз. Қотил ушланди, балки зарурияти ҳам бўлмас! Сизга жавоб, бемалол бораверинг! Биз ҳам ҳозир туман ички ишлар бўлими тарафга юрамиз.

Учкун терговчилар билан совуққина хайрлашган бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушганча хонадан чиқиб кетди.

– Йигитлар ҳаммаси жой-жойидами? – сўради гуруҳ раҳбари хонада ўзлари қолишгач.

– Албатта, телефони эшитишга қўйилган, ортидан кузатув кетяпти, ҳаммаси назоратда, кашал бўлманг.

– Яхши, қани кутайлик-чи... бу одам бизни қай манзилга бошлаб бораркан.

– Бормаса-чи?

– Қотилликка даҳли бўлса боради, бормаи иложи қанча, – қандайдир ишонч билан гапирди Санжарбек. – Боя башарасига эътибор қилдингизми?

– Қилдим, қилдим! Ранги оқариб, ҳаяжонланаётгани сезилиб қолди. Бунинг бошқа сабаби ҳам бўлиши мумкинми?

– Мумкин, – деди Санжарбек ойнадан ташқарига тикилиб, – ахир, жондан азиз ўғлини ўлдирган врачнинг қотили ким эканини билиш ҳаяжонли бўлиши мумкин-ку!

– Гапингиз тўғри, қани охиригача кутайлик-чи, иш нима билан тугаркан.

Шу пайт хонадаги хизмат телефони жиринглади ва нариги тарафдан Мухторнинг овози эшитилди:

– Санжар ака, операция режа бўйича кетяпти. Объект прокуратурадан чиққач, ҳеч ким билан телефонда гаплашмади. Кўчадан такси тўхтатиб, шаҳар маркази тарафга кетяпти. Ортидан кузатиб боряпмиз, кейин яна алоқага чиқаман.

– Яхши, давом этинглар!

– Телефонда гаплашиш хатарли эканини англаб, шахсан ўзи вазиятга аниқлик киритмоқчи, шекилли, – ўзича пичирлади Маъмур.

Санжарбек индамади. У ўз хаёллари билан банд эди: шериги қўлга тушганини эшитиб, қўрқиб кетди. Лекин ишонгиси келмаяпти. Шеригининг уйига бориб ёки унинг бирор яқинини топиб, хабарнинг рост ё ёлғонлигини текшириб қўришга ҳаракат қилиши турган гап. Бу хабарни эшитиб, уйда қўл қовуштириб ўтириши мумкин эмас.

Шу пайт тагин Мухтор қўнғироқ қилди:

– Санжар ака, объект Жанубий вокзалдан ўтиб Сергели томонга кетяпти. Машина бозорига борадими, дейман-да!

– Кузатишда давом этинг, сизларни пайқаб қолмадими?

– Йўқ, биз бир неча машинада, алмашиб кузатиб борапмиз... ия... ия... такси «Ўзгариш»даги чорраҳадан ортга – шаҳар томонга қайтди... Биз ҳам буриляпмиз...

– Бирор жойга кирмадими? Тўхтамадими?

– Йўқ, такси умуман тўхтагани йўқ... Фикридан қайтдими, дейман-да!

– Нима бало, сездириб қўйдингларми?

– Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас!

– Ёки таксичининг телефонидан бирортасига қўнғироқ қилиб, вазиятни билдимикан?

– Билмадим, лекин жараён видеога олинапти...

– Энди қайси тарафга юряпсизлар?

– Уйи томонга кетяпти, шекилли...

– Мижозни туширгач, таксичини қўлдан чиқарманглар...

– Албатта!

Изкувар башорат қилгандай Учқун Фарҳод бозори ёнида таксидан тушиб, хотиржам уйига кириб кетди ва шу кун қайтиб кўчага чиқмади. Икки-уч марта ҳамкасблари, қариндошлари билан телефонда қисқа сўзлашувларини инобатга олмаганда, «шубҳали қўнғироқ»лар бўлмади.

Такси ҳайдовчиси гувоҳ сифатида сўроқ қилинди.

– Боя сиз Фарҳод бозори атрофига ташлаб кетган мижозни олдиндан танирмидингиз? – сўради Санжарбек йигитга бошдан-оёқ разм солиб.

– Йўғ-э, биринчи кўришим. Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси ёнида қўл кўтарди, ўтказиб олдим.

– Қаерга бораман, деганди ўша мижозингиз?

– Сергелига деганди. Лекин бирор нарса ёдига тушиб, фикридан қайтди шекилли, «Ўзгариш» мавзесидаги чор-раҳадан ортга қайтдик.

– Нималар ҳақида гаплашдинглар? – Санжарбек навбатдаги саволни берди.

– Деярли ҳеч нарса. Жуда кам гап одам экан. Индамай кетаверди. Кўзимга ташвишли кўринди. Шунинг учун мен ҳам жим кетдим. Фақат қайтишда «Бир кунда қанча топасиз?», «Қачондан бери ишлайсиз?», «Болалардан нечта?» деб сўради.

– Ортга қайтишини нима билан изоҳлади?

– «Ўзгариш»даги чорраҳага борганда тўсатдан «Ортга қайтамиз», деб қолди. Мен ҳам сўраб ўтирмасдан қайрилдим. Мижоз нима деса шу-да!

– Қайтишда сиздан у-бу нарсани сўрабди, ўзи ҳақида бирор нарса демадим?

– Йўқ, ҳеч нарса демади, мен ҳам сўрамадим.

– Телефонда гаплашдим?

– Қўлида телефонига кўзим тушгандай бўлганди, лекин ҳеч ким билан гаплашмади, шекилли...

– Балки сизнинг телефонингиздан фойдалангандир?

– Йўғ-э, мендан сўрамади, сўрагандаям беролмасдим, телефонимнинг пули тугаб қолган экан.

– Йўлда бирор жойга тўхтадингларми? – навбатдаги саволни берди терговчи.

– Йўқ, умуман тўхтамадик... Ўзи нима жиноят қилган экан? Кўринишидан туппа-тузик одам-а!

– Яхши, сизга жавоб, зарурият бўлса, чақирамиз.

Гувоҳ чиқиб кетгач, гуруҳ аъзолари навбатдаги «бош-қотирма» устида бош қотиришга тушдилар:

– Хўш, жаноб ҳамкасблар, бу ёғига нима дейсизлар? – гуруҳ раҳбари мунозарага чорлади.

– Бу тулки ярим йўлга борганда бизнинг ўйин қилаётганимизни тушуниб қолди, шекилли, бирдан ортга қайтди, – Маъмур чийиллаган овозда фикрини ўртага ташлади.

– Балки унинг қотилликка умуман даҳли йўқдир, – Мухторнинг олдинги мунозараларда тўлиқ иштирок этмагани билиниб қолди, – йўқса, шериги қўлга тушганлиги ҳақидаги хабар ҳар қандай жиноятчини довдиратиб қўйган бўларди. Уйда қўл қовуштириб ўтирмасдан, қандай бўлмасин ҳақиқатни билишга ҳаракат қилган бўларди.

– Мухторжон, биз Учқунни қотилликка алоқадор деб ҳисоблаган ҳолда мунозара қилишга келишгандик, – Санжарбек изоҳ берди. – Шу нуқтаи назардан фикр билдирсангиз.

– Тушунарли, у ҳолатда, менимча, Учқун бирор йўл билан шеригининг қўлга олинмаганидан хабар топган. Тўғри, йўлда у ҳеч ким билан қўнғироқлашмади, ҳеч жойга тўхтамади.

– Балки йўл-йўлакай уни ўз кўзи билан кўришга эришгандир, – Умид қўшимча қилди.

– Мен ҳам шу фикрда эдим, – деди Жўрабой оғзини тўлдириб. – Демак, «шерик» Сергелига кетишда йўл бўйидаги объектлардан бирида ишлайди. Учқун уни ўз кўзи билан кўрган ва ўпкасини босиб олиб, ортга қайтган.

– Жуда яхши! – гуруҳ раҳбари хулосалашга шошилди. – Деярли барчамизнинг фикримиз бир жойдан чиқди. «Эксперимент» иш берди. Хабарни эшитиб, Учқун хаяжонланиб, қўрқувга тушгани ҳам рост. У қандай бўлмасин бу маълумотнинг рост ёки ёлғон эканини текшириб кўришга мажбур эди. Телефон қилишнинг имкони йўқ. Бировдан сўраш нокулай. Шу сабабли энг оқил йўл «шерик» ишлайдиган жойга бориш ва ўз кўзи билан кўриш. Агар у жойида ишлаётган бўлса, демак, терговчилар адашишган, қамоққа бошқа бировни тиқишган. Агар «шерик» жойида йўқ бўлса, демак, у қўлга тушган. У ҳолда қочиб қолиш пайига тушарди.

– Унда қандай қилиб...

– Таксичини ортга қайтаринг, иккинчи «экспиремент»ни ўтказамиз, – Санжарбек қўлига қоғоз-қалам олиб, чизишни бошлади. Учкун манави «А» нуқтадан таксига ўтирган. «Б» нуқтага, яъни Сергели тарафга, аниқроғи, «Ўзгариш» мавзесига бориши лозим бўлган. Демак, «шерик»ни шу атрофдан излашимиз лозим. Адашмаслик учун Жанубий вокзалдан то «Ўзгариш» мавзесидаги чорраҳагача бўлган жойдаги объектларни кўздан кечиришимизга тўғри келади.

– Учкун йўлда тўхтамаган, ҳеч қаерга кирмаган-ку! «Шерик» ўлгур йўлнинг устига чиқиб турмагандир! – гап қўшди Маъмур.

– Қани кетдикми? Қолган гапларни йўл-йўлакай гаплашамиз, – гуруҳ раҳбари ўрнидан қўзғалди. – Таксичи ҳам келиб қолгандир.

Тергов гуруҳи аъзолари икки машинада Жанубий вокзал томонга юрдилар. Йўлда уларга таксичи ҳам қўшилди. Вокзалдан ўтгач, машиналарни йўл четида қолдириб, Сергели йўналиши бўйича пиёда юрдилар.

– Эргаш ака, шу ердан қандай тезликда ўтдингиз, – Санжарбек такси ҳайдовчисига юзланди.

– Мана шу ўрта қатор бўйлаб олтимишларда юрдим, – деди ҳайдовчи йўлга ишора қилиб.

– Демак, тезлик унча катта бўлмаган, манави бензин қуйиш шоҳобчаси ишчиларини бемалол кўрса бўлади, шундайми? – деди Санжарбек ёнидаги Умидга ўнг томондаги ёқилғи қуйиш шоҳобчасини кўрсатиб. – Ана оператор кўринмаса-да, бензин қуювчи йигитлар бемалол кўриниб турибди. Бунинг учун машинани тўхтатиб ўтириш ҳам шарт эмас. Хўш, яна олдинга қараб юрамиз...

Гуруҳ аъзолари йўл ёқалаб биров юргач, Сергели тумани чегараси бошланди. Поезд йўли ўтган кўприк остидан ўтиб, светофорли чорраҳага чиқишди. Ўнг томонда туманлараро қатновчи таксилар бекати, чап томонда ошхона кўзга ташланди. Светофорнинг қизил чироғи ёниб, машиналар бирин-кетин тўхтаб бошлади. Шу пайт

бир оқсоқ йигит йўлга чиқиб, тўхтаб турган машиналардан хайр-садақа сўрай бошлади. Кимдир машина ойнасини очиб, эллик, бошқаси юз, яна кимдир беш юз сўм улашди. Светофорнинг кўк чироғи порлаши билан оқсоқ йигит йўл четига ўтиб, яна қизил чироқ ёнишини пойлаб турди.

– Туппа-тузук йигит, бечора чўлоқ бўлиб қолган эканда, – деди Умид раҳми келиб. – Шўрлик тиламчилик қилиб, кун кечириб юрганини қаранг.

– Ҳа, Умиджон, ҳар кимнинг насибаси ҳар жойга сочилган, – деди Санжарбек таассуф билан.

– Чўлоқ экан, ўзига яраша иш топса ҳам бўлади-ку! – ҳамкасбларининг гапи Маъмурга ёқмади. – Йўқ, буларга ишлаш ёқмайди, тиланчилик, текинхўрликни хуш кўришади.

– Маъмир ака, ногирон киши ҳақида бунақа гапириш... тўғри бўлмас-ов, – кўрқа-писа фикр билдирди Жўрабой.

– Ука, айтдим-кўйдим-да! – қўл силтади Маъмур. – Бунақаларнинг кўпини кўрганман: ғирт муттаҳам бўлишади.

– Светофорда тўхтаганмидингиз? – гуруҳ раҳбари таксичидан сўради.

– Ҳа, тўхтагандик, узоқ ёнаркан, – деди Эргаш светофорнинг қизил чироғига ишора қилиб.

– Анави чўлоқ йигит сизлардан ҳам садақа сўраганмиди? – савол берди Умид.

– Йўқ, чўлоқ йигит бизга яқин қолганда яшил чироқ ёниб, юриб кетгандик.

– Бекат йўлдан анчагина узоқ, – гуруҳ раҳбари светофордан ўтиб тўхтади, – иккинчидан, у ерда ҳеч ким муқим турмайди, алмашиб туришади. Шу сабабли «шерик»ни бекатдан қидирмасаям бўлади. Ўнг томонда ошхона бор, йўлга нисбатан анча яқин, кўпчилик ходимлар бу ердан кўриниб турибди. Учкун «шерик»ка кўзи тушиши билан кўнгли жойига тушиб, тинчгина ортга қайтишни маъқул билган. Бундан чиқди, манави ошхонада ишловчиларни бирма-бир текшириб кўришга тўғри келади. Эргаш ака,

- терговчи таксичига юзланди, - Учкун ортга қайтиш командасини қачон, қаерларга келганда берганди?

- Адашмасам, - деди ҳайдовчи бироз ўйланиб, - светордан бироз узоқлашгач, бўлди, ортга қайтамыз, деганди. Чамамда анави рекламадан ўтгандик, - деди у қўли билан олд томонни кўрсатиб.

- Бундан чиқди, - хулоса қилди Умид, - анави дўкон, унинг биқинидаги сомсахонада ишловчилар ҳам бизнинг «ўрганиш» объектимиз бўлар экан-да!

- Улар йўлга жуда яқин экан, пайқаш қийин бўлмайди, - деди Жўрабой кўзи билан чамалаб.

- Демак, бизда чиғириқдан ўтказиш учун яроқли тўртта объект бор, шунақами? - гуруҳ раҳбари ҳамкасбларига савол назари билан қаради.

- Шундай-шундай, - маъқуллади гуруҳ аъзолари.

Терговчилар яна бир қанча масалаларга ойдинлик киритгач, танлаб олинган тўртала объектда ишловчи барча ходимлар ҳақидаги маълумотларни тўплаб, уларнинг ҳар бирини чиғириқдан ўтказишга киришдилар. Олиб борилган текширишлар, қилинган таҳлиллар асосида Учкун учун «шериклик»ка яраши мумкин бўлган икки шахс ажратиб олинди. Улардан бири муқаддам судланган, аммо тузалиш йўлига ўтмаган, маҳалла-кўйда «безори» деб ном чиқарган Қобул Жўраев бўлса, иккинчиси ароққа муккасидан кетган, пул учун ҳар қандай ёвузликка қодир Мансур Маматов бўлиб чиқди. Изкуварларнинг кейинги икки кунлик сайъ-ҳаракатлари натижасида ҳар иккаласининг шахси тўлиқ ўрганилди, алоқалари, телефон сўзлашувлари таҳлил қилинди, охириги бир ой ичида қилган ишлари, борган жойлари аниқланди. Аммо уларнинг Учкун Ақромовга даҳлдорлиги масаласи исботини топмади. Уларнинг тақдир йўллари бирор-бир нуқтада кесишганлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Ўтказилган тезкор-тергов тадбирларида Учкун Қобулни ҳам, Мансурни ҳам танимаслиги аён бўлди. Боз устига, ше-

рикликда гумон қилинаётган ҳар иккала йигитда яқин орада «ғойибдан келган давлат» бўлмагани аниқланди.

– Санжар ака, нима бало яна нотўғри йўлга тушиб қолдикми? – сўради Умид кун адоғида бесамар чиранишлардан чарчаб.

– Шунақага ўхшайди, – деди Санжарбек бепарволик билан. – Муваффақиятсизлик ортидан муваффақиятсизлик! Одамнинг қўли ишга ҳам борма қоларкан!

– Гапирманг! Умидсизлик одамни бездириб қўяркан...

– Қаранг, – беихтиёр мунозара бошлади гуруҳ раҳбари, – ўша куни Учқуннинг кўриб кетиб, безовталангани рост. Такси ёллаб, бекорга Сергели тарафга бормади. Ўзини босиб олиши учун «шерик»ни кўзи билан кўриши шарт эди. Ишонч билан борди. Демак, «шерик» доимо ўша ерда бўлади, ишлайди ёки ҳар доим бир жойда бўлади... Тўхтанг-тўхтанг, Умиджон, анави чўлоқ тиламчи ёдингиздами?

– Ҳа, нимайди?

– Балки «шерик» ўлгур ўша чўлоқдир! – деди Санжарбек тилла топгандай.

– Э-э, Санжар ака, ўша ногирон одамнинг қўлидан одам ўлдириш келардимми? Зўрға кун кўриб юрган бўлса!

– Тиламчилар доимо бир жойда туриб, садақа йиғишади, – ўзича мушоҳада қилишга киришди Санжарбек, – «иш» пайти телефондан фойдаланишнинг имкони бўлмайди. Ана, нима учун Учқун биздан чиқа солиб, ўша ёққа юрган! Қараса, чўлоқ тўрвасини чангаллаб, тиланчилигини қилиб юрибди. Кўнгли жойига тушиб, уйига қайтган.

– Ростдан ҳам шундай деб ҳисоблаяпсизми ёки ҳазиллашяпсизми? – анқайди Умид.

– Эй Умиджон, ҳозир ҳазилнинг маврудими? Кетдик, Сергелига борамиз, – гуруҳ раҳбари ўрнидан кўзгалди ва шитоб билан хонадан чиқди.

– Кетсак кетдик-да! Чиқмаган жондан умид! – ёш терговчи ҳам истар-истамас унга эргашди.

Йигитлар машинага ўтириб, бирпасда «Ўзгариш»-мавзесига етиб келишди. Чорраҳага яқинлашганда све-

тофорнинг қизил чироғи ёнди, терговчилар тушган машина ҳам транспорт оқимига қўшилиб, чорраҳа яқинида тўхтади. Шу пайт қаердандир чўлоқ тиланчи пайдо бўлди ва олд қатордаги машиналарга яқинлашиб, пул теришга киришди. Навбат терговчиларга келганда светофорнинг яшил чироғи порлаб, машиналар ўрнидан қўзғалди, тиланчи йўл четига ўтиб, кута бошлади.

– Чапга буриламиз, – деди гуруҳ раҳбари йўл юзидаги ошхонага ишора қилиб.

Йигитлар машинани бир чеккада қолдириб, ошхонага киришди. Йўлга яқинроқ жойдаги столга ўтириб, чой буюришди. Ўтирган жойлари йўлдан бироз баланд бўлгани сабабли чорраҳа атрофи кафтдек кўриниб турарди.

– Қани бир «эксперимент» қилиб кўрайлик-чи, ўн беш дақиқада қанча пул йиғаркан, – деди Умид тиланчидан кўз узмай.

– Кузатинг, кузатинг, – деди Санжарбек ва сал нарида ивирсиб юрган официант аёлни чақириб, ундан ошхона хўжайинини чақириб беришни илтимос қилди.

Зум ўтмай ёши қирқлардан ошган истарали йигит қўли кўксида тавозе билан чиқиб келиб, ўзини тапиштирди:

– Ассалому алайкум, окахонлар яхшимисизлар! Исми Фансурилло, ошхона эгасиман, сўраган экансизлар.

– Келинг, Фансурилло, ўтиринг, – Санжарбек «мезбон»га жой кўрсатди. – Ишлар яхшими?

– Шукр окажон, амаллаб турибмиз...

– Ҳов анави тиланчи йигитни танийсизми? – сўради терговчи чорраҳа томонга ишора қилиб.

– Ҳа, Зоирни айтяпсизми? Танийман, бизнинг доимий мижоз бўлади. Нима, бирор касофатга аралашиб қолибдими?

– Йўқ, йўқ, биз бандлик хизматиданмиз, – терговчи йигитни чўчитиб юбормасликка ҳаракат қилди, – ногирон тиланчиларни аниқлаб, имкониятига яраша ишга жойлаштириш чораларини кўряпмиз... шунга...

– Шу Зоирни ишга жойлаштирасизми? – кулди Фансурилло. – Қанақа иш топсангиз ҳам ишламайди!

– Нега?

– Ишга кирса, бир ойда кўпи билан 100 доллар топар. Бу ерда ўша пулни у бир кунда топади, нима деяпсиз!

– Йўғ-э! – Санжарбек йигитга яқинроқ ўтирди, – бир кунда 100 доллар?

– Санжар ака, ишонаверинг, – кўчадан кўз узмай «ўйла-ниб» ўтирган Умид қоғозга нималарнидир ёзиб-чиза бошлади, – ўн беш дақиқада 20 та одамдан пул олди. Бу бир соатда 80 кишини ташкил қилади. Ҳар бир кишидан ўртача 200 сўмдан йиғилган бўлса, бу ўн олти минг сўмни ташкил этади. Бу давлат курсида 10, қора бозорда 5 доллар дегани. Агар тиланчи бир кунда 10 соат ишласа, 50 доллар бўлади. Бир ойлик даромади эса оз эмас, кўп эмас 1500 долларни ташкил қиляпти! Бунақа маошни ким беради?

– Ҳалиям сиз ками билан ҳисобладингиз-да, – деди Фансурилло гапи қўллаб-қувватланганидан руҳланиб. – Зоир жуда дўлоп, қўли очик йигит, ҳар куни кечда беш-олти ўртоғини чақириб, шу ерда базми жамшид ташкил қилади. Дастурхонга ноз-неъматларни тўкиб ташлайди. Ароқ, пиво, коньяк, виски ҳаммасидан олдиради. Баъзида фарғона тонг отгунча қилиб, яйрашади... Э қойил-э! Санжар ака, сиз унга раҳмингиз келиб, ишга жойлаштирмоқчи бўлиб юрибсиз! Ана яшаш, ана ҳаёт!

– Уй жойи, бола чақаси борми? – сўради Санжарбек таажжубини яширолмай.

– Данғиллама участкада туради, машинаси ҳам бор. Аммо оиласи бор-йўқлигини билмайман, бу ҳақда ҳечам гапирмаган.

Терговчилар ошхона эгасидан Зоирга оид яна бир қанча маълумотларни қўлга киритиб, ортга қайтдилар.

* * *

Кейинги икки кунда тергов гуруҳи бошқа йўналишларда ишларни сусайтирмаган ҳолда Зоир билан қаттиқ шуғулландилар. Текширишда Зоирнинг номида яшаб

турганидан ташқари, яна битта уч хонали квартираси борлиги маълум бўлди. Нотариусдан ҳужжатлар кўтарилганда мазкур уй Зоирга ҳады шартномаси асосида ўтгани изқуварларнинг диққатини тортди.

– Ким бу йигитга уй ҳады қилган бўлиши мумкин? – Умид ҳужжатларни кўздан кечирар экан ўз-ўзига пичирлади: – Демак, ҳады қилувчи – Набиева Муаттар Бобоевна. Бу саҳоватпеша хоним ким бўлди экан? Манзили Чилонзор тумани Фарҳод кўчаси, 24-уй... Ия, бу Учқуннинг манзили эмасми?

– Умид ака, нималар деб ўз-ўзингизга пичирляяпсиз? – сал нарида ҳужжат титаётган Журабой сўради.

– «Профессор» Учқун Ақромовнинг уй манзили қанақа эди? – деди Умид қувончдан кўзлари чақнаб.

– Фарҳод кўчаси... 24-уй... нимаиди?

– Учқун аканинг аёли... исми Муаттар эмасмиди?

– Тўғри, Муаттар... нимаиди? Умид ака, одамнинг ичини қиздирмасдан гапирсангиз-чи! Нима гап?

– Нима, унинг фамилияси Набиева эдими?

– Йўғ-э, қанақа Набиева, у ҳам Ақромова... эрининг фамилиясида эди.

– Набиеваси ким бўлди экан? – Умид ҳужжатни талабага узатди. – Қаранг, ҳаммаси тўғри келиб турибди... фақат фамилияси бошқа...

– Ҳады... қилувчи Набиева Муаттар Бобоевна... Чилонзор тумани Фарҳод кўчаси 24-уй, – «профессор» ҳужжатни қўлига олиб, кўз югуртирди. – Ҳаммаси мос келяпти. Менимча, бу янганинг қизлик фамилияси. Демак, у кейинчалик эрининг фамилиясига ўтган... аҳа, қойил!

– Бундан чиқди, – хулосалашга шошилди Умид, – Учқун Зоирга уч хонали квартирасини ҳады қилган. «Профессор»жон калаванинг учини топганга ўхшаймиз! – терговчи шеригини кучоқлаб олди, – иккита қотиллик эвазига уч хонали уй!

– Санжар акадан суюнчи оламиз, – Умид чўнтагидан қўл телефонини чиқарди.

– Умид ака, шошмай туринг, олдин Набиева масаласига аниқлик киритайлик, – Жўрабой телефонга ёпишди. – Менда Учқуннинг уй телефони бор эди, янганинг ўзидан сўраймиз.

– Гушакни Учқун кўтарса, чўчитиб қўймаймизми?

– Эркак киши кўтарса, сўраб ўтирмайман... Ассало-му алайкум, янга яхшимисиз? Бу мен – прокуратурадан Жўрабойман... Бир масалани сўрамоқчийдим... Сизнинг фамилиянгиз Акромовами? Қизлиқ фамилиянгиз қанақа...? Набиева... Демак, Набиева Муаттар Бобоевна... шунақами? Бўлди, раҳмат янга... Тинчлик... тинчлик... бир масалада керак бўлганди... Майли, раҳмат!

– Адашмабмиз-а?

– Ана энди раҳбардан бемалол суюнчи олсангиз бўлади, – ғолибона тиржайди «профессор».

Умид гуруҳ раҳбарига қўнғироқ қилиб, янгиликдан хабардор қилди. Елкасидан тоғ ағдарилган Санжарбек гумондорларни прокуратурага олиб келишга амр қилди.

* * *

Дастлаб Зоир сўроқ қилинди. Ўттиз бешни қоралаган бу йигит ҳақида каттагина маълумотлар базасига эга бўлган терговчи эҳтиёткорлик билан гап бошлади:

– Зоир Мардонов, қалай, «тадбиркорлик» яхши кет-яптими? – сўради Санжарбек кулимсираб.

– Аллоҳга шукр, насибамизни териб турибмиз, но-лимаймиз... нима қиламиз, бошқа ишга ярамасак. Тинч-ликми ока?

– Оёғингизга нима қилган? Ногиронликни қачон ол-гансиз?

– Бунинг тарихи узоқ, – хўрсинди йигит, – ёшлигимда дарахтдан сакраб, оёғим синган. Онам табибга олиб бор-ган. Табиб муолажа қилиб, кейин, албатта, дўхтирга кўр-сатишни тайинлаган. Онам қўли калталиқ қилиб, дўх-тирга олиб боришга имкон топа олмаган. Синган жой нотўғри битиб, кейинчалик чап оёғим чўлоқ бўлиб қолди.

– Ёшлигингизда самбо билан шуғулланган экансиз, шу ростми?

– Тўғри, у пайтда оёғим соппа-соғ эди, – йигитнинг мақтангиси келиб кетди, – бир неча марта шаҳар чемпиони ҳам бўлганман.

– Спортни нега ташлаб кетдингиз?

– Оёғимда муаммо пайдо бўлгач, шуғулланишга имкон бўлмади. Бошқа томондан спорт фақат кучлилар учун синов майдони, ўрта миёналар учун эса азоб-уқубат ва зарардан бошқа нарса эмас.

– Учкун Акромовни танийсизми? – гуруҳ раҳбари мақсадга кўчишнинг мавриди келганини англади.

– Қанақа Учкун? Ҳеч қандай Учкун-пучкунни танимайман! Мени ўзи нимага чақирдингиз? – деди Зоир ранги бўзариб.

– Аммо, мана бу телефон сўзлашувлари таҳлилига кўра, сиз у билан бир неча марта гаплашгансиз?

– Бўлса бордир, иш юзасидан кўп одамлар билан гаплашамиз, ҳаммасини ёдда сақлаб бўладими? Ким экан у? – йигит ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди.

– Зоиржон, бекорга овора бўлманг, бизда ҳаммаси маълум, чиранишдан наф йўқ, ҳаммасини айтиб беришингизга тўғри келади.

– Ия, ока, қизиқ одам экансиз-ку! Ёки мени бирортаси билан адаштираяпсизми?

– Мардонов, ўзингизни гўлликка солманг! – Санжарбек овоз тонини бироз кўтарди. – Марҳамат қилиб, Учкун билан қандай танишганингизни айтиб беринг.

– Ока, қачондан бошлаб прокуратура бизга ўхшаган ногиронлар билан шуғулланадиган бўлди? Нима, одам куриб кетганми? Атроф тўла ўғрилиқ, порахўрлик... камбағални туянинг устида ҳам ит қопар экан-да!

– Камтарлик қилманг, Зоирбек, – кулди терговчи, – сиз ҳам унчалик камбағал эмас экансиз. Бир ойлик тушумингиз оз эмас, кўп эмас кўкидан бир минг беш юзни

ташкил этаркан. Бунақа маош вазирда ҳам йўқ. Қолаверса, номингизда иккита уй бор экан. Яшаб турганингиздан ташқари, Фарҳод бозори ёнида уч хонали квартирангиз ҳам бор экан.

– Ҳазиллашяписизми ока, бир минг беш юз долларни қаердан олдингиз? Одамлар ҳам тоза муттаҳам бўли кетган. Унча-бунчага чўнтагидан пул чиқаргиси келмайди, раҳм-шафқат деган нарсалар йўқолиб боряпти. Ўнтадан биттаси беради. Тиламчилик билан бойиб бўлармикан?! Тўғри, нолимайман, қора қозон қайнаб турибди...

– Уч хонали уй сизга ҳадя шартномаси асосида ўтган экан-а, – Санжарбек босимни кучайтира борди.

– Ҳадямас, сотиб олганман... – дудукланди Зоир.

– Кимдан?

– Учқун аканинг аёлидан...

– Ҳозиргина танимайман, деб тургандингиз-ку!

– Айтсам, уларни ҳам чақириб, сарсон қиласизлар... шунинг учун уларни бу ишга аралаштиргим келмади, – вазиятдан чиқишга ҳаракат қилди гумондор.

– Яхши, демак, Учқун Акромовни танийсиз. Унинг турмуш ўртоғига тегишли уйни сотиб олганингизни ҳам тан оласиз. Ҳўш, уйни қанчага сотиб олдингиз?

– Йигирма минг... эй-й-й, йигирма беш мингга...

– Демак, йигирма минг АҚШ долларига сотиб олгансиз, шундайми?

– Шундай, шундай...

– Мана бу нотариусдан олинган битим, – деди терговчи қўлидаги ҳужжатга ишора қилиб, – унда уй сизга олди-сотди шартномаси асосида эмас, ҳадя шартномаси асосида ўтганлиги қайд этилган. Бунга сабаб нима?

– Энди... билмадим... нотариус шундай маслаҳат бергандир... давлат божини камроқ тўлаш учун... бўлса керак-да! Пулини тўлаганман... Менга нима?

– Долларда тўлагансизми ё сўмда?

– Конечно сўмда, биз долларга тушунмаймиз...

– Қанақа купюралар бергансиз?

– Э, нима фарқи бор, – тажанглашди Зоир, – ёдимда қолибдими?

– Яхши, тушунарли, демак, тергов билан ҳамкорлик қилишни хоҳламайсиз, шундайми? – ўдағайлади Санжарбек. – Сиз айтмасангиз ҳам бизга ҳаммаси равшан.

– Тушунмадим, нима ҳақида гапиришим лозим, – талмовсиради гумондор.

– Ўжарлик қилишдан фойда йўқ, сиз айтмасангиз бор ҳақиқатни Учқундан эшитамиз, – деди Санжарбек бепарволик билан.

– Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман...

– Нимани тушунмайсиз, Учқун сизга нима сабабдан уй ҳадя қилган? Бутун бошли уйни садақа қилмагандир?

– Сотиб олдим деяпман-ку...

– Бўлди, бас етар! – жаҳл қилди терговчи, – олиб чиқинг!

Мухтор гумондорни кўшни хонага олиб чиқди. Сўроқ навбати Учқунга келди.

– Учқун ака, Зоир Мардоновни танийсизми? – Санжарбек бирдан мақсадга кўча қолди.

– Йўқ, ким экан? – деди гумондор кўзини олиб қочиб.

– Кимлигини сиздан сўраймиз, ахир, бутун бошли уйингизни ҳадя қилган экансиз, бекорга эмасдир?

Учқун кўзларини катта-катта қилиб, терговчига боқди ва тарвузи қўлтиғидан тушиб, чуқур хўрсинди. Шу тобда унинг хаёлидан нималар кечаётганини англаш қийин эмасди.

– Хўш, Учқун ака, гапирамизми? Зоирнинг ҳикоялари қизиқ чиқди, давом эттирасизми? – Санжарбек «хужум»га ўтди.

– Уй аёлимнинг қизлиқ фамилияси номида эди, қандай топдингизлар? – деди гумондор бир муддат ўйланиб туриб.

– Ақлли бир сизми? Бизларда ҳам калла бор! – деди Маъмур кўлини пахса қилиб.

– Ўзимнинг ҳам жонимга тегди, бунақа юрак ҳовучлаб қанча яшаш мумкин? Аммо қилган ишимдан пушаймон эмасман. Нима қилсам – фарзандимнинг руҳини шод қилиш учун қилдим. Либоси оқ, нияти қора муттаҳамлар учун сабоқ бўлсин дедим.

– Зоирни қаердан топдингиз? Олдиндан таниш эдингизларми? – сўради Санжарбек.

– Уни ёшлигидан биламан, бир пайтлар қўшни турганмиз. Спорт билан шуғулланиб юарди. Кейинчалик оёғи оқсоқ бўлиб, спортни ташлаб кетди... Пулни яхши кўришини, мол-дунё учун ҳеч нарсадан тоймаслигини билардим. Бир куни кўнглига қўл солиб кўрдим. Шу ишни бажарган одамга уч хонали уйимни бераман, дедим. У йўқ, деди. Одам ўлдиришга аралашмайман, деди. Орадан бир неча кун ўтиб, ўзи мени топиб келди. «Бир одам топдим, муқаддам босқинчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси жиноятлари билан уч марта қамалиб чиққан, қамоқхона уйдайд бўлиб қолган, учига чиққан нарकोша, қора доридан бериб турсанг, ҳар қандай ишни қиламан» деяпти, деб қолди. У шартини айтди. Мен аёлимнинг номидаги уйни ҳадя шартномаси асосида унинг номига ўтказиб бердим. Қолганини менга қўйиб берасиз, сиз аралашмайсиз, деди. Зоир сўзининг устидан чиқди.

– У ёллаган кишини танийсизми?

– Йўқ, уни кўрмаганман. Фақат Ангрен шаҳрида яша-
шини, исми Саша, яъни Александрлигини биламан.

– Александр денг! – Санжарбекнинг хаёлига Мастура ая айтган «мала соч» келди. – Фамилияси-чи? Манзили...

– Бошқасини билмайман, Зоир менга айтмаган.

– Амин Шокирович тушунарли, Луқмоннинг айби нима эди?

– Сизлар ҳам бу нарсанинг охирига етдинглар, деб ўйлайман. Мен бу жиноий тўданинг кирдикорларини очиб ташлаш учун анча вақт сарфладим. Шифохонада, дорихона атрофида кезиб юрдим. Виждонсиз дўхтир қоғозни тўлдириб, керак-керакмас дориларни ёзиб бе-

риши, номуссиз дорихоначи эса битта дорини ўн марта-
лаб пуллашни одат қилиб олганини аниқладим. Худодан
қўрқмаганини қаранг, бировнинг бахтсизлигидан бахт
излаган бу ҳаромилар яшашга ҳақи борми? Болажоним
ўн гулидан бир гули очилмай шу касофатларнинг қўлида
ўлди-кетди. Бошқаларнинг бошига бундай мусибат туш-
масин дедим. Ҳар иккаласи қилган гуноҳига яраша жазо-
сини олди. Адолат қарор топди! Сизнинг қонунларингиз
мени айблаши мумкин, аммо Яратганинг олдида менинг
юзим ёруғ!

– Муқаддас исломда ҳам бировни ҳаётдан жудо қилиш
гуноҳи азим ҳисобланади-ку, – ўрнидан турди Маъмур.

– Тўғри, аммо бу гап бегуноҳ инсон ҳақида айтилган.
Амин ва Луқмонга ўхшаш бетофиқ, гуноҳкор бандалар-
ни жазолаш – савоб.

– Яхши, яхши! – гуруҳ раҳбари Мухторга юзланди: –
Учқун акани нариги хонага ўтказиб, Зоирни олиб кириг!

Учқунни хонадан олиб чиқиб, Зоирни олиб келишда
йўлакда «шерик»лар бир-бирига рўбарў бўлишди:

– Ака, сал маҳкамроқ бўлинг, бунча шалвираманг! –
деди Зоир Учқунга қарата.

Учқун индамай хонага кириб кетди.

– Хўш, Зоиржон, ўйлаб кўрдингизми? – деди Санжар-
бек қоғоздан бош кўтармай.

– Нимани ўйлаб кўришим керак? – дадил жавоб берди
гумондор.

– Ангренлик Сашани қаердан танийсиз, уни қотиллик
содир этишга қандай кўндирдингиз, эвазига унга нима
бердингиз? Шуларни ўйлаб кўришга вақт бергандик,
тортинмай гапираверинг!

Зоирнинг ранги оқариб, попуғи пасайиб, шалпайиб
қолди. Унда бояги дадилликдан асар ҳам қолмаганди.

– Вой мулойимхунук-эй, бирпасда сотибди-да! – деди
у дарғазаб бўлиб.

– Марҳамат, ҳаммасини бир бошидан айтиб берсангиз,
– деди Санжарбек қахр тўла нигоҳини гумондорга қадаб.

– Учқун аканинг ўзи ялиниб туриб олди, – «ёрилди» Зоир, – якка ўғлининг ўлимига сабабчи бўлган экан. Ҳар куни бу одамхўрларнинг қўлида қанча-қанча инсонлар нобуд бўлади, бечораларнинг ҳам пулини олади, ҳам жигарини ўлдириб беради, деди. Уларни ўлдирган одам савобга қолади, ёрдам бер, деб йиғлаб туриб олди. Нима қилай, Сашани топиб бердим. Менинг бу ишга алоқам йўқ. Улар ўзлари...

– Сашани қаердан танийсиз?

– Ангренга бир дўстимнинг тўйига боргандим, ўша ерда танишиб қолдик... наша тортаркан...

– Дўстингизнинг оти, фамилияси ким?

– Фарид Ҳабибулин... унинг нима алоқаси бор?

– Яшаш манзили қанақа?

– Ёдимда йўқ, топиб боришим мумкин...

– Телефон рақами қанақа?

Зоир ранги ўчиб кетган телефони ковлаб, Фариднинг телефон рақамини берди.

– Сашанинг фамилияси, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи, телефон рақами қанақа? – саволларни қалаштириб ташлади терговчи.

– Никифоров Александр Петрович, туғилган йилини билмайман, ўттиз беш ёшларда бўлса керак. Ангренда хокимиятнинг ёнидаги қаватли уйда туради. Телефони йўқ... сотиб юборган...

Гумондорнинг оғзидан чиққанини ён дафтарига қайд қилиб ўтирган Мухтор гуруҳ раҳбарининг имоси билан хонадан чиқиб, телефон орқали йигитларига Ангрен шаҳрига бориб, Сашани тутиб келтириш ҳақида топшириқ берди.

– Эвазига Александрга нима бердингиз? – сўроқни давом эттирди терговчи.

– Унга сўраган пайти пул бериб турилса бас, «дори»ни ўзи топади. Чакиб, хуморидан чиқса, нима десанг бажаради! Бошқа нарса унга қизиқ эмас. Оиласи, бола-чақаси бўлмаса.

– Қотиллик режасини қандай туздинглар?

– Мен унга Аминнинг уй манзилини бердим, қолганини ўзи уддалади. Дўхтир сўққабош экан. Саша ўзини «райгаз»дан деб таништириб, осонликча уйга кириб, «иш»ни бажариб чиқди. Уникида ҳеч қандай муаммо бўлмади. Луқмонни тинчитиш сал қийинроқ бўлди. Мен дорихонани узоқдан кўрсатиб қўйдим. Саша дорихона атрофида одам санжап бўлишини анча пойлаган. Аввал кузатув камераларини ишдан чиқарган, заводда электрик бўлиб ишлагани қўл келган. Кечки соат саккизларда дорихонада ҳеч ким қолмагач, Саша тўғри лабораторияга кириб борган ва бир ҳамла билан қўққисдан Луқмонга пичоқ санчган. Шўрлик креслодан туришга ҳам улгурмаган. Саша ишни битириб, чиқиб кетмоқчи бўлиб турганда залга кимдир кириб келганини сезган ва ўзини хона четидаги шкафнинг панасига олган. Шу тахлит ўн дақиқалар яшиниб турган. Қўққисдан оёғи шкафнинг ёнида турган ахлат челакага тегиб кетган. Челака ағдарилиб, тарақлаб кетган. Кутилмаганда эшик очилиб, кимдир лабораторияга кириб келган. Дорихоначини кўксига пичоқ санчилган ҳолда кўриб, кўрқиб кетган ва бироз толмовсираб, хонадан чиқиб, қочиб қолган. Саша бироз кутиб, эшик тирқишидан залда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, дорихонадан чиққан... Аҳмоқ ҳеч нарсага тегма деб тайинлаган бўлсам-да, мархумнинг телефони кўтариб чиқибди. Мен телефоннинг ичак-чавоғини чиқариб, анҳорга ташлаб юбордим.

– Саша наркаман бўлса, қандай қилиб, икки кишини ими-жимида пичоқлаб ташлаган? – сўради терговчи, – ёки унга бирортаси ёрамлашдими?

– Саша ёшлигида каратэ билан шуғулланган... одамга яқин келиб, жон жойини нишонга олишга утаси фаранг.

Тез орада изкуварлар Александрни тутиб келишди. У бошида бироз ўжарлик қилиб, кўрсатма беришдан бош тортиб турган бўлса-да, Зоир билан юзлаштиришдан сўнг бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб берди,

айбини тўла бўйнига олди. Шу куннинг ўзида терговчилар кўплаб тергов ҳаракатларини амалга оширгач, ҳар учала гумондорга айб эълон қилиб, қамоққа олишди. Жиноят ишининг Шарифхўжага тегишли қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб, шаҳар прокуратурасига юборилди. Жиноят ишининг Самиғга оид қисми тугатилиб, у қамоқдан бўшатилди.

Тун ярмидан оққанда уйига қайган Санжарбек елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзини руҳан енгил ва тетик ҳис қилди. Муздай куз ҳавоси димоғига урилиб, қалбининг шўх пардаларини чертгандай, юрагини завқу шавққа тўлдиргандай бўлди. Кейинги икки ой ичида у илк бора қилаётган ишидан қониқиш, касбидан ғурурланиш туйғусини туйганди. Бу қувонч, бу фахрнинг асл сабаби кимнингдир жинояти фош этилиб, қамалгани эмас, балки бир бегуноҳ инсоннинг айбсиз экани исботланиб, қамоқдан озод қилингани, адолат тантанаси билан боғлиқ эди...

Тошкент шаҳри, 2020 йил июль-октябрь

ТАМОМ!

Адабий-бадий нашр

КОМИЛ СИНДАРОВ

ДОРИХОНАДАГИ ҚОТИЛЛИК

Детектив қисса

Муҳаррир

Зебинисо ҲАЙИТОВА

Бадий муҳаррир

Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи

Дилдора ЖҲРАБЕКОВА

Техник муҳаррир

Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 20.11.2020 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табағи 9,0. Шартли босма табағи 15,12.

Гарнитура «Virtec Peterburg Uz». Офсет қоғоз.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 166.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурोजаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru




КОМИЛ СИНДАРОВ

Демак, қотил шу атрофнинг одами. Йигитлар шу пайтга қадар унинг яқинлари орасидан бунақа ишни қилишга қодир шахсни аниқлай олганларича йўқ. Шарифхўжа ҳам анойи эмас, бунақа шахс билан телефонда бемалол гаплашмаган, одамларнинг кўз олдида учрашмаган бўлиши керак. Сўзлашувлар, учрашувлар ўта махфий кечгани аниқ. Балки у тўғри сўзлаб тургандир, унинг қотилликка алоқаси йўқдир! Уф-ф-ф! Унда нима бўлади? Қотилни қаердан излаймиз? Тагин ҳаммасини бошқатдан бошлаймизми? Бизда текширилмаган қайси йўналиш қолди? Дорифурушнинг мижозларими?..



ЯНГИ АСР АВЛОДИ



www.book.uz

ISBN 978-9943-20-780-6



9 789943 207806